



ЁДГОРЛИК

Ҳусайн Шамс



Хусайн Шамс

ДУШМАН



Р о м а н

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1984

Ўз2
Ш 22

Сўнгсўз муаллифи филология фанлари кандидати

Абдугафур Расулов

Шамс, Ҳусайн.

Душман: Роман.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.— 168 б.— (Ёдгорлик).

Ҳусайн Шамс (1908—1943) нинг «Душман» романи қаҳрамонлари Жўрабой, Турди, Норбузилар колхозга суқулиб кириб олган ёт унсурлар билан кескин олишувга кирадилар.

Адолат учун бўлган кураш, янги даврнинг, озод ҳаётнинг ёрқин манваралари ёзувчи истеъдоди биле ушбу асарда бугун ҳам жангдор ва таъсирчандир.

Шамс, Ҳусайн. Враг: Роман.

Ўз2

Ш 4762570200—115 Рез. — 84
М352 (64) — 84



Еппасига колхозлаштиришда жонбозлик
кўрсатган батракларга бағишлайман.

Автор

Б и р и н ч и б о б

Қ И Ш Д А

Кенг даланинг этагида паст-баланд уйлар, бостир-малар, қинғир-қийшиқ деворлар ва эгри-бугри кўчалар қинқайиб ётардилар. Бу том ва деворлар узоқдан гўё бирон ҳафсаласиз одам «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида қилиб, омонатгина қўнқайтириб қўй-гандек кўринарди.

Уч кундан бери тўхтовсиз ёққан лайлак қор бу паст-баланд томларни гўё текислаб қўйган эди, дов-дархтлар қор оғирлигини кўтара олмай, худди мажнун-толлардай эгилиб турардилар. Куз пайтида камҳафсалалик қилиб, юлинмай қолган ғўзапоялар ҳам қор остидан, гўё қорга бўйин эрмағандай, кеккайиб,

кекирдак чўзганлар... Бебеш изгирип бу кенг даштда елиб-югуради, учраган нарсага ўзини уриб кўради, ҳамма ёқ оппоқ қор ва унинг жимир-жимир ўйини билан тўлган... Қор тингану, аммо қуёш булутлар ичидан чиқолмай гаранг. У, қават-қават булутлар орқасидан аҳён-аҳёнда кўриниб қўяр ва зиёсининг таъсири ҳам ниҳоятда кучсиз эди. Шунга қарамасдан, унинг қор юзида жимирлаб ўйнаши кўзни қамаштиради.

Кун чошгоҳ бўлишига қарамасдан, кўча ва дала жимжит... Онда-сонда шошилиб, совуқ уриб кетадигандай, бурканган ҳолда «лип» этиб у эшикдан чиқиб, «лип» этиб бу эшикка кириб кетувчи ёш-яланг, хотинхалаждан бошқа жонли нарса кўринмасди. Бу — қишлоқнинг киравериши... Шу кўча билан икки-уч юз одим юрилгач, қишлоқ гузарига етилади. Гузарнинг икки тарафини чойхона, кичкина бостирмага жойлашган кооператив ва узун чўзилиб кетган ичин-тошин данғиллама иморат ўраб олган. Бу данғиллама иморатнинг ичкари томони катта сарой бўлиб, унинг отхонаси, сомонхонаси ва узун кетган айвони бор. Уйлари эса, катта-катта, кўркам гуллар солиб ишланган. Бу иморатнинг ёнида яна бир тулука томли иморат, олди кўчага қаратилиб солинган айвонли болохона бўлиб, шундан кейин маҳалланинг гастак уйлари бошланади. Мана шу ерда икки кўчага дуч келасиз. Кўчаларнинг кенг ва катталиги унинг серқатновлигини билдириб турарди.

«Илдам» колхозни бунёдга келгач, гузардаги эски кўкнорихона шаклидаги чойхона бузилиб, янги қизил чойхона ташкил қилинган, бостирмадаги кичкинагина кооператив, номига бўлса ҳам очилиб туради. Кооперативда, қишлоқ халқининг нолишича, «хеч вақо йўқ», совун, атир, ула, майка, шапка, лавр япроғи, қаҳва, ипак пайпоқ каби нарсалар чанг босиб ётарди. Болохона пажарасига «Қатортол жамоа идораси» деб катта-катта, эгри-бугри ҳарфлар билан ёзиб қўйилган вивеска қор босган ҳолича қийшайиб турарди. Жамоа идораси айвонида юрган бир-икки киши, ҳожатлари тезда чиқмагани учун бўлса керак, асабийланар ва болохонадан кўчага зўр бериб нос тупурардилар. Айвоннинг бир четига саржин тахланган... Идоранинг кичкина, кўк бўёқли деразаларига сугурта суратлари ёпиштирилган, айвон деворларида ҳам ярми йиртилиб, ёскириб кетган суратлар кўринади... Катта йўлнинг бир чеккасидаги анҳорда эса, бир тегирмон қор ара-

лаш сув варанглаб оқиб ётибди... Чойхонадан шароқ-шароқ кулғи кўтарилар, унинг мўрисида бурқиб чиқаётган тутун ел ғазабига учраб кўкка совурилмоқда... Қулоқ-бурунларигача жун шарф билан ўраб, мўлтайиб ўтирган кооперативчи совуқ қаттиқлигидан кичкина дўкончаси ичида баъзан депсиниб-депсиниб қўяди, қўлларини бир-бирига ишқалаб драп пальтосининг енгига тиқади... Кўчада одам кам, қишлоқ гўё мудраб нафас оларди.

Болохонанинг кўча томондаги зинапоясида хотин киши кўринди. Бўрмабел пахталик чопон кийиб, бошини жун рўмол билан ўраб олган ўрта бўйли бу хотин шошиб болохонадан тушиб келарди. Унинг қўлтиғида эски, четлари йиртилиб, титилган папка бор, қўлларини енги ичига тиқиб олган ҳолда тез-тез тушдида, рўпарадаги кўча ичига кириб «ғарч-ғурч» қор босиб кетди...

Норбуви деб аталувчи бу хотин — қишлоқнинг фаоласи, кўп йиллардан бери жамоат ишида ишлайди, қишлоқнинг «икир-чикирлари», яхши-ёмони, тўғри-ўғриси, ёш-қариси — ҳаммаси унга беш панжасидай маълум.

Унинг юзида одатдан ташқари бир изтироб бор; баъзан унинг тишлари ғижирлаб, енг ичидаги қўллари ҳаракатга келар ва ғазаби қайнаб кетганидан қўллари гўё енгига ҳам сиғмай бошларди, кўзлари эса бесаранжом, агар бирон киши шу тобда ундан бирон гап сўраса, аччиғининг зўридан энсаси қотиб жавоб ҳам бермас эди. У ўйлаб ўйига етолмайди... Лекин у ўзида, хаёлини ўраб олган бу ғавгодан устун келадиган қандайдир бир куч борлигини сезар, шунинг учун бу манҳус, ифлос нарсани бартараф этиш йўлини ахтарар, унга кучи бор қадар зўр, оташин сўзлар айтиб хумордан чиқмоқчи ва шу билан юрагини бўшатмоқчи, бир неча кундан бери уни азоблаган бу мушкул масаладан қутулмоқчи бўларди.

Норбуви — батрачком раисаси эди. Қишлоқ батраклари ва хотин-қизлар унинг олдига торгинмасдан киришар, нимаки гаплари бўлса, ҳаммасини ҳам иймаңмасдан гапириб, маслаҳатлар олишарди. Уларнинг талаблари қанча кўп бўлса, Норбуви ҳам шунча серҳаракат бўлар ва ғайратига ғайрат қўшиларди.

Норбуви хаёлга шу қадар берилган ва шу қадар қаттиқ ғазабланган эдики, ниҳоят очиқ гапириб юборди: — «Падарингга лаънатлар!»

Чўчиб атрофига қаради ва яна жим бўлди. Ғазабдан ҳалқумига келиб тиқилган тупугини зўрга-зўрға ютди-да, яна қадамга қамчи босди. У кумушдай ялтираб ётган оппоқ қор устига янгигина тушган сўқмоқ йўлдан гоҳо четга чиқиб, маҳси соғисига қадар қор кечиб борар эди. Беш юз қадамдан ортиқ юрди, аммо хаёлида беш одим юрганчалик ҳам бўлмади. Совуқ таъсиридан юзлари қизиб, ширмон кулчадай қизариб кетган эди. Нураб қолган паст деворли дарвозага етиб боргач, ўзини босиш учун чуқур бир нафас олди-да, бирданига: «хушёр бўл!» таъкиди эшитган киши сингари хушёр тортиб, ичкари кирди.

Орадан кўп вақт ўтмай, ичкарида шовқин-сурон кўтарилди ва бу овоз кўчага ҳам эшитила бошлади...

Гузар томондан келаётган тўрт-беш киши бу шовқин-суронни эшитиб, тўхташди ва улар худди шу суронни қидириб келаётгандай тез ичкарига кириб кетишди...

ДУШМАН ЮРАГИ УРТАЙДИ

Сатин бойваччанинг не-не умидлар билан нақшбанд ва панжарагулчин қилиб солдирган баланд, тунука томли данғиллама ҳовлисининг ташқариси буқун «Илдам» колхозининг идорасига ва савод чиқариш мактабига айлантирилган, ичкарисига эса, ўзида эди.

Сатин бойвачча дастлаб: «Энди ташқари қўлдан кетди, албатта, батрақлар уни хароб қиладилар» деб ўйлаган бўлса, энди унинг аслидан кўра кўркам, озода тутилаётганини кўриб, жиғибийрони чиқар, ичидан куйиб-ёниб кетарди. У, ҳар кириб чиққанида бир эт-бир эт тушар, димоғидан қор ёғар ва аламига чидолмасдан пўнғиллаб ўтарди. Айниқса, икки табақали катта дарвозасининг сап-сариқ олтиндай тахта-сига кимдир, оқ бўр билан эгри-бугри қилиб бўлса ҳам «Илдам колхозини. Идора. Мактаб» деб ёзиб қўйгани бойваччанинг гашига яна ҳам қаттиқроқ тегарди:

— Бу иморатларни наҳотки шу умидлар билан қурдирган бўлсам, товба... товба... Бу албатта муаллиманинг иши!— деб ғижинади, ўзини қўйгани жой тсполмайди, унинг кўз олдидан аллақандай лавҳалар саф тортиб кечадилар. «Ахир, бир замонлар далалардан келтирилган шоли, қовун, буғдой, жўхори, пахта-лар арава-арава бўлиб шу уйларга туширилмасмиди? Атрофдаги деҳқонларнинг пахтаси алдаб, қўрқитиб олдиниб, шу уйга йиғилар, ундан кейин арава-арава

қилиб заводчиларга топширилмасмиди? Муҳиддин мингбошидан тортиб, қишлоқ қозиларигача ҳафталаб шу ерда айш-ишрат балчиғига бстиб ётмасмидилар? Энди эса... Во ажаб?»

Сатин бойвачча шуларни ўйлар экан, кўп вақт кўзлари тиниб, боши айланишини сезарди-да, ортиқ куйиб-ёнмаслик учун ё ичкарига кириб ётиб оларди, ёки ҳовлидан узоқроқ ерларга улоқиб кетарди...

Шундай. Сатин бойвачча қўлидан кетаётган омад, давлат, обрў, мол-мулк, уй-жойларга худди ўзи тер тўкиб топгандай куяр, бу — камбағал, бева-бечораларнинг кўз ёшлари, бахтсизликлари эвазига, меҳнаткашларнинг меҳнатлари эвазига келганини, уларнинг кучлари билан топилганлигини, ер-сув, мол-мулк халқнинг ўзиники эканлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Сатин бойваччанинг умидига чек қўйган колхозчилар икки йилдан бери унинг ташқарисини банд қиладилар. Дастлаб Сатин бойвачча уни бермаслик учун қаршилиқ кўрсатишга анча уриниб кўрди, лекин Ҳамид домланинг:

— Қўяверинг, бойвачча, булар билан ҳозир баравар келиб бўлмайди, иншоолло, тез кунда боягидай икки қўллаб ўзингизга қайтариб берадилар, — деган сўзидан кейин сабр қилишга қарор қилган...

Қиш кунлари колхозчилар бу ерга йиғилишиб, тонг отар ўйин-кулги қилишар, савод чиқариш машғулотлари ўтар, баҳор келиши билан бўлса, колхоз ишларининг ғовур-ғувури, даладаги қизғин меҳнат жараёнининг акси садолари бошланарди, колхоз аъзоларига буғдой улашиш, кўсак чувиш, пахта ташиш — ҳаммаси шу ташқарида бўларди... Баъзан жамоа шўроси ҳам ялли мажлисларини шу ерда ўтказарди.

ЧИГИЛ СУҲБАТ

Уқиш бошланганига беш-олти кун бўлиб қолди. Муаллима Бойматова тиним билмайди, кундузи хотинқиз ва болаларни, кечаси саводсиз эркакларни ўқитади. Колхоз идорасидан эса одам узилмайди. Гузар олисроқ бўлганиданми, ёки бу ер чойхонадан кўра иссиқ ва гавжумроқ бўлганиданми, ҳар ҳолда колхознинг кўпчилик аъзолари шу ерда ҳангамалашиб ўтиришади. Уч-тўрт бўйдоқлар бўлса, шу ерни «макон» қилиб олишган, шу ерда ётиб, шу ерда туришади. Идора ишларида ҳали тартиб у қадар яхши ўрнатилмага-

нидан стол-стуллар ҳам ўз жойидамас. Битта қинғир стол билан бир оёғи синиқ оддий курси бурчакка тираб қўйилган. Унинг устидаги қоғоз, сиёҳдонлар кўпдан бери одам қўли кўрмаган, чанг босиб ётадилар. Деворда Ленин, Калинин суратлари... Бир вақтлар турли ранглар билан бўялган уйнинг шифтлари оташдонда ёқилган ўт тутунидан хираланган.

Бу уйга биринчи мартаба кирган киши, айниқса ўт ёқилган кезларда тутун зўридан кўз очолмайди, дами қайтиб тездан ташқарига чиқиб кетгиси келади. Аммо ўрганган кишилар очиқ ҳавода юргандай пинак бузмай ўтира берадилар.

Атрофи ганчланган оташдонга бир неча кун бурун солинган катта тўнгак ярми чўғ бўлгани ҳолда тутаб ётибди.

Оташдон ёнида икки киши чала тўнкани ёндириш билан овора. Улар энкайиб пуфлаб, этаклари билан елпир, хуллас, бири олиб-бири қўярди. Буларнинг бири — Қўшоқ отли йигирма беш-ўттиз ёшлар орасидаги узун бўй, дўнгпешона, қирра бурун йигит бўлиб, кўзлари ҳамма вақт жавдираб ўйнаб турарди. У сергайрат, куйди-пишди, қизиққон, сержаҳл йигитлардан эди. Иккинчиси эса худди Қўшоққа ўчакишгандай юмюмалоқ, паст бўй, бурни пачоқроқ, кўзлари қисик, юзлари чўтир, кўринишда оғир ва сусткашроқ, феъл-хўйи камдан-кам одамга ёқадиган ўрта яшар чамасидаги Жобирвой номли йигит эди. Буларнинг ҳар иккалови ҳам шу колхозда талай вақтдан бери ишлаб келишади.

Тутаб ётган чала тўнгак ёнига қор тагида ётиб намиқиб қолган шох-шаббалар тиқиштириб, пуфлашдан боши оғриган ва кўз ёшлари дувиллаб тўкилаётган Жобир, ниҳоят, бошини кўтарди:

— Ҳа, энди қизиб кетди,— деди ва кўзларини алак тўнининг этагига артаркан, уй шифтига қаради. Уй ичида худди тумандай қуюқ, кўк тутун сузиб юрарди.

— Уҳў,— деди яна Жобир бошини пастга олиб,— тозаям тутунга кўмилиб кетибмиз-ку!

Қизарган кўзларини зўрға очиб ўтирган Қўшоқ ҳам шифтга қараб олиб, аччиқланган товуш билан деди:

— Ҳей, падарига лаънат, шу ҳам тирикчилик бўлдими! Сомонхона томидаги гўзапоядан бир боғ олиб тушсанг-ку, бирпасда гувиллаб кетади-я... Турсанг-чи, мунча шалпаясан!

Жобир «хўп» дейиш ўрнига илжайди:

— Шу топда томга чиқишни айтмайсанми, гапингни қара-я...

— Улиб қоласанми, ёмон сусткашсан-да! — Қўшоқ шартта ўрнидан турди-да, зарда билан дўқиллаб чиқиб кетди. Том бошида ялтираб турган қор Қўшоқнинг кўзларини қамаштирди. У ёқ-бу ёққа қараб шоти топа олмагач, отхонага кирди. Касир-кусур беда чайнаб турган отлар Қўшоққа парвосизгина қараб қўйишди. Қўшоқ от тагига тўкилган бедаларни бир қучоқ қилиб супуриб олиб келди. Тутаб турган тўнғак устига ташлади-да, узала тушиб пуфдай бошлади. Намиқиб қолган бедалар гулханни яна ўчириб қўйди. Жобир хахолаб кулиб юборди. Қўшоқ бу кулгидан аччиқланган бўлса ҳам, лекин, ўзининг муваффақиятсизлигидан уялиб бўлса керак, Жобирга қўшилиб ўзи ҳам кулиб юборди. Жобир эса, оғзини йиғиб ололмай гапирарди:

— Шу миям билан колхозда ишлаб юрибман, дегин! Ҳа... сени испалком қилиш керак... ҳе-ҳе-ҳе...

— Испалком бўлмасам отбоғар бўларман... сен келтира олмаган ўтинни келтирганимни айтмайсанми?!

— Шунақа писилдсқ ўтин келтиргандан келтирмаган яхшимасми!..

— Э, шерикмисан, ҳаммолмиксан? Пуфласанг-чи!..

Жобир ҳамон куларди. Қўшоқнинг бу сўздан кейин чўкка тушиб этаги билан елпишга тутинди.

— Қоч, каллангни кўтар, бўлмаса бурнинг қозниқ бўлиб қоқилиб қолади. Ҳа-ҳа-ҳа, ҳе-ҳе!..

Бу сўз билан Жобир Қўшоқни «чандиган» эди. Лекин Қўшоқ ҳам ҳақини қўймади:

— Сен «тўнғак»лар мунчалик пўкак бўлмаганларингда бунақанги сасимасдиларинг.

— Бурнингми, лайлакнинг тумшугими?

— Гавдангми, сасига тўнками?!

Ҳар иккалови ҳам бир-бирини бир шингилдан чандишиб олишди. Оташдондаги нумқур хашак ўтинлар қизишиб, гуриллаб ёна бошлаши билан тутун ҳам аста-секин тарқала бошлади. Йигитлар энди хотиржам чордана қуриб ўтиришди.

Қўшоқ боядан бери бир чеккада кулга буланиб ётган човгунни аланга томон суриб қўйди. Ҳадемай «ашула бошлаган» човгун Жобирни ҳаракатга солди, унинг эсига нонушта тушиб, қўйнидан иккита суви

қочган нонни олди-да, оташдон четига териб қўйди. Белбоғи қатидан қандак жийда билан аралаш бир ҳовуч аштак олиб, эскирган кигиз устига ташлади ва имо билан Қўшоқни таклиф қилди. Оғизларига биттадан қандак жийда солгач, суҳбат яна қизиб кетди.

Гап колхозчиларнинг ҳаёт-мамотига келиб тўхтади. Энди ҳар иккаловининг ҳам юзига жиддият югурди.

— Қўшоқ дейман, бу йил ғўзапояримизнинг қор тагида қолиши ёмон бўлди-а? Кўп аъзолар ўтин-чўпсиз қийналаётганга ўхшайдилар!

Жобирнинг бу гапи Қўшоққа ўтин-чўпсиз қолганларга ачиниб эмас, балки уларни масхара қилаётгандай туюлди, ғаш келиб, бир ижирғаниб олди, унинг кўзларида таажжуб учқунлари ўйнаб ўтсалар-да, лекин «нега?» деб савол ҳам бермади, хўмрайган тарзда ерга қараб дўнғиллаб қўйди:

— Бошлиқларимизнинг шарофати... Мана, қанча аъзоларимиз ўтин-чўпсиз қолди, биздан ҳам дангасалик ўтди. Камида беш юз боғ ғўзапоя қор тагида қолиб кетди. Ундан ҳам кўра жамоа¹ ишнинг белига тепди. Агарда унинг қайси кунги «маймун ўйини» бўлмаганда, балки ғўзапоялар йиғилиб олинармиди.

Қўшоқнинг сўнгги сўзи билан Жобир юзига жиддият олди. У бирдан ўзгариб кетди ва муҳим бир нарсани ечиш ҳаракатида бўлган кишидай қаддини букиброқ Қўшоққа тикилди:

— Биласанми, Қўшоқ, ҳалиги айтган «маймун ўйини» асли жамоа раиси Каримовнинг иши эмас. Норбуви билан Жўра батракнинг тузган режаси! Аммо лекин билмаган кишилар бу ишни Каримовдан деб гумон қиладилар. Менга барибир, мен Каримовнинг холаваччаси ё боласи эмасман, лекин нафсиламрини гапириш керак... Каримовнинг келганига икки ойдан салгина ошди, мен унча таниш ҳам эмасман, бироқ унинг жамоа ишида кўрсатган жонбозлиги менга жуда ёқди. Узинг ҳам биласан, қачон қарасанг, катта-кичikka барабар, ҳамиша камбағаллар фойдасини кўзлайди...

— Каримовнинг яхши-ёмонлиги тўғрисида гапиришга ҳали эрта, ўртоқ, лекин колхоз тузилганидан бери колхозчилар орасида ҳеч вақт бундай хунук гап

¹ Жамоа раиси демоқчи. Кўп ерда раиснинг шахсий исм-фамилияси эмас, ёлғиз мансаби, у ҳам қисқартирилган ҳолда «жамоа» деб юргизилиши учрайди.

юрмаган эди. «Пахта плани тўлмай қолса, колхозчилар қамалар эмиш!..» Бу қандай гап? Бу Жўра батракдан чиқадиغان гап эмас, бу гап дўст кишининг ҳам гапи эмас... Биз ахир дод дедик, фарёд дедик, золимларни ҳайдадик, босмачилар ўқиға кўкрак тутдик, яшасин камбағаллар ҳукумати, дедик. Совет дедик! Ахир мана шуларнинг ҳаммасини нима учун, ким учун қилдик?.. Вой, ўша... ҳеч тўғри келмаган гап... Ҳеч ишонмайман!.. Бу, албатта, битта-яримта ифвогарнинг гапи!.. Ишонмайман!

— Каримовни ким деб ўйлайсан, бўлмасам?

— Айтдим-ку, ҳали у тўғрида бир нарса дейиш қийин, деб. Лекин жуда муғамбир, мўлтони одамга ўхшатаман. Келин келди-ю, ҳали сепини ёйгани йўқ, сепини ёйганда кўрамиз. Икки ойда одамнинг ичида нима борлигини билиб бўлмайди.

— Бизнинг шунимиз ёмонки, дарров бировнинг орқасидан янамиз... Каримов келмасдан илгари аҳволимиз қандай эди-ю, ҳозир қандай бўлди? Йигирма бештага етар-етмас аъзо эдик. Мана ҳозир қирқтага яқинлашиб қолдик. Жамоа ишлари ҳам анча йириклашиб кетди. Кооператив яхшиланди. Қанча камбағалга, якка хўжаликка ёрдам қилди... Ахир битта одам шунчалик ишлайди-да, кўрувдик илгариги ҳеч нарсанинг уддасидан чиқа олмаган амалдорларингни ҳам.

Қўшоқнинг жони чиқиб кетди, лаблари оқаришгандай бўлди, асаб томирлари қаттиқ ура бошлади, роса энсаси қотди...

— Мен нима деяпман? Ўзингдан-ўзинг Каримовни мақтайсан. Бор, ана, сен айтгандай Каримов яхши бўлсин, мунча менга ваъзхонлик қиласан. Астаффирулло! Яхши эмиш!.. — деди ва тескари бурилиб дўнғиллаб қўйди: — яхшилигидан колхозчилар ишдан безиб кетяптилар-да! Ўшанинг бир оғиз гапи билан мана колхозчилар ўтинсиз қолди... Агар шундай «яхшилиги» ни кўрсатиб турса... ҳим...

Жобир аччиқланмади, «паст тушиб» кулиб қўя қолди.

Орада бир озгина жимлик ҳукм сурди. Жобир юзидаги кулгини йўқотмай:

— Кел-э, арзимаган нарсага бош оғритиб бизга нима, биз пахтасини экиб, ҳосилини топширсак бўлди-да... Ғўзапояси билан нима ишимиз бор-а! Мана эндиги йилга яна пахта, яна мўл ҳосил берамиз, буғдойми, саноат молими, берадиганини берар,— деди шақиллаб

қайнаб тоша бошлаган қумғонга бир сиқим «вайзон» чой солиб, пиёла билан қайтарар экан. У бу гапларни, гўё ҳеч нарса­нинг фарқи­га борма­йдиган одам­дек бе­пар­во гап­рар­ди. Исиб буғи чиқа бошлаган нонни оташдон четидан олиб, тўрт бурда қилиб белбоғ устига қўйди-да, Қўшоқни таклиф қилди.

Қўшоқ ўрнидан туриб, ток­ча­да­ги, кеча кеч­қу­рун­ги ов­қат­дан қол­ган нон билан, мағизни олиб келиб, ўз ўрнига ўтирди... Жобир унга чой узатганида ҳам Қўшоқ­нинг юзи­да­ги ажин­лар ёзил­ма­ган эди... У, ўз фикри­да ҳақ­ли экани­ни ис­бот қила ол­май қийна­лар ва Жобир­нинг га­лати гап­ла­ри­га ич­и­чи­дан ҳай­рон бў­лар­ди, ўй­лаб ўй­га етол­мас­ди.

ЖАНИШ

Идора даҳ­ли­зи­да оёқ то­ву­ши э­ши­тил­ди. Қўшоқ­нинг хаёли қочиб даҳ­ли­з­га қа­ра­ди... Унинг кўзи­га беш­ол­ти ки­ши жў­рин­ди. Улар оёқ­ла­ри­да­ги қор­ла­ри­ни қоқ­ар­ди­лар. Из­ғи­рин­нинг зўр­ли­ги­дан бўл­са ке­рак, баъ­зи­ла­ри­нинг қу­лоқ­бу­рун­ла­ри қизар­ган, лаб­ла­ри кў­ка­рган, со­вуқ­дан дил­ди­ра­шар­ди. Шунинг учун ич­ка­ри ки­риш­ла­ри билан­оқ, ўз­ла­ри­ни ўт­га ур­ди­лар. Қўшоқ билан Жобир бир нар­са­га ҳай­рон бў­лиш­ди, у ҳам бўл­са, кол­хоз вужуд­га кел­га­ни­дан бе­ри деяр­ли ҳеч вақт бу то­мон­лар­га йў­ла­ма­йдиган Жа­ниш бат­рак­нинг пай­до бў­ли­ши эди. Жа­ниш — жу­да эски, узун қора чак­мон­га ўран­ган, ўрта бўй­ли, кў­ри­ни­ши­дан 25 ёш­лар ча­ма­си­да­ги қо­ра­ча йигит. Қўшоқ Жа­ниш ки­ри­ши билан очи­либ кет­ди. Улар бир қиш­лоқ­да ўсиб, кат­та бўл­ган, қалин дўст, очиқ да­ла­лар­да — по­да­лар ораси­да ух­ла­шиб, сой­лар су­ви­да сузиш­ган, ури­шиб­те­пи­шиб ўс­ган ўр­тоқ эди­лар... Ле­кин Қўшоқ кол­хоз­га кир­ган­дан кейин кам уч­ра­ша­ди­ган бў­либ қо­лиш­ган эди. Бу­нинг са­ба­би: бирин­чи­дан Қўшоқ­нинг иши кў­пай­иб ке­тиб, қўли тег­май қол­ган бўл­са, иккин­чи­дан Қўшоқ­нинг кол­хоз­га кир­деб қил­ган так­ли­фи­га Жа­ниш­нинг «хўп» де­ма­га­ни эди. Ҳозир Жа­ниш­нинг бу ер­га ке­ли­ши Қўшоқ­қа худ­ди «яра­шиш»­га, яна дўст­лик и­пи­ни улаш­га кел­ган­дай туюл­ди. Хурсанд бўл­га­ни­дан Қўшоқ ўр­ни­дан ту­риб кет­ди, бо­риб қучоқ­ла­моқ­чи эди-ю, ле­кин сўзи­га кир­май ха­фа қил­гани эси­га ту­шиб, кў­зи­ни ер­га ол­ди ва қай­тиб ўтир­ди-да, уни ёни­га так­ли­ф қил­ди:

— Ўтир. Бор­ми­сан, қан­дай ша­мол учир­ди? — де­ди оғир.

Қўшоқнинг бу киноясига Жаниш селкиллаб кулди ва қўлини ўтга тутиб жавоб қилди:

— Мана энди, сенга ўлгимни сртгани келдим... Ахири, сенинг айтганинг бўлди.

— Эй... сизларнинг ҳеч нарсадан хабарларинг йўқ,— деб янги хабар топган кишидай Марайим қўлини «қилич» қилиб гапира кетди,— янги аъзо олиб келдик... янги аъзо, қулоғидан тортиб келмасак ҳам келмас экан.

Бошқалар совқотган лабларини зўр билан чўзиб иржайган бўлдилар.

Жобир таажжублангандай сўради:

— Хайр, хўш, қаёқда эдинглар?

Марайим Жобирнинг сўзини эшитмадими ёки жавоб бергиси келмадими, қўлларини гулханга чўзиб, бағрини ўтга тутди. Марайимнинг ўрнига Содиқ жавоб берди:

— Биз қизил чойхонада эдик, муаллимамиз Бойматова кириб қолди, қўлида чойнак, қайноқ сувга кирган экан. Марайим тушмагур «дик» этиб турди-да, қизил бурчакдан тўрт журнал, бешта эски газета билан «Муштум» китобини олиб келиб, муаллимага тутқизди, қўярда-қўймай «тез ўқиб берасиз!» деб туриб олди. Муаллима ҳам кўп «таранг» қилмай бир қатордан «Муштум»ни ўқиб берди, бўлди кулги, бўлди кулги... Ундан чиқиб секин шу томонга келаётган эдик, худди Сотволди оқсоқолнинг эшигига етганимизда шовқин-сурон эшитилиб қолди. Овоз Сотволди оқсоқол билан Нор опанинг овози эди... Ҳайрон бўлиб ҳовлисига кирдик. Худди айтганимиздек бўлиб чиқди, Ёср опа билан Сотволди оқсоқол ҳовли юзида ҳадеб шовқин соляпти. Жаниш бўлса отхонада худди ясаб қўйган суратдай қотиб турибди.

— Нима экан, нима жанжал экан?— Астойдил сўради Жобир кўзлари ўйнаб.

— Шошмай тур, мунча кўзингни ўйнатасан,— деди Марайим. Кулги кўтарилди.

— Ҳаммамиз. биламизки,— деб давсм этди Содиқ.— Жаниш тўрт-беш йилдан бери ўшанинг эшигида ҳўкиздай ишлаб келарди, шундайми? Шарт бўйича бу йил у Жанишга ўн пуд шоли, саккиз пуд буғдой, бир қатор уст-бош қилиб бериши керак экан. Шуларни бериш ўрнига 2 пуд буғдой билан 5 пуд шоли бериб қутулмоқчи бўлибди, Жаниш бўлса тугал берасан деб қаттиқ туриб олибди, «алай-балай» деган экан, Жаниш

тўғри Нор опага бориб айтибди. Шунга ақли етганига ҳайронман,— деб кулиб қўйди Жанишга қараб гап орасида ва яна давом этди: — Нор опа бўлса ҳаммамизга аёнки, бунақа масалада ҳеч кимдан тап тортмайди. Нор опа Жанишнинг ўша нарсаларини ундириш учун келиб оқсоқолни сиқиштираётган экан... Хотин боши билан Сотволди оқсоқолдек шайтон одамдан баланд келади-я. Ахири қўймади, эртага берадиган қилиб чиқиб кетди.

— Агар эртага Жанишни рози қилмасанг, худди устингдан қоғоз ёзиб шаҳарга жўнатаман, деб пўписа ҳам қилиб қўйди,— деди Толиб.— Сотволди оқсоқолнинг ҳам анча ҳоври пасайиб қолибди. Агар илгариги замонда Нор опамдай бир хотин унга шунақа дўқ қилсин-чи эди.

— Ўша замониёқ, бошини қассоб қанорасида кўрарди,— деди Марайим.

— Бек вақтида қанчасини осдириб юборди-ку! — Қўшоқ ўйчан товуш билан қўшиб қўйди:

— Агар замон яна шулар қўлига ўтса борми, Нор опа у ёқда турсин, менинг ҳам, ҳаммамизнинг ҳам гўштимизни бир бурдадан қилади,— деди кулиб Жобир.

— Бу Жанишни айтаман-а,— деди Содиқ,— ислоҳотдан ер берганда-ку, «эка олмайман!» деб ер олмади, колхозга ҳам кирмади... Мунча «ўша»ларнинг пинжига суқулавермасанг?!

— Жанишга мендан кўп жавраган одам йўқдир,— деди Қўшоқ Жанишдан хафа бўлганини бировга ҳикоя қилаётган кишидай ва давом этди: — Жаниш тўғридан ҳам гўл эди. Ислоҳотда унга ер берганларида анов Турди домла бунга тоза дам солди, пулсурот билан жаҳаннамни рўпара қилавериб юрагини олиб қўйди. Шу билан Сотволди оқсоқолнинг кўп ери сақланиб қолди, ҳа, Жаниш, бунга сен сабаб бўлдинг. Хўш, фалонча таноб ер сеники, деди. Кейин нима бўлди? Ўша сенга «инъом» қилинган ерга эга бўлолдингми? Йўқ! Ҳали ҳам ўша-ўша бой хўжанинг таёгисан-ку! Ёки бирон нарсаси юқдими? Қачонгача алданиш керак?! Охири борми, ўзи?!

Жаниш гуноҳкордай ерга қараб ўтирарди.

— Ўзининг ҳам бурни қопти, холос, энди ақли кирганга ўхшайди,— деди Толиб Жанишга қараб.

Жаниш маъюс, чўғдан кўзини олмай, деди:

— Адашдим, ноинсоф одамларнинг сўзига кир-

дим... Нима қилсаларинг ўзларинг биласанлар, мана, остоналарингга бош уриб келдим.

— Ўзларинг биласанлар, демагину, колхозга аъзо бўламан, энди кўзим очилиб ҳақимни танидим, дегин... ҳа... — Марайимнинг бу гапи Жанишга далда бергандай бўлди, у тетикланди:

— Тўғри! Энди кўзим очилди...

— Ҳа, бўшти! Муаллимага битта аризани дарров қотиртириб битдирасану, Жўра ишбоғиغا келтириб берасан. Эртага мажлис бор, сенинг аризангни ҳам кўриб юборамиз. Дарров бўл, тентак! — деди кулиб Толиб.

Жобир нима учундир, руҳан қийналган кишидай маҳси соғисини ишқалай бошлади.

Толиб ўтин топиб келай деб ташқарига чиқди... Қўшоқ эса хурсандлигидан чуқур нафас олди-да, Жанишнинг елкасига уриб қўйди:

— Шундай қилиб, аъзо бўламан дегин... оббо сан-эй!

И к к и н ч и б о б

ЖўРА ИШБОШИ

Жўра батрак район шўро раиси кабинетидан хурсанд бўлиб чиқди. Қўлидаги қандайдир қоғозни яна бир марта кўздан кечирди-да, қўйнига солди. Кўча унча совуқ бўлмай, қуёшнинг майин нурлари баъзи ерларда қорларни эрита бошлаган ва арава йўллари биячиллаб қолган эди.

Жўра белбоғига қистирилган қозоқи қамчини қўлига олди-да, идора рўпарасидаги тутга боғланган тўриқ отини еча бошлади. Идора эшиги олдида извош, от ва кимнидир пойлаб ўтирган бир-икки киши ҳам кўринадди. Жўра отга минаркан, қулоқларини совуқдан сақлаш учун бойлаган қора лас қийиқчасини тўғрилаб олди. Қамчини тишлагани ҳолда отга минди.

Новча, қотмагина, «шокоса» кўз, юзлари оқ-сарикдан келган, сурп яктак устидан иккита алак чопон кийиб, биттагина кўк сатин белбоғ боғлаб олган, бошига тус дўппи, оёғига ағдарма этик кийиб олган бу йигит — «Илдам» колхозининг раиси — Жўра ишбоши эди (уни қишлоқда шундай деб аташарди). Унинг калта-

гина мўйлови, қоп-қора қоши ўзига ярашиб тушган. Яктак ва чопонининг очиқ ёқасидан кўриниб турган кенг кўкраги совуқ таъсирида қизарган эди. Кўкрагидан ўтиб турган сариқ тасма унинг ё тўппонча, ёки бўлмасам яна бошқа бир нарса тақиб юрганини кўрсатарди. Кўк сатин белбоғига бойланган оқ суяк сопли пичоқ ва кокилларига мунчоқ тақилган қилаңдони отнинг йўргасида тебраниб боради.

Кўча одатдагича гавжум, лекин Жўра бу қайноқ ҳаётни кўрмагандай кўчанинг бир четидан от йўргасига маҳлиё бўлиб, ўзича нималарнидир ўйлаб борарди. Ҳозир у пахта союзига бориши керак, Район шўро раиси Жалоловнинг буйруғи билан пахта союзининг бошлиғи билан гаплашиб, баҳор экин маъракаси олдидан қишлоққа, албатта, битта раҳбар тайинланиш масаласини ҳал қилиши лозим. Жўрага қолса, раҳбарни бугуноқ ўзи билан бирга бошлаб чиқиб кетса, дала ишларига ҳали вақт эрта бўлса ҳам, Жалолов айтганидек, секин-аста ёппа колхозлаштириш масаласига унаш керак. Бундан Жўра ўзида йўқ хурсанд эди: қишлоқнинг ҳаммаси колхоз бўлса, деҳқонлар ери, от-улови билан кирса, колхоздан кулганлар, колхозга ёзилган йигитларни масхара қилганлар қандай ҳолга тушар эканлар? Далага ҳамма бирдан чиқиб, трактор-машиналарни ишга солиб, бир отанинг боласидай ишласалар-а? Бўладиган гаъми ё Жалолов билар-билмас гапирди қўйдимикин? У қизталоқ ери кўпларнинг ерини олармиканмиз, ерини-ку олармиз-а, борди-ю, колхозга ҳеч ким кирмаса нима бўлади? Шунча ерни қандай қилиб эплаймиз? Ерлар бўш қолса... Йўт-э! Ундай бўлмас. Ҳа, айтгандай, жамоага янги тайинланган Каримов кўп ақлли йигитга ўхшаб кўринади, гапидан маъниликка ўхшайди, ёлғиз қўймас, ахир у ҳам ҳукуматнинг қўйган кишиси, албатта йўл-йўриқни мендан кўпроқ билади... Отангга раҳмат, ёппа колхоз!

Жўра чуқур нафас олиб, ўзини жуда енгил ҳис қилди, дили равшан тортиб кетди, умрида биринчи марта бахтга эришган кишидай ўзини хурсанд сездди. Жўра бундай хурсандлик дақиқаларини бундан бир неча йил илгари ҳам кечирганини эслади: қишлоқни бир йилдан ортиқ тўс-тўполон қилиб, батрақлар қонидан сой сувларини қизартган, ўз маслагига кўнмагани учун Жўра, Қўшоқ каби йигитларни хонавайрон қилган, қамчисидан қон томган, чет эл империалистларининг малайи бўлган босмачи Бекнинг большевиклар

томонидан ушланган куни Жўра шундай хурсанд бўлган эди.

Уни қўлга туширишда шаҳардан келган қизил аскарларга, айниқса Жўра актив ёрдам берган эди. Жўра йигитлардан ўн икки кишини йиғиб, қизил аскарлар томонидан берилган милтиқ билан Бек қўрғонини босган. Шунда энг аввал қўрғонга Жўра кириб борган, Бекнинг отахони — Назар жаллоднинг худди ўнг кўзини мўлжаллаб ўқ узган ва калласининг ярмисини учириб юборган эди. Жўра ўшанда яна бир ҳордиқдан чиқди. Чунки Жўра шу Бекнинг сассиқ қамоқхонасида бир ярим ой банди бўлиб ётганида ўша Назар жаллод ҳар кун икки маҳал Жўрани қамчилатар, оёқ тагларини тилдириб, туз тиқиб кайфланар эди.

Босмачилар Жўрани тутолмай юрган вақтларида ўтиргани жой тополмасдилар, уни душманлари орасида энг ёмони деб билишар ва шунинг учун ундан ўгдан қўрққандек қўрқардилар.

Жўра ҳақиқатан ҳам улар учун ўт эди. У ўз атрофига камбағал, садоқатли йигитлардан йиғиб, қишлоқ халқини, уларнинг мол-мулкни босмачилардан ҳимоя қилар, босмачиларга хайрихоҳ бўлган, сотилиб кетганларни кўз тагига олиб юрар, халқ ичида босмачиларга қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борарди. Унинг бу кичкина отряди, гарчанд беқурол бўлса ҳам тетик ва бақувват эди. Чунки унинг шаҳар билан, партия билан, қизил армия билан алоқаси бор эди. У қишлоққа номаълум бўлган, шаҳардан чиқиб турадиган Усмон деган бир йигит билан алоқа қилиб турарди. У ўзининг чаласавсд бўлишига қарамасдан, бекларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисида маълумот ёзиб шу йигитга бериб, юбориб турарди. Батраklarни ҳам Жўра ана шу йигитнинг маслаҳати ва берган йўл-йўриғи билан тўплади, иш катталашиб кетди, Толиб деган батрак йигитнинг ҳужрасини махфий мажлихонага айлантирдилар. Бешта милтиқ билан иккита тўппонча ҳам топилди, бироқ ўн-ўн беш киши ва бешта милтиқ билан олтинчи-етмиш йигитга эга бўлган Бекни енгиб бўлмасди. Шунинг учун улар ишни бошқача бошладилар: аввал босмачиларнинг қўйнига қўл солдилар, уларнинг орасидан зўрланиб йигит қилинган Тошлон билан Сангини милтиғи билан қочириб олишга муваффақ бўлдилар. Қишлоққа солган солиқлардан халқни икки марта қутқариб қолдилар. Солиқ йиғувчи йигитларни тутиб, милтиқларини тортиб олди-

лар. Мана шундан кейин Бек уларнинг пайига яна ҳам қаттиқроқ тушиб қолди, гумон билан кўп хонадонни қийнади. Ниҳоят, бир кун кечаси Жўра, Сангин ва Тошлонлар қўлга тушдилар. Қолган йигитларни топ-ша олмади. Сангин шу кунгёқ гузарда отилди. Уч-тўрт кун ўтгач, Тошлон қулоқ-бурни кесилиб, чала ўлик қилиниб ташланди. Икки кун қийналиб ётиб, у ҳам ўлди. Жўрани ибратли қилиб ўлдириш учун Назар жаллодга топширилган эди, Назар жаллод эса, уни ҳалигидай, ҳар кун ҳар хил қийноқларга соларди. Жўранинг кўзлари чўкиб, қовурғалари саналиб қолди, ҳар кун қамчи, ҳар кун азоб...

Лекин Жўранинг ўртоқлари тинч ётишмади. Усмоннинг ҳар келишида Жўрани озод қилиш тўғрисида маслаҳат қилишар, ёрдам сўрашар, Усмон эса, «чорбозорчи»лар қиёфасида уларга эски жун хуржунда ўқ-дори келтирар, тадбирли маслаҳатлар берарди.

Жўранинг ўртоқлари ўн икки киши бўлишиб, тонг вақти Бек қароргоҳига ҳужум қилдилар. Йўлга қўйилган қоровулларнинг милтиқларини тортиб олиб, ўзларини чакалак ичига боғлаб ташладилар. Усмоннинг бериб кетган бомбаси Қўшоқда эди, у пойлаб туриб қўрғон ўртасига ташлади. Қўрғон тўс-тўполон бўлди, ҳар ким ҳар ёққа югурар, уйқули кўзи билан жонини ҳовучлаб, дуч келган томонга ўзини урарди. Толиб билан Қўшоқ тезлик билан Жўрани қидириб топдилар ва у ётган ҳужрани милтиқ қўндоғи билан тешиб, ярим ўлик Жўранинг жасадини кўтариб қочдилар. Йигитлар Жўрани қишлоқдан бир ярим чақирим узоқликдаги қабристон гўрковининг уйига олиб бориб яширдилар. Жўра бир ой деганда сал-пал ўзига келди, яна бир неча кундан кейин оёққа турди, ғайратига чидолмади, касал ҳолига қарамай яна иш бошлаб юборди. У тўғри шаҳарга тушиб куч сўради. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Бек қўлга тушди. Мана шундан кейин Жўрани бу атрофдаги қишлоқ камбағаллари, Батрак йигитлари яна ҳам ҳурмат-иззат қиладиган бўлиб қолдилар. Лекин душман ҳали тўла мажақланиб ташланмаган эди. Қишлоқнинг эски корчалонлари Жўрани тиш гижирлатиб эслайдилар.

Ер ислоҳотида ҳам Жўра бўш келмади. Батракларни йиғиб шаҳардан чиққан комиссия атрофига уюштирди. Сатин бойвачча, Турди домла, Сотволди оқ-сқол ва шаҳарлик бойларнинг ерларини тўла кўрсатиб беришга ташвиқ қилди, хиралик қилган ер эгаларининг «мис»ини чиқарди.

Ислоҳот қарор топганидан кейин, Жўра қишлоқдаги камбағаллар ва батракларнинг бошини бир ерга уюштиришга ҳаракат қилди. Бироқ бу мақсадига тўлиқ етиша олмади, фақат беш-ўн кишигина қўшилди. Шундай бўлса ҳам Жўра тушкунликка тушмади, уларни йиғиб артель тузди. Ҳукуматдан иккита олдилар. Уруғликни ҳам ширкатдан қарз олдилар ва иш бошланиб кетди. Шундай қилиб, бу артелга ёзилганлар қишлоқ халқи ўртасида ҳукумат одами — «батраklar» номини олди.

Хўжайинсиз ишлаб биринчи йилиёқ катта ҳосилга эга бўлган бу батракларни кўрган камбағал деҳқонлардан яна уч киши ери, от-араваси, ҳўкизлари билан келиб қўшилди. Артель шундай қилиб кенгайиб борди ва учинчи йилга бориб колхозга айланди. Ҳукумат иккита трактор ҳам берди. Қишлоқда, шу вақтгача масжид имоми ва сўфисининг фойдасига, камбағаллар кучи билан эктириб келинган ўн танобдан ошиқ вақф ернинг бир қисми ҳам колхозга олинди. Кундан-кунга колхознинг эътибори ошмоқда эди. Колхозни жадал ва иддамлик билан ўсиб бораётгани учун бўлса керак, «Илдам» деб атадилар.

Жўра батрак мана шу «Илдам» колхозининг раиси қилиб сайланган ва унинг ишчан, ғайратмандлигини севган халқ ҳам энди «батрак» эмас, «Ишбоши», яъни «Жўра ишбоши» деб атайдиган бўлиб қолган эди.

Жўранинг қадрдон тўриқ оти пахта союзи эшигини кўразериб ўрганиб қолгани учун эгаси юган тортмасиданоқ тўхтади.

Пахта союзининг раиси уни яхши билади, худди яқин ўртоғи сингари қарши олди ва улар узоқ вақт ҳазил-мутойиба гаплар айтиб суҳбатлашиб ўтирдилар. Жўра қишлоқ аҳволларини ҳикоя қилиб берди. Шундан кейин колхозлаштириш маъракасига оид масалаларни муҳокама қилишди. Пахта союзининг раиси тез кунда район партия қўмитасидан Жўралар қишлоғига бир раҳбар чиқишини билдирди ва колхозлаштириш маъракасида ёрдам беради, деди. Бу йил буғдой бўнаклари ҳам кўпроқ беркелажагини айтди. Жўра ўзида йўқ хурсанд бўлиб қишлоққа йўл олди. Унинг руҳи тетик, гўё олдидаги бутун қийинчиликларни енгишга ўзида тенгсиз бир куч топгандай, кўкрагини кериб енгил нафас олди, кўзига кўринган ҳар бир нарса унинг бу ҳолатини сезаётгандай ўзини аллақандай тутиб гурур билан борарди.

ҲАЗИЛМИ, ТАҲҚИР?

Жўра қишлоққа етганда қуёш ботиб, кечанинг су-
кунатли қора тўрлари дала устини қоплаган эди. У
кўнглидаги қувончларини колхоз аъзоларига айтиб,
уларни хурсанд қилиш учун ўз уйига кирмай тўғри
колхоз идорасига кетди.

Идора эшиги очилиши билан ичкарида кўсак чу-
виб ўтирган кишилар Жўрани кўриб енгил қимирлаб
олишди. Жўранинг кўзлари бирданига, колхозчилар
орасида ўтирган Жаниш билан Каримовга тушди.
«Ҳорма-бор бўл»дан кейин Жўра қамчисини токчага
ташлади-да, ўтга келиб исинди.

Ташқарида қурилган катта қозонда овқат қайна-
моқда. Баъзилар нон-чой ҳаракатида, қирқма қовун-
лар токчага терилиб қўйилибди. Лекин ўйин-кулги
йўқ, ҳамма иш билан банд, жамоа раиси Каримов худ-
ди қоровулдай қоқилиб ўтирибди. Унинг қон томиб
турган қип-қизил юзлари, қалин қошлари остидан
олайиб турган укки кўзлари аланга яллиғида товланиб
турарди. Устидаги мовут пальто, оёғидаги амирқон
этик ҳам ярқираб, унинг салобатини янада оширарди.
Каримов, иссиқлагандан бўлса керак, пальтосини ечиб
елкасига ташлаб олган, қомсомол формаси устидан
тақиб олган тўппончаси ўнг ёнида дўмпайиб туради.
Кўкрагидаги МОПР ва бешқа значоклари ўт шуъласи-
да ярқирайди. Жўра келгач, унинг вазияти бир оз ўз-
гаргандай, бундан ўн минутлар чамаси илгариги қиё-
фати, колхозчилар билан гаплашганидаги сғирлиги
бирдан йўқолгандек бўлди. Барра мўйловини тузатиб,
пахмоқ қошларини кўтарди-да, Жўрага қаради ва бе-
озор товуш билан унга мурожаат қилди:

— Ишбоши дейман, шаҳарда жуда узоқиб қолдин-
гиз, қани, ўтиринг, нима гаплар бор?

— Гап кўп, хўжайин,— деди Жўра тузатиниб ўти-
раркан ва уй ичида бўлган йигирма чоғли одамларни
«бегонаси йўқми» хаёли билан яна бир сузиб чиққан
кўзи Жанишда тўхталиб қолди. Каримовга жавоб бе-
риш ўрнига:

— Хўш, Жанишвой, қаёқдан шамол учирди?—
деди.

Жаниш сдати бўйича уялиб илжайди. Дарров Қў-
шоқ жавоб берди:

— Ишбоши, Жанишвойингиз колхозга кираман

дейди. Сотволди оқсоқол билан ҳисоб-китобини тугатиб кепти.

— Шундай бўлдими, ҳа, энди ақл кирипти.

Жўранинг кўнгли тинчигандай бўлди. Кимдир — биров Жўрага чой узатди. Каримов Жаниш билан Қўшоқнинг юзига негадир бу гал узоқроқ тикилгач, унинг кўзлари пойгада ўтирган Жобир кўзига тўқнашиб олди. Жўра гапини давом эттирди:

— Хўжайин, ер ислоҳоти чоғида «ер ишлаганники!» деган гаплар жуда овоза бўлиб кетган эди. Уша гаплар ислоҳотда тўлиқ амалга ошмаган бўлса ҳам мана энди чинакам амалда кўрилаётир. Мени қувонтирган нарса — ёппасига колхоз бўлиш!

Бошқалар Жўранинг оғзидан чиқаётган гапларни эшитиш билан унга тикилиб қолган эдилар.

— Қишлоғимизда биттаям муштумзўр қолмаса, қандай яхши бўларди-а?!— Жўра колхоз аъзоларига тикилиб қарагач, яна давом этди:— Аммо йигитлар, ҳушёр бўлиш керак. Бу кичкина гап эмас! Бу — жуда катта тадбир! Ота-боболаримиз замонасидан бери оёқ-ости бўлиб келган ҳақимизни топдик, энди ҳукуматимиз ерларимизни ҳам ўз қўлимизга олиб бермоқчи. Ҳалиги «кичкина гапмас» деганим мана шу. Муштумзўрлар тинч ўлмайдилар, билиб қўйинг. Бу — ё ўлим, ё ҳаёт кураши бўлади. Агар заррача тутуруқсизлик қилар эканмиз, албатта онтариламиз. Шунинг учун оёқни дадил босиш керак. Партия, ҳукумат ҳамма вақт бизнинг томонимизда!

Ўтирганлар астойдил тинглар, чурқ этган товуш чиқмасди, гулхан четидаги човгуннинг «пишиллаш»идан бошқа ҳеч қандай овоз йўқ, Жўранинг гапига ҳеч ким халақит қилмасди. Каримов гулханга қараганича жимиб ўтирарди.

Лекин Қўшоқнинг сабри чидамади, унинг овози сукунатни титиб юборди:

— Ҳақ жойида қарор топади. Ўз қўл кучлари билан пешона терлатиб ишлай олмас эканлар, ерни бўша-тиб қўйсинлар... Номига «деҳқон» бўлиб ўзлари растанни обод қиладиган, батрак, чоракор кучи билан яшай-турган шаҳар савдогарлари, иннайкейин, қишлоғимизда қонимизни зулукдай сўраётган «акамлар» энди умримизга эгов бўлмасинлар!..

— Шундай деймизу,— деди Марайим салмоқлаб,— аммо бу сув илонга ўхшаган муштумзўрларни йўқотиш жуда қийин гап!

— Биз йўқотиш тўғрисида гапирётганимиз йўқ, уларнинг ерларини олиб, колхоз бўлиш тўғрисида гапиряпмиз,— деди Толиб. Унга қарши Марайим қизишиброқ жавоб берди:

— Гапнинг тагини билиясанми ўзинг,— деди ва ўз сўзининг жўяли-ножўялилигини билиш учун Каримов билан Жўрага қараб олгач, яна давом этди,— муштум-зўрнинг битта чимчалоғига тегиш — уларни ўлдиришдан ёмонроқ бўлади, сен билан бизнинг чопонимиз эски бўлса ҳам назаримиз тўқ, аммо лекин улар ҳаминиша ёғ ичида яшасалар ҳам ўлгундай очкўз бўладилар. Икки пул устида тўққиз марта думалоқ ошишга тайёр махлуқлар, ана шунинг учун айтаманки, уларнинг жон бериши қийинроқ бўлади.

— Албатта осон эмас,— деди Жўра,— бу гапларнинг рўёбга чиқиши жуда кўп терлашни талаб қилади. Уларнинг ҳам тинч ётмаслигини биламиз, лекин уларнинг тинч ётмаганлари яна биз учун фойда. Эндиги кураш ҳазилакам бўлмайди.

Ҳамма даққир-даққир Каримовга қараб, унинг оғзидан сўз чиқишини пойлар, лекин Каримов ўтдан ой кўргандай, унга тикилиб олиб, нималарнидир ўйларди, бу сўзларни эшитдими-йўқми — билиб бўлмас, бу гаплар гўё унинг учун дахлсиздай кўринарди.

— Уларни ҳозир ҳам зимдан ишламайди дейсизми? Биз Бек билан олишиб юрган вақтларимизда, улар Бекнинг ўнг қўли бўлиб давр сурдилар. Артель бўлиб, ерга кетмон урган кунимиздан бошлаб бизга яна кўпроқ чуқур қазиш йўлига тушдилар. Сотволди оқсоқол, Сатин бойвачча, Абдулхолиқ бойлар, агар пайтини топсалар, гўштимизни хомтадаш қиямоқчилар. Ер ислоҳотида ерларни яшириб келганлари етмасдан, колхозга кирмоқчи бўлган камбағалларни йўлдан урадилар... хотин-қизларнинг ўқиши, колхозга киришига дарров «кигиз китоб»дан «ҳаром» деган ривоят тўқийдилар, ҳукуматга пахта қераклигини билиб, пахтадан ҳаммани бездиришга йўл излайдилар, «пахта экиб, кунжара ейсанларми? Ош десанг — ош, нон десанг — нон дегундай шоли эксанг, қорнинг оғрийдими, кучингни бекорга сотиб нима қилардинг, барибир ҳукумат қадрингни билармиди», деган гапларини ўзим ҳам эшитганман,— деди Қўшоқ пиёлани Марайимга узатаркан, яна давом қилди: — жуда соз бўлибди — ёппа колхоз масаласи кўзғалибди. Қизиғарларнинг кўзини очиш керак, батракларнинг ҳам одам эканлигини билиб қўй-

синлар! Улар эшигида курмакдан нон еб, қадди букилган батракларнинг орқасига сфтоб тегиб, косасининг оқариши, албатта уларни севинтирмайди-да!

— Агар ишбоши айтгандай ёппа колхоз бўлиб батрак, камбағаллар бир отанинг боласидай ишласак борми, қишлоқда, бир парча ҳам ер ортмайди биздан,— деди Аҳроп батрак.

Мажлис аҳлида қандайдир сирли руҳланиш пайдо бўлгандай эди. Айниқса, Қўшоқ билан Содиқ ёш болалардай севинишиб кўярдилар. Аммо булардан руҳий ҳолати билан Жобир айрилиб турса ҳам, лекин у билинтирмасликка тиришарди. Каримов бошини кўтариб илжайди, Жўранинг елкасига енгил қоқиб, деди:

— Шундай денг! Колхозлашамизми?.. Тўғри, колхозлаштириш керак, лекин шошиш ярамайди. Бу тўғрида менда ҳам бир қанча дастурлар бор, у дастурларни ўқимай, ўрганмай туриб овоза қилиш ярамайди. Бу тўғрида ҳали кўп ўйлашимиз керак, «бу сувдаи ҳалво ясаш» эмас, лекин ҳар қанақасига ҳам биз уларни енгамиз,— Каримов гап орасида ўзига тикилиб турган кўзларни секингина таъқиб этиб чиқди, ҳеч ким сўзга аралашмади. Каримов олдида ўзларини билимсиз сезган одамлар «яна ножўя гапириб қўймай» деб жим тинглашарди. Каримов ўз сўзига хотима тариқасида:

— Шундай, ўртоқлар, биз яшаймиз, замон бизники, ҳар нарса қилсак ҳаддимиз сиғади. Ишқилиб ишни сусайтирмайлик,— деди.

Жўра негадир ўнғайсизланиб олди, Каримовга қандайдир жавоб бериш учун оғзини жуфтласа-да, ҳозир ўринсиз деб ўйлади. Лекин тинч ҳам ўтира олмади:

— Ҳукумат битта ўзимизга ташлаб қўймас, биз колхозлашамиз десак, албатта ёрдам беради, бериб келяпти, яна нима бўлса кўраверамиз-да!

— Тўғри, кўраверамиз деб қолиш ҳам ярамайди,— деб кулди Каримов ва иккинчи маротаба Жўранинг елкасига қўл узатиб, «оббо ишбоши-эй!»— деб қўйди. Жўра Каримов олдида ўзини бир хил сезгандай ўнғайсизланди. Лекин асаб томирлари билинар-билимас қўзғалиб, қизариб кетди. Чунки Каримовнинг ҳозирги иржайиши, дона-дона қилиб гапираётган гаплари Жўрага истеҳзодек туюлди ва бу билан у Жўранинг шохини қайираётгандай бўлди.

Каримовнинг кулгисига қўшилган Аҳрор Марайимга қараб имлади:

— Бизнинг ишбошиям чакана эмас-а!

— Яқинда комиссар бўлиб, ишбошидан айрилиб қолмасак дейман,— деди кулиб Марайим, бошқалар ҳам гуриллаб олишди. Шу билан суҳбат майда-чуйда гапларга кўчди. Кейин шоир йигит Содиқнинг аскияси, сўнгра ашула бошланди...

Аммө, барибир, Жўра кўнгли ғашлигича қолди, дабдурустан хаёлига шу гап келди:

— Бу нима, ҳазилми, таҳқир?

Учинчи боб

НОРБУВИ

Норбувининг жамоат ишига аралашганига беш йилдан ошди. Ундан илгари ўчоқбоши эгаси — уй бекаси бўлиб, эрининг чизган чизиғидан чиқмас, ёз кунлари эри Абдулланинг чоракорлик меҳнатига бўлашиб, қиш кунлари ғўза чувиш, ип йигириш, пилла қайнатиб, қазна қилиш каби ишлар билан шуғулланар эди. У бўйи-басти чўзилиб турмуш қурди-ю, бошига бахтсизлик ёғилди: эрдан толесиз эмас эди у. Йўқ, аксинча, унинг бахтини қора қилган нарса ўзининг чиройи: тўла ва самбитдек тўғри қадди-қомати, тўлин ойдек юм-юмалоқ ва оқ-қизил юзлари, зулукдек қоп-қора қийғоч қошлари билан узун-узун киприклари орасида ўйнаб турувчи шахло кўзлари бўлди. Эрга тегмасида ҳам бутун қишлоқ ўчакишгандай уни гапирар, Норбуви деган гапни эшитганда йигитлар оғзининг таноби қочар, бир кўришга муштоқ бўлардилар. Тўй бўлди-ю, бу гап негадир тиниш ўрнига кўпайиб кетди, оғзига кучи етмаганлар «эссиз Норбуви, ҳайф Абдуллага» деб вайсарди. Тўғри, Абдулла камбағал, Носир махсум деган мулланамо муштумзўрнинг қароли бўлиб, кейин чоракор бўлиб қолган эди. Унинг тўғрилиги, ювошлиги Норбувининг онасига ёқиб қолиб, ўз қизини «арзонгаров»га тўй қилиб берди. Бироқ икки ёш узоқ яшай олмади.

Камбағалларнинг тўйи босмачиларнинг ғашига тегди: босмачилар Норбувининг пайига тушди, ниҳоят, Норбуви ўғирланди. Бу даҳшат Абдуллани қаттиқ лар-

зага солди: лекин қанча курашмасин, изламасин, Абдуллажон севгилисини қайтара олмади, тополмади. Норбуви ёш бўлса ҳам анча тадбирли, довюрак қиз эди. У бу фалокат олдида ўзини йўқотмади, Бек қўлига бориб тушганида ҳам бўш келмади, босмачилар қизил аскарларнинг ҳужумидан саросимага тушиб қолганларида, у дарров бундан фойдаланиб қочди, тоғтош, чўл-биёбонлар уни ўз қанотлари остига яширдилар, ниҳоят ғолиб Қизил Армия уни топиб омон-эсон ҳаётга қайтарди. Лекин, афсуски, Норбуви азиз дўстини — Абдуллажонни ҳаёт топмади. Абдуллажон босмачилар билан курашда ҳалок бўлган эди. Ислоҳот чоғида шаҳардан комиссиялар орасида чиққан хотин Норбувини кўрди-ю, унга меҳри тушди, дарди-ҳасратини тинглади, оналарча маслаҳатлар берди, Норбувининг ўз тили билан айтганда, бу Маруся опа дардига дармон, ярасига малҳам бўлди, унинг гаплари кўнглини равшан, ҳаётини гулшан қилди. Шундан кейин Норбуви Маруся опаларга ёрдамлашди, хотин-қизлар орасида ислоҳотга зид бўлган игволарга қарши курашди. Айниқса, ислоҳот душманларининг ҳам тиши, ҳам тирноғи бўлган Файзи дастурхончиларнинг оғзига уриб, кўпчилик олдида шармандасини чиқариши дўстни хурсанд, душманни бебурд қилди. Шунинг учун ҳам Норбуви ислоҳотдан кейин душманлар орасида «Нор сатанг», дўстлар орасида «Норбуви» номини олди. Қишлоқ хотин-қизларининг баъзилари Файзихон дастурхончилар сўзига кириб, Норбувидан юз ўгирдилар, баъзан яккаланиб қолган вақтлари ҳам бўлди. Лекин Норбуви чекинмади, кўнгли чўкмади, курашни давом эттирди. Маруся опанинг гаплари эсига тушар экан, катта йиғинларда ҳам, мажлисларда ҳам дадил гапирарди. Бундай вақтларда унинг дўстлари яна кўпаяр, душманлари яккаланиб қолар эди.

Бир кун қишлоққа шаҳардан одамлар келиб мажлис қилдилар. Мажлис қишлоқдан шаҳар шўросига икки кишини вакил қилиб сайлаши ва бу сайланувчининг бири эр, иккинчиси хотин-қизлардан бўлиши керак эди. Баъзилар хотин-қизлар вакили қилиб Файзи дастурхончини тавсия қилдилар, баъзилар эса, Норбувини. Тортишув узоққа бормади, дастурхончи тарафдорлари камчил эди, Норбуви билан Жўра батрак сайланди. Шу-шу бўлди-ю, Норбувининг мартабаси ошиб, ҳар бир маърака унинг маслаҳатисиз бўлмайдиган бўлиб қолди. Файзи дастурхончилар Норбувини онтариш

учун ҳар қанча уринсалар ҳам уддасидан чиқолмадилар, халқ Норбувининг маслаҳатидан чиқмади.

Норбуви ҳали ёш, энди йигирма бешга қадам қўйган, ҳусни гарчи илгаригидай бўлмаса ҳам, лекин ҳали ҳам қишлоқнинг энг олди қизлари билан тенглашса тенглашгудек эди. Шундай кўркам, доно, тадбирли хотиннинг умри эрсиз ўтиб кетаётганига баъзилар ачинса, баъзилар таажжубда эди. Ким билади, Норбуви балки Абдуллажонни унутолмаётгандир... Ёки бўлмасам, бу қишлоқда ўзига лойиқ бирон киши топа олмаётгандир, топган бўлса ҳам шарм-ҳаё йўл бермаётган бўлса ажаб эмас. Бўлмаса, йигитдан кўпи борми! Тўғри, баъзи бир йигитлар Норбувига одам қўйишди. Бироқ Норбуви уларнинг ҳаммасига ҳам бир хил — икки оғиз сўз билан жавоб қайтарарди:

— Бошим боғлиқ.

Бундан кейин ҳар қандай гап ҳам ортиқча эди.

Бундан уч йил илгари қўшни қишлоқ ячейкасига ариза бериб партияга кирди. Бу улуг ва кўп миллатли ажойиб сила унинг дунёқарашини, тушунчаларини ўзгартиб юборди, уни янги ҳаёт йўлига, истиқболи порлоқ кенг йўлга олиб чиқди. У энди қишлоқдагинамас, шаҳарда ҳам танилиб қолди, шаҳар шўро мажлислари усиз ўтмасди. Кўп вақт у бу мажлисларга Жўра батрак билан бирга бориб келарди. Мажлисдан қайтаркан, Норбуви мияси яна бир янги нарса билан тўлар, яна аллақандай ширин умидлар кўндаланг бўларди. У қишлоққа мактаб очдириб, маориф шуъбасидан Бойматовани бошлаб чиққанидан кейин бағрини яна ҳам бутунроқ сездди, Бойматова билан бўлган доимий суҳбатлар унинг фикрларини яна очиб юборди. Бойматовадан савод ўргана бошлади.

Бундан беш ой илгари Норбувининг батрачком рансалигига сайланиши қишлоқ халқи орасида унинг обрўсини яна ҳам оширди, у ўзининг зиммасига яна ҳам масъул вазифалар юкланганини ҳис қилди, кечаси ҳам, кундузи ҳам тинмай ишлай бошлади. У ҳар бир кишида, ҳар бир бурчакда, ҳар бир ерда камчилик кўрар, уни тузатишга уринар, билмаганини билганлардан сўрашни номус санамасди. У шундай куйди-пишди эдики, ундан бошқалар ҳам тортинмас, маслаҳат сўрайверарди.

У жуда эрта туриб идорага борар, иши бўлса-бўлмаса столда қоғоз титиб ўтирар, бир оздан кейин эса «қишлоқда аҳвол нима кечди» дегандек бир бошдан

айланиб чиқарди. У қишлоқнинг ҳамма томонини: икир-чикиригача билар, ҳар бир одамнинг юрагини пайқарди. У ҳатто кечалари ҳам чироғ ёқиб, идорада нималар биландир обора бўлиб ўтирарди. Унинг бу одатини баъзилар «амалпарастлик» деса, баъзилар «жонкуярлик» дейишарди.

Каримов келгандан бери Норбувидаги бу «бесаранжомлик» негадир бўшашгандай кўринади... Узини Каримовдай билимдон киши олдида кучсиз сезганиданми, ёки бошқа бир сири бсрми, ҳар ҳолда анча шашти қайтиб қолгандай...

Каримовни биринчи кўрганидаёқ, Норбуви ўзини ёмон сезган эди. У Каримовнинг саволларига жавоб беришда бирдан ўзининг ожизлигини сезди, негадир тугилиб қолди, тўғрироғи, юраги ўйнаб кетди. Шу-шу бўлди-ю, Каримов идорага келганида ўйлаб турган ишини ҳам унутиб қўядиган бўлиб қолди.

Бу ҳолни Норбуви Бойматовага сўзлаганида, у кулди:

— Жигардан тегишти-да! — деди ҳазиллашиб.

Норбуви уялганнамо Бойматовани туртиб қўйди:

— Ҳа, кўтарсин... ярашмаган гап!

Лекин Бойматованинг бу сўзи Норбувига калаванинг учини тоқиб бергандай бўлди, кўнглидан қандайдир бир сирли «жизиллаш» ўтиб кетди...

Орадан бир ярим-икки ой вақт ўтса ҳам, Норбуви дардига даво топа олмади. Каримовни кўрганда, унинг билан гаплашгандагина бир сз ўзига келгандай енгил тортгандай ҳис қилади. Бора-бора ёлғиз кешларида унинг суратини, сўзлашгандаги ҳаракатларини кўз олдига келтирадиган касалга учради. Лекин бунини Бойматовадан ўзга ҳеч ким сезмасди.

ИШ УСТИДА

Турди Норбувининг ҳар кун ҳаммадан илгари келишини яхши билади. Шунинг учун у тонг ёришар-ёришмас ўрнидан туради-да, идора печкасини қалаб, столларни артиб тозалайди, кейин яна даҳлиздаги омонат ясалиб қинқайтирилиб қўйилган чорпоёга чиқади-да, пўстинига бурканиб ухлаб кетади. Шундан кейин кун ёйилиб кетганда туради ва идора буйруқларини бажаришга тушади. У, дарҳақиқат, гўл, ярим соқов, ярим кар. Шунинг учун ким нима деса ишонаверади, эшитса-эшитмаса бировнинг кулгисига аралашади. Ҳеч

бекор ўтиргиси келмайди, қиш бўлишига қарамай идора ҳовлиси қордан ҳоли, отхона топ-тоза, идора ичи ҳам, у ердаги осилган, ёпиштирилган суратлар ҳам ҳаминча бегард.

Бу ўттиз беш ёшлар чамасидаги бўлалари йигит асли шу қишлоқлик бўлиб, болалигиданоқ етим қолган, ҳар кимнинг эшигида туртиниб-суртиниб ўсган... унинг гўллигидан фойдаланиб, Сатин бойвачча каби судхўрлар хўп алдаб ишлатадилар. Мана энди бир йилдирки, жамса идорасида қоровуллик қилади. Қишлоқнинг катта-кичиги у билан гаплашишни яхши кўради, тўймаърака ва улфатчиликларда уни гапга солиб, кўнгила очадилар. Чунки у қишлоқ корчалонлари ва боёнларининг юриш-туришларини, қилиқларини жуда дўндириб тақлид қилади... У шундай беозор, содда дилки, ҳатто, хотин-қизлар ҳам ундан ийманмайдилар. Ҳамма унга иш буюради. У шундай «рисқи»ни топиб ёб юради... Ҳозирги хизматига кирганидан кейин эса, Турдида илгариги бачканаликлар тийилди, бировларни тақлид қилиш ўрнига, энди жиддий гаплашадиган, бировларнинг сўзини тинглаганда эса, бир қўлини қулоғи орқасига тутиб турадиган бўлиб қолди.

Норбуви одатдагича эрта келди. Печкадаги ўт гувиллаб ёнар, печкани қизартириб юборган эди. У эндигина кўзи уйқуга кетган Турдини уйғотиб, печка устига човгун қўйишни буюрди.

Идора деворидаги Ленин, Калинин ва Охунбобоев портретлари деразадан тушиб турган ёруғда товланар эди. Норбуви идорага кириши билан шу товланиб турган портретга кўзи тушди, бу портретларни у худди энди кўраётгандай қизиқиш билан қараб чиқди, уларга ҳурмат билан тикилди. Шу кишиларнинг раҳбарлиги остида ишлаётгани ва уларнинг қимматли сўзларини эслади-да, худди ўз вазифасини яхши бажара олмаётгандай қизарди... Дераза ёнига келиб, ундан кўриниб турган қишлоқ манзарасига, шох-шаббаларини қор босиб тик оёқда мудраётган бўйдор теракларга, пастак-пастак томларга ва қинғир-қийшиқ кўчаларга тикилди: фикрини бир жойга тўплади-да, стулга бориб ўтирди... У стол ғаладонидан бир неча қоғоз олиб ўқий бошлади. Ҳалима билан эрининг қўйди-чиқди жанжали, батрак, чоракорларнинг ўз хўжайинлари билан қилган шартномалари, яна бир кўп буқланган қоғозлар унинг кўзидан ўтди, қоғозлар орасидан Ўганиш билан Сотволди оқсоқолнинг шартномаси чиқ-

ди-ю, эсига Жаниш масаласи тушди.— Ишни судга ошириш керак. Сотволдининг кўзини очиб қўйиш керак,— деди хаёлида... кейин букун қилиши лозим бўлган ишларни ўйлаб чиқди.

Иш бирин-кетин қайнаб чиқар, ҳаммаси биридан-бири қийин кўринар, лекин шунга қарамасдан у бу ишларни адолатли ҳал этиш йўлларини дадил ахтарарди. Бу ахтариш вақтларида баъзан юраги сиқилиб ўрнидан туриб кетар ва яна дераза ёнига бориб узоқларга тикиларди.

Тонг изғиринини ҳувиб ҳавони илитган қуёш ёғдулари дераза оша Каримов столига тушиб турарди. Норбувининг кўзлари яна ҳалиги манзарага тушди: қинғир-қийшиқ уйларнинг томлари, қулоч отган оппоқ дала, унинг орқасида туя ўркачи сингари паст-баланд қирлар, унинг кетида хира, туманли бўлиб, хаёл ипини тортувчи Арслонбоп тоғларининг баланд чўққилари...

Норбуви бу манзаранинг томошаси учун кўзларини ҳар томонга югуртди, миясида қандайдир эркинлик сезд... Қиш бўлишига қарамай, унинг кўнглида баҳор ғунчалари барг ёзгандай бўлди, даҳлизда эшитилган оёқ товушига ҳам парво қилмади, «Турди гўлдир» дея ўз хаёлида давом этди. Эшик очилиб, қадам яқинлашгач, майин йўталишни эшитди-ю, чўчиб тушди ва дарров орқасига ўтирилди.

Бу Каримов эди. У, Норбувига ортиқ қарамай тўғри стулига бориб ўтирди ва стол ғаладонини очарқай, кўзини қутидан олмасдан:

— Хўш, Нор опа, қалайсиз?— деди...

— Яхши,— деди ва столдан бир қанча қоғозларни олиб Каримовнинг олдига борди, букун қиладиган ишларини бир-бир гапириб берди. Унинг гапларини сиполик билан тинглаб ўтирган Каримов «маъқул» дегандэй калла қимирлатди. Норбуви яна нимадир демоқчи бўлиб лабларини кулги аралаш қимирлатди, Каримов бунга пайқаб турган эди, унинг ҳам юзида озгина жилмайиш пайдо бўлди.

— Ҳим... иннайкин...

— Иннайкин одоғ бўлди,— деди-ю, ўзини тўхтата олмай кулиб юборди ва уялганнамо ўз стулига бориб ўтирди. Шу вақт эшик очилиб, Сотволди оқсоқолнинг мош-гуруч соқолли башараси ва паканагина жуссаси кўринди. У эшикдан кириш билан домлаларни кўрган муллаваччалардай икки букилиб таъзим қилди. Унинг кетидан Жаниш билан Қўшоқ ҳам кирди; лекин булар

букилишмади, тўғри, сиполик билан кириб, Каримовнинг олдида тўхтадилар. Кетма-кет келган жамоа котиби Қўлдош кеч қолганига уялгандай тезда бориб стулига ўтирди.

Норбуви буларни кўриб, бояги папка ичидан шартнома қоғозини олди-да, Каримовнинг ёнига борди:

— Мана ўзлари ҳам келиб қолишди, ҳалиги айтганим, Сотволди оқсоқол мана шу киши бўладилар. Жаниш бўлса манови... Жанишни тўрт йил ишлатиб ҳақ бериш ўрнига «қўлингдан нима келса қилавер, бермайман!» деб мен билан анча олишди бу муштумзўр!

Сотволди бой қўл қовуштирганича Каримовнинг қаршисида турарди. Норбувининг «бу муштумзўр» жумласи унинг қитиғини келтирган бўлса ҳам, фақат бир хўмрайиш билан кифояланди.

— Сотволди оқсоқол сизмисиз? — деди ниҳоят Каримов ва унга кўтарилиб қаради.

— Тақсир... тақсир...

— Жанишни ишлатганмисиз?

— Ҳа, ҳа, ишлатганман...

— Ишлатганлари учун шартнома бор, — деди Норбуви рўмолини тузатиб.

— Тақсир, мен гапирайин, тузук, ишлатдим, ахир...

Каримов Сотволди бойнинг гапига қулоқ солиб ўтирмади. У қоғозларни титаркан, маъмурий қиёфа олди:

— Бўлди, ишлатган бўлсангиз, шартномага мувофиқ тўлайсиз, «йўқ» десангиз, ишингизни судга ошириб, худди шу қишлоқда очиқ суд қилдирамиз...

Сотволди оқсоқолнинг юзида қандайдир ваҳший из пайдо бўлди, унинг жаҳли чиққандан энсаси қотиб, очилган оғзини юмиб атрофга қараниб олди. У энди боягидай икки букилиб эмас, тик, гўдайиб турарди, қўллари оғир бир нарсани ушлашга тайёрлангандай ҳаракатланди:

— Ҳақиқат борми, тақсир, қани ҳақиқат?!

— Мана ҳақиқат, — деди Норбуви шартнома қоғозини шарақлатиб.

— Яна қанақа ҳақиқат керак сизга? — деди Жаниш ўтирган жойида, — эшингизда итдай ишлаганимни ҳамма билади. Ўзингиз ёғлиқ палов еб, менга ювинди берганингизни эслайсизми? Уялмайсизми, оқсоқол, соқолингизнинг оқини қаранг! Тўрт йил остонангизда ишладим, энди ҳақ десам нега жириллайсиз?

Қўшоқ Жанишни ўтқазиб қўйди. Жанишнинг бада-нида қалтироқ турди.

— Ҳаққингни мулла акамлар, албатта, олиб берадилар, — деди Қўшоқ уни босишга тиришиб, — буни шўро ҳукумати дейдилар, бировнинг ҳақини ейдиган тишлар энди қолган эмас!

— Шовқин қилманглар, ўртоқлар! — деди Каримов ва Қўшоқ билан Жанишга қараб олгач, Сотволди бойга қаради: — икки кун муҳлат ичида Жанишнинг ҳақини бериб, рози қилинг, бўлмаса ҳалиги гап!

— Тўрт йилдан берли едириб, кийдириб келайин, ишга ярамайдиган битта етимни одам қаторига қўшайин, ҳар жума қўлига чойчақа ҳам берайину, яна қандай ҳақи қолди менда? Ҳақиқат йўқ экан бу ерда. Майли, агар зўрлик билан мендан ҳақ олмоқчи бўлсаларингиз мен ҳам қўлим етган ерга қоз тутаман... Лекин ҳеч нарса бермайман, камбағални боқиб одам қилганимнинг савоби шу бўлса, майли, ҳукумат мени осиб юборсин!!

Сотволди бой эшик олдига боргач, орқасига бурилди, у Каримовга нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин ҳеч нарса демасдан эшикни шарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

Идора гавжум бўлиб қолди. Сотволди бойнинг асабийлиги баъзиларни кулдирди. Қўшоқ эса, камоли аччиғи чиққанидан, унинг орқасидан сўкиниб қолди. Идора ичида Норбуви борлиги эсига тушиб, ўзини зўр билан тўхтатди.

Норбуви папкасини кўтарди-да, ўзининг кетаётганидан Каримовга хабар бериб кўчага чиқди. Унинг кетидан Норбувига юмуши бор кишидай Қўшоқ билан Жаниш ҳам чиқдилар. Котиб Қўлдош ёнида ёшгина бир йигит турарди. Унинг юзида қандайдир қийналиш аломати кўринарди. У Каримовнинг хат ўқиши ва бошқа ҳаракатларини таъқиб қиларди. Қўлдош йигитга: «Бориб арзингни айт!» дегандай имойи-бурт қилди. Йигит ўрнидан туриб Каримовнинг ёнига келди-ю, лекин гап бошлай олмай қотиб қолди. Қўлдошнинг гаши келди-да, йигитнинг нима мақсад билан келганини ўзи гапириб берди:

— Уртоқ Каримов!

Каримов бошини кўтармай ёзишда давом қилди:

— Гапиринг, қулоғим сизда!

— Манов йигитнинг устидан биров пахтага қарши иғво қилди, деб маълумот берибди. Райижроқўм ишни

текширув учун бизга ҳавола қилган эди. Ишнинг оқибатини билиш учун бир ойдан бери қатнайди, шуни...

Каримов масалага тушунди, бошини кўтариб йигитнинг тўла гавдасига, ундан кейин қип-қизил юзига кўз ташлади.

— Ҳим... Абдихолиқ аканинг жияни Мирсодиқмисиз?

— Шундай.

Котиб ялт этиб йигитга, сўнгра Каримовга тааж-жубланиб қаради. Қишлоққа кечагина келган Каримовнинг Абдихолиқ бойни таниши ва хусусан, унга яқин кишидай «ака» сўзини ишлатиши уни ўйлан-тирди. Қулоғи сўзда бўлган ҳолда ёзишда давом этди.

— Яхши! — деди Каримов, — ишингизни мен шаҳар прокурорига топширганман, ўзи керак вақтда чақириб олади.

Йигитни қалтироқ босди, кўзлари бўзчининг мокисидай югура бошлади. Бир нарса дейиш учун ҳаракат қилди-ю, лекин гапира олмади.

Қўлдошда ҳалиги шубҳа ўчгандай бўлди, лекин шундай нозик маълумотнинг бу қадар кўп судралиши уни яна довдиратди.

Каримов, юпқа сув қоғозга машинкада босилган узундан-узоқ хатни синчиклаб ўқий бошлади. Йигит турган ерида котибга қаради. У ҳам ишда эди. Йигитми ҳам босган, устида оғир юк бор кишидай қийналарди. Унинг кўзлари девордаги қатор суратларга тушди.

Шу вақтда Каримов бошини кўтариб йўталди, йигит чўчиб тушди, гўё унинг хаёлидан ўтказган гапини Каримов пайқаб қолгандай туюлди.

— Гап шу, яхши йигит, бу ерда туришингиздан фойда чиқмайди...

— Хўп, хўп, — деди йигит ва заҳарли илжайиш билан тез бориб эшик очди. У кетиши билан Қўлдош қаламини тўхтатиб Каримовга қаради:

— Уртоқ Каримов, ҳалиги йигит ростдан ҳам бой боласи, пахта экмоччи бўлганларни айнитиб юрганини бизнинг комсомоллар бир неча марта эшитиб қолганлар, унинг шериклари ҳам бор. Менимча Райижроқўм масалага бўш қараган, буларни йўқотиш керак...

— Қўлга олмай қўярмидилар. Вақти билан ҳаммаси ҳам эҳтиёт чорасига олинади. Маълумотни ким берган экан?

Қўлдошнинг юзидан сзгина ўзгариш бўлиб ўтди ва:

— Билмадим... биронтаси бергандир...— деди қўйди.

— Маълумотни кўрган эдим, имзоси очиқ бўлмагани учун ишонгим келмайди,— деди Каримов ва Қўлдошда зоҳир бўлган ҳалиги ўзгаришни таъқиб қилгандай унга бир оз қараб олди. Орадан бир қанча дақиқа ўтгач, Қўлдошни Жўра батракка юборди.

СИРЛИ КЎНГИЛ

Каримов Қўлдошнинг орқасидан зинапоёга қадар чиқди ва унинг кетаётганини кўриб хотиржамланди. Идора атрофида ҳеч ким кўринмас, ёлғиз Турди отхона теварагида, қўлида чўлтоқ супурги билан ивирсиб юрарди.

— Қув! Бери кел!— деди имо аралаш.

Турди идорага кирганда, Каримов конверт ёпиштирарди. Каримовнинг сўзини аниқ эшитиш учун қулоғини унга яқин олиб борди.

— Сув юлдуздаги...

— Ҳа, билдим,— деди Турди. Унинг кўз олдига Сув юлдуз жамоа идорасидаги пакана киши — котиб гавдаланди. Чунки Турди бундан ўн беш кун илгари ҳам Каримовнинг мактубини олиб бориб, ундан жавоб ҳам олиб келган эди.

— Буни қўйнингга маҳкам жойла, ўзидан бошқага бера кўрма!— деди жиддий.

— Хўп, хўп!— деди Турди ва саман отни эгарлагани чиқиб кетди. Бир оздан кейин кириб, «жавоб ҳам берадиларми?»— деди.

— Йўқ хатни бериб қайта берасан.

Турди Каримовнинг мактуб топширишдаги ҳолатини кўриб, бу хат ҳукуматнинг нозик ишларидан, қандайдир жуда муҳим бир иш устидаги хат деб ўйлади. Шунинг учун ҳам уни тездан топшириш, йўқотиб қўймаслик ва тайинланган одамдан бошқанинг қўлига топшириб қўймасликка тиришди ва ўзининг шундай муҳим ишларни бажараётганига, Каримовга ишончли, яқин одам бўлиб қолганига кўнглидан қувонди, ҳукумат идорасида, ҳукумат учун керакли киши бўлиб қолганига фахрланди.

Каримов идорада ёлғиз қолди. Бундай кезларда вақтини бекор ўтказмай, кўнгил бурчагига яширинган тугунча-сирлар «ғубори» ичидаги ранг-баранг ва чигал ипларни ёйиш унга одат бўлиб қолган. Мана ҳо-

зир унинг кўз ўнгида комсомол, партия, батрачком... каби ҳар эслашда унинг гавдасига зирқироқ берадиган жумлалар пайдо бўлди, кейин улэр орқасидан қандайдир мудҳиш манзаралар гавдаландилар. Буларни эслаганда Каримовнинг нафаси бўғилади, атрофини туман ўраб олгандай бўлади. Қайноқ ҳаёт ичида бундай даҳшатли, унинг учун тагсиз жар яратувчи бу уч жумла тоғдай оғир юкларни шафқатсизлик билан Каримов устига босади. Унинг ёқалари томоғини сиқиб, тер босади, лекин бу оғир дақиқаларни енгиллатувчи, бундай дамларда мадор берувчи умид ҳам йўқ эмас, ертўла ичидаги хирилдоқ овоз, истиқбол учун ўз ҳаётини гаров қўйиш, ўртада хўмрайиб турган тўплонча, қуръон... Каримовдан катта ва Жумҳуриятнинг номдор кишиларидан саналган сиймоларнинг гаплари, — қасамёд... ниҳоят, зиммага юклатилган «шарафли» вазифаларни бажаришга бўлган аҳд... Бу тўлиқ бажарилганда мамлакатни ўз юганлари билан юганлаш, ҳамма-ҳаммаси ҳалиги қўрқувларни босиб тушар эди. Бироқ режа билан амалий иш орасидаги катта фарқ Каримовни бу шодлик тўлқинидан яна тўхтатиб қўярди.

Эшик очилиб Жўра кўригач, Каримовда кичкинагина қўрқиш ҳолати эсди. Жўранинг юзида у ўзига соғона кишининг душманлик изларини туяди, лекин буни билдириш... ҳай-ҳай! Бутун иш шунда-да!

Каримов юзига зўрлаб кулги олди. Жўра эса бундай аҳволдан мутлақо хабарсиз. У қўйнидаги бир даста қоғозни олди-да, Каримовнинг столига қўйиб, уни тирсаги билан босиб ўтирди.

— Пахта планини бажарганимиз учун Пахтаком берган беш юз сўм мукофот пулига иккита от олишни буюрдим, шу билан отимиз олтига бўлади... Айтгандай рўйхатни қачон бошлаймиз?

— Қайси рўйхатни? — ўзини билмасликка олиб сўради Каримов.

— Жамоодаги деҳқон хўжалик асбобларини, ишчи кучларини, ерларнинг рўйхатини. Ёлла колхозлаштирувга бу, албатта, керак бўлар дейман?

— Тўғри, жуда керак. Лекин бунинг уддасидан чиқадиган сезгирроқ киши борми денг?

— Қўлдош бор, Норбуви бор, яна бир-икки комсомоллардан оламиз. Улар билан, албатта, аввал маслаҳатлашиб оламиз. Айниқса Норбуви билан Қўлдош қишлоқни яхши билади.

Каримов ниманидир кўнглидан ўтказди ва уки тез-да муҳокама қилиб олгач:

— Яхши, бугундан топширайлик бўлмасам,— деди.

— Рўйхатга олишда муштумзўр, бой, камбағал,— ҳаммасини қўшиб ола беришлари керакми?

— Бўлмасам-чи... кўпроқ диққатни ери, от-улови кўп бўлган кишиларга бериш керак. «Ғиринг-пиринг» десалар, тушунтираман, деб гап сотиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Барибир, улар мажбурлар, уларни колхозга, пахта мажбуриятига тортиш керак, уриб ҳам, сўйиб ҳам бўлса, шуни амалга ошириш бизнинг вази-фамиз.

— Аммо, ўртоқ Каримов, катта жанжал бўлиши кўриниб турибди.

— Чумчуқдан қўрққан тариф экмайди! Ҳозирдан қўрқоқлик қилиясизми?

Жўра севиниб кетди, ёш болалардай кулиб юборди.

— Мен Абдукарим бойнинг шוליпояларидан уч-ярим гектарини буздириб, шудгор қилдирдим. Эрта-индин беда сепиб қўймоқчиман. Янаги баҳорга қарасангиз, майиздай сўлим ер бўлади. Лекин қишлоқ «катталари» шу ер тўғрисида «висир-висир» қилиб юрганмиш деб эшитаман, «Абдукарим бойнинг ўзи қочиб кетган бўлса, сағирлари бор» дермишлар.

— Парво қилманг, бунақа гапларга, яна буз-диринг, ўзлари шу ерда бўлган муштумзўрларнинг ерларини ҳам сўраб ўтирмасдан экдира бериш керак...

— Йўғ-э, унда жанжал чиқиб кетар, дейман. Зўрлик қилсак, ҳукумат қонунини бузган бўлмаймизми?

— Шу топда қонунга бало борми! Қонун деган нарса иш билмас сўтакларга керак. Колхозга ариза берувчилар борми ўзи?

Жўра Каримовнинг гапига гоҳ ишонгиси келар, гоҳ шубҳаланиб қўярди. Каримовнинг бундай тез кетишидан Жўра, бу одамни ё шонқалоқ, ёки бўлмасам бу ерда бошқа гап бор, деб ўйлади. Лекин бу ҳақда ўйлашни ҳам, ўйламасликни ҳам билмай турганди, Каримовнинг саволи эсига тушди:

— Ўн-ўн бешта ариза бор. Бу йил баҳордан катта ишга киришадиган кўринамиз. Ҳозирча мени ернинг озлиги-ю, ишчи ҳайвонларининг етишмаслиги ҳайрон қиляпти.

— Бу ҳаракатларимиз ҳаммаси шунинг учун эмас-

ми? Ҳаммаси бўлади. Бизга қандай раҳбар чиқади дедингиз?

— Босмахона ишчиларидан эмиш...

Каримов тўхталиб олди. Орада озгинагина жимлик ҳукм сургач, билинар-билинемас чуқур нафас олди.

— Фирқа аъзоларини кўпайтиш керак. Ер шубъасидан тракторни ҳозирдан сўраб қўйиш керак...

Бу сўзни Каримов ихтиёрсиз гапиргандай бўлди. Лекин Жўранинг шахдам товуши унинг кўз олдини қоронғилатиб юборди:

— Тўғри, ячейка тузиш керак. Ячейкасиз уят бизга. Ҳозир фирқа аъзолари ҳам олти-етти киши бўлиб қолдик. Яна бир қанча батраклар киришга ҳозирланаётирлар. Комсомоллардан етишиб келяпти. Қайтага биздан кўра комсомоллар серҳаракат чиқиб қолишди. Ячейкалари бор, жуда яхши бўлмаса ҳам, ўзларини кўрсатиб турибдилар. Менимча ячейка масаласини ҳал қилиш керак.

— Тўғри,— деди пешонасини ушлаб Каримов,— Жобирни ҳам партияга олиш керак. Анча ботир йигит кўринади.

— Жобир бу қишлоқлик эмас, унинг бу ерга келганига икки йилча бўлади. Унинг тўғрисида ҳар хил гаплар бор, шуларни аниқламай туриб...

Каримов Жўранинг сўзини кесди:

Биздаги ёмон касалнинг биттаси шу, биров «ишлайман» деса, кўкрагидан итарамиз. Унинг кимлиги тўғрисида суриштириб ўтирадиган вақтми ҳозир, олавериш керак, сафимиз ўссин, текшириш қочмайди.

— Бизга зарарли бўлса-чи?

— Зарарли бўлиб, унинг қўлидан нима келарди.

Жўра индамади. Оғир-оғир ютиниб қўйди:

Ёппа колхоз масаласини фирқа аъзолари билан комсомоллар орасида маслаҳатлашиб олиш керак.

— Комсомоллар ўзларига шаҳардан берилган директив бўйича бу масалани бюрода ҳал қилмоқчилар. Сиз ҳам, мен ҳам шу бюрога таклиф қилинганмиз.

Қўлдош деворий газета учун бўёқ ва бир қанча қалам кўтариб кириб келди. Каримов ўрнидан турди:

— Хўп, яна кечқурун гаплашармиз. Мен ҳозир Дўдир қишлоғига ўтиб келишим керак экан,— деди ва чиқаркан, Қўлдошга қараб,— сиз кечқурун менга бир учранг-а,— деди.

— Хўп.

Жўра ҳам ўрнидан туриб Каримов орқасидан эшикка чиқди.

Қўлдош деворий газета материалларини кўришга ўтирди. Ташқарида изғирин зўрайиб, шамолга айланди. Қор учқунлари ўйнаётган дераза томондан «гуз-гуз» овозлар кела бошлади. Қиш қишлигини қилар эди. Печкадаги гувиллаб ёнаётган ўт ҳам қишга ярашиб тушган...

ҚўЛДОШ

Вақт кеч эди...

Қўлдош ўз ҳовлисидан кўчага чиқиб иккиланиб қолди: колхоз идорасига борсинми ёки Каримовнинг олдига? Ниҳоят ўйлаб-ўйлаб бир нуқтада тўхтади. Каримовнинг «кечқурун бир учрашинг» деган сўзи бажариксиз қолмасин учун, унинг ҳужраси томон йўл олди.

Қишлоқ кўчасида кўм-кўк туман сузарди. Унинг устига тун ўз қора тўрини аста-секин ёя бошлаган.. Бу кунги қуёш қизиғи билан қорлар ола-була эриб, йўл лойланган бўлса-да, кечқурунги шамол уни анча сергитиб қўйган эди.

Қоп-қора, бужур юзи ҳамиша кулиб турган бу очиқ, дуркун йигит қишлоқда икки вазифа бажарарди. У жамоа ва қишлоқ комсомол ячейкасининг котиби эди. Унинг ёнидан ёшлар аримас, душманларнинг эса, кўргани кўзлари йўқ эди.

У ёлғиз ўғил, отаси ёшлигида ўлиб кетган, онаси Шамси хола ўзи емай-ичмай бўлса ҳам, шу етимнинг бошини силаб ўстирди. Отасидан қолган чордеворда ёлғиз она-бола яшадилар. Буvasидан қолган икки ярим таноб ер ҳам отаси ўлгач, кўтарилган қарзлар билан совурилди. Бек давр сурган маҳалларда уларнинг солиқ, ўлпонларидан, кунда бўладиган дод-фарёдлардан безор бўлган Шамси хола ёш ўғлини олиб шаҳарга кўчиб кетди ва уни ўқишга берди.

Қишлоқ Бекнинг ифлос оёғидан тозалангач, яна кўчиб келди. Қўлдош эса, қолиб, ўқшини давом этдирди, у ерда жамоат ишларига аралашди, ёш Совет ҳукуматининг сиёсати, Коммунистлар партиясининг, комсомол ташкилотининг тутган йўли, Ленин таълимотлари тўғрисида анча-мунча фикр ҳосил қилди, Совет ҳукуматининг ҳақиқатан ҳам камбағалпарвар ҳукумат эканлигини тушунди. Комсомол сафига кирди. У энди фикран ўсиб келаётганида онаси ёлғизлигидан

нолиб, йиғлай бериб, яна қишлоққа олиб келди. Она кўнгли учун, уни қариллик чоғида бегона қўлларга қаратиб, зориқтирмаслик учун бош эгган Қўлдош, агар илжини топса, онасини рози қила олса, бир дақиқа ҳам қишлоқда турмасди, яна ўқишга кетиб қоларди, лекин буни қила олмади... Ниҳоят қишлоқда тинч ётишга ҳам ўзига эп билмади. қачондир тузилиб, немигагина бор бўлган комсомол ячейкасини тиргизиш учун ҳаракат қилди. Комсомоллар уни котиб қилиб сайладилар. Унинг устига жамоанинг котиблигини ҳам юкладилар. Мана етти-саккиз ойдирки, у шу икки вазифани бажариб келади. Комсомол ячейкасининг органини — деворий газетасини ташкил этди ва ўзи бош бўлиб унинг бир неча сонини чиқарди, комсомол сафига уч қиз ва бир неча ўғил болалардан янги аъзолар қабул қилди. Ячейканинг эътибори кўтарилиб кетди, комсомоллар қишлоқ аҳолиси орасида тушунтириш, ташвиқот-тарғибот ишларини қизитиб юборди. Улар халқ орасига кириб партия ва ҳукуматнинг сиёсатини — ҳақиқатни, колхознинг туб маъносини тушунтирардилар.

Қишлоққа Каримов келганидан кейин, у яна ўқиш масаласини кўзгади, айниқса, Каримовнинг «ўқиш-керак, ёш экансиз» деган сўзидан кейин «иш чиқади шекилли» деб, шошиб қолди...

У Каримовнинг ҳужрасига яқинлашганида Жўра батракнинг шошилиб келаётганини кўрди.

— Ҳа, Жўравой ака, нима йўқотдингиз, мунча?

— Биз йўқотадиганлардан эмас, Каримовнинг олдиди эдим,— деди ва атрофга қараниб олгач, товушини пастлатиб,— эртадан рўйхатга бошламасанг бўлмайди, ука, Каримовга қарасак кечикиб кетадиган кўринамиз,— деди.

— Каримов нима дейди?

— Ҳеч нарса демайди, бу ёқда иш судралиб кетяпти!

— Эрта биландан ўзим бошлайман.

— Шундай қил, ўзимиз учун ўзимиз жон куйдирмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

— Бу раҳбаримиздан куядиган кўринамиз.

— Жуда ҳам унчалик эмас. Лекин сен-биздай жони кўлмаётганига ҳайронман-да,— деди ва йўлида давом этди.

Қўлдошнинг кўнглида қандайдир хиралик пайдо бўлди чоғи, ўйланиб қолди.

Т ў р т и н ч и б о б

«КОММУНИСТЛАРЧА АЙТГАНДА...»

Каримовнинг ҳужраси.

Ҳужра қишлоқ марказидан юз одимча нарида бўлиб, у ўрта деҳқон Нормат аканинг бундан тўрт йил илгари солинган меҳмонхонаси эди. Бир тавақали эшикдан кирилгач, торгина саҳнли «ташқари»нинг бир четидаги кичкина айвонча орқали нимқургина ганжланган, очилмайдиган деразали бу меҳмонхона Каримовга ёқиб қолган. Бир қанча данғиллама уйлардан кўра у шунини ёқтирган эди. Келганининг иккинчи куниниёқ шитоб ремонтга унади. Уйга тахта пол қилдирди: Қаердандир бир кишилик ёғоч каравот топдирди. Катта қирғизи гилам, учта адрас кўрпа, иккита «кўк қарға» шоҳи кўрпача топиб келтирилди. Қишлоқнинг жуда кам хонадонидида учрайдиган иккита пар ёстиқ, битта адрас болиш ва яна майда-чуйда рўзгорлар ҳам кимнингдир уйдан келтирилган эди.

Бу уй Каримовга шунинг учун ёқиб қолганки, у гузардан узоқ ҳам эмас, жуда яқин ҳам эмас, кўча юзи ҳам эмас, жуда ичкарилиқ ҳам эмас. Ҳовлининг эгаси ҳам Каримовнинг дидига ўтиришган дилкан бир киши, қаерга, қайси кўчага судраса кетаверади. Қўлдош ҳужрага кирганда қирқинчи осма фонарь чарақлаб ёниб турарди, ўткир нур унинг кўзига оғирлик қилди. Ҳужра худди янги келин тушган уйдек ясатилган, озода эди. Каримов турган уйнинг шундай бўлиши Қўлдошга қандайдир эриш кўринди. У йиртиқ калошини пойгакда ечаркан, ийманиб ижирғанди. Каримов эндигина ўқимоқчи бўлиб очган қизил жилдли катта китобини яна беркитиб қўйди, келган жойидан адашмаслик учун саҳифа орасига ипак хатчўп солди-да, ўрнидан турди ва идорадаги маъмурий тусини ўзгартириб, оддий ўртоқлик чехраси билан қарши олди уни:

— Келинг, мулла Қўлдош, қани бу ёққа, бу ёққа чиқинг!

— Қуллуқ, бизга шу ер ҳам бўлаверади,— деб пойгак тарафга — хонтахтадан бир газ пастроққа чўкди ва девордаги ранг-баранг суратларни кўзи билан кезиб чиқди. Суратлар ичида жозибадори Лениннинг сурати эди. Унга узоқ тикилди. Унинг қандай мардона, ақлли киши эканлиги тўғрисида шаҳарда ўқиган ва

эшитган эди, шунинг учун кўкрагида Ленин сиймоси кўпдан бери жойлашган. Бу кунги ҳар бир ишда, ҳар бир ютуқда кўзга кўринувчи, юракларга далда берувчи Ленин сўзлари Қўлдош учун тенги йўқ тайнч, нурдай равшан бир йўл эди. Комсомол мажлисларида, катта йиғинларда, оилавий суҳбатларда ҳам жой олган Ленин сўзлари унинг учун баҳосиз гавҳардай туюлади. Шунинг учун ҳам Қўлдош Ленин расми солинган значокни жуда ҳурмат билан кўкрагига тақиб юради. Ҳозир Қўлдош Ленин суратига узоқ тикилди; унинг тўлиқ гавдаси, жиддий қиёфаси ва чироқ шуъласи билан ялтираган кенг пешанаси гўё уни ўзига тортар эди.

Каримов печка устида дамланиб турган чойни қайтарар экан, унга ер тагидан қараб қўйди: Қўлдошнинг кўзи ҳали ҳам суратда эди.

— Меҳригиёси бор эканми, мулла Қўлдош? — деб кулди Каримов чой қуяр экан.

— Меҳригиёси бор деса — бордай, ўртоқ Каримов, — деди суратдан кўзини олиб Қўлдош. — У билан бир марта кўришиб гаплашсам ҳам армоним йўқ эди... Афсус, ундай бахт муяссар бўлмади...

— Бу кунги қурилиш ишларимизда доҳийнинг кўрсатган йўл-йўриғлари сизни қаноатлантирмайдими? Айниқса, қишлоқ хўжалигини машиналаштириш, янги усул билан экин эктириш, қишлоқ билан шаҳарни тенглаштиришдаги йўл-йўриқлари — ҳаммаси сиз учун эмасми?

Қўлдош «сиз учун», жумласини эшитгач, ихтиёрсиз ўзгариб олди.

— Нега ёлғиз «биз учун», ҳаммамиз учун эмасми?

Каримов, хатосини тушуниб ўнгайсизланди. Уни тезда тузатишга уринди.

— Тўғри, ҳаммамиз учунгина эмас, ер юзи учун.

— Ер юзининг камбағаллари учун, — деб таъкидлади яна Қўлдош.

Икки орада ўтган бу жиндаккина сўз ўйини аввал билим синашга, кейин қандайдир ғалати бир куч синашга ўхшаб ўтди. Лекин Қўлдош ҳарна ўзини Каримовдан ожиз санаб, гапни бошқа томонга буриб юборди.

— Чақирган эдингиз...

— Қишлоқда бир-иккита кишидан бўлак суҳбатлашадиган одам бўлмагани учун, киши зерикиб қолар экан... Гаплашиб ўтирайлик деган эдим.

Қўлдошнинг ёдига Жўранинг «рўйхат олиш керак!» деган гапи тушди. Шундай муҳим масалани бошлаш чоғида Каримовнинг сустиги Қўлдошни яна ўйлан-тирди. Кеча «Сўфи қишлоқ» батракларидан икки киши ўтиб кета туриб чойхонада дам олдилар. Улар, гапдан гап чиқиб, ўз қишлоқларида ёппа колхозлашиш масаласи бошланганини айтиб ҳаммани ҳайрон қолдиришди, кўплар уларнинг ҳикояларини ағрайиб, иштиёқ билан тингладилар. Шундан кейин чойхонада бўлган батраklar орасида ҳам висир-висир гап қўзғалди.

— Бизнинг раҳбарларимиз ўлгундай суст-дамдуз. Қачон бошқа қишлоқларда колхоз тузилиб бўлгандан кейин ҳаракатга кирмоқчиларми?!

— Жонкуяр йўқ, улар учун бундай «ғалва»нинг нима кераги бор, гап сотишдан бошқани билмайдилар.

Қўлдош ҳам ўша ерда эди, бу ҳақли турткилар унинг иззат нафсига қаттиқ теккан, бу буюк маъракаи ўтказишда раҳбарларгагина қараб қолиб, ўз вазифасини тўлиқ тушунолмагани учун уялган ва комсомол аъзоларини йиғиб улардан «ўч» олган эди:

— Лалайиб юрасиз, бошқалар колхоз тузиб бўлишди, бошқа қишлоқ комсомоллари илгарилаб кетишди. Биз бўлсак...

Қўлдошда интилиш зўр, аммо унга дастур берувчиларнинг совуққонлиги унинг йўлига гов ташларди.

— Рўйхат масаласини нима қиламиз, ёппа колхозлашиш бизнинг жамоада ҳам ўтадимми?!

Қўлдош шу сўзни аччиқроқ қилиб айтгани учун Каримов эсанкираб қолди. Худди бўйнидан илиниб судралган кишидай Қўлдошга жавоб излади.

— Рўйхатни Норбуви билан икковингиз қилингиз. Комсомоллардан ҳам сафарбар, этмоқ керак, — деди зўрға.

— Қачондан?

— Қачондан хоҳласангиз.

— Қандай қилиб тузайлик?

— Менда шаҳардан юборилган рўйхат нусхаси бор. ўшандан кўчириб оларсиз. Лекин уни ўзгартиш керак. У нусхада рўйхатга олинувчининг рўзгор, кўрпа-ёстиги кўрсатилмаган, фақат ер-сув, хўжалик асбоблари, ишчи кучигина кўрсатилган.

— Кўрпа-ёстиқ, рўзгорини ҳам рўйхатга соламинми? У ортиқча бўлар.

Қўлдош юзида таажжуб аломати пайдо бўлди. Уни

йўқотиш учун Каримовнинг анча уқдируви лозим бўлди.

— Сиз комсомол ячейкасининг раҳбари, жамоанинг котибисиз, оз бўлса ҳам шаҳар мактабида таълим кўргансизу, лекин ҳалига қадар колхозлаштиришнинг маъносини билмайсиз; мен ҳайронман, бу тўғрида қандай қилиб комсомолларга йўриқ бердингиз.

— Тушунмаган бўлсам аҳтимол, сизнинг ўргатишингизни кутаман.

— Коммунистлар партиясининг асли мақсади — коммуна қуриш эди. Бунга вақт келган. Биласизми, коммуна! Бутун жамоага битта қозон-товоқ, рўзғори ҳам бир омордан, ер — ўртада, ким ишласа — ишлаганига қараб овқат, кийим-бош, рўзғор берилади. Биз нима учун курашаётимиз! Бундан кейин муштумзўр, батрак, ҳақли-ҳақсиз деган гаплар бўлмайди. Ҳамма баравар ҳуқуққа эга бўлади, пул деган, мол-мулк деган нарсаларга ҳам барҳам берилади. Шундай деб тушунтириш керак халққа. Агар шундай қилиб тушунтирмасак, партия ва шўронинг сиёсатини бузган бўламиз!..

Каримовнинг бу гаплари остида бирталай сир бижиб ётарди.

Қўлдошнинг фикри чувалиб кетди. Колхозлаштиришда бундай мақсадларни мутлақо ўйламаган йигит ҳайронлик кўчасида шошинқираб қолди. Каримовнинг сўзини қайтаришга «ундай эмас, бундай» дейишга ботинолмади, ўзини кучсиз сизди, лекин Каримов «Коммуна»сининг маъносига яхши тушунолмади, ўйлади-ю, бари-бир ўйига етолмади: мактабда ўқиғувчи бу тўғрида ҳеч нарса демаган эди. Халққа шундай деб бўлармикан?.. Бундай деб бўлмас... Нима учун Райкомолда бундай гаплар бўлмаган эди. Каримов бу ерга тайин бўлмасдан илгари махсус колхозлаштириш курсини битирган. У, ўзининг айтишига қараганда, босмачилар билан курашган, ҳукумат ва партия олдида инobat қозонган, чиниққан большевик. Унинг сўзини қайтариш партия ва ҳукуматга инонмаслик бўлиб чиқмасин!

Қўлдош аста Каримовга қаради:

— Коммунага кўчамизми?

Қўлдошнинг кўзларидаги ялтироқ учқунлар Каримовнинг юзларига урилиб ўтди.

— Албатта кўчамиз,— деди Каримов жиддий.— Нима учун мажбуран колхоз тузиб, пахта эктираётимиз? Нега қора экинга йўл бермасдан, бўйсунмаганларни пахта мажбуриятига тортаётимиз? Бу ҳаммаси

коммунага кўчув учун эди. Сиз партияга номзодсиз, лекин сиз яшаган жамоа ва қишлоғингизда ҳали бу тўғрида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, муштумзўрлар илгаригидай ҳукм сурадилар. Битта колхоз, батрачкомдан бошқа янгилик йўқ. Бунинг учун сиз жавобгарсиз. Бошқа қишлоқ комсомоллари аллақачон динга барҳам бериб, номозхонларни масхаралаб, шармандаларини чиқардилар. Сиз шу ҳафсаласизлигингиз билан қўлингиздаги комсомол билетини олдириб қўясиз!

Қўлдоси бу гаплардан ҳаяжонга келди ва жуда қизишиб кетди. Ўз бўйнида бўлган шу қадар «оғир гуноҳ»ни эшитгач, Каримов олдида довдираб қолди, ерга қаради. Лекин нега ерга қаради? Тушуниб етмади... Каримов ўз мақсадига озгина бўлса ҳам етганидан фахрланди.

Қўлдош бу қадар тез кетишнинг зарарини туман ичида англайди. «Номозхонларни масхаралаш», «колхозни мажбурий тузиш» иборалари унинг учун янги гап, бу гаплар сстида аллақанча ҳаракат — кураш бор. Лекин нима қилсин, раҳбарнинг буйруғи, талаби. Каримовнинг ҳар гапи ундан эртагаёқ шу нарсаларни амалга оширишни талаб қилади. Боя Каримовда севуққонлик сезган Қўлдош энди ўзини чинакам большевик, чинакам шўро ҳукуматининг жонкуяри олдида ўтирган ҳис қилди. У Каримов олдида ўзини энди жуда ҳам ожиз, фақат буйруқ бажарувчи киши деб ўйлади ва хўрсиниб «нима қилайин» дегандек унга қаради.

— Комсомол мажлисини чақириб, масалани мен айтганча қўйинг,— деди у қатъий қилиб.— Улар халқ ўртасида, ўз оилаларида колхозга киришни мажбурий деб тушунтирсинлар. То шаҳардан раҳбар келгунча биз халқни тайёр қилиб қўяйлик!

Орада бир озгина жимлик ҳукм сурди. Қўлдошдан ўйчанликни кўтариш учун Каримов бояги вазиятни бир оз бўшаштириб:

— Ҳаяллаб ўтиришнинг ўрни йўқ, ука, биз ҳоким эканмиз, истаганимизни амалга оширамиз. Етар энди «яшин топалоқ» ўйини, энди улар билан астойдил гаплашмоқ керак. Беш йиллик планни ўртага мана шу мақсад билан ташладик, бизда чўчиш, қўрқиш деган нарса бўлмасин. «Андишанинг оти қўрқоқ» деганлар,— деди. Каримов суҳбатни енгиллаштирди, кулиб туриб кўнгилчанлик ҳам қилиб қўйди,— яна менинг гапимга хафа бўлманг, мен комсомол бўлганингиз

учун, қолаверса қишлоқ ёшларининг раҳбари бўлганнингиз учун ҳам сиз билан коммунистларча гаплашдим.

— Йўқ, нега хафа бўламан, ўртоқ Каримов, фақат раҳмат дейман...

— Шундай,— деди товушини пасайтириб Каримов,— бизнинг вазифамиз билмаганга билдириш, билгандан ўрганишдир... Мени бу ерга партия юборган, мен унинг топширигини адо этаман, холос. Сиз ҳам, менинг эмас, партиянинг, ҳукуматнинг топширигини адо этасиз. Шунинг учун халқ орасига ҳукумат вакили сифатида кириш ва ҳалиги айтганимдай, уларга ҳукуматнинг, партиянинг номидан мурожаат қилинг, буйруқ беринг.

Қўлдош қаттиқ таъсирланди, бу гапларни ҳозироқ комсомолларга етказиш керак, деб ўйлади, кетишга тараддудланди.

— Ҳа, кетасизми?

— Борайин энди... Хайр, раҳмат!

Кўчада қоронғулик қуюқлашган. Лекин, у ер-бу ерда уюлиб ётган қор уюмлари бу қоронғуликка сўз бермагандай оқаришиб туришарди. Осмон тиниқ, юлдузлар хаёлпараст кишилардай сукутга чўмганлар. Изгирин бет ялаб, чимдиб ўтади. Қўлдош боши гангиган, чуваланган хаёл учини топа олмай боради. Ҳужрадан ўттиз-қирқ одим юргач, кўчанинг нариги четидан бошига тўн ёпинган кишининг ўтиши унинг хаёлига зарба берди. Қўлдош бу кишини танигандай орқасидан қараб қолди: «ака!» — деди.

Лекин бу киши қарамади, ўтиб кетди. Қўлдош эса янглишгани учун ўз-ўзидан койинди ва ўсал бўлди. «Уткинчи экан, миям говлаб кетди, менга нима бўлди?» деди ичида ва кўзи уйқудан очилиб кетган кишидай қадамини тезлатди...

«УШЛА ҚОЧҚОҚНИ»

Қоп-қоронғу тун, ҳаво юмшоқ гир-гир шабада эсади. Ер ҳам салгина қотган... Икки кундан бери чарақлаб турган қуёшнинг тапти кўп ерларда қорларни эритиб, ер бағрига сингдириб юборди. Кундузлари елимдай лой, кечалари ярим тунга қадар илиқ ҳаво бўлади. Осмон булутдан тозаланган. Юлдузлар чевар қўл билан «палакка» солинган чечакдай порлаб турарди.

Кўча жимжит. Лекин чойхонадаги чироғ, гурилла-

ган суҳбат кўчага жон киргизгандай ҳали ҳаёт уйғоқлигидан хабар берарди. Жамоа идорасида ҳам чироғ ёниқ, бир-икки кишининг ярим гавдаси кўриниб қўяди. Бу ерда қандайдир мажлиси, ёки маслаҳатми, ҳар ҳолда йиғилиш бор, Турди икки-уч мартаба чой олиб кирди. Жобир эса болохона рўпарасидаги кооператив дўкони ёнида қимнидир кутиб ўтирибди. Чойхонага ҳам кирмайди, бирон киши ўтгандай бўлса қоронғуликка тортади... Шундай жимлик узоқ давом этди. Ниҳоят, бу сукунат бузилди: болохона зинапоясини тарақлатиб кетма-кет олти-етти киши тушди. Жобир ўзини эшик панасига олди.

Жобир болохонадан тушувчиларнинг товушларидан ажратиб турди: «мана бу — Жўра, бу — Норбуви, ана бу — Каримов, буниси — Қўлдош, мана буниси ким экан?..» Янги, бегона товуш... Лекин бу товуш оддий эмас, балки, катталар товушидай салмоқли, салобатлироқ эди: «Эртага правление мажлисини чақирин керак! Партия, комсомол аъзоларини, хотин-қизларни, батрақларни иштирок эттириш, шу мажлисда камбағаллардан комиссия тузиб, иш бошлаш керак...»

Жобирнинг қулоғига товушдан ҳам унинг маъноси хунук эшитилди. «Хайр-хайр»дан кейин ҳамма тарқалди. Норбуви улардан ажралиб бошқа кўча билан кетиши керак эди, у бурилганда «Норхон»деган овоз эшитди.

Каримов нима учундир кетаётган еридан сўқасига қайрилиб чақирди. Бошқалар анча узоқдашган эдилар.

— Кимди? — деди Норбуви ва товуш эгасини таниб ўрнида кутиб турди. Каримов бораркан, кооператив томондан «таниш» йўтал эшитди, муҳим бир иш ёдига тушди-ю, Норхонни тўхтатганига ҳам пушаймон еди. Бу йўталган киши унга жуда зарур эди. Лекин Норхон билан гаплашиш ҳам бу заруриятдан кам эмасди. Ҳар иккала заруратни ҳам бажариш учун кўнглида йўл чизиб олди:

— Норхон, агар малол келмаса, сиз билан бир-икки оғиз гаплашмоқчи эдим.

— Бемалол...

Йўтални иккинчи дафқир эшитган Каримов шош-инқиради. Норхон идорадан эллик қадамлар чамаси узоқликда, кўча муюлишида тўхтаган эди. Шунинг учун ҳам унга на йўтал ва на идорани супуриб-сидириб юрган Турдининг тақир-туқури эшитиларди.

— Папиросим идорада қолибди, олиб чиқайин, бирга кетамиз,— деди Каримов ва орқага қайтди, тезлик билан тўғри идорага кирди. Унинг бу ҳаракати йўталувчига «идорага кир» ишораси эди.

Жобир чироғ шуъласидан қочиб қоронғулик билан идорага кирди — Каримовга бир конверт узатди.

— Салом, дедилар. Тездан хатни ўқиб, дедилар, хўжайин, икки кун ичида натижасини юборсинлар, дедилар, хўжайин.

Каримов хатни буклаб қўйин чўнтагига соларкан:

— Яхши, бирон соатдан кейин ҳужрага боринг, ҳозир вақт йўқ. Норбуви билан бугун биринчи марта гаплашмоқчиман,— деди ва шошиб оғзига папирос тишлаб кўчага чиқди:

— Сизни кутдириб қўйганим учун кечирасиз,— деди Норбувига етиб бориб, Каримов.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Норбуви, Каримовнинг кечирим сўрашидан ўнғайсизланиб.

Улар ёнма-ён кетишди. Бир оз жимликдан кейин Норбуви гап бошлади:

— Бир нарса демоқчи эдингизми?

— Ҳа...— деди у ва яна жим бўлди.

Каримовнинг Норбуви билан бўлган бундай оддий, мулозим муомаласи тўғридан ҳам биринчи эди. Норбуви бу суҳбатни кўпдан бери кутар, лекин Каримовнинг сир бермай «фасонлик» қилиши узоқ чўзилгач, Норбувидаги севги ҳам аста-секин карнай гулдай «ёпила бошлаган эди. Ҳозирги ҳолат эса, Норбуви кўксидан янгидан тўлқинчалар яратди. Ҳозирги гаплашишнинг расмий гаплашишдан жуда катта айирмаси бор эди, бу Норбувининг ёшлигини — келинлик чоғларини эслатди.

— Узингиз ёлғиз кетгани қўрқмайсизми?

— Урганиб қолганман...

— Бўлмаса, нега шошилиб кетаётибсиз?

Норбуви ҳақиқатан ҳам тез юраётган эди. Бу юриши қўрқишдан эмас, балки йўлнинг торлиги, Каримовга йўлни тез-тез бўшатиб бериш учун эди. Гап тагида гап борлигини сезиб, Норбуви қадамини секинлатди.

— Кўчадагилардан қўрқмасангиз ҳам онангиздан...

— Онам менга ишонадилар.

Гапнинг ҳақиқий маъноси бошқа ерда эди. Шунинг учун Норбувининг баданида жимирлаш, билинар-би-

линмас титроқ пайдо бўлди, товушида ҳам эркаланиш зоҳир бўлган эди.

— Қаёққа боряпсиз?

— Сиз билан бирга, — деди Каримов.

— Яхши, меҳмон бўласизми?

— Қанотингиз очиқ бўлса!

— Муссофирлар учун эшигимнинг қаноти очиқ.

Норбуви бу сўз билан Каримовнинг тилагига қарши тушган эди. Унинг кетидан яна тўхтовсиз берган жавоби Каримовга калтак бўлиб тушди.

— Қаттиқ нон, совуқ сувимиз бор.

— Визга асал ўрнида татийди.

Яна бир оз жим кетдилар... Норбувининг юрак уриши кучая бошлади. Бир оз юрганларидан кейин, кўчани кесиб ўтган анҳор кўпригига етдилар. Каримов Норбувини тўхтатди. Кўприкнинг икки ёнига қоқилган эгри ёғоч тўсқичига суяндилар.

— Норхон!

— Лаббай.

— Сизга анчадан бери айтмоқчи бўлиб юрган гапим бор.

— Гапиринг.

— Сиз қўрқоқсиз.

— Нимадан қўрқдим?

— Мендан.

Норбуви масалага тушунди. Уялиб юзини иккинчи томонга ўгирди ва сукутга кетди.

Бу вақтда Каримов унга яқинлашиб, нозик қўлларини ушлади.

— Раҳмингиз келмайдими, Норхон? Ахир, шундай ҳам золима бўласизми...

Каримовнинг кўкрак уриши у қадар билинмаса ҳам, Норбувининг темир уриши билинмоқда эди. Лекин оғиз очишга мадори йўқ, ўзини Каримов панжасида бир сиқим бўлиб қолгандай сездим...

— Биладан, — деди Каримов. — Юрагингизда менга сақлаган самимият ва садоқатингиз бор. Уни менга лафзан билдирмасангиз ҳам ҳаракатда билдирдингиз, мен у вақтларда нодонлик қилдим. Тўғриси, мен сиздан қўрқдим, умидимнинг поймол бўлишидан чўчидим... Сўнгра нима бўлса ҳам арз-қолни бир карра изҳор қилишга қарор қилдим. Яна ўзингиз биласиз.

Норбуви тим қоронғу кўчанинг узоқ бурчакларини кўргиси келиб тикилди, лекин ҳеч нарса ажрата

олмади. Сўнгра жимирлаб турган юлдузлар билан кўз уриштириб чиқди.

— Бундай ишлар шартсиз бўлмайди,— деди ниҳоят, хўрсиниб.

— Шартингизни эшитиш ҳам шакардан ширин.

— Энг каттаси — алдамаслик!

— У номарднинг иши. Тўғри айтасиз, турмуш қурув учун энг аввал лафзни синаш керак.

— Лафз бошқа — дил бошқа.

— Лафздан дилни билиш, қинғири бўлса тутиб олиш осон, аммо дилдан лафзни белгилаш қийин.

— Шунинг учун шошилиш кўпроқ зарардан бошқани бермас.

— Баъзи вақтлардагина...

— Шундай бўлса ҳам, меним истагим шошилишга қарши.

— Жуда яхши. Тарафдорингизман. Бироқ, кўнгилини тўхтатиш, хотиржамланиш учун битта белги керак.

— Белги — ваъда.

— Агар менинг фойдамга бўлса...

— Иккимизнинг ҳам фойдамизга.

Каримов Норбувининг нозик ва юмшоқ қўлларини қаттиқ сиқди, кўнгли тинчигандай бўлиб чуқур хўрсинди.

Норбуви оғриган қўлини Каримовнинг қўлидан аста тортиб олди. Лекин Каримов яна қайта тутиб олди ва қисди:

— Сўзимиз сўзми?

— Нима билан билдирасиз?

— Юрак билан. Ушлаб кўринг.

— Менга лафз кифоя қилади.

— Мақсадга етгунча кишилар оғзига тушмаслик маъқулмикан деб ўйлайман...

— Сизнингча бўлсин.

Каримовнинг қўллари тим қора сочлар устида сарқуш кездилар. Икки вужуд кўприк устида бир-биридан зўрга ажралишди. Норбуви Каримов бағридан чиқди-ю, қочиб нарида тўхтади:

— Ёмон экансиз.

— Сиз яхши экансиз.

— Ёлғон.

— Ушла қочқоқни!

Норбуви сапчиб кўчанинг нариги томонига ўтди ва тез-тез одим босиб кетди. Бир оз юргач, Каримовнинг товуши келди:

- Хайрми, қочқоқ?
- Хайр.
- Яхши туш кўриб ётинг...
- Сиз ҳам.

Каримов бир оз тургач, орқага қайтди.

Бешинчи боб

РЕЖАЛАР

Вақт ярим кеча эди.

Каримовнинг уйдаги печка мўрисидан тутун бориқсаб турибди. Кўча одамдан холи, тинч. Бу тинчликни Каримов уйдан чиққан уч-тўрт кишининг шалоқ кулгилари бузди. Буларнинг кайфлари борми ёки ортиқ хурсандмилар — ажратиш қийин, лекин ким эканликларини юз кўрмай турибёқ айтиш мумкин эди. Товушларидан булар Сотволди оқсоқол, Сатин бойвачча, Мирсодиқ бой эди.

Каримовнинг ҳужрасида ҳар кун бўлмаса ҳам икки-уч кунда бир марта қишлоқнинг шундай «бэоб-рўй» кишилари йиғилиб махфий мажлис қилар эди.

Каримов бу жамоага ёт унсурлар тавсияси билан келди ва келибоқ ўз атрофига маслакдошлар торта бошлади. Қишлоқда душман уя қўйди, аламзадалар, муштумзўр бойлар, руҳонийларнинг ҳали янчилиб битмаган бошлари гивирлаб қолди, қишлоқ батракларининг, камбағалларининг кўкракларига шамол текканидан, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб колхоз туза бошлаганларидан, озод, бахтиёр турмуш кечира бошлаганларидан ларзага келиб, шошиб қолдилар. Бунинг устига аллақайси шубҳали йўллар орқали Каримовнинг кириб келиши, Каримовнинг интилишлари ва баланддан келиб гапирган «режа»лари уларнинг синган белларига мадад ваъда қилди.

Жобир шу хуружнинг эски аъзоси, Каримовнинг ҳам эски дўстидирким, буни биз сўнгроқ ечамиз.

Каримов ҳаракати айниқса бугун катта тўлқинга юз тутди. Чунки бугун ёппа колхозлашув талабида бўлган қишлоқ батракларига, камбағал, ўрта ҳол деҳқонларга ёрдам бериш ва бунга қарши бўлган иккинчи синф билан ўтли кураш олиб бориш учун район партия

қўмитасидан Исомиддинов деган ишчи келган эди. Каримов назарида у гўё ҳар дақиқа, ҳар соат унга мушт кўтараётгандай, унинг ҳар бир сўзи қулогига жуда хунук, қўпол, ашаддий душман нафратидай оғир эшитиларди. Шунинг учун ҳам бугун у ўз «жамоаси»-ни йиғиб, уларни Исомиддинов келишидан хабардор қилди:

— Партия бизга қоровул юборибди. Бундан буён энди бошимизда ҳамиша гурзи кўтарилиб тургандай юрамиз. Қадамни ўлчаб босинг, ўзбошимча иш кўрманг! — Сўнгра сўз ёппа колхозлашув масаласига кўчди, бу ҳақда ҳам узоқ гапиришдилар. Кимнинг қандай мақсади, маслаҳати бўлса ўртага ташлаб музокара қилдилар. Бирмунча қарор, топшириқлардан сўнг тарқатдилар. Каримовнинг бугун айниқса боши қотди. Ҳаммадан ҳам Норбувини қўлга олиш керак эди. Мумкин бўлмади, охири ишқ-муҳаббат йўлини ишга солди, иши ўнгидан келди, Норбуви осонгина қайишди... Жобирнинг шаҳардан келтирган мактубда ортиқча янгилик йўқ, аввалгича, «ҳушёр бўл, хашак қизиб қолди, эрта-индин ўт олади... тайёр тур!» сўзлари такрорланган эди. Турди гўлнинг «Сув юлдуз» жамоасидан келтирган мактуби бир оз амалийроқ эди, Каримовни хурсанд қилди. Хатда: «Қора экинга қарши қўйилган шиор жуда қўл келди, ҳукуматдан норози кишиларнинг сонини оширмақдамиз. Бир жамоанинг хотин-қизларини оёққа турғиздим, улар жамоа идорасигача бостириб боришди» дейилган эди.

— Исомиддиновингиз рабобийнинг ўзи экан, хўжайин. Шунинг учун ўйлайманки, кўп ҳам ақлли, сиёсатни ўқиган одам эмасдир,— деди Жобир аста.

— Қаердан билдингиз?— деди Каримов.

— Менга шаҳарда айтиб бердилар, хўжайин. Айтишларича ўзи енгилроқ бўлса керак.

Каримов Жобирнинг сўзларига унча диққат қилмас, чуқур хаёлда эди. Лекин Жобирнинг кейинги гапи унинг кўзларини очгандай бўлди:

— Мен уни бир ойга қолдирмай расвосини чиқарман. Унинг енгил табиатли бўлиши менинг ишимга анча ўнғайлик беради.

— Бу режангиз ҳам тўғри. Тузукроқ ўйлашиб кўрарсиз, хўжайин.

Жобир Каримовнинг мудрай бошлаганини кўриб, кетишга тараддудланди.

Жобир, Каримовнинг эски қадрдони, дедик. Лекин «Каримов»нинг эмас, Мирзатолиб додхонинг ишончли йигити, понсоди эди. Мирзатолиб додхо эса ҳозир жамоа раиси — Каримов, шунинг учун ҳам Жобир Каримов билан гапиришганда доим «хўжайин» деб гапирарди.

Унинг воқеаси шундай эди:

Мирзатолиб додхо асли Раҳимбек додхонинг ўнг қўл вазири — маслаҳатгўйидай кўринса ҳам, ҳақиқатда эса маълум ташкилот томонидан белгиланган раҳбар эди. Бир неча ой шу вазифада бўлгач, Мирзатолиб ташкилот ёрдами билан ўзига мустақил додхолик мансабига «фотиҳа» олди. Саксон олти йигит ва шунга яраша милтиқ-аслаҳа ажратиб берилгач, Андижон билан Шаҳрихон ўрталаридаги бир қишлоқда бошқа додхонар сингари давр сурди. Жобир шу саксон олти йигитнинг ўнбоши понсодларидан биттаси эди.

Додхо «қуён инини ижарага» олгач, бошқа «катталари ҳам тўс-тўс бўлиб кетди. Шу жумладан Жобир ҳам уч-тўрт қишлоқ нарига ўтиб, жонини ҳовучлаганча паноҳ ахтарди... Ниҳоят «тинч тирикчилик қилиш» мақсадида ҳозирги турган қишлоғига келиб, узоқроқ таниши (она авлодидан) Дўрмонбой деган ўрта ҳол бир деҳқоннинг кўмагига қўл чўзди, унинг деҳқончилик ишларига бир қанча ойлар ёрдам қилиб юриб, қишлоқда «ёр-оғайни» орттирди. Уларга ўзини, батрак, деб танитди. Лекин унинг аслан «Қаричтол» қишлоғидаги Маматқосимбойнинг ўғли, сўнгра додхонинг ўнбошиси бўлиб келганини Дўрмонбайдан бошқа ҳеч ким билмасди. У бир кун шаҳарга бозор қилиш учун тушган эди, кутмаганда додхосини учратиб қолди. У тамом бошқача уст-бош кийган, папка кўтарган, жуда «фасон» эди. Жобир уни кўрди-ю, қотиб қолди, оз бўлмаса оғзидан «додхо» сўзи чиқиб кетаёзди...

— Мени бундан кейин «ўртоқ Каримов!» деб атанг, — деди додхо. Бунинг маъносини Жобир тезда тушуниб олди ва бир даҳшатли воқеа кўз олдидан ўтди, додхо Макай қишлоғидаги дружина бошлиғи Каримов деган йигитни тутиб олиб ўн саккиз кун қийнаган, тилларини кесиб, масхаралаган, сўнгра қишлоқдаги қассоб қанорасига осдирган эди. Шунда Каримовнинг ҳужжатларини у, «керак бўлиб қолар» деб олиб қўй-

ганини ҳам эслади. Мана энди Мирзатслиб додхо ўша «Каримов»га айланган эди.

«Фалакнинг гардиши» билан додхо Жобир қўнган қишлоқ жамоа шўросига раис бўлиб келса-ю, Жобир қандай қилиб эгасига қуйруқ қимирлатиб эркаланмасин. Жобир Каримовнинг бу хатарли йўлда ҳайиқмай, беҳисоб душманлар орасида яна бош кўтариб, сўзини бермай юргани учун ичида «қойил» деб қўйди ва хўжасига бўлган ихлоси яна ҳам ортиб кетди...

Жобир колхозга киргач, Қўшоқ билан жуда иноқлашиб кетди. Лекин Қўшоқ унга сўз бермасди. Гарчи Жобир ўзини жуда камбағал, батрак қилиб кўрсатса ҳам баъзи-баъзида оғзидан «чиқиб кетадиган» сўзлар унинг юзидаги пардани кўтариб-кўтариб қўярди. Шу кезларда Қўшоқ ҳам Жобирга еб қўйгудай бўлиб хўмраярди да:

— Эй... нонкўр батрак! Отанг ҳам бунчалик бошингни силамагандир... нима, ёки бойлар эшигида қўш ҳайдаб, зсғора нон, ёвғон ош билан кун кечирмаганмисан?!— дерди.

— Сен ёвғон ош ичган бўлсанг, мен курмак нонни доғ сув билан тамаддуғ қилганман, белимдан сув кечиб қон ютганман,— деб «ҳасратидан чанг чиқарди» Жобирнинг.

У, Норбуви билан ҳам бир неча мартаба гапиришди, қандай бўлмасин, унинг ишончига киришга уринди, гаплашган чоғида Норбувига бўлган нафратини пардалаб гапирарди. У ҳатто бир неча марта кечалари унинг йўлини пойлади; ниҳоят, бир куни йўлда тутиб, «дарди»ни баён қилганида Норбуви силтаб ташлади:

— Кўзингга қараб оёқ бос, ақлингни пешлаб ол аввал, ўтмаслашиб қолибди!

Бу гап жуда ўтиб кетди чоғи, бирданига ўнбошилиги эсига тушиб кетди... Шундан кейин Норбувини мажбур қилиб бўлса ҳам қўлга олишга қасд қилди, бир неча марта тайёрланди ҳам. Лекин ёнбошида «ҳайбаракаллачи»си бўлмаганиданми; ҳар нечук чўчиди. Қишлоқ «катта»лари эса Жобирнинг ўзларига ҳаммаслақлигини фақат Каримов келгачгина пайқадилар.

Мана бугун бўлса, у билан Каримовнинг «алоқаси» борлигини эшитиб бир сесканди, бундан илгари бир марта бўлса ҳам унинг «ширин сўзи»ни эшита олмаганига ичидан ачиниб, хўрсинди. Бундан гумонсираган Каримов:

— Мен уни хотин қилармидим, қандай мақсадда

эканлигимни биласиз-ку! — деди. Жобир яна аввалги мақсадига қайтди; партия унинг каби синфий душманлар билан курашиш учун қишлоққа ўз кишисини — Исомиддинов деган кишини юборган эди. Жобир ана шу курашга тайёрланар ва бу раҳбарни енгув учун йўл ахтарар, йўл ахтариб тонг оттирарди...

ҚИЗГИН КУШЛАР

Раҳбар Исомиддинов учун колхоз идорасининг бир бурчагига синиқ бир чорчоя билан бир стул қўйиб бердилар. Кечаси тун оққунгача бўладиган ҳангомадан кейингина Исомиддинов тиниб ухлайди, кўп вақт идорада Қўшоқ, Жанишлар ҳам тунаб қоладилар...

Исомиддинов ишга киришмасдан илгари қишлоқнинг ҳоли аҳволи билан танишишни лозим топди. Шунинг учун ҳам Жўра, Қўшоқ, Жаниш, Толиб каби колхозчилар билан «эзма»ланиб гаплашди.

Исомиддинов деҳқонлар билан суҳбатлашар экан, ўз вазифасининг нақадар оғир ва мураккаб эканлигини яна ҳам чуқур фаҳмлади, раҳбарнинг эҳтиёт бўлиб иш кўринг, партиямизнинг директивалари ҳамма вақт ёдингизда бўлсин, деган сўзларини эслади.

У чақирган биринчи мажлис жуда қизгин бўлди. Айниқса батрак ва камбағал деҳқонларнинг руҳларидан, қатъийят билан гапирган сўзларидан у ўзига қудратли таянч ҳис қилди. Хусусан мажлисга суқилиб кирган қишлоқ қулоқларининг умумий норозилик билан ҳайдаб чиқарилиши қишлоқда совет тузумининг яна ҳам мустаҳкамланиб бораётганидан дарак берарди. Аммо камбағалларнинг бахтини, қозонган ғалабасини — озодлигини сақлаб қолиш учун шунинг ўзисина етмайди, ҳаммадан бурун батракларни ва камбағал деҳқонларни ялпи колхозлаштириш керак!

Исомиддинов батраклар мажлисида шулар тўғрисида гапирди; у баъзи бир ваъзхонларга ўхшаб расмий эмас, балки, оддий, содда қилиб гапирди, гапининг ораларида баъзи масалаларни, ҳатто батракларнинг муҳокамасига ҳам ташлаб кўрди. Шунда батраклар худди бир катта оила сингари дўстона муҳокама қилар, Исомиддинов берган саволларга ҳақиқатан ҳам давлат юмушини ҳал қилаётган арбоблардек одилона, жиддий жавоб беришарди. Мажлисда хусусан қулоқлар ва уларнинг қўлидаги ерлар, бу ерларда ишләётган ва айниқса қулоқлар «суяниб» қолган баъзи батраклар

масаласи узоқ тортишувларга сабаб бўлди. Исомиддинов бу муҳокамалар, тортишувлар вақтида ҳаммани деярли таниб олди, қулоқларни ҳам, қулоқлар қўлидаги батракларни ҳам, яхши-ёмонни ҳам анча билиб олди.

Мажлис қишлоқнинг ялпи колхозлашишга пишиб қолганини кўрсатди. Батракларнинг ҳаракатини кўриб, шошиб қолган Жобир ирғиб ўрнидан турди-да, бор сўзи билан қичқирди:

— Огайнилар, биз колхоз бўлишни истаймиз, қишлоқда колхозга кирмаган битта ҳам одам қолмасин!..— деди. Қўшоқ ялт этиб унга қараб таажубланди. «Жобир энди ўзига келибди» деб қўйди ичиди.

Норбуви, Жўра, Қўшоқ, Марайимлар ёппа колхоз маъракасини тезроқ амалга ошириш чоралари кўриш тўғрисида бирмунча таклифларни айтдилар.

Кейин колхоз правление аъзларини янгидан сайлаш масаласи кўрилди. Правление аъзоларидан Маткарим ака бу йил ўзининг хусусий ишига кўпроқ уринди. Қовул бўлса, колхозни алдаб, ҳам колхозда, ҳам ўзига айрим беш таноб ер экиб резаворфурушлик қилди, иккови ҳам правление аъзолигидан чиқарилиб ташланди. Ўрнига Норбуви билан Жобир сайландилар.

Жобирнинг сайланишига Исомиддинов ҳам қарши турмади. Чунки кеча Каримов билан суҳбатда — Жобирнинг «серҳаракат, фаол»лигини эшитган эди. Жўра ҳам Каримовнинг қайта-қайта айтган сўзини эсидан чиқармади: «Бир кишининг устидан билиб-билмай гапирилган гапга ишонгандан кўра ўша кишини синаб кўриш, ёмон бўлса, уни тузатиш бизнинг вазифамиз!» деган эди у.

Қўлдош мажлисда нимагадир ҳардамхаёллик билан ўтирди, бу сафар аралашмади. «Исомиддинов олдида янглишиб қолмай» дедими, ёки бирон хаёли бормиди, ҳар нечук индамади.

Еугун, кечаги мажлис ва ундаги икки муҳим масаланинг ҳал қилиниши қишлоқда бир оз ўзгариш ясагандек, кишилар оғзида «шивир-шивир» гапларга сабаб бўлди.

— Аниқ, ёппасига колхоз бўлармишмизми?

— Бўлганда қандай, мажбур эканмиз, ҳовли-жой, рўзгор, омоч-бўйинтуроқ, борингки, хотин, бола-чақа ҳам ўртада бўлармиш,— деб кекирдак чўзади.

— Бўлмайман, десам, зўрлайдими?

— Ҳукуматнинг буйруғи бўлгандан кейин...

— Бекор гап, ҳукумат бунақа исмаъқулгарчиликни қилмайди.

Яна учинчиси жаҳл билан гапга аралашади:

— Узимиз ҳам ўлгундай ёмонмиз, «лсп» деса, «олақоп»ни тайёр қиламиз. Бу гапларнинг ҳаммаси ҳам бемаъни, колхозни ҳеч ким мажбурий деган эмас. Рўзгор, хотин, бола-чақа ҳеч вақт ўртага тушмайди.

— Сен биласанми, раҳбарларимиз биладими?

— Албатта, раҳбарларимиз билади.

— Раҳбарларимиз билса, бўпти-да, колхозни мажбурий деб худди ўша раҳбарларимиздан эшитдим-да! Ахир, Каримов сен-биздан кўра яхшироқ билар! Уқинган одам...

Тингловчи ҳайрон бўлади, баъзи «комсомоллар»нинг ҳам худди шундай деб валдираганларини эслайди, аммо қишлоқнинг ўзидаги ишончли раҳбарларнинг: Норбуви, Жўраларнинг эса, бундайин гапни ҳали ҳеч қаерда гапирмаганларини ўйлади. Шунда қилиб, масала муаллақ, ҳамма ҳар хил муҳокама қилади. Лекин кўпларнинг юрагига ваҳима тушиб, жиғибийрони чиқа бошлайди. Шу сўзнинг биронта раҳбарнинг оғзидан чиқишини пойлаб, ўша раҳбар билан астойдил солишмоқчи ҳам бўлади.

Масаланинг кечга томон жиддийлашиб, ҳар бурчакда «пичир-пичир»лар кўпайганини сезган Қўлдош ўзини оғир юк остида қолгандай ҳис этди, юрагига ваҳима тушди.

— Айтмадимми, масала ёмон бўлади деб, худди бугун-эрта катта тўполон бўлиши аниқ!— деб ўйлади ваҳима ичида ва шу ониёқ, Каримовнинг сўзларини эслаб чиқди:

— «Биз жанжал кўтарилишидан қўрқмаймиз. Биз ҳоким эканмиз, айтганимизни ҳар қанақасига қилдирамиз...»

Қўлдош ҳаяжондан ўзини босолмади, ихтиёрсиз, колхоз идорасига кирди.

Кечки сфтоб шувоқда айвонга шолча солиб ўтирган бир тўда кишилар орасида Исомиддинов билан Каримов ҳам бор эди.

Ранги-қути ўчиб кирган Қўлдошни кўриб, Каримов ўзича типирчилаб қолди. Билар эдики, Қўлдош ҳар нарсанинг ҳам «андишасига бориб ўтирмасдан» ўртага ташлай беради. Бугунги бошланган махфий тўлқиннинг ҳаммадан илгари Қўлдошга таъсир қилишини ҳам биларди. Бугун Каримов, Исомиддинов, Жўра-

лар эрта биландан шу вақтгача қишлоқма-қишлоқ юрганликлари учун улар бу маҳалладаги тўлқиндан (Каримовдан бошқаси) хабарсиз эдилар. Шунинг учун ҳам Каримов булардан хотиржам эди.

— Нима гап? — деди Каримов ўтираётган Қўлдошга.

— Иш пачава! — деди зарда аралаш. Бошқалар ҳам унга қарашди. Бу ҳолат устига Жобир кириб келди ва парвосизгина тўпга қўшилди.

— Колхоз тўғрисида ҳамма ерда гап, лекин зарарли гап! Колхознинг мажбурийлиги шу гапларга сабаб бўлаётир. Бунинг оқибати ёмонга ўхшайди.

— Нима-нима дейсиз, мулла Қўлдош? — деди гайри оддий товуш билан Каримов. Қўлдош жавоб бериш ўрнига тупугини «қулт» эткизиб ютди, томоғини бир нарса бўғиб тургандай эди.

Исомиддинов Каримовга, сўнгра Қўлдошга диққат билан қаради:

— Колхозни мажбурий, деб ким айтди сизга? — деди у Қўлдошга қараб.

— Ҳамма ерда шу гап, — деди Қўлдош ва Каримовга кўз ташлади.

Исомиддинов нима учундир бўшашгандай бўлди. Дарвоқе, унга район партия комитетида ҳам масъул котиб мажбурий демаса ҳамки, «қишлоқда колхозга кирмаган ҳеч ким қолмасин, бу сенинг устингдаги ва-зифанг!» деган эди. Шуни ўйлади-ю, «мажбурий» деган сўз билан «ҳеч ким қолмасин»нинг фарқи оддий кўринди, «юз фоиз колхозлашса катта муваффақият бўларди» деди ичида. Лекин қишлоқ «активлари»нинг тутган йўли Исомиддиновга негадир маъқул тушмасди. Энди бу йўлни қандай қилиб бошқа тусга бурув кераклиги тўғрисида ўйлаб қолди. Айниқса Қўлдошнинг ҳозирги жавоби уни яна шубҳага солиб қўйди: «Мажбурийми?»

— Колхозлаштириш кичкина гап эмас, — деди оғирлик билан у. — Агарда бу масалани эҳтиётлик билан амалга оширмасак, тушунмаганлар ўртасида катта ғалаёнга сабаб бўламиз!.. Биз ҳали умумий мажлис чақириб, бу масалани тушунтиргунимизча йўқ, бундай бемаза гапларга йўл қўйиш ярамайди!

Каримов ясама илжайди:

— Уртоқ Исомиддинов, производстводаги ишчилар ўртасида интизом, тартиб, тушунча, тарбия бор, лекин бу ерда буларнинг ҳеч қайсисини тополмайсиз. Агар

бугун бир нарсани бировга айтсангиз, эртага бутун қишлоққа айюҳаннос тортилади. Шундай қилиб, бир қанча «борди-келди» гапларга сабаб бўлади. Бу эса қишлоқнинг суягига сингиб қолган бир урф. Бу ортиқ эътибор қилишга арзимамайди.

Каримов шундай деди-ю, ер остидан Исомиддиновнинг юзига қаради. Исомиддинов бу вақт унинг назарида тинчлангандай кўринди. Бу унга далда бергандай эди. Каримов юзига чиққан товланиш аломатини сезган Жобир сўз қистирди:

— Ҳукумат бизники бўлгандан кейин билганимизни қиламиз-да, ака; бир гужумгина муштумзўрнинг қаршилиги йўлимизга ров бўла олмайди!

— Шундай дейсану,— деди Қўшоқ ўнгланиб ўтираркан,— дунёда булардан писмиғи йўқ. Шундай афсунга уста бўладикки булар, сенинг олдинда ҳеч нарсадан хабарсиз, гўл, ёки сенинг қилиб турган ишингга хурсанддай бўлади, аммо орқангдан сени шундай балчиққа булаб ташлайдиларки, гаранг бўлиб қоласан, киши. Айниқса ҳозирги кунда, бизнинг ёппа колхозга бошлаган ҳаракатимиз уларнинг тобини қочириб қўйди, иссиғи чиқиб кетди, шунинг учун бизга қарши шундай жазавага тушиб қолдиларки, бу очиқдан-очиқ кўринмоқда. Икки-уч кундан бери хотинлар орасида ҳам иғво гаплар юрибдимизи: «Ер илоҳотидан ер олиб-ку, кўплар ўлиб кетди, энди колхоз бўлсак, худонинг ғазаби яна ортиб, ҳаммамиз ҳам қирилиб кетамиз; агар эримиз, ўғлимиз колхоз бўладиган бўлса, кўрпа-ёстиғини кўтариб кетаверсин», дейдиганлар ҳам кўпайиб бормоқда. Мана буларнинг ҳаммаси домла ва муштумзўрларнинг «кигиз китоби»дан чиққан «оят»лар.

Жобир кулиб қўйди. Кулгиси заҳарханда бўлса ҳам, у билдирмасликка тиришди. Қўшоқнинг гаплари айниқса Жобирнинг қора дилини очиб бераётгандай кўринар, лекин Жобир юзидаги ҳақиқий ниқоб ҳали тоза очилиб етмаган эди.

— Бу гапинг жўяли эмас!— деди Жобир гапга ҳовирланиб.— Шунинг учун жўяли эмаски, биз биронта батракнинг бурни қонаса ҳам муштумзўрдан кўрамиз, аммо ишимиз ўнгидан келмасаям муштумзўрни айблаймиз, аммо ўзимиздаги янгилишликларни тан олмаймиз. Уша муштумзўрларнинг шунчалик қилишига сабаб бор, биласанми?

— Биладан,— деди Қўшоқ,— сабаб — бизнинг ёп-

на колхоз тўғрисидаги ҳаракатимиздагина эмас, балки, бизнинг бирлашиб, бир ёқадан бош чиқаришимизда, уларни ўз орамиздан туртиб чиқаришимизда!

— Бу ҳам тўғри,— деди Жобир,— аммо шунга қўшимча бор: бизнинг эпақасиз ҳовлиқишимизда ҳам! Уларнинг бўйнига арқон солганмизу, лекин шу арқонни на тортамыз, на бўшатамыз. Мана жонли гувоҳ: комсомоллар шу колхозлашув ҳақида у ёққа бордилар — «вижир-вижир» қилдилар; бу ёққа келдилар — «патир-путур» қилдилар; гапларининг бир мирилик мазаси йўқ. Бировга «колхоз мажбурий» десалар, бировга «мажбурий эмас», кирмасангиз ҳам бўлади» дейдилар. Шундай бўлгандан кейин албатта жанжал чиқади-да.

Қўлдош Жобирга еб қўйгундай ўқрайиб қаради:

— Комсомолларга осила берманг, Жобир ака! Бу гапларни комсомоллар тўқиган эмас.— Орага бир оз жимлик чўқди. Жимликни Жўра бузди:

— Қўлдошвой, рўйхат нима бўлди?

— Рўйхат тамом бўлаёзди. Пастки маҳалладан тўрт-бештаси қолди, холос. У ҳам бугун тугайди.

— Мажлисгача кўриб чиқиш керак,— деди Жўра. Исомиддинов нималарнидир ўйлар эди.

Каримов унинг юзини таъқиб этгач, Қўлдошга қаради.

— Комсомолсиз Қўлдошвой, қўрқоқлик қилманг, бўшашманг, ишларни бартараф қилганингиздан кейин шаҳарга ўқишга юборамиз,— деди кулиб, яна ўнг кўзини қисиб ҳам қўйди.

ИККИ ЙЎЛ УРТАСИДА

Холмат ака уч-тўрт кундан бери қизиқ хаёлга тушган, у шўро ҳукумати тузилгандан буён ҳукуматга қарши ҳам бўлмайти, ён ҳам босмайти. Унинг учун қандай бўлса ҳам тирикчилиги беозор ўтиб турса бўлгани, бу жанжаллар, бу «икир-чикир» гапларнинг гўё унга тегишлиги йўқ эди, лекин сўнгги кунлардаги ғовур-ғувур гаплар уни қизиқтирмай қўймади, тўғриси бир ёқлама бўлишга чақирди. Каримов билан суҳбат қилганида колхознинг турган-битгани унинг учун зарар эканини англади, юрагида колхозга қарши сирли кек пайдо бўлди, лекин бу кекни очиб айтиш, очик ҳаракат қилиш ҳам хавфли эди. Шунинг учун ҳозирча на батрақлар ва на колхозга норозилар қаторига кир-

ган. Бугун у шаҳардан келган раҳбарнинг ўз оғзидан шу тўғрида бир нарса эшитиб тинчимоқчи, шунинг учун белбоғини елкасига ташлаб, секин, ҳафсаласиз бир кўринишда гузарга чиқди. У гузарда раҳбарни кўрмагач, айланиб колхоз идорасига келди.

Жўра батрак Холмат акани қарши олиб, Исомиддиновга таништирди:

— Бу киши қишлоғимизнинг ўрта ҳол деҳқонларидан, кўп тажрибакор, пахта ишига омил киши, келинг, ўтиринг, Холмат ака.

Холмат ака Исомиддинов билан чўчиброқ кўришди, ер тагидан унинг юз-кўзи ва уст-бошини таъқиб этди: оддий кийимда, юз тузилиши қўполроқ, кўзлари тўхтовсиз ўйнаб турувчи бу йигит Холмат ака кўзига жуда ҳам оддий, ҳатто билимсиз бир кишидай кўринди. Чунки қишлоққа бундан илгари чиққан раҳбарлар орасида кўпроқ серсалобат, башараси қишлоқилар башарасидан жуда катта айирмали бўлган, уст-боши башанг кишилар кўп учраб, буни ҳам Холмат ака орқаворатдан, шундай деб хаёл қилган эди.

Холмат ака рукуъга кетган кишидай қўл қовуштириб ерга қараб ўтирди, аммо қулоғи Исомиддиновда эди.

Исомиддинов ўз гапида давом қилди:

— Олган маълумотларимизга қараганда бу қишлоқ ерларининг кўпи шоликорлик экан. Бизнинг олдимизда ҳозир колхозлаштиришдан кейинги масала, яъни, мана шу шоликорлик ерларни пахта майдонига айлантириш масаласи туради, қишлоқда иккита тегирмон, учта обжувоз бор, лекин булар ҳозиргача ўз эгалари қўлида экан, буларни колхоз қарамоғига олиш керак.

Бу ўтириш расмий эмас, фақат Жаниш, Қўшоқ, Жўра, Толиблар ўзаро суҳбат қилишиб, Исомиддиновни гапга солар ва ундан дарс олаётгандай тинглар, савол берадилар.

— Мени қийнаган нарсанинг биттаси,— деб савол берди Жўра,— башарти биз колхозни кўпайтсак, қишлоғимиз учта колхоз бўлса, шуларнинг ерини ҳукумат ҳайдаб берадими, ё ҳар колхоз ўз кучи биланми?

— Албатта ҳукумат трактор беради, битта эмас, бир нечта трактор билан ўз вақтида ерингизни ҳайдаб беради.

Сўзга Қўшоқ аралашди:

— Ҳозир-ку, ер ўзимизга ҳам етишмай турибди,

ёппа колхоз бўлгандан кейин ерсиз аъзолар яна кўпаяди, унда нима қиламиз?

— Муштумзўрларнинг қўлларидан ортиқча ерларни олиб берамиз. Фақат қуруқ ергина эмас, колхозда боғчалик ҳам бўлиши керак, ундан ташқари колхоз аъзолари кўпайса, сутчилик, йилкичилик фермалари тузиш мумкин, ишқилиб колхознинг ҳар бир аъзоси йил — ўн икки ой ишсиз қолмайди. Даромад бўлса, колхознинг умумий сармоясидан берилади, ўртага ташланиб бўлинади...

— Ишлаган ишига қарабми, ёки ҳаммага барабарми? — деди Жаниш.

— Бизнинг рабобийлар ишлаган ишлари, тўккал терларига қараб ҳақ оладилар. Худди шунга ўхшаган ҳар ким меҳнатига қараб ҳақ олади-да.

— Колхозчилар учун озиқ-овқатни ҳукумат бояғидай бериб тураверадими?

Бу саволни Толиб берган бўлса ҳам, Холмат ака гўё ўзи бергандай бир энтикиб олди. Холмат ака учун чигал бўлган масалалар калити топилгандай эди.

— Бугдой ва бошқа озиқларни ҳукумат куздаги бўладиган ҳосилингиз устидан бўнак тарзида беради. Пахтангиз учун ҳам арзон нархда саноат моллари ва озуқалар берилади. Масалан, пахтангизнинг пути етти сўм бўлса, бугдойнинг пути сизга бир сўмдан берилади.

— Колхозга кирмайман, деган кишини ҳукумат қамаб қўядими?

Холмат ака бу саволни чўчиб-чўчиб берди-ю, жавобини эшитишга ошиқди.

Исомиддинов бу саволга жавоб бериш учун бир нафас ўйлаб олди.

— Узингиз ўйланг, Холмат ака! — деди салмоқлаб у. — Ёшлигингиздан бери шу деҳқончилик билан кун кечириб келгандирсиз-а? — Холматнинг тасдиқ ишорасини кўриб давом этди: — ҳозирги кунингизга етгунча ери кўп бойлар эшигида ишлагандирсиз, кўпларидан қарз кўтаргандирсиз, қарздан илгари фойдасини топиб бериш машаққатига ҳам тушунгандирсиз, агар сиз шу нарсаларни бошингиздан кечирмаган бўлсангиз, кўпчилик деҳқонларимиз албатта шу ҳолда келардилар. Бундан 4—5 йил илгари қамбағал деҳқонлар ва батрақлар ҳукумат олдига битта талаб қўйдилар: еримиз йўқ, ер берингиз, ери кўпларининг ери тақсим қилинсин, ер ишлаганники бўлсин, деб ҳақли та-

лаб қилдилар. Кўриб турибсизки, ҳалиги ерсиз деҳқон ва батраklarнинг кун кечирини бирмунча енгиллашди, орқаларига офтоб тегди, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалиги тўғрисида сиёсати — қишлоқ хўжалиги иш усулларини янгилаш, абжирлик, ҳушёрлик билан меҳнат қилиш, омов ўрнига трактор, ўроқ ўрнига машина, ҳоказо, оғир меҳнат ўрнига механизация усули билан, хуллас, қишлоқдаги оғир меҳнатни енгиллатиш; уни машиналар билан таъминлаб, кўп ҳосил олиш, камбағалнинг турмушини яхшилашдир! Албатта, уюшган деҳқонлар худди бир отанинг боласидай ўртадаги ерга, асбоб-ускунага, ҳосилга кўз қорачиғидай қараб, бамаслаҳат иш қиладилар. Ҳосил ўртада тақсим қилинади. Мана кўз олдингизда «Илдам» колхозини, қанча пухта, қанча кўп ишласа, дармадни ҳам шунча мўл-кўл олаётир. Бир нарсадан салгина оқсоқлаб қолса, дарров ҳукумат ёрдамга ҳозир! — Ҳамма унинг сўзларини жимжит тинглади. Орада сукунат сузди.

— Хўп, яхши, — деди Холмат ака энди эркин, — нима учун ҳукумат ҳадеб пахта экасан дейди?

Бу савол бошқаларни ҳам қизиқтирарди.

— Ҳа, балли, — деди чигалнинг учини топган кишидай бирдан Исомиддинов. — Нега ҳадеб пахта тўғрисида гапирамиз? Шўро ҳукумати тинчлик, ободонлик келтирди, эркинликка барҳам берди. Дунёнинг бир бурчида ётган ҳимоясиз ўзбек рўёбга чиқди, кўп миллатли катта мамлакатнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Қанча-қанча миллатлар бирга бўлиб, бир ёқадан бош чиқардик, дўст-қадрдон оилага айландик. Шундай катта, иноқ оилани вояга етказиш, уни қудратли оилага айлантириш, оилани ҳар қандай муҳтожликдан ҳам халос этиш учун нималар керак? Албатта, дон керак, чорва керак, пахта керак, кўмир ва ҳоказолар! Бу нарсаларни фақат Россия, Украина ёки Қозоғистон бера оладими? Йўқ, албатта. Демак, катта бир оила эканмиз, ҳар бир оила аъзоси оилага бир нарса билан келиши керак бўлади. Украина нон берар экан, биз нима берамиз? Хўш, биз нимага устамиз? Пахтага! Демак, биз оилани кийинтирамиз! Мана нима учун пахта-пахта деймиз.

Исомиддинов яна нималардир демоқчи, лекин демоқчи бўлганларини тўлиқ аңглата олмагандай бўлиб қийналди. Шундай бўлса ҳам у узоқ гапирди, бошқалар қаноат ҳосил қилгандай чуқур хўрсинганларидан

кейингина «энди тушунганга ўхшайдилар» деб гапни бошқа томонга бурди.

Холмат ака сўрамоқчи бўлган гапларини эсидан чиқардим, ёки сўрамоқчи бўлганлари ҳалиги узун нутқ орасида ечилдим, ҳар ҳолда, у ҳам қаноатланиб-қаноатланмай ўтирарди.

Вақт кеч бўлиб қолгач, ортиқча ўтиришни лозим топмаган Холмат ака фотиҳа қилиб ўрнидан тўрди.

У ўз-ўзи билан талашда қолди.

— Тавба, икки раҳбарнинг гапида қандай айирма бор-а! Қайсиси тўғрию, қайсиси эгри? Колхозга кирсам, зўрға топган ерим, от-уловимдан айриламан, кирмасам... Яна қандай бўларкин...

— Исомиддинов унинг билан хайрлашаркан:

— Холмат ака, гапларни уқиб олдингизми?— деди.

— Ҳа, Холмат акам ўзлари ҳам тушунадилар,— деб қўйди Қўшоқ кулиб.

Холмат ака кетгач, ўзаро суҳбат яна давом этди.

— Қишлоқдаги «бузуқ ҳаво»ни ўртадан кўтариш учун эртадан қолмай ишга киришиш керак. Қўшоқвой айтгандай, «улар» ўз ишларини чекка-чеккада бажариб келган кўринадилар. Жамоа активлари мажлисига ҳозирлик суст боряпти. Эрта ё бириси кунига лчейкани тузиб олсак катта гап бўларди.

Суҳбат ярим тунда тугади. Исомиддинов келгандан бери ҳар кун шундай суҳбат бўларди.

О л т и н ч и б о б

ИЧКАРИДА

Қиш охирлаб, худди тонг ёришаётган пайтдаги ёруғлик сингари эрта баҳор излари кўрина бошлади. Онда-сонда эрмай қолган парча-парча қорлар севинаятган кўнгилни хиралантирарди, холос.

Қуёш кулиб чиқади, кулиб ботади, ҳаммадан ҳам унинг «оқ аланга»си жонларга ҳузур бахш этади. Офтоб бу вақт деҳқонларга ҳозирланишга: от-улов, қўш, омов асбобларини тузатиш, қопларни тикиш, кетмонларнинг дамини тўғрилаш, қиши билан боқилиб дам олган қора саман, тўриқ отларни, мўғизи синиқ ёки қайрилма мўғизли ҳўкизларни гўн ташувга тайёрлаш, далада қолган гўзапояларни юлиш, арқон, ўроқ-

ларни уч ойлаб осилиб турган еридан қимирлатишга ундайди.

Эрта-индин боғкўчалар болаларнинг: «бойчечагим бойланди...», «лайлак келди ёз бўлди» деган қувноқ ашулаларига тўлиб кетади, ариқ тўлиб сув оқади, «ҳомбопиш» ўйини бошланади, хотинлар эса тор ўчоқли қишдан қутулиб, очиқ ҳавога чиқадилар; баъзилари деҳқончиликка, баъзилари эса, тўртта-бешта бўлишиб офтоб-шувоқда ҳангомалашишга интиладилар.

Кўп йиллардан бери тул қолган, ўз тирикчилигини ўзи тебратиб келаётган Нодира хола жуда очиқ кўнгил, чеҳрасидан кулги аримаган хотин эди. У эридан қолган кичкина ҳовлисидаги ярим танобдан мўлроқ чорбоғини ўзи ишлаб, шундан олган ҳосили кези келганда баъзи бировларнинг шоликориға, майда резавор ўтоғига; ўроқ-машоғига қарашиб, топган даромади билан кун кўрарди. Қишлоқнинг хотин-халажи аксар шу хотиннинг ҳовлисиға йиғилишиб ўйин-кулги қиладилар, маслаҳат ишларини битказадилар.

Замонанинг янгиликлари уни ич-ичидан севинтиради. Батракларнинг тўпланишиб колхоз бўлишлари, ер-суви, мол-мулки кўп, ноинсоф кишиларнинг додини бераётган воқеалар ва энди камбағалларнинг бойларға бўйин эгмай, ўз ҳаётларини ўз қўлларига олишлари бу хотин учун жуда азамат толе, тенгсиз бир бахт бўлиб кўринарди. Ўзи бу ҳаракатлардан узоқ бўлса ҳам, лекин шу ҳаракат ва шу толеға ўзининг шериклигини сезарди, ишқилиб камбағаллар орқасиға офтоб тегса, менинг ўч олганим шу бўлади, дерди у.

Нодира холанинг дарҳақиқат «улар»дан оладиган жуда катта ўчи бор эди. Жигарларини ҳар замонда ўйлаб йиғларди, ер уриб, кимларнидир қарғар, ҳовли ўртасиға тушиб, янги ўлик чиқарган кишидай эри ва ўғли номиға аллақандай байтлар айтиб фарёд чекарди. Агар хонаси келса, кимларнидир ғижимлаб хумордан тарқагуси, «ўшалар»нинг афт-башараларини юмдалаб, эл-юрт олдида шармандаларини чиқаргуси келарди.

Қишлоқ ёшлари — комсомол қизлар бу холани севадилар, у ҳам комсомол қизларнинг ҳаракатини манзур кўради.

— Ўсингиз-унингиз, қизларим, бизнинг вақтимизда бундақа кунлар йўқ эди. Чордевор, остона ҳатлаб кўчаға чиқолмасдик, ҳатто қаттиқроқ кулолмасдик

ҳам,— деб у қизларни олқарди. Кейин нималардир эсига тушиб, бўрта бошлаган кўзидан битта-яримта ёш тўкиларди. Қизлар бу хотин дардини кўп эшитганлари, билганларидан бундай пайтларда дарров унга тасалли беришга тушардилар:

— Қўйинг, Нодира хола, (айтишга енгил бўлсин учун Нодир хола деб айтар эдилар) ўғлингиз ва эрингиз учун ҳадеб куяверманг, ўғлингиз ўрнига бир ўғил ё яхши бир почча топайликми? — деб кулгига жўярдилар. Сўнгра Нодира хола ҳам кулиб кўз ёшларини артаркан, деярдди:

— Биттаю битта ўғлим мана шу бойлар касофати-га совуқда қолиб ўлди, Абдухолиқ бойнинг ўғли ўрнига мардикорликка бориб қурбон бўлди. Эрим бўлса, ер юткур «бек»лар қўлида бир бурдадан бўлди, мен йиғламай ким йиғласин, болажонларим!

Ёппа колхоз масаласи чиққанидан бери Нодира хола яна хурсанд:

— Ўл-а, учмал келгурлар, колхоз тузилиб, колхозчилар бурунларингдан сим ўтказиб бир маймун қилса, эди,— деб хурсанд бўлади.

У Марям бахши билан Файзи «дастурхончи»нинг яввал Норбувига, кейин қишлоқдаги ҳар бир янгиликка қарши, айниқса колхоз бўлишга қарши хотинлар орасида «миш-миш»лар тарқатиб юрганини ҳам яхши билади, очиқ бўлмаса ҳам кўнглида уларга қарши бирмунча гаплар тугиб қўйган. Тўрт-беш хотин-халаж йиғилганида ҳалиги гаплардан битта-яримтасини чиқариб қўяди.

Сийрак дарахтлар билан ўралган ҳовлини эртадан-кечгача қуёш қиздирарди.

Эшикдан букчайиб кириб келган Марям бахши билан Салом бувини Нодира хола яхши қарши олди. Айвончага жой қилмоқчи эди, Марям бахши кўнмади:

— Қўйсанг-чи, Нодир, сенинг офтоб-шувоғинг бор учун пичагина гунгурлашиб кетгани кирувдик.

Нодира хола дарров кўрпачани офтоб-шувоққа солди.

Одат бўйича фотиҳа ўқилгач, Марям бахши бу келиш сабабини яна бир қайта айтиб чиқди:

— Салом бувишнинг боласи оғриб қопти, томоғига без келган экан, шуни силаб қўйдим, кета туриб сен эсимга тушдинг, Саломни олдим-да, кира қолдим.

Марям бахши етмишлардан ўтган кампир, агар

қисқа-қисқа, тез-тез йўталиши билан қаддининг турма букрилиги бўлмаса, уни ҳеч ким етмишни кўрган демас эди.

Нодира хола ўчоқда узун кун тутаб турадиган тезак устига бир қучоқ хашак ташлади-да, қумғонини тўлдириб ўтти пуфлаб юборди.

Ҳар учови у ёқдан-бу ёқдан гаплашдилар. Гап орасида Марям бахши одати бўйича ҳукуматдан солиб ҳам қўйди:

— Ҳукуматнинг бировларнинг тирикчилигини ўз йўлига қўймай бузиб ташлади-я,— деди тўсатдан Нодирага қараб.— Шундай золим Миколай, ундан илгари ўтган Маллахон, Худоёрхонлар ҳам ўз фуқаросини бунчалик қисмаган эди. Адолатпарвар хон-беклар ўтиб кетдилар. Бу ҳукуматингдан қиёмат шарпаси келяпти, охирзамон ҳукумати бўлса ажаб эмас. Не қилай энди, биров касал бўлса бориб боқолмасанг, битта жон сўйишга, касални тузатишга йўл бермасалар, билмадим, ҳамма ўла берсин дейдиларми? Ажал келгур докторлари бўлса ажалдан беш кун бурун ўлдирдилар: бор-эй, ўлса ўлиб кетсин, дейману, тагин эл-юртчилик, раҳмим келади.

Бир оз сукутдан кейин Нодира холага савол берди:

— Боғингга уннамадингми?

— Ҳали вақт бор, тоқларни очсам совуқ олиб қўядими, деб қўрқяпман. Тўқсоннинг изғирини ўтсин, деб турибман.

— Ё сен ҳам колхозга кирмоқчимисан,— деб кулди Марям бахши нонга қўл узатиб.

— Колхозга олса-ку, Нодира холамнинг киргани яхши-я,— сўзга аралашди Салом бувиш ҳам.— Колхозга хотинларни олмайдиам-да.

Нодира хола бир оз ўйлаб тургач, деди:

— Колхоз хотинларни олармиш... Манов ёппа колхозни қараб турибман. Агар ёппа колхоз бўла қолса ҳаммамиз ҳам кирамиз.

У шу гапни деди-да, ҳамсуҳбатларига қараб кулиб қўйди.

— Хаҳ, ордона қолсин, калламни йигирма бўлак қилсалар ҳам кирмасман,— Марям аччиқлангандай бошини бурди.

Нодира хола Салом бувишга: «Аччиғи келишини қара-я!» дегандай кўз қисиб қўйди. Салом бувиш ҳам билинар-билинемас қилиб куларкан:

— Сиз кирганингиз билан колхозда нима ҳам қи-

лардингиз, колхозчилар касалларини сизга боқтирма-салар, — деди.

Марям бахши ич-ичидан зил кетди. Ўзининг ожизлигидан хавфланди. Бунинг аламини Салом бувишдан олишга тиришди:

— Мен эл-юртнинг бошига тушган фалокатга ачинаман, сенга ўхшаган мол фаҳмларга нима бўлса ҳам барабар-да, — деди.

Салом бувиш яна кулди, ўзидан катталиги учун уни ҳурматлаб индамади. Марям бахши бу билан қаноатланмасдан яна тишлаб узмоқчи бўлди:

— Сенга ўхшаган ювуқсизлар касофатига қолдик... Ризқ-рўзга пашша бўлдинглар!

Бу гал Салом бувишнинг нафси оғриди. Андишани бир четга йиғиштирди:

— Сочингиз пахтадай оқарган бўлсаям, оғзингиздан қора ит ўлигининг ҳиди келади-я! Мен «ювуқсиз» бўлиб, сизга ўхшаган ўлигимни юрт устига ташлаб олибманми?! Ювуқсиз деб сизга ўхшаган ҳар ким эшигида исковичдай текин ош-нон ахтаргани айтадилар. Катта деган сари ҳаддингиздан ошиб кетасиз-а! Ажаб қилади Норбуви, сиздек ўлакса ахтарувчиларнинг жазосини беради.

— Мен, — деди Марям бахши тутоқиб, аммо товушини пастлатиб, — ҳар ким эшигига ялиниб бормайман, ўзлари чақирадилар-ку! Қўлимдан келган яхшилигимни қиламан, тузалсин, дейман, сен кўп андишаеизлик қилма, синглим!

— Андишанинг оти қўрқоқми, хола! Андиша қилақила сизга ўхшаганларни елкамизга миндириб келдик. Эрим колхозга киргани учун ҳар ерда чайнадингиз, Норбувини ғардан олиб ғарга солдингиз, қишлоқдаги батраklar сизнинг кўзингизга тўнғиздай кўринади, комсомолларни бўлса, иложини топсангиз, пари-ажиналарингизга топширсангиз. Шундай ҳам одам бўлади-ми. Сатин бойвачча, Сотволди оқсоқолларникига борганда, думингизни ликиллайтиб, ҳаммани бир четдан чайнаб ўтар эмишсиз; гап келди, гапирдим. Ҳурматингизни қилиб индамай юрган эдим. Сизнинг шеригингиз — Файзи дастурхончи бўлса, сиздан ўн варақ ўтади. Ё қишлоқнинг ҳокимлигини сизларга васиқа қилиб берганларми? Қишлоқ хотин-халажини турса — ўпоқ, ўтирса — сўпоқ деганингиз деган!!

— Болам! Юрагингда шунча кекинг бор экан, олиб чиқиб отивормайсанми! Биламан, сенинг эринг колхоз-

чи, уялмайсанми! Ҳеч бир ҳаё деган нарса қолмабди сенларда!— деди ва йиғлагуси келгандай лабини буриштириб Нодира холага қараб калла қимирлатди.

Нодира хола ичида: «Ула, бопландинг-ку! Бу ҳам оз сенга!»— деди, севиниб. Салом бувишга қўшилиб бу ҳам ачитмоқчийди-ю, лекин Марям бахшининг ўз уйида ўтирганлиги учун андиша қилди. Унинг кўнглини кўтарув учун:

— Хафа бўлманг, опа, ёш-да, аччиғ келганда ақл кетар деган гап бор.

Ҳар учови ҳам «дим-дим» ўйнагандай жимиб қолди. Марям бахшининг томоғидан нон ўтмай қолди. Чой ҳам бошқаларга эшитиларли даражада «қулт-қулт» ўтарди.

Худди биров чақириб келгандай шу ҳолат устига Файзи дастурхончи бошига эски бир камзул ёпингани ҳолда иржайиб кириб келди. Салом бувиш унинг келишидан ўнғайсизланиб «келинг» ҳам демади.

Файзи янги хабар топиб келгандай ўтирмасданоқ гапира кетди:

— Хабарларинг борми, колхоз бўлмаган кишилар қамалармиш. Шаҳардан янги чиққан раҳбар шундай дебди.

— Қўй, колхозинг ҳам бошингни есин! Менга деса юртни олиб чиқиб бўғизлаб ташласинлар!— деди юзини буриб Марям бахши.

Файзи ҳайрон бўлиб бошқаларга қаради. Нодира хола кўз қисиб «индама!» ишорасини берди ва унга жой кўрсатди.

Шу аснода «кўрпақавиқ» игнаси сўраб, Шамси хола кириб келди. Булар ҳали кўришиб бўлмаган ҳам эдилар, эшикдан иккита қиз қувалашиб кирди.

Файзи ғашлангандай қизларга бақирди:

— У нимаси эди, туппа-тузук бўйи етган қизлар беҳаё...

Бу келган қизлар яқиндагина комсомолликка ёзилган муаллималарнинг суюкли толибаларидан бўлиб, Гулшан дегани шаккокроқ, тили югурдак, ўзи зийрак-туйғун, колхоз аъзоси Содиқнинг синглиси эди. Иккинчиси бўлса, бўшангроқ, аммо жойи келганда «гапга тўн кийгизиб» юборадиган қиз, онадан етим қолиб, опаси Салом бувиш қўлида тарбия топган Роҳатой эди. Буларнинг ёшлари ўн тўрт-ўн беш ўрталарида, замона тарбиясини оз бўлса-да, олиб, баъзи «эпашанг» қизлардай кўп гап тагида эзиладиганлардан эмас эдилар.

Қизлар Файзининг гапига қулсқ солмай ўйнашда давом этдилар. Салом бувиш тек қолмади. Ҳалиги аччиқ устига бу яна ҳам аччиқ бўлиб тушган эди.

— Ҳаёсизлик қилиб нима қилибди, уларнинг тергайдиганлари бор!

Ҳалиги Марям бахшнинг пордан гаплари устига яна бу гапни эшитган Файзи уедан илгари бирон жанжалли гап борлигини пайқаб, оғзини юмди. Қизлар чарчашгандай, юзларига толим-толим бўлиб тушган сочларини тузатиб, ҳансироқ билан келиб ўтирдилар, Гулшан худди ўз онасидай, Нодира хола пилжигига кирди.

— Хола!— деди у,— эрта-кидин жамса мажлиси бўлади, колхоз бўлишга тайёрланаётибсизми?

— Мен тайёр, бўтам!

— Сиз-чи, Шамси хола?— деди Роҳат.

— Мен колхоз бўлсам ҳам бўлганман, бўлмасам ҳам. Қўлдош ахир, онавошларинг-ку, болам.

Қизлар кулдилар. Файзи билан Марям бахши бу кулгидан ижирғаниб олди. Файзи чидаб тура олмади:

— Сизларга қолган юрт ҳаром ўлади, замона охир бўлмаса бизнинг кунимиз сизга қолармиди.

— Бизнинг замонамиздан кўнглингиз тўлмаса бу ажабмас. Замона бизники. Сизни биламиз, сиз товоғи ёглиқ Сатин бойвачча сингариларга кераксиз. Ҳамина бизнинг яшашимизни кўролмайсизлар,— деди Гулшан. Дам бермай, Роҳат ҳам қўшди:

— Қурбонликлар йўқ бўлган-да!

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди.

— Бизнинг колхоз бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз сизга ёқмас экан, жимиб юра беринг,— деди давом этиб у.— Сизларнинг бу фитналарингизни Нор опам ҳам пайқаб қолган, бир кун эмас, бир кун аччиғи келиб нақ таъзирингизни бериб қўймасин!

Салом бувиш билан Нодира селкиллаб кулишди. Айниқса, Салом бувишдаги бояғи асабийлик йўқолган эди.

Файзи ўз макрининг бу гал ўтмаслигини пайқади. Марям бахши бўлса, ўтиргани жой тополмасди.

Файзи дастурхончининг пайи қирқилиши биринчи эди. У кўпдан бери колхозга, Норбувига қарши ҳар ерда фикси-фасод гаплар сотар, айниқса, ёппа колхоз бўлиш тўғрисида гап чиққандан бери у тили билан юриб, кетган эди. У шаллақи ёки содда хотинлардан анчамунчасини колхозга қарши ҳозирлаб ҳам қўйган эди.

Ўз вазифасини яхши бажараётгани учун маълум кишилар қўлидан мукофот ҳам олди. Унинг ҳозир бу ерга кириб келиши ҳам бежиз эмасди. Аммо «ёмон» тузланди, шармандаси чиқиб кетди, ортиқ гинг деёлмай қолди. Қўлидан келса-ю, бу «қизил қиз»ларни мижиғлаб ташларди-я, нима қилсинки, замон буларники. Уридан зўрға қўзғалди, энди бошқачароқ «йўл» билан ўзга «тўп»га боришни мўлжаллаб Марям бахшига қаради:

— Кетмайсизми?

— Кетайнк.

Улар инқиллаб кўтарилишар эканлар, қизлар пиқиллаб кулиб юборишди.

Жазаваси тутиб кетаётган Марям бахши таёғини ерга қаттиқ-қаттиқ уриб, ёнида қоғоғидан қор ёғилиб кетаётган Файзига қаради:

— Тавба!..

ТУҶИНИШ

Бугун эрта биландан бошлаб жамоанинг қишлоқ маҳаллаларига мажлисга одам йиғув учун кишилар югуртилди.

Жамоанинг умумий мажлиси учун колхоз идорасининг очиқ саҳнига жой қилинди. Қизил чойхонанинг самовари келтирилиб қайнатиб қўйилди; ерларга шолча, кигизлар тўшалди. Айвонча бўғотига ер ислоҳотидан қолган «Ер ишлаганники; бир парча еримизки ҳам бировга бермаймиз» деган шиор ёзиғлиқ қизил алван тутилди.

Қуёшнинг нури мўътадил, кишига қандай роҳат бахш этади... Кун оғиш пайтига чақирилган мажлисга одамлар жуда суст, кун ботар чоғига бориб йиғила бошлади. Саҳннинг бир четига қўйилган стол билан узун «эшак» бўм-бўш турарди. Стол устига қизил алван ёпилган, унда Жўранинг қоғоз папкаси билан қора қалами ётибди.

Ун беш-йигирма чоғли одам анчадан бери офтобда ўтириб зерикди, гивирлаб қолди. Каримов, Жўра, Холмат ака, Исомиддинов, Қўшоқ, Толиб, Содик, Жаннишлар эса, ҳамон одам йиғилишини кутиб айвонда ўтиришарди. Турди бўлса одам йиғиш билан овора, ҳар замон-ҳар замон кўриниб қолади-ю, лекки йиғилган одамни кўриб қаноатланмайди-да, яна чиқиб кетади. Хотин-қизлардан Нодира хола, Салом бувиш, Қумри, Гулшан, Роҳатойлар Норбуви билан бир четда суҳбатлашиб ўтиришибди.

Жамоада уч мингдан ортиқ жон бор. Ҳеч бўлмаса шунинг мингтаси, боринг, беш юзтаси келиши керак. Ҳолбуки, ҳозир келганлар элликтага ҳам етмайди, шунинг учун ҳам Жўра ортиқ асабийланган. У тез-тез кўчага чиқиб-кириб, худди тўйга одам кутган кишидай юради, учраган колхозчини «одам суриб келиш» учун қайтариб юборади, чидамасдан яқин эшикларни ўзи бориб тақиллатади, ким бўлмасин қистов билан уни мажлисга судрайди.

Аста-секин кириб келаётганлар айвондагилар қаторига ўтадилар, чой кетма-кет дамланиб туради.

Исомиддинов йиғилганларни зерикиб қолмасин дебми, ёки бошқа мақсад биланми, ҳар ҳолда уларни гапга сола бошлади.

Келганлар орасида олтмиш-етмиш ёшлардаги, соқол-мўйлови кумушдай оппоқ, лекин қадди ҳали тетик бўлган Ёқуб ота Исомиддиновдан тортиниб ўтирмади:

— Ўғлим,— деди салмоқлаб у,— сўраганнинг айби йўқ, дейдилар, бу ўзи... колхоздан мурод нима?

Исомиддинов Холмат акага тушунтиргандай содда қилиб тушунтириб ўтди. Энг сўнг шундай деди:

— Ота, ахир биз ери кўп муштумзўрларнинг, бойларнинг оёғи остида эзилдик, жигар-хун бўлдик, энди срқамизга офтоб тегсинми, йўқми?

— Ҳақ, рост гап!— деди Ёқуб ота,— бойлар эшигида ҳўкиз ўрнида қўш ҳайдадик, ош ўрнига кепак нон билан совуқ сув бердилар, биронта каттароқ бой кўчадан ўтиб қолса, икки букилиб салом бериб умримиз ўтди. Боринги, биз бечоралар ҳар нарсани ҳам бойлардан ортса қилардик, сайилимиз, бозор-ўчаримиз ҳам улардан ортса бўларди. Ҳукуматимиз ўз одиллигини шу билан ростакам кўрсатяпти, мунчалик билмаганидим. Айтинг-чи, ўғлим, ҳукумат бундан кейин ҳам якка қўлларга ёрдамини қила берадими ё...

— Албатта, яна илгаригидан зиёдроқ ёрдам қилади.

— Бу... колхозга ҳамманинг кириши албаттами ё кирмаса ҳам бўлаверадими?

— Колхозга кириш мажбурий эмас, лекин кирганлар ютқизмайди, кирмаганлар кейин бориб пушаймон қилиши аниқ,— деди кулиб Исомиддинов.

— Албатта, кўпчилик нимани хоҳласа шуни қилиш яхши. «Кўп оғиз олдида бир оғиз йўқолади» дегандай кўпчиликнинг раъйига бўйсуниб маъқул.

Ёқуб ота юрагидаги ғашлигини йўқотган кишидай

енгил тортди. Сўнгра мажлисга одамнинг жуда оз келганлигини кўриб Қўшоқдан койиб кетди:

— Тур, ўғлим, бундай саришта қилишни ҳам билмайсиңлар, ахир тўртта-бешта бўлишиб суриб келсанглар бўлмайдимми, биз сиздек чоғимизда мерганнинг ўқидай тезланиб иш қилардик, қимирланглар-э!

Қўшоқ кула-кула ўрнидан туриб чиқиб кетди. Унинг кетидан Ёқуб отанинг турткиси тегмасин деб истиола қилди шекилли, Жаниш ҳам чиқди.

* * *

Уч юздан ошиқ одам йиғилди, саҳн «ғиж-ғиж» одамга тўлди. Мажлисни жамоа шўросининг топшириғи билан Жўра батрак очди:

— Жамоамиздаги фирқа, комсомол аъзоларининг жамоа активлари билан қўшма мажлисини очаман...

Ҳайъат-раёсатга Каримов, Жўра, Қўшоқ, Нодира хола ва Норбувилар сайланди. Каримов раисликни олиб бораркан, рўзномани эълон қилди.

— Кўриладиган масаламиз асосан битта, яъни ёппа колхозлаштириш тўғрисида ўртоқ Исомиддиновнинг тушунтириш маърузасини эшитиш ва музокара-лар.

Саҳннинг уч ерига кичкина чироғ ёқилди. Иккита машъала билан сарой саҳни худди хумдон ўчоғининг деворидай қип-қизариб кетди.

Исомиддинов стол ёнига келди, говур-гувур бирдан тўхтади. Унинг кўзлари машъалада баъзан ялтираб, баъзан қорайиб кўринаётган юзларни, тик қараб турган кўзларни, турли қиёфада ўтирган одамларни сузиб чиқди... У ҳали гап бошлаган эмас эди, кимдир биров қарсак урди. Иккинчи, учинчи, юзинчилар ҳам қарсак бошлаган эдилар. Каримов ўрнидан туриб қўлини кўтарди ва тўхташга ишора қилди:

— Тисс... жим...

— Гап бошламасдан чапак урасизларми, қани аввал эштайик-чи!— деди кимдир, чироғ панасидан.

— Ҳа, беданани сайратиб кўриб, иннайкейин олиш керак!— деди яна кимдир, орқадан ва гур кулги кўтарилди. Каримов ҳам иржайиб қўйди. Аммо Қўшоқнинг томирлари ўйнаб кетди, қинидан чиқаёзган кўзлари кимнидир излаб қолди.

— Масала муҳим, ўртоқлар,— деди иржайган ҳолда Каримов одамларни тартибга чақириб,— астойдил қулоқ бериш керак!

— Қулоғимиз динг, сайрай берсинлар!

Яна унда-бунда кулги чиқди, Қўшоқ чидамсизлик билан ўрнидан турди:

— Қулоқ солишни истамайдиганларга эшик очиқ, халақит бермасинлар!

— Қуллуқ, ўроқчи!

Бу гал қаттиқ кулгу кўтарилди. Ҳатто Қўшоқнинг ўзи ҳам ўзини тутолмади. Чунки «ўроқчи» сўзи унинг узун бурнига ишора эди.

Жўра бу гапирувчини Саттор аскиячимикан деб қаради, лекин у эмас эди. Ким эканлигини билолмади. Лекин бу «қизиқчилик» мажлис руҳини бошқа ёққа буриш, раҳбар обрўйини тўкиш учун бўлаётганини ўйлаб, яна туси ўзгарди:

— Қаерда ўтирганларини унутмасинлар, тиллари қичиётганлар,— деди заҳрини тўкиб.

Ҳамма жим бўлди. Лекин бир бурчакда гуж бўлиб ўтирган йигирма чоғли хотинлар сраснда эса, ҳали говур-гувур тўхтамаган эди.

— Ҳай, бувистинлар, қурбонликка келган мулла-ваччалардай каломулло туширяпсизларми?!— деди Норбуви.

Хотинлар орасидан хириллаган бир товуш чиқди:

— Амал тегмай ўлсин!

Ҳамма жим бўлди. Исомиддинов коммунистлар партияси ва шўро ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини қайтадан тузишдаги сиёсатини, қишлоқ хўжалигини тиклаш, янги техника, машиналаштириш ва унинг аҳамиятини гапиргач, ёпла колхоз тузиш ҳақидаги камбағал деҳқон ва батраklar талаби ва бу талабни амалга ошириш учун партия ва шўро ҳукуматининг ёрдами нималардан иборат эканлигини ҳам содда қилиб тушунтириб берди.

— Саволлар борми?— деди Каримов туриб.

Ҳеч ким «чурқ» этмади. Сув сепгандай жимлик эди.

— Ҳа, саволинглар йўқми? Раҳбарнинг сўзига тушундингларми? Бу гаплар маъқулми-йўқми?— деди халққа қараб Каримов, илжайганича.

Биров орқадан дўнғиллаб қўйди:

— Маъқул ҳам, номаъқул ҳам.

— Ушани чиқиб очиқ айтиш керак-да,— деди Қўшоқ унинг ким эканлигини билиш мақсадида бўйинини чўзиб қарагани ҳолда.

Яна жимлик.

— Бўлмаса, саволларингизни ўйлаб туринглар, музокарага чиққанда аввал саволга жавоб олиб иннайкейин гапирасизлар, музокарани бошлашга қарши киши йўқдир. Қани ким чиқади музокарага? Кўкрагингизда нима бўлса ҳаммасини тўкиб сола беринг.

Яна жимлик...

— Эй-ҳа қани Холмат ака, ҳа Юнусмат, гапирмай-сизларми?

— Мен нимаям деярдим. Кўпчилик нима деса шуда,— деди, носқовоғини ўйнаб Юнусмат.

— Белимда белбоғим бор, деб кериласизлару, мана бунақа майдонда писиб ўтирасизлар. Хотин киши бўлсам ҳам мен гапирай,— деди бурчакдан бир хотин ўзини ўнга ғариб юзини рўмоли билан тўсгани ҳолда тескари қараб:— мен ҳукуматга тушуна олмаётирман, ҳукуматни камбағаллар ҳукумати дейдилару, унинг зулми бойларникидан ҳам ошиб тушяпти.

— Ҳа, Ойша хола, гапиринг, бормисиз!

— Қўрқманг, гапираверинг.

— Жим, ўртоқлар, гапни эшитиш керак.

Бу гаплар Ойша холага далда бергандай бўлди, у ҳансирагини босиб, гапида давом этди:

— Типпа-тинч ишлаб турган деҳқонларнинг калласини битта қозонга тиқиш; товоқ-қошиғини, борингки, кўрпа-ёстиғигача бирлаштириш кимдан чиққан ақл?! Зардоб ютиб ишлагин эмишу, ҳосилингни ўртага тўкиб, оғзингни очиб қолавер эмиш, гапим шу, холос!

Орада яна йўтал аралаш тартибсиз гаплар бошланди.

— Ҳа, энди шуниси қолган экан.

— Колхоз бўламиз. Чидаганга чиқарган.

— Колхоз мардни номарддан ажратади...

— Колхоз зўрлик билан бўлмайди...

— Жим, от бозори бўлмасин! Яна ким гапиреди?— деди Каримов ўрнидан туриб.

— Гапириб нима қилардик. Ҳукумат қўлидан келса осиб юбора қолсин!

— Ўртоқлар!— деди Исомиддинов ўрнидан туриб, унинг чакка томирлари лўқиллаб урмоқда эди, бу кутилмаган савол ва қаршиликлар уни гангитиб қўйгандай бўлди, томоғига бир нарса қадалгандай бўғилиб гапирди:

— Колхоз мажбурий эмас, ҳеч ким сизни колхозга киринг, деб зўрламайди ҳам!

— Тилёгламалик қилманг, ўртоқ — деди Мирсодиқ этак пешини қайтаргани ҳолда, — биз ҳам оз-моз би-ламиз. Мажбурий эмас эмиш! Нима учун бўлмаса ком-сомолларингиз жамоада битта ҳам одамни қолдир-май, кўрпа-ёстиғигача рўйхатга олдилар? Улар ўз оғизлари билан: «Колхозга кирсанг ҳам кирасан, кир-масанг ҳам кирасан!» дедилар.

Қўшоқнинг кўзлари ўйнаб кетди. Жўра ҳангу манг бўлиб қолди. Лекин ҳозир бўшангликнинг чоғи эмас эди, сакраб ўрнидан турди-да, ўртага тушди.

— Мирсодиқ бойвачча! Сизга яхши гап ўргатибди-лар. Анча чиройли сайрайдиган бўлиб қолибсиз-а! Биз ҳам биламиз, сизнинг отахонларингиз тинчиб ўл-майдилар, бу талваса — сизнинг, отахонларингизнинг талвасаси! Лекин шун яхши билиб қўйингки, сиз суя-надиган катта толлар аллақачон кесилиб кетган. Ўр-тоқлар! Раҳбар ўртоқ Исомиддиновнинг ҳозирги маъ-рузаси биз учун жуда катта сабоқ. Биз биламизки, иш-чи-деҳқон ҳукумати бизнинг ҳукуратимиз, у биз кам-бағал деҳқон ва батрақларга чивиндай ҳам зарарни раво кўрмаган, раво кўрмайди ҳам, қўрқманглар! Агар биз колхоз бўлишни талаб қиларканмиз, бу — ўзимизнинг фойдамиз, хўжалигимиз тикланади, ер-ларимиз машина билан ишланади, ҳосил мўл бўлади, солиқдан ҳам озод бўлиб, турмуш-маишатимиз яхши-ланади. Тўғри, бизга шунчалик «кун туғса» Мирсодиқ-лар, бизнинг кучимиз билан кун кўриб, бойиб келган Мирсодиқ бойваччалар қандай чидай олсин. Албатта, йўлимизга гов бўлиш учун, режаларимизни бузиш учун, бўш ўртоқларни йўлдан уриш учун ҳаракат қи-либ кўради, бўш келмаслик керак! Биз ҳозирнинг ўзида колхоз бўлайик деётганим йўқ. Бу мажлис — фақат ту-шунтириш мажлиси, букундан бошлаб ҳар ким кол-хозга кириш-кирмаслик тўғрисида ўйлаб кўрсин, бир-бирини билан маслаҳат қилсин, бир ҳафта-икки ҳафта-дан кейин яна мажлис чақириб, ўшанда узил-кесил ҳал қиламиз.

Жўранинг гапидан кейин тўлқин бир оз бўшашган-дай бўлди, лекин Исомиддинов, Қўшоқ, Норбувилар-нинг ҳаяжони ҳали ҳам босилмаган эди.

Исомиддинов жамоа муштумзўрларининг тайёргар-ликлари зўрлигини пайқади ва анча ҳушёр тортиб қол-ди, ўзини душманлар орасида ҳис қилиб, курашга ҳозирланган гавдасини ростлади.

Қўшоқ эса, алангаси осмонга чиққани ҳолда халқ-

қа қараб ўтирарди. У чироғ шуъласида Жобирни кўриб қолди. Жобир ўрнида тинч ўтира олмас, дам-бадам туриб кетар ва нималарнидир гапирар, кимлар биландир шивирлашиб сўзлашарди. Қўшоқ уни таъқиб қилиб ўтираркан, муштлари стол тагида дўлаяр ва тишлари тахтакачдай қисилиб босиларди: Жобирнинг хатти-ҳаракатлари уни шубҳага солиб қўйди, «тилёғлама!» деди ичида қидирган нарсасини бирдан топган кишидай кўзи очилиб. Ихтиёрсиз пичирлади:

— Даюс!...

Каримов сўзга чиқмади. Бу эса, Исомиддиновни таажжублантирди. Каримов Исомиддиновни кўзига тупроқ сочишга тиришар эди. Исомиддиновнинг хунуқроқ кўз қарашини сезди-ю, сирбой бермай илжайди.

— Қани, ўртоқлар, нима қилдик, колхоз бўламизми, йўқми?— деди Каримов зериккан кишилар сингари ҳафсаласизлик билан.

— Йўқ, керак эмас; агар ихтиёрий бўладиган бўлса, бизга кераги йўқ колхозингизнинг!— деди кимдир орқа томондан.

— Бошингиздан ордоналар қолсин,— деди яна аллаким.

— Бўламиз, ёппа колхоз бўламиз, ишлаймиз!— деди бирдан чувиллашиб кўпчилик.

— Жим, ўртоқлар!— деди Исомиддинов Каримовга хўмрайиб. Чунки Каримовнинг сўзи Исомиддиновдаги шубҳани кучлантириб қўйган эди.— Ўртоқлар! Масалани ҳозир «бўламизми, йўқми?» деб қўйиб бўлмайди. Айтдик-ку, ҳозир бу масалага ўтмаймиз, фақат колхознинг нималиги тўғрисида гап боряпти. Жўравой айтгандай беш-ўн кун ичида «бўламизми, йўқми»ни ечамиз... Уйлаб кўрсинлар!— деди ва яна Каримовга бир хўмрайиш билан ўтирди.

— Ўртоқ Каримов масалани қандай қўйса ҳам майли, аҳамияти йўқ,— деди Толиб чинқироқ товушда,— биз ёппа колхозни талаб қиламиз.— Норбуви ҳам Каримовга қош чимириб қаради. Лекин бу қараш карашмами, ё аччиқ-тирзиқ қарашмиди — билиб бўлмади.

— Ажаб, ҳайрон қоласан киши,— деди чеккароқда ўтирган бир чол,— колхознинг фойдасини, колхоз ҳақиқатан ҳам камбағаллар жонига ором, қаддига дармонлигини била туриб, ҳардамхаёлликка борадилар.

— Қаёқдан биласан қаддига дармонлигини,— деди Файзи.

— Ҳақсизларга ким қўйибди гапиришни!— деди Нодира хола бирдан қизишиб.

— Холмат ака, сиз нима дейсиз?— деди Толиб кулиб.

— Нима дердим, сой қаёққа оқса, тош ҳам ўша ёққа думалайди-да, дувана.

— Унақа думалайдиган тош бўлсангиз гирдоб тагида қолиб кетасиз, бир ёқлама бўлиш керак!— деди Қўшоқ.

Мажлисида яна тартибсиз гаплар бошланди. Каримов ҳам жўрттага мажлис «ипи»ни бўшаштириб юборди.

— Мен ҳам икки оғиз гапириб қўяй,— деди Ёқуб ота, ўрнидан туриб.

— Ҳа, бормисиз, Ёқуб ота!

— Элга қўшилсанг -- эр бўласан, элдан ажралсанг -- ер бўласан, деганлар, донолар,— деб бошлади кумуш соқолини ўйнаб чол,— мен ҳам колхозга қарши эдим, колхоз тўғрисида қишлоқда юрган ҳар хил бемаъни гаплар бошқалар сингари мени ҳам гангитаёзган эди. Йўқ, ҳали манов раҳбар укам билан гаплашганимда, колхознинг бизга жуда катта манфаати борлигини пайқадим. Агар бу укамнинг ҳозирги қилган ваъзидаги гаплар рост бўлса, албатта камбағал батракларнинг колхоз бўлгани маъқул, жуда ҳам маъқул... Албатта укам ёлгон гапирмайдилар, нимагаки, укам ҳукумат томонидан юборилган, адолатли ҳукумат томонидан юборилган жавобгар киши. Худоёрхондап тартиб оқ пошшо, Миколай пошшолар замонида ҳам биз камбағалларга бунақа меҳрибонлик, шафқат бўлмаган. Гапим мана шу, укалар, колхоз бўлсак зарар қилмайдиган кўринамиз...

Ёқуб отанинг ҳурмати учунми, ёки унинг сўзи маъқуллигиданми, мажлисга сукут чўкди. Аммо аллаким:

— Чолнинг мияси айниб қолибди,— деди мингиллаб.

— Колхоз бўлишдан, ишдан қўрқоқлар қочади, кимки мард бўлса, пешона терлатиб овқат ейман, ишлаганимнинг ҳузурини ўзим кўраман деса, колхозга киради,— деди Салом бувиш. Унинг бу гапини кўпчилик кулгига жўйди. Лекин Салом бувишнинг кейинги товуши бу кулгиларни энгиб юборди:

— Кулманглар! Мана менинг эрим колхозга кирганидан буён қорним тўқ, устим бутун, рўзгорим бут.

Илгари-чи, илгари уззукун бойникида ишлаб қарғиш билан сўкишга, ҳақоратга тўярдик, холос.

— Гапирмаган сен қолувдинг,— деди Файзи туртиб.

Яна кулги кўтарилди. Лекин Салом бувишнинг гапи кўпларга таъсир қилгандай кўринди.

Мажлисда котиблик вазифасини бажариб ўтирган муаллима Бойматова, ниҳоят хатдан бошини кўтарди-да, юзига тушган соч толаларини тузатди ва рўпарасида ўтирган Қумрини имлаб, унга нималариндир пичирлади.

Орадан бир неча минут ўтгач, Қумри сўз сўради.

— Ҳали Мирсодиқ, комсомоллар устига тўхмат қилди,— деди у соддагина қилиб.— Бу тўғримас, комсомоллар Каримовнинг буйруғини бажарди, рўйхат Каримовнинг буйруғи билан олинди. Бу иш шундай қистов билан бўлди,— деди ва терлаб-пишиб ўтирди.

Исомиддинов ялт этиб Жўрага қаради.

— Беспладинг, омон бўл!— деб кулди Жаниш.

Каримов ичидан ўртанса ҳам, юзида кулги бор эди.

Нимадир демоққа ҳозирлангандай эди, орқадан Жобирнинг товуши келди:

— Сув келтирган хор-зор, кўза синдирган азизми? Каримов устига тўхмат ташлашнинг нима кераги бор?

— Майли,— деди Каримов бояги ҳолатини бузмай,— гап топмаганлар нимани ҳам гапирсинлар, текшириб кўрарлар... Хўш, энди масала тамом, мажлисни ёпамизми?— Исомиддиновга қаради. Исомиддинов бу вақт Қўшоқ билан нима тўғрисидадир шивирлашиб гапиришмоқда эди. Унинг ўрнига орқадан кимдир жавоб қилди:

— Ёпиш керак, шунча гап ҳам етар бугунга.

Каримов мажлисни ёпди, ҳовли саҳни бўшаб қолди. Бир неча киши, қўлидан тарвузи тушгандай, идорага кириб келишди. Булар колхозчилар бўлиб, ораларида Исомиддинов ва Бойматовалар ҳам бор эдилар. Исомиддинов бирпаснинг ичида ўзгариб, ориқлаб, кўзлари ич-ичига ботиб кетгандай кўринарди. Жўра пушаймон еган кишидай дили ғаш, Қўшоқ ўз-ўзидан сўкинарди, бошқалар ҳам изтиробда, чеҳраларидан қайғу томар эди.

— Иш хом бўлган экан,— деди Исомиддинов жаҳл билан.

— Биз енгилиб қола берамизми энди!— деди Қў-

шоқ. Унинг овози, асабийлашганидан бўлса керак, тит-
рарди.

— Енгилмаймиз! Бироқ айб ўзимизда, ҳушёр бўл-
мадик, — деди Жўра зарда билан.

— Айтгандай, Қўлдош нега келмади, а? — деди
Жаниш тажжуб билан Қўшоққа.

— Ростдан ҳам у кўринмади. Шаҳарга кетдими-
кан?

— Ишнинг хомлигини билиб қочганга ўхшайди
қизиталоқ.

— Ишни бузиб қочган, дегин, — деди Жаниш ку-
либ.

Жўра пешонасини ушлаб, «нима қиламиз?» деган-
дай Исомиддиновга жавдираб қарар, лекин Исомид-
динов ҳозир ҳеч нарса деёлмас, чуқур хаёлга берилиб
ўтирарди.

Ҳаммалари ҳам бир неча вақтгача ҳайкалдай жим
ўтириб қолишди.

Бу сукунатни Жанишнинг чуқур «уфи» бузди. Жў-
ра бошини кўтариб, атрофга қаради.

Қўшоқ Жўра билан кўз уриштириб олгач:

— Ё ўламиз, ё айтганимизни қиламиз! — деди.
Унинг кескин сўзи бояги «ҳайкал»ларга жон берган-
дай қимирлатиб қўйди...

Дўстни душмандан аниқ ажратган мажлисни Исо-
миддинов биринчи кўриши эди. У ўзининг душманлар
орасига тушиб қолганини энди пайқаганидан қаттиқ
хуноб бўлар, буни билган қишлоқ камбағаллари олди-
даги шармандалиқдан ғоят азобланар, бу хатони энди
қандай тузатиш ва хавфнинг олдини олиш учун чора
ахтариб уйқуси келмасди...

«НОМУС — БИЗ УЧУН ҚИММАТ!»

Норбуви кечадан буён хафа, овқатни ҳам тузукроқ
емайди. Кечаги мажлис воқеаси уни ортиқ асабийлаш-
тирган эди. У Ойша кампир билан Файзининг мажлис-
да бурчак-бурчакдан отган хунук гапларини эслайди,
юраги гижимланиб, азобланаркан, ғайри ихтиёрий
ҳолда:

— Юзи қоралар! — деб қўяди.

Бугун ишга жуда кеч чиқди. Идорага кириши бил-
лан Каримовни кўрди-ю, ранги ўзгарди, унинг тўғриси-
да ўйлаб қўйган шубҳаларини бир-бир очиб ташламоқ-
чи бўлди. Лекин Каримовнинг ҳозирги ҳолати бунга
йўл бермас эди. У жўрттагами ёки чинакамданми, ҳар

қолда, қовоғи солиқ, худди Норбувини кўрмагандай шошилиңч бир қолда қоғоз титар эди. Бир оздан кейингина ўз столида нима қиларини билмай паришон бўлиб ўтирган Норбувиге қаради. Унинг юзида кулги аломати яширинган, бурун қанотлари керилган бўлса ҳам зўр-базўр ўзини тутар эди:

— Калла пишдимми?

— Мен бошқаларга ўхшаб ухлаганим йўқ, уйқу беғамлар калласини пиширади.

Каримов Норбуви ёнига тайпанглаб келди ва қўлини унинг иягига теккизиб:

— Серзарда қиз!— деди.

— Қўйинг, юрагим сиқилиб турибди.

Каримов яна яқинроқ борган эди, Турди пучуқ чойнакда чой олиб кирди ва остонада илжайиб тура берди.

— Қўлдошни бирон ерга юбордингизми?— деди Норбуви унга кўтарилиб.

— Агар Қўлдошни қочирмасам, кечаги мажлисда абжағи чиқиб кетар эди.

— Абжағи чиқмас эди-ю, ҳақиқатни очиб ташларди.

— Қандай ҳақиқатни?— Каримов бирдан титраб кетди ва пушта ташлаган кулчадай оқаринди, сирни бой бермаслик учун гапни кулгига айлантириб, қўли билан Норбувининг юзларини сийпади.— Сиз жуда ёмон бўлиб кетяпсиз, а, масалага қаттиқ киришасиз.

— Ҳозир идорадамиз,— деди Каримовнинг қўлини итариб Норбуви,— кўп суюлманг...— унинг овози асабдан қалтирарди.— Айтинг-чи, Қўлдошга, колхоз мажбурий деб, сиз айтганмисиз?

Каримов таноби қочган оғзини йиғмади, лекин юрагида ваҳима ўйнади.

— Ана энди, ҳозир Норхон терговчи ҳам бўлади.

— Керак бўлса терговчи ҳам бўламиз!

Каримов чойнакдан чой қуйиб столга қўяркан:

— Бугун чиндан ҳам ухламай каллангизни бекорчи хаёллар билан говлатганга ўхшайсиз, қўйинг, «ўзимизнинг» гаплардан гаплашайлик,— деди.

«Ўзимизнинг» жумласи Норбуви асабининг нозик торларига тегиб ўтди, юпқа, олича ранг лабларида табассум кўринди. Аммо тезда ўзини босди ва кескин деди:

— Мана бу асосий гаплар ҳал бўлмай туриб, «ўзимизнинг» гапларга қўчолмаймиз!

— У гаплар ўз йўли билан, Норхон! Жамоа активлари сиз-бизсиз ҳам у ишларни ҳал қила олади.

— Йўқ, ундоғмас.— Тикилиб қаради Каримовга у,— активлар кўзига тупроқ сочилмоқда, душманлар ҳаракатга кириб қолишди, суянчиқ топганга ўхшаштилар.

— Бузоқнинг югургани сомонхонагача, Норхон! Нега бунча қайғурасиз, бир ҳовучгина ёт унсулар шунча батрак, камбагал деҳқонларни енгади деб ўйлайсизми? Ишонсангиз агар, сиз ҳам душманга ён босган бўласиз, буни коммунистларча айтганда, оппортунистлик деймиз, ё менга ишонмайсизми?

Содда, «ҳали лат емаган» юрак шу сўзлар билан тинчигандай бўлди...

* * *

Осмон тиниқ, кўм-кўм шишадай. Юлдузлар пахта майдонларида барқ уриб шона отган пахта гулларидай чарақлаган... Тўлин ой бўлса ҳамма ёқни ёритиб нур сочади. Ҳаво совуқроқ, тўнсиз юриб бўлмайди...

Турди ошни сузиб ҳужрага кирди. Бир-бирига жуда яқин ўтирган икки тана иймангандай бир-биридан сал узоқлашди.

Турди улар олдига ошни қўйди-да, ер тагидан Норбувига қаради, негадир гаши келгандай бўлди ва ўзини халақит бераётган кишидай ҳис қилиб, тез чиқди.

Ош олдида «татилган» шароб ошиқ-маъшуқларнинг юзларига қизиллик югуртиб, кўзларини жимирлата бошлади.

Норбуви биринчи мартаба шундай «номаъқул» иш қилди, Каримовнинг қўлини қайтаролмади, қайтаришга ўзида қудрат ҳам тополмади, ноиложликдан ичди, ичди-ю, лекин бир дунё ғурбат ютгандай бўлди; «эл-юрт кўзи менда» деб ўйлади ва сесканиб атрофга қаради, ўзини гуноҳкор ҳис қила бошлади. У энди ичида дапқир-дапқир: «нима қилдим мен, ўлганим яхши», деб қўяр, бунинг сабабчиси — рўпарасидаги йигит — Каримовга ярим эркалик ва ярим норозилик қиёфасида қараб қўярди.

Ҳангома узоқ чўзилди. Бир-бирларига қилинган ҳаёт қуриш ваъдалари яна бир неча бор такрорланди. Келажак учун режалар қурилиб, умид чечаклари анқиб, ҳид сочди.

— Сиздан битта сўроғим бор,— деди эркаланиб Норбуви,— агар йигит бўлсангиз, тўғриси айтасиз.

— Сўранг.

— Нега шаҳардан уйланмадингиз, нега саводсиз — бефаҳм бир қишлоқи қизга уйланмоқчисиз?

Каримов ўйлаб турмади. Бу гапга у кўпдан бери жавоб ҳозирлаб қўйган эди.

— Шаҳар қизларининг ўнтаси-ю, қишлоқ қизларининг биттаси!

— У ёқда битта ҳам ошнангиз йўқми?

— Мен ундай бачкана ишни ёқтирмайман.

— Кейин сир очилиб қолса-чи?

— Қўлингиздан келганини қиласиз.

— Ваъдангизда турасиз, а?

— Турмасам — йигит эмасман!

— Шаҳарга кетиб қолсангиз-чи?

— Бирга кетамиз!

Норбувининг юраги «дукур-дукур»ига олиб кетди... Каримовнинг дилида «қандай бўларкин» андишаси бўлса, қизда «синалмаган йигитга сир бериш — номус» андишаси гупурмоқда эди.

Каримов «беихтиёр» Норбувининг елкасига қўл ташлади.

— Тек ўтиринг, — деди қўлини итариб.

— Шунча гаплар, ваъдалар-чи?

— Ҳали пишмаган гап! — деди ва ўзини четга олди Норбуви.

Унинг пишиши ўзимизга боғлиқ! — деди Каримов ва номуссизларча Норбуви устига ташланди.

Норбуви кучли эди. Каримовни жуда енгилгина суриб, ўзидан анча нарига ўтқазиб қўйди. Норбуви олдида ўзини ожиз сезган Каримов ялинишдан бошқа чора топа олмади...

— Узингизни тетик тутинг, йигит, — деди Норбуви жиддий туриб. — Сиздек йигитлар билан қанақасига бўлса ҳам гаплашамиз, бироқ номус биз учун ҳаммасидан қимматроқ!

— Нима қилсангиз ҳам амрингиздаман, жоним!

— Йигит киши ўзини-ўзи тутиб олсин! Менинг амрим мана шу!

— Хўп.

Каримовни титроқ босди. Рўпарасидаги вужуд бундан беш минут илгари кўзига мислсиз кўркем бўлиб кўринган бўлса, ҳозир ундан хунук, ундан бадбашара «махлуқ» йўқ эди. Каримов ўзини жуда разил, жуда хўрланган ҳис қилди. У бундай вужудларнинг қанча-қанчасини қон-қора қақшатган, тепкилаган, қанча-

дан-қанчасининг номусини барбод этган киши. Шундай «йигит» энди келиб-келиб битта қишлоқ қизи олдида хор бўлдимми?!

— Хайр,— деб қўйди Каримов ва сир бой бермаслик учун юзига яна аввалгича ясама иржайиш олди. Чойнакни Норбуви ёнига суриб қўйди-да, «ича туринг» деб, ўзи ўрнидан турди ва эшикка чиқиш ниятида қоғоздаги пальтосини олди. Чўнтагидан рўмолча қидирди, бошқа чўнтакларига ҳам кириб чиқди, йўқ эди, у ёқ-бу ёғини қидириб, каравот устини ҳам қараб топмади, кейин ёстиқ тагидан янги рўмолча оларкан, унга кичкина бир қоғоз илашиб чиқди ва каравотдан ерга тушди. Каримов буни пайқамади шекилли, эътиборсизгина ташқари чиқди.

Норбуви бу қоғозни кўргач, «аҳтимол бир хотин-потиндандир, шаҳарликлар одатда йигитлар билан хат ёзиб гапиришадилар-ку» деди ичида ва лип этиб ўрнидан турди-ю, бориб хатни олди ва деразага қаради. Каримовдан шарпа бўлмагач, чироғ тагига келиб уни очди. Хат жуда қисқа, кичкина қоғозда ўн-ўн беш қаторгина эди. Уни ўқиди-ю, лекин ҳеч нарса тушунмади, ҳаммаси ҳам унга ёт сўзлар эди. Ҳафсаласи пир бўлди. Лекин хатни жойига ташлагиси келмади, «мағизини чақаман, хат, албатта қиздан, ҳали шошмай тур, шармандангни чиқараман!» деди-да, маҳсисининг кўнжига тиқиб қўйди...

Улар совуққина хайрлашдилар.

Кўча ой шуъласида ярқирайди, лекин ҳеч ким йўқ. Норбуви эллик-олтмиш одим босгач, орқа кўчадан галати ашула эшитилди:

Қатор-қатор толларга суянманглар, колхозлар,
Муштумзўрнинг ерига инонманглар, колхозлар,
Дод-эй, инонманглар, колхозлар!..

19

Норбувининг кўзи қинидан чиқиб кетаёзди. Унинг бу ҳолати билан Каримов ҳужрасидаги ҳолати орасида жуда катта фарқ бор эди; хаёлига илашиб уни тангитиб юрган Каримов ва унинг сеҳрлари тамоман йўқолганди, унинг кўз олдида яна кураш, яна тўқиниш манзаралари кўриниб кетди.

— Уф, қачон тинчиймиз?— деб қўйди ўз-ўзига. Узининг ниҳоят даражада чарчаганини англади. У, аста одимлаб борар экан, ширин хаёлларга берилди. Унинг кўз олдида гуриллаб яшнаган колхоз, ҳаёт қай-

наган қишлоқ лавҳалари гавдаланди, руҳи енгиллашди... Бўшашган билагида янги куч сезди...

Норбуви Каримовни севиб қолди. Нимаси, қайси фазилати учун севи уни? Ўзи ҳам билмайди. Лекин шундай севадики, ҳатто унинг йўлида қурбон бўлишга ҳам рози. Буни фақат ўзи билади, холос. Каримов ҳам билмайди. У буни билолмасдан доғда!

Қишлоқ маданиятидан, илм-маърифатдан, Норбувининг тили билан айтганда — «билимдонлар»дан йироқда эди. Шаҳардан чиққан ҳамма киши ҳам «қишлоқи»лар назарида камёб, нодир одам ҳисобланарди. Каримов келганида қишлоқдагилар унга ҳам худди шундай ҳайрат назари билан қаради. Каримов тўғри идорага кирди ва сиполик билан бориб ўз жойини эгаллади. Эшикка яқин қўйилган столда ўтирган Норбуви билан кўришганда Норбуви яхши кўрадиган ғалати шаҳарни бурқиб кетди, кўришганда ҳам аллақандай мулоимлик, одоб ва самимийлик сезди, ер тагидан қаради, лекин Каримов бепарводек кўринди... «Мунча тўнг» деди ичида Норбуви.

Бундан бу ёғини эслолмайди; бирга, бир хонада ишлашди, бирга мажлислар ўтказишди... ҳа, бир-икки марта, кечалари кузатиб қўйган эди, шу одатга кириб кетди, деярли ҳар кеча кузатадиган бўлиб қолди.

Энди кўрмаса туролмайди, кўпинча керакми, керак эмасми, барибир, орқасидан кузатиб юради. Бироқ бу кузатиб, сиртдан «тергаб» юриши ўзининг муҳаббатига раҳна соладиган кўринди, тамоман бошқа, ўйланмаган ғалати бир нарса очиладиганга ўхшаб қолди, Каримов унинг наздида шубҳали кишига ўхшай бошлади. Каримовнинг қадами, хатти-ҳаракати билан гапи осмон билан ердек кўрина бошлади.

Кеча жамоа мажлисида айниқса сирли тўқиниш бўлиб ўтди. Норбувининг шубҳаси яна ҳам ортди... Шубҳаси ортди-ю, лекин яна унинг ҳужрасига қандай қилиб кириб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Каримовнинг уни кўриш билан ўрнидан туриб қилган такаллуфлари, мулозаматлари, гоят мулоим ва ширин гаплари Норбуви юрагидаги ғашликларни йўқотолмасда, лекин бир озгина юмшатиб қўйди. Шунинг учун бўлсами, ҳалиги хат устида узоқ тўхтамади, хатдан унинг ортиқча шубҳаси ҳам йўқ. Ҳатто уни ташлаб кетмаганига ўзини ўзи койиди ҳам... Кейин, майли, Бойматовага ўқитиб кўраман, у маънисини ечиб берар, деди.

Каримовнинг нияти бузуқ эди. У, Норбувиия олмоқчимас. Унинг Норбувига бўлган илтифоти, қилиб юрган хушомадлари ҳаммаси сохта, тузоқ ва ниқобдан иборат. У Норбувининг тилини қисиқ қилиб қўйиб, кейин бутун мақсадларини эркин амалга оширмоқчи, бу ишга Норбувини ҳам тортмоқчи эди. Норбувиендек фаолани қўлга олиш унинг учун катта муваффақият бўларди. Шунинг учун ўзини минг ўйинга солар, «муҳаббати йўлида» ҳеч нарсадан қайтмас, оёғини ўпишга ҳам тайёрлигини изҳор қиларди... Бироқ Норбуви у ўйлаганча юмшоқ, содда бўлиб чиқмади: қаттиқ севиб қолди, лекин ўзини йўқотмади; Каримов унинг юрагини бир томонламагина эгаллади холос, лекин бутунлай эгаллашга кучи етмай қолди. Шундай бўлса ҳам, чекинишни истамади, устоманд душман бошқа йўлларни ҳам ишга солишни ўйлади. Норбуви чиқиб кетар экан, уни кулиб, хушомад билан кузатди-ю, аммо «ҳали қўлимга тушасан» деди ичида.

ВАЗИЯТ ОҒИРЛАШИБ КЕТДИ

Епиқ партия мажлиси узоқ давом этди. Исомиддинов гапирмоқда эди:

— ...Вазият оғирлашиб кетди, ўртоқлар! Қишлоқ партия ячейкасининг лапашанг раҳбарлари ўз вазифаларини удалолмай қолдилар. Биз эсак, коммунист бўла туриб, партия ячейкасига ёрдам беролмадик. Оқибатда қулоқлар фитнаси устун чиқиб қолди. Бу нима деган гап? Бу шармандалиқ эмасми? Биздан коммунистларча иш кутган қишлоқ аҳолиси энди нима дейди, қишлоқ коммунистларига, уларнинг ҳимоясига суянган батрак, камбағал, ўрта ҳол деҳқон нима дейди? Хўш, нега жим ўтирибсиз? Энди нима қилиш керак? Гапиринг

У асаб зўридан қизариб терга тушиб кетган эди. Зарда билан жойига ўтирди ва жавоб кутгандай ўтирганларга тикилди: Қўшоқ, Марайим, Норбуви, Саттор ва Содиқлар жим, бошларини қуйи солиб ўтиришибди. Қишлоқнинг актив комсомоллари — Зокир, Қумри, Бегматлар ҳам шу ерда. Улар ҳам жим ўтиришибди. Буларнинг орасида Каримов билан Қўлдош кўринмайди. Қўлдош бугун эрта билан шаҳардан келган бўлса ҳам лекин у мажлисга келмади, касалман деб, бошини боғлаб ётиб олди. Каримов бўлса, мажлис овозасини эшитиши билан Шилдир қишлоққа чиқиб кетди. Нега

Исомиддинов бунга тагин тўғри тушунди, унинг мажлисдан чўчиганини тушунмади.

— Бизни хар қанча сўксалар ҳам оз,— деди қуйи солинган бошини кўтариб Жўра,— олти бирдай коммунист, шунча комсомол шу вақтга давр бир марта ҳам мана шунақа мажлис қилмадик, маслаҳатлашмадик, қалтис ишга қалтис оёқ қўйдик, жўяли оёқ қўймадик. Бировни бўгадилар, бировни шарманда қиладилар, партия ва шўро тўғрисида ифво тарқатадилар, биров ҳукумат кўзини бўяйди... Биз бўлсак, томошабинмиз. Бир ёқадан беш чиқариб ишлаймиз. Нима иш бўлса — ҳаммаси Жўранинг устига, Жўра жавобгар!

Яна бир неча дақиқа жимлик чўкди хонага. Жўра, қизишиб кетганидан бўлса керак, ортиқ ҳеч нарса деёлмади, ўтирди. Қўшоқ, Марайим, Содиқлар ҳам шундай адам ва изтирсб ичида гапирдилар, энди нима қилиш лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини ҳам ўртага ташладилар.

— Фикрларингиз тўғри,— деди Исомиддинов ҳамма гапириб бўлганидан сўнг ўрнидан туриб.— Бу воқеани тезда райкомга билдирмоқ керак. Бунга биз Қўшоқ билан бирга тушиб чиқамиз. Комсомол ячейкасининг ишларини жиддий қайта қурмоқ керак. Қўшоқ тўғри айтяпти. Қўлдошнинг ҳисобини тинглаш керак. Шундай оғир вақтда нега у шаҳарда юрибди?

— Тўғри,— деди боятдан бери жим ўтирган Норбуви ва Исомиддинов ўрнига бориб ўтириши билан ўрнидан турди.— Қишлоғимизда комсомоллар кўп, уларнинг ичида ҳам, халқ орасида ҳам партия қаторига ўтсам деганлар ундан кўп. Айниқса, беш-олти хотинқиз, ундан кейин батрақлардан олти-етти киши бир неча марта истак билдирдилар. Менингча, бунга ҳам эътибор бериш керак.

— Жуда тўғри, қаторимиз ортса, мана бундай хунук воқеалар балки бўлмасди,— деди Содиқ орқадан.

— Ичимизда ҳозир бегона киши йўқ,— деди яна, сўзида давом этиб Норбуви ва атрофига аланглаб қараб қўйди.— Шунинг учун бир-биримиздан яширадиган гапимиз ҳам бўлмаслиги керак. Чунки ҳаммамиз ҳам коммунист ва комсомоллармиз. Мен кечадан бери Каримовнинг «қилиқлари»га тушунолмай юрибман. Каримов коммунист, қишлоғимизда анчадан бери ишлайди, кўпчилик ҳурмат қилади. Аммо айтишга тил бормаса ҳам айтай, юрагида бошқа гап борга ўхшайди. Асли бугун ўзи бўлганида, очиқ сўрамоқчи эдим...

Жамоа шўросининг раиси, коммунист бўлган одам мунақа бўлмайди, муштумзўрлар истаган кишиси билан тикка гапиршаверади-ю, лекин Каримовга келганда, нимагадир, ботинишолмайди, Каримов сўкса ҳам бўйинларини эгиб туришади. Ё менга шунақа туюляптими? Сизлар ҳам пайқадингларми?

Ўтирганлар бир-бирига қараб олди: лекин ҳеч ким ботиниб жавоб бермади. Қўшоқ эҳтиёткорлик билан гап бошлади:

— Каримовни билмадиму, лекин Жобирнинг оёқ ташлаши мени ташвишга соляпти. Кечаги мажлисда у оёғи куйган товукдай типирчилаб, ўтиргани жой тополмай қолди. Унга боради шивир-шивир қилади, бунга боради шивир-шивир қилади... Шундан кейин мен гапнинг рости, чўчиб қолдим ундан.

— Қўшоқнинг шубҳасини ҳам, меникени ҳам ўйлаб кўринглар. Менинг Каримовдан жуда шаким бор, бу одам бизга яхшилик соғинмайдиган кўринади.

Норбувининг сўнгги сўзи ҳаммани ўйлатиб қўйди. Кейин ҳамма, қўмонда бўлгандай, гап бошлаган Исомиддиновга қаради.

— Қишлоқда яширин ҳаракат йўқ эмас. Бу аниққа ўхшаб қолди. Жамоа мажлисидаги воқеа, колхозга қарши айтилаётган ашулалар, колхозга кириш мажбурий деб қозон-товоқ, кўрпа-ёстиққача рўйхатга олиш ҳодисалари бежиз эмас, албатта! Душман бизнинг бўшанглигимиздан фойдаланмоқда... Мен Каримовнинг мажлисидаги ҳаракатига «иш кўрмаганликдан» деб қараган эдим. Лекин энди Норбувининг шубҳасини ўйлаб муҳокама қилишга тўғри келади, бунга асос борга ўхшаб қолди. Ҳушёр бўлингиз, ўртоқлар!

— Менинг билгимча, — деб эҳтиёт билан сўз бошлади Зокир, — рўйхат масаласида Қўлдошга Каримов йўл-йўриқ берган, деган гаплар тўғри, Қўлдош менга ҳам гапирган эди. У Каримовнинг гапига кириб, ишнинг пачавасини чиқариб қўйганини, кейин қўрқиб, ўртоқ Исомиддиновга кўриниш беролмай юрганини ҳам айтди.

Исомиддинов учун яна янги масала очилди. Унинг кўзи олдидаги қоронғулик аста-секин ёриша бошлади.

— Яхши, — деди ўйлаб Исомиддинов, — мен у билан гаплашаман.

Мажлисидагилар чигал учини топгандай енгил нафас олишди. Улар энди ўзларини худди майдонга тушиш учун ҳозирланган полвонлардай ҳис қила бошладилар.

Айниқса Қўшоқ эртага аллакимларга қарши бор кучини йиғиб иш кўрсатмоқчи, аллақаерларда бижғиб, яшириниб иш кўраётган маълум ва номаълум сарқитларнинг, қуйқаларнинг шармандасини чиқармоқчидай!.. Тушунмасдан ёмонлар йўлига кириб қолганларнинг, адашганларнинг кўзларини очмоқчидай йиғиштириниб олди.

Исомиддинов хотиржамлангандай, салмоқ билан мажлисга хотима ясади:

— Шундай оғайнилар! Бизнинг вазифамиз, партия-мизнинг олдимизга қўйган вазифаси — қишлоқ муштумзўрларини халқ олдида охиригача фош қилиш, қишлоқда янги турмуш — коллектив турмуш барпо қилиш! Колхознинг фойдасини тушунтирайлик, қандай қийинчилик бўлмасин, камбағалларнинг, батраklarнинг фойдасини сақлаб қолайлик, ёппа колхозлашишни юз фойиз амалга оширайлик!

— Тўғри, гап мана шу!

— Гап битта!

— Коммунистлар гапи шу!

— Оғир бўлинг, — деди Исомиддинов таъкидлаб. — Ҳушёр бўлинг! Ҳар хил иғволарга берилманг! Халқни душман иғволаридан ҳимоя қилинг!..

Мажлис алламаҳалда тугади. Коммунистлар бирин-бирин тарқалишди. Исомиддинов энг кейин Жўра билан Қўшоқни узатди. У қайтиб идора ҳовлисига кирар экан, томда биров юргандай бўлди. Тўхтаб тепасига қаради ва дарҳол сакраб деворга чиқди, ҳеч ким кўринмади, кейин «мушукдир» деган хаёлга келди-ю, ўзини пастга олди.

Узоқ-узоқларда хўроз қичқирди. Исомиддинов яна ишга ўтирди...

НОРБУВИ КУРАШДА

Норбуви мажлисдан қайтаркан, бундан кейин қилинадиган қизгин ишлар режасини кўнглидан ўтказди.

Мажлисининг таъсири бўлса керак, у ўзини қишлоқдаги бутун борди-келди ишларнинг жавобгаридай ҳис қилар ва шу вақтга қадар ҳеч балонинг урдасидан чиқа олмай келганлигидан ўзини-ўзи койирди:

— Ландавур...

У энди нималар қилиши кераклигини ўйлаб кетди. Ҳаммадан бурун рўбарўсида қозиқдай қоқилиб турган одамни, бу мужмал башаранинг чиндан ҳам ким эканлигини англаш керак, деди.

— Дўстми, душман?

Лекин бу саволга жавоб тополмасдан қийналарди.

Норбуви ётоғига кирар экан, лоп этип яна кечаги хат эсига тушди, ёстиқ остидан олди-ю, ҳали ечинмагани ҳолда ўтириб, яна ўқиб чиқди. Бу гал унинг маънисига бир оз тушунгандай бўлди, ҳар томонга жўйиб кўрди, лекин фикри чигаллашиб кетди...

Эрталаб ўрнидан турганида, онаси қўшниси Ибод хола билан ғўза чувир эди. У шошиб-пишиб ювимди, қаёққадир шошиларди. Шу вақт худди кўнгилдагидай, эшикда Бойматова кўринди.

Улар бафуржа нонуштага ўтирдилар, Норбуви Бойматовага хатни узатди:

— Шу хатга мен ҳеч тушуна олмадим.

Бойматова ичида ўқиб чиқди, унинг чехрасида жиддият излари кўринди, қошлари чимирилиб, яна бир дапқир ўқида-да, лабини буриброқ, деди:

— Тушуниш қийин гаплар... Нима экан бу?

— Уқинг-чи, мен ҳам эшитайин.

Бойматова дона-дона қилиб, тўхталиб-тўхталиб ўқиди:

«Хурматли «К».

Режа ўз изида, эҳтиётлик шарти бузилган эмас; бу, албатта, муваффақиятимизнинг асосидир. Ишларнинг учи кўринди. Сопи ўзидан чиқди... Белгиланган кун ёдингиздан чиқмас. Унга қадар яна бир бор учрашиш фойдадан холи бўлмаса керак. Сизга мактуб юборишдан мақсад — кеча шаҳардан афандилар чиқиб, яна янги дастур қолдирдилар. Бошқа жамоаларни айланиб, сизнинг ҳам ёнингизга борарлар... Мен «ғалаба» кунни учун ҳозирликни кўриб қўйдим. Ҳозир ўзлари билан ўзлари жиққамушт бўлиб ишни пишираётирлар... Хайр, саломат бўлинг».

Сувюлдуз 19 $\frac{20}{11}$ 30

Адоинг салом „С“

Норбуви бақрайганича Бойматованинг оғзига қараб қолган эди. Бойматова хатни ўқиб бўлгач, киприклари бир-бирига ёпишиб, бир оз жим бўлди. Бу орада у хат мазмунини чақмоқда эди.

— Бу хатда анча гап борга ўхшайди, — деди лабини тишлаб Бойматова. — Буни қаёқдан олдингиз?

— Каримовнинг ҳужрасидан.

— Каримовнинг?

— Мен аввали бу хатни биронта қизданми, деган эдим. Аммо ҳалийдақа — одам тушунмайдиган гаплар битилганига бошим қотиб қолди. Бу нима бўлиб чиқди энди?

— Менинг фаҳмимча — Сувюлдузда оти ёки отасининг оти «С» ҳарфи билан бошланадиган одам бўлиши керак. Ана ўша одам билан бу икковининг қандайдир алоқаси бор. Бу алоқа тўғри мақсаддаги алоқага ўхшамайди. Ҳим, шошманг, буни яхшироқ текшириш керак!

Норбуви Бойматовада бунчалик ғайриоддий ҳаракатни кўрмаган эди. У, жуда оғир, унча-мунча гапни элагучимасди. Норбуви унинг қиёфасидаги ўзгаришни кўрди-ю, ўзига янги кураш ўртоғи топгандай ичидан севинди, қалбида тиниб қолаётган тўлқин аста-секин яна мавжлана бошлади.

— Ўртоқ, тунов куни Турдигўл Сувюлдузга бориб келди-я... Бу хатни ўша олиб келмадимикин? Уни бир гапга солиш керак экан.

Бойматова шубҳасига далил топгандай «ҳа» деди:

— Мен шу ишнинг ҳашагини очаман, хатни менга беринг, мен Исомиддинов билан гаплашаман.

— Шошилманг, жоним, қуруқ хат билан уни аёб-лаш қийин, уни айблаб, сирини очган билан шериклари ҳам бўлса керак. Гўмонимча қишлоғимиздаги Сотволди оқсоқоллар билан ҳам алоқаси бўлиши керак, негаки, яқиндан бери улар ҳам қимирлашиб қолишди, шамол бўлмаса — дарахтнинг учи қимирламайди, ўртоқ.

Бойматова «нима қилмоқчисан» назари билан Норбувига қараб турарди.

— Мен битта нарсани ўйлайман. Шунга сиз нима дейсиз?

— Қани!

— Ўзингиз биласиз, мен бошқалардан кўра унга яқинроқман. Ҳам иш, ҳам анов тўғрисида, — деди ерга қараб, — аммо, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — унга ҳали бўйин эгганимча йўқ, агар шубҳамиз тўғри чиқса сатқайи муҳаббат кетсин. Орамизда икки кундан бери салгина совиниш бор. Шу совиниши орадан кўтарсаму, у билан яна «эскича» бўла олсам бўлгани...

— Лекин, — деди Бойматова ўйлаб туриб, — шуни эсингиздан чиқармангки, бундай кишилар жуда тулки бўлишади. Вўш келманг, ёлғиз ташлаб қўймаймиз... Ҳа, айтгандай, Турдигўлни бугун чақириш керак.

— Яхши.

Орага сукут чўкди. Бир оздан кейин Бойматова нима учун келганини айтди:

— Бугун дарс йўқ, бир кир ювиб олаймикан, тоғорангизни бериб турсангиз.

Яна бир оз «у ёқдан-бу ёқдан» гаплашиб ўтирдилар-да, муаллима қўзғалди ва Норбувига тайинлади:

— Турдигўл билан бўладиган гапни бугундан қолдирмаслик керак. Сиз чақириб келинг, мен ўзим гапиршаман.

ЯНА ИНОҚЛИК

Норбуви идора зинапоясининг 6—7-сига қадам қўйганида, тепада йўл бўшабини кутиб турган Каримовга кўзи тушди. Айвонга чиқишга икки поя қолганда «тортиб олинг» дегандай қўлини чўзган эди, Каримов жуда иштиёқ билан тортди ва қўлини қисиб оғритди.

— Вой, бераҳм!

— Бераҳмга бераҳм бўлиш керак!

Норбуви идорада ҳеч кимни кўрмагач, тушиб бораётган Каримовнинг елкасидан ушлаб тўхтатди.

— Қаёққа қочяпсиз?

— Ким қочқоқ? Менми, сиз?

— Қўйинг, ҳадеб пичинг қилаверманг, — деди Норбуви карашма билан, — бу ёққа юринг.

— Қаёққа? Менинг ишим бор.

— Қанақа иш экан, иш ўлсин, битармиди?

Каримов Норбуви билан чақчақлашса ҳам, лекин унинг тусида қандайдир норозилик аломати билан ғамгинлик изи бор эди, кўнглига ҳозир на севги ва на кулги сиғарди. Норбуви эса унинг қўлидан ушлаб, ҳамон ичкарига тортар, лекин Каримов тебрангуси келмасди. Норбуви ўйноқи кўзлари билан унинг кўзига тикилди. Каримов бир дапқиргина кўз уриштиргач, яна пастга интилди.

— Шошманг, нега хафасиз?

— Хафа эмасман.

Менинг билишга ҳақим йўқми? Сиздан умид шумиди ҳали?

— Нега хафалигимни ўзингиздан сўранг, менинг ҳам умидим бундоғ эмас эди, дардман одаммиз-де, акаси.

— Дардингиз қурсин, — деб юзини ўгирди Норбуви.

— Дард — давоси билан тарқалади, сизга маслаҳатим шуки, дард бўлманг, ҳамма вақт даво бўлинг. Мен ҳозир келаман.

— Қаёққа?

— Қизил чойхонага, биров кутиб турибди, ҳозир чиқаман.

Норбуви идорага кириб кетди, у ўзининг муваффақият қозонажагига ишонч ҳосил қилди ва хотиржам бўлди. Бир қўлида чой ва иккинчи қўлида пиёла олиб чиққан Каримов стол устига қўйиб, курсини Норбуви ёнига сурди:

— Рухсат берасизми?

— Рухсат ўзингиз билан.

— Бу энди қўполлик, — деб кулди Каримов.

— Биз қишлоқи қизлар шаҳар таълимини кўрмаганмиз.

— Мен билан шаҳарга борсангиз, ҳаммасини кўрасиз.

— Сиз билан боришимга ишонмайман.

— Ваъдангиз бузилдими?

— Ваъдани сиз буздингиз, вафосиз экансиз.

— Бу энди ноинсофлик. Сизни айтадилар вафосиз деб.

Норбуви «пиқиллаб» тескари қаради ва эшитилар эшитилмас:

— Ажаб бўпти, чойингизни ичинг! — деди.

— Сиз ичинг, — деди Каримов.

— Ичмайман, чанқоқлар ичсин.

— Бу мени қондирмайди.

— Қониб қоларсиз.

Норбувининг сўнги сўзи Каримовга энгиллик берди. Унинг кўнглидан «Норбуви қаттиқ севиб қопти» деган сўз ўтди ва мақсад йўлидан яна бир ғов олиб ташлангандай энгил тортди.

Орага бир оз жимлик чўкди. Бу жимликни Каримов бузди:

— Қачон меҳмон бўларкинлар?

Норбуви бу «кинлар» қўшимчасига кулиб юборди, ўзини зўр билан тўхтатгач:

— Бундан бошқа гап қуриб кетганми? Уни-буни қўйинг, кеча мажлисга келмаганингиздан гапиринг, қаёқда эдингиз? Ё шаҳарлик хонимлар олдидамидилар?

— Йўқ, ундоғмас. Мажлисга келмаганимнинг сабабини ўртоқ Исомиддинов биледи.

Чойнакни кўтариб пиёлага чой қуймоқчи бўлган эди, чой қолмабди. Бирдан хаёлига бир нарса келди-ю илжайиб Каримовга қаради.

— Турди қаёқда?

— Шу ерда.

— Қаерда?

— Турди керакми, сизга?

Ўз саволига жавоб ололмаган Норбуви тескари қараб олди ва нимадан гап бошлаш тўғрисида ерга қараб ўйлади.

Каримов ўз столидан ишларини йиғиштириб, кетишга ҳозирлик кўраркан, бир нарсани эслагандай тик қотиб қолди. Норбувига, деразага, яна Норбувига қаради ва астагина унинг ёнига келди:

— Бир нарса сўрасам хафа бўлмайсизми?

— Хафа бўлмайдиган гап бўлса, агар...

— Мен уч-тўрт кундан бери бир нарсани йўқотиб юрибман, сиз кўрмадингизми экан?

— Нима экан у?— деди бирдан жиддий ва бу нарсанинг нима эканлигини билгандай лабини тишлади.— Ўғирланадиган нарсамиди?— деди яна кулиб.

— Ана шундай деманг-да, ўғирланадиган нарса эмасу, уни биров ўғирлагани билан унга фойдаси ҳам, зарари ҳам йўқ.

— Нима эди ўзи?

— Хат. Бир ўртоғим, бир дўстига хат ёзиб, мендан бериб қўйишни илтимос қилган эди. Билмадим, идорада тушиб қолганми, ёки бирон ерда йўқолганми? Мабо-до кўрмадингизми, демоқчи эдим.

— Шунга хафамисиз?

— Хафа эмасман, лекин хижолатда қолдим, негаки, бировнинг омонатини йўқотиб қўйиб, шарманда бўлишдан ёмонроқ нарса йўқ. Феълим шундай.

— Ким билсин, бу биронта шаҳар қизларидандир, агар топиб олсам-ку, сиз билан бошқача гаплашардим-а!

— Ҳар қандай қиз сиздан ортиқ бўлармиди, Норхон, тўғри гап, кўрмадингизми?

— Йўқ... Жарчи солинг, кимда ким топса, мунча тилла бераман десангиз, зора топилиб қолса!— кулди Норбуви, лекин хатнинг нақадар муҳим хат эканлигини кўнглидан ўтказди.

Шу вақт Каримов зўр-базўр илжайди-ю, эшикка

қараб юрди. Норбуви ўтирган жойидан туриб, пичинг қилди.

— Энди кетасизми, мирзо йигит?

— Бирга кетамиз, отинбуви.

— Отинбувининг ҳозир уйларида меҳмонлари бор, шунинг учун ҳеч ерга боришни ўйламайдилар.

— Шу меҳмонлардан бири мен бўлсам нима эзиш.

— Рўмол ўраб, кокил солиб келинг.

— Сиз учун шунн ҳам қилардим, аммо...

Норбуви кула-кула кўчага чиқди ва Каримов билан хайрлашаркан:

— Кўришгунча, — деб қўл узатди.

— Кўришгунча!

Нарида дастаси синиқ бел ушаб турган Турди буларни ер тагидан кузатарди. Каримов билан Норбуви икки тарафга қараб кетишди. Орадан беш минут ўтар ўтмас Норбуви яна қайтиб саройга кирди, яна тезда қайтиб чиқди-да, ўз уйи томонга қараб кетди.

ТУРДИ ҒАЗАБДА

— Турди ака, биласизми, биз колхозчиларни кўпайтириб, қишлоғимиздаги камбағал, сизга ўхшаган батрак йигитларнинг турмушини яхшилашимиз керак. Улар ҳам энди одамшаванда бўлиб, яхши еб, яхши кийсинлар, ҳукуматга ўз вақтида пахта топшириш, ўз ҳақларини олиб яйрасинлар, оғилларида сигир боғланган бўлсин, уйларида дон-дунлари тиралиб турсин, деймиз.

Бойматова билан Норбуви Турдини Бойматованинг уйига чақирган эдилар.

Турди аввал жуда ҳайрон бўлди. Кутилмаган жойда икки жувон орасида қолиши уни гангитабди. Масалага тушунгач, устидан бир челақ совуқ сув қуйилгандай музлаб кетди, ҳатто дийдироқ тутди уни... Бир оз жимликдан сўнг ўзига келди ва тезда ақлини йиғиб, йиғиштиринди, жувонларнинг саволларига тетик жавоб беришга интилди.

— Ҳа, ҳим... Каримовни мен бундай деб ўйламас эдим... Тўғри, мен Сувиюлдуз жамоасининг котиби Сайфи ака деган қоп-қора, юм-юмалоқ, чўтир киши олдига уч-тўрт марта хат олиб бориб, жавоб олиб келдим, хатда нималар битилганини билмайман. Мен ҳукумат ишидир, деб ўйлаган эдим.

— Ҳали аниқ эмас, — деди Норбуви, — олиб борган хатларингиз қанақалиги тўғрисида ҳозирча ҳеч нарса

деб бўлмайди, шундай бўлса ҳам биз шакланаётирмиз, сиз унинг ҳужрасида ҳам кўп бўласиз, қандай юмуш бўлса бажариб берасиз...

Турди индамай ўйланиб қолди.

— Камбағаллар иш билмайди, улар ҳўкиз ўрнида қўшга қўшилишдан бошқага ярамайди, деб устимиздан кула берсалар, бизни эза берсалар яхшими, ўзингиз ўйланг, шўро ҳукумати ҳеч қачон шундай ишга йўл берадими?.. Сизга ўхшаган йигитлар бундай нарсани пайқаганда жимиб ўтириши ҳам уят!— деди Бойматова Турдининг юрагига қўл уриб.

Турдига таъсир қилди, ранги оқариб кетди, тишларини қаттиқ босди шекилли, юз томирлари ўйноқлаб кетди.

— Агар,— овози титраб чиқарди,— мен чинакам пайқаб қолсам бир кечанинг ўзида бўғизлаб ташлайман, ундай итваччаларни! Ростини айтсам, хотин киши бўлсаларингиз ҳам мияларингиз бутун экан. Ҳужрасига Сотволди оқсоқол, Сатин бойвачча, яна шунга ўхшаганлар тез-тез келиб туради. Анави Мирсодиқ жуда кўп келади, худди ярим кечаларда, тонг отар чоқларида ҳам келиб кетганини кўрганман, ҳим... шундоқ денг... Мен ҳақиқатан ҳам гўллик қилибман-де.

Ярим қоронғу ҳужрага оғир сукунат чўкди. Турди хаёлга толган ва юзлари борган сари ўзгарар, ҳар хил хаёлларга бориб сесканиб-сесканиб қўярди.

Турди ортиқ қизишиб кетди, Бойматова масалани бошдан-оёқ «жайдари» усулда тушунтирган эди. Каримов қип-қизил душман, найрангбоз, деди. Турдининг кўз олдидан энди кечалари бўлиб турадиган мажлислар, кўп ишларнинг кечаси бажарилиши, Сувюлдузга кетаётганида Каримовнинг таъкидловлари тизилиб ўтдилар, ўзининг батрақларга қарши юрганини — душманлар қўлида қўғирчоққа айланиб қолганини пайқаб, бирдан бўғилиб қолди, тили айланмай бошлади. У оғир, лекин шиддатли қилиб:

— Ҳали камбағаллар одам бўлмабдими, ҳали ҳам ўшаларникими замон... ҳа-ҳа!— деди.

— Бунга шошилманг, Турди ака! Сиз ҳеч нарса билмаган кишидай зимдан пайқаб юра беринг. Масала бартараф бўлганда, биз ўзимиз сизга айтамыз. Ҳозирча индаманг, бўлмасам иш пачава бўлади.

— Ҳўп... Аммо ишни пиширганларингдан кейин у ёғини меъга ташлаб қўясизлар, мен ҳам гаплашиб қолай.

— Хўп...

Турдининг қалбида шу минутдан бошлаб Каримовга қарши ғазаб ўти ёна бошлади... Унинг кирдикорлари ҳақида телва-тескари хаёлларга борди.

Е т т и н ч и б о б

КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Ҳаёт уйғонган эди... Қуёшнинг олтин зарлари фазо бетини кўз тиндиргудай қилиб ювган. Терак учларига гўё олтин суви югуртилган, осмон марвариддан ясалгандай тиниқ... Дарахтлар кўкарган эмаслар. Лекин уларнинг қалин тупларига тикилиб қаралса, энди уйғониб келаётган бир кўклик сезилади... Ерларга узала тўшиб олган қор энди битган ҳисоб. Лекин рўпарадаги Арслонбоб тоғининг қорлари ҳали қимирлаган эмаслар... Тоғ худди оқ чойшап ёпиниб ётган ҳайбатли одамни эслатади... Деҳқонларнинг баъзилари деҳқончилик ишига бошлаганлар, баъзилари эса «ёппа колхоз» масаласи борлиги учун иш бошлашни ҳам, бошламасликни ҳам билмайдилар:

— Бўладиган бўлсак тезроқ бўлганимиз яхши эди, вақт ўтиб кетяпти, — дёр эдилар. Бундан бир ҳафта илгари кучайган тўлқин энди негадир пасая бошлаган... Талаблар ҳам кам, норозилик ҳам кам... Гўё колхоз масаласи бир кўзғалиб, энди жимиб кетгандай эди... Фақат колхоз аъзолари, жамоа ҳодимлари ва комсомоллар орасидагина бу масала марказий ўринни ишғол этганича турарди.

Қизил чойхона худди Наврўз байрамидай: ичкаридаги палослар кўча беткагидаги офтоб шувоққа қўйилган, чорпояларга солинган, ўткинчилар, қишлоқ аҳолиси гурунглашарди.

Кечадан бери комсомоллар орасида дувур-дувур гап, норозилик, баъзилари хурсанд, комсомоллар «ишбоши»си Қўлдошнинг мактабга кетиши ҳар кимга ҳам хуш келмаган эди.

Айниқса, қишлоқ шундай тўлқин, кураш олови билан ёнган чоқда Қўлдошнинг ўқишга кетиши комсомоллардан — Бегмат, Қумри, Зокир, Абди, Жалилларнинг, Қўшоқ ва Жўраларнинг айниқса жиғибийронини чиқарди.

Қўлдошни узатиш учун баъзи комсомоллар қизил чойхона олдига йўғилганлар, хурсандлик билан узатмоқчилар... Булар орасида Бегмат, Зокирлар ҳам бор.

Қаёқдандир Жобир ҳам келиб қолди. У Қўлдошга меҳрибонлик қилар, унинг кўрпасини, сариқ, кўк, қизил тунука билан ишланган кичкина сандиқчасини кўтариб кўрар ва шаҳарга борувчи арава рўпара келиб қолса, унга солиб, кузатиб қолишга шошилганини, елиб-югурганини тинмай гапирарди. Қўлдошнинг ҳам кўзи йўлда, арава кутарди. Комсомолларнинг баъзилари Қўлдошга алланарсалар топширадилар, тез-тез хабар олиб туришни ваъда қиладилар...

Жамоа идорасидан тушиб келган Жўра бу тўпланишни кўриб, Қўлдошнинг кетаётганини эслади. Унинг юзидаги хушвақтлик изини қандайдир жиддият босди... Қўлдош уни кўриб, илжайди. Жўранинг жаҳли чиқди, кўзлари ўйнади. У Қўлдошга қаттиқ тикилиб, қўлини зарда билан узатди:

— Хайрми, Қўлдош?!— деди ва тишини билинар-билинемас бир-бирига қаттиқ босганича ўтиб кетди.

Қўлдош кўзларини гуноҳкорларча ерга тикди ва паст товуш билан кечирим сўрагандай деди:

— Жўравой ака, энди хафа бўлмайсиз-да!

Жўра индамай кетди.

Қўлдош ҳалиги воқеадан кейин эсини йўқотиб қўйган эди. У ёппа колхозлашувни нотўғри тушуниши натижасида халқни безовта қилиб қўйди, душманга қўл келадиган гапларнинг Қўлдош ва унинг комсомоллари оғзидан чиқиши, ҳатто батракларни ҳам чалғитаёзди. Бу гаплар қаёқдан чиқди, кимнинг дастури эди, ўйлаб кўрмади. Йўқ, ўйлаб кўрди, бу дастур Каримовники эди. Аммо бу дастурнинг тўғрими, қинғирми эканлигига аҳамият бермади, шошиб қолди, лекин нафсиламрга қараганда, нимасига аҳамият бериши ҳам керак эди? Ахир, Каримов раҳбар, билимдон, ақлли одам-ку!.. Қўлдош гангиб қолди, хайрият Қўшоқ, Жўравой, Исомиддиновлар бор экан, жонига ора кирди, тарқатган гапини бекор қилди-ю, халқни тинчитди. Бўлмасам нима бўларди... Буни ўйлаб, ўйига етмасди... Халқ олдида, дўстлар олдида ўзини гуноҳкор сезади, аввалгидай шашт билан гапиролмайди энди, ўртоқлари кўзига боқолмайди!.. Айниқса, жамоа мажлисидаги гапларни эшитгач, кўчага чиқолмай қолди. Негадир ҳадеб кўзи олдига Каримов келаверди, ундан қўрқиб қолди. «У ким... у ким ўзи...» деган машъум хаёл унга уйқу бермади. Аммо бу ҳақда на Исомиддиновга ва на ўртоқларига гапира олди, факт қидирди-ю, тополмади, нима дейишга боши қотди, вақт ўтган, хато ҳам ўтиб

кетган, уни тузатиб бўлмайди, деган қарорга келди ва тун қоронғусида Каримовнинг ҳужрасига кириб борди, ундан нажот сўрагандай мўлтиллаб, унинг олдида бош эгди.

Каримов шуни истаган ва кутган эди. Қўлдошда энди аввалги шиддатлар, комсомол шижоатлари йўқ эди. У Каримовдан ёрдам сўради. Каримов уни шаҳарга ўқишга юбормоқчи бўлди. Чунки Қўлдошнинг қишлоқдан йўқолиши ҳеч бўлмаса, ҳозирги воқеалар бир ёқлама бўлгунича йўқолиб туриши ҳам унинг учун бир муваффақият эди.

Қўлдош рози бўлди, бу номус, бу шармандачиликдан қочиб узоққа кетиш унга ҳамма нарсадан ҳам зарурдай туюлди, бунинг учун, ҳатто Каримовдан миннатдор ҳам бўлди.

— Раҳмат, ака, саломат бўлинг!

— Шарти шуки, ҳеч кимга маслаҳат солмайсан,— деди Каримов унга жиддий тикилиб,— қанча ёрдам керак бўлса ўзим бераман.

Қўлдош бунга ҳам рози бўлди. Каримов ҳамма ишни шундай «силлиқ» қилиб бажардики, қишлоқдаги ишларидан қандай «озод» этилганини, ҳатто Қўлдошнинг ўзи ҳам сезмай қолди. Комсомол ячейкасига Бегмат сайланди, жамоа котиблигига киши топилмаганидан кейин Каримовнинг илтимоси ва Исомидиновнинг маслаҳати билан у муваққат Норбуви устига юкланди...

Қаёқдандир Қўшоқ пайдо бўлди. Қўлида бир тўп каноп, жуводдиз ва битта бўйинтуруқ бор эди. У тўпланганлар олдига келиб тўхтади, масалани суриштириб ўтирмади. Қўлдош билан юзакигина хайрлашдида, Жобирга ўғирилди:

— Колхозчиларнинг ҳаммаси далада-ю, сен нима қилиб юрибсан, бу ёқда? Гўнг ташийман демабмидинг!

— Кўп ўшқираверма! Қўлдошни жўнатаяйик ахир!

— Қўлдошни жўнатув учун сенинг бўлишинг шарт эмас. Қўлдошнинг оёғи бор, ўзи кета беради.

— Оббо!— деди Жобир аччиқланниб,— хўжайинлардан чиқдиму!

— Хўжайини нимаси?! Ахир, вақт сен билан бизни кутиб турмайди-ку, якка хўжаликларнинг қўши аллақачон далада, биз бўлсак...

— Бўлди, олифта йигит, ваъзхонлигингни бориб энангга қил!

Қўшоқнинг жони ҳалқумига тиқилди, лаблари титрамоқда эди.

Кўпдан бери Жобир билан Қўшоқ орасининг бузуқлиги шу ердагиларга маълум бўлганлигидан улар ҳозирги ҳолатининг ёмон тус олиб кетишини кутар эдилар. Қўшоқнинг юрагида анчадан бери сақланиб келган кек қўзғалиб, ари уясидай тўзғиди, кўз олди қоронғилашди, қандай қилиб қўлидаги нарсаларни итқитиб, тўн ёқасини кифтидан оширганини ўзи ҳам сезмай қолди. Тўпланувчилар Қўшоққа истар-истамас йўл очдилар. У кўз косаларини чиқариб Жобир томонга бораркан:

— Тўхта,— деди,— мен сендай гушна билан гаплашиб қўяй!

Жобир ўтирган еридан турмади, у юзига ясама кулги берди, гапни ҳазилга айлантирмоқчи бўлди:

— Ана энди, Қўшоқ бойвачча ҳозир оёқ ўйин кўрсатадилар,— деди тиржайиб бамайлихотир.

Баъзилар хахолаб кулиб юборди. Лекин Қўшоқ ҳолатини бузмаган эди.

— Э, номард! Юрагингдаги муддаоингни майдонда гапирмайсанми! Биламан, сен камбағалларнинг индамас ашаддий душманисан... Сен ифлосларни жодуда қирқув керак!

Жобир ҳеч тап тортмасдан ҳамон илжаяр, баъзи томошабинларнинг таъбирича «куйдирган калла»дай турарди. Қўшоқ бўлса, қандай бўлмасин, унинг қитиғига тегиб, майдонга судрамоқчи, ёқа ушлашиб, жиққамажиққа солишиб хумордан тарқамоқчи бўларди.

— Жигар-бағрингни эзиб ташлайман!.. Аммо кўзингни очиб қўй, сендек ифвогарларнинг пўстагини қоқиш бир марта турган гап, шумғия!

Жобирнинг бояги ҳолати йўқолди, номуслари келди, энди кулги биланмас, босинқилик билан енгмоқчи бўлди Қўшоқни.

— Бўлди, зўр! Биламиз, ҳукуматнинг нони кучингизни кўпайтириб юборган... Биз ҳам сиз айтаётган гаплардан биламиз, лекин бир оз андиша ҳам керак.

— Андиша? Яна андишами? Ахир, андиша қилақила елкаларимиз яғир бўлиб кетди-ку!.. Сандақа муттаҳамлар андишадан фойдаланиб, бизни роса эдиларинг-ку, шу етмасмиди? Яна андиша керак бўлиб қолдими?.. Уйладингки, қишлоқилар, камбағаллар аҳмоқ, нодон бўлишади, нима қилсам билмайди, нима десам индамайди, деб! «Камбағалман, батракман», деб эски чопонга ўралиб, бизнинг ишимизга рахна солаётганингни билмаймизми, а, гапир, валломат?!

— Нима деяпсан, Қўшоқ?— деди Жобир кўзларини катта-катта очиб, мен-ку сендан битта-иккита яктаки ошиқроқ йиртганман. Менинг қилган меҳнатим, кўрган жафоларимнинг ўндан бирини кўрганмикансан!..Биламан сен батраксан, лекин мен ҳам батракман... оғзингга қараб гапир, ука батракман, деб жуда бош-кўз ёравериш ярамайди! Қани бирон мушт уриб кўр, мен ҳам калтагингни еб кўрай бўлмасам...— Урнидан турди ва яланғоч кифтини Қўшоқнинг кўкрагига тегизди.

Халқ анча кўпайиб қолган эди. Чойхонага келганлар ҳам, ўткинчилар ҳам шу ерда тўхтамоқда эдилар. Кимдир хабар берган бўлса керак, колхозчилардан Марайим, Толиб, Эшмат, Содиқлар ҳам келиб, бел ушлашиб туришарди.

— Қани урмайсанми!— деди яна Жобир ва елкаси билан Қўшоқни туртиб юборди. Қўшоқнинг лаблари тўхтовсиз титрарди, кўкраги қип-қизил бўлиб ёнар, оёқлари худди безгак сингари титрар эди. Жобирнинг турткисидан кейин чидаб туролмади, қаттиқ тугилган, тошдай қаттиқ мушти билан Жобирнинг оғзини мўлжаллаб солди:

— Им...— деди Жобир, ўзини ўнглаб олгач, қаршисидаги гавдага ёввойи мушукдай ёпишди. Уруш шу қадар зўрайиб кетдики, жиққа-жиққа тушаётган мушталарнинг қайсиси кимники эканлиги ҳам билинмай қолди, ажратишга ёпишган йигитларнинг баъзиларига ҳам мушт тегди, ҳеч ким ажрата олмади. Ажратувчилар кўпайгандагина тўрт киши Қўшоқни аранг Жобирдан ажратди ва чойхонага суриб кирди... Қўшоқ худди курашга тўймаган дакангхўроздай сапчиб яна Жобир томон интилар эди. Бақаришнинг зўридан овози ҳам хириллаб қолган. У аламига чидай олмасди:

— Онангни уч қўрғондан кўрсатиб қўяман ҳали, печак ўт! Сен бойларнинг лаганбардори... Сен ифлос бизнинг яшашимизни кўролмайсан... Тўхта ҳали, сенлар чучварани хом санаяпсанлар...

Қўшоқни халқ олдида беодоб, нодон кўрсатиш учунми, ҳар нечук Жобир Қўшоқдай сапчимас ва ортиқча гапирмас ҳам эди. Фақат синиб тушган икки тишини қўлига олиб, жағини ушлаганча ўтирар ва кўкариб чиққан кўз тагини тез-тез ушлаб қўярди.

Қўшоқ эса, ёрилиб қон оқаётган чаккаси билан иши йўқ, тимдаланган кўкрак ва лабларининг ачиганини ҳам сезмас эди...

Халқ орасида Жўра, Норбуви, Исомиддинов ва Каримовлар пайдо бўлди.

— Баракалла, яшанглар, азаматлар,— деди Жўра аччиқ билан,— яхши ҳунар топибсизлар; бу, ахир, шармандалик-ку!

Исомиддинов Қўшоқнинг ёнига бориб, унинг авзоини кўздан кечиргач, деди:

— Коммунистнинг иши бунақа эмас эди шекилли, аксинча шунақа безориликларга қарши кураш олиб бориши керак эмасмиди?!

— Уртоқ Исомиддинов, кечирасиз, нима қилай, чидамадим, бу хумпарнинг душманларга ўғит бўлиб юрганини яхши биламан... Айтинг-чи, тоқайгача бу ифлсслар билан «бекинмачоқ» ўйнаб юракмиз?!

— Баракалла,— деди яна заҳарханда билан Исомиддинов,— асаб билан кучни иқтисод қилинг, кейин керак бўлади... Жобирнинг кимлиги ҳали бизга маълум эмас, халқ ҳам билмайди, эҳтимол, ўзимизнинг одамдир, эҳтимол, сиз айтгандай, Жобир душмандир! Буни текшириш, аниқлаш керак! Душман билан кураш — безорилик йўли билан бўлмайди!

Қўшоқ жим бўлиб қолди, айбига тушунди ва бошини қўйи солди.

Каримов акт ёзишга тушди; иккаловини ҳам районга топширамиз, деди у.

Исомиддинов Каримовга қаради:

— Шошилманг, ўзимиз ҳал қиламиз. Партия аъзосини районга бериш нимаси?

Жаниш Қўшоқнинг юзига илиқ сув қуяркан, кулги аралаш гапирди:

— Боплабсан, мен ҳам хумордан тарқадим...

Халқ тўпи ҳали тарқалиб бўлганича ҳам йўқ эди. Қўлдош ўткинчи бир аравани тўхтатиб, юкларини унга ташлади:

— Хайр ўртоқлар!— деди руҳи паст ҳолда эшитилар-эшитилмас ва аравага ўтирди... Деярли ҳеч ким унга эътибор бермади. Ҳамма ҳалиги жанжал оқибатини кутарди. Фақатгина Бермат бурилиб қаради:

— Жўна, жўна, тезроқ, шундай пайтда сенинг ўқишингни қара-ю! Жирилладингми, дош беролмадингми?!

— Ҳа, Қўлдош акам курашга дош беролмадилар!— деб кулди Қумри.

Бу гапларни тинглаб турган Исомиддинов ҳеч нарса демади.

Калласини бойлаган икки киши жамоа идорасига келтирилди. Жўра оломонни зўр-базўр тарқатди.

Бу муштлаш оддий муштлашлардан бўлиб кўринган бўлса ҳам, лекин унинг тагида синфий кураш ётганлиги кишиларга анча таъсир кўрсатди... Айниқса Қўшоқнинг оғзидан чиққан гаплар кўч батракларнинг ғайратини қўзғатиб, қонини қиздирди. Гўё махфий бораётган синфий курашнинг хашагини очишга умтилангандай туюлди бу муштлаш.

«ИЧКАРИ» ФИТНАСИ

Эрталаб идора ҳовлисига ўн бештача хотин шовқин солиб кириб келди.

Жаниш олдинги сафдаги хотинлардан — Файзи дастурхончи, Ойшабуви хола, Абдихолиқбойнинг хотини Зебихонни, «Учариқ» маҳалласидаги Отинбувини, букчайган Марям бахшини, ниҳоят, ўз хўжайинининг хотини — Салима холани таниди... Бошқаларни танимади.

Буларнинг нима учун келганликлари Жаниш учун орқа томонда кўршапалакдек бир кўриниб йўқолган Мирсодиқларни кўргачгина маълум бўлди.

— Оббо энағарлар-эй, — деди.

Айвон устунда оғир, жим суяниб, ўзини тўхтатиб олган Исомиддинов хотинларга қараб мийиғида кулди ва қўлини кўтариб, жим бўлишларини сўради.

Орқа томондагилар дэрров жимиди, лекин «бошлиқлари» тинч бўлишни ҳеч истамасдилар. Айниқса Файзи дастурхончи, Ойша холаларнинг лаблари лабларига тегмай бидирлардилар.

— Хола, бир оз сабр қилинг, хўп, сизники маъқул, хўп, хўп дедим-ку, ахир! Тўхтап, менинг гапимни ҳам эшитинг! — деди Исомиддинов.

Лекин улар тўхтамадилар, орқа томон яна кўтарилди. Улар Исомиддиновга яқинлашмоқда эдилар.

Жанишнинг қони қизиб кетди. У бор овози билан шовқин солди:

— Тўхтайсанми, йўқми, ҳой ғарвачча! — деди қўлини қилич қилиб Файзи дастурхончига.

Файзи яна баттар шовқин солди.

Исомиддинов шовқинни тўхтатди.

— Хўш, нима гап ўзи, нима бўлди? Айтинглар, нега шовқин солаётирсизлар, нима керак?

Устма-уст берилган саволга дафъатан ҳеч ким ботиниб жавоб беролмади.

Айниқса орқа томондагилар жимиб, баъзилари юзларини тескари ўгирдилар.

— Гапирмайсизларми энди, гапиринглар муддаони,— деди орадан битта хотин.

— Агар сен,— деди Ойша кампир томоғини йиртгудай бақириб,— сен ҳукумат бўлсанг, ё бизнинг ҳаммамизни ҳозир дор қилиб осасан, ё бўлмаса арзимизни тинглаб, жавоб-муомала қиласан...

— Хўп, арзингизни тинглайман, лекин ҳар қанча гап, ҳар қанча арз бўлса ҳам шошмай, секинлик, чучуқлик билан ҳал қилиш мумкин... Ўзингизни ортиқча қийнашнинг нима ҳожати бор! Хўш, гапиринг, нима дейсиз?

Исомиддиновдан бу қадар мулойим ва меҳрибонлик кутмаган баъзи хотинлар енгил нафас олиб, қўлтиқларидан тарвузлари тушиб кетгандай бўшашиб қолдилар.

— Биз колхоз бўлмаймиз... Қора экинни хоҳлаганимизча экамиз... Эрларимиз, ўғилларимиз қанча пешона тери билан бир парча ерга эга бўлсину, унияма колхозга тортиб оласанларми? Бугун рўзгоримизни, уй-жойимизни, қозон-товоқ, кўрпа-ёстиғимизни тортиб олсаларинг, эрта, албатта, номусимизни ҳам ерга ураб экансанлар-да, а! Дод дастларингдан!..

Файзи ўз сўзидан кейин шовқин кўтарилишини кутган эди, лекин кутганича бўлмади, орқа томондагилар «чурқ» этишмади, ёлғиз беш-олти кишигина Файзининг ҳаялиги гапларини такрорлаб шовқин солди, холос. Лекин тезда булар ҳам жим бўлишди.

Исомиддинов ичидан кулди бу ҳолга. Лекин кулги пайти эмас эди, тезда ўзини йиғиштириб, юзига жиддий вазият олди:

— Талабларинг шуми?.. Колхозга сизларни ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ, мажбур қилмайди ҳам. Хўш пахта экинги деган бўлсак, у сизнинг ўз фойдангиз. Пахта эксангиз турмушингиз яна ҳам яхшиланади, арзон баҳо билан дон оласиз, саноат моллари оласиз, ҳалигига ўхшаган кўрпа-ёстиқ, қозон-товоқ деган семаза, бўлмаган гапларни ташиб юрманг, колхоз сиз ўйлаганингиздай ёмон нарсамас, балки у фақат сизнинг фойдангизнигина кўзлаб ташкил этилаётган нарса, холос. Бунинг учун ақли-ҳушини йўқотган «Ҳабата-жинни»дай кўча чангитиб келишнинг ҳожати йўқ эди. Хўш, яна нима дейсиз?

— Бизни қуруқ гап билан алдай олмайсан, биз ҳам

чучиниб қолганмиз,— деди Абдихолиқбойнинг хотини,— бизнинг қўлимизга тилингдан хат қилиб берасан, «манов, манов» деб аниқ қилиб ёзиб бермас экансан, устингдан дод солиб шаҳарга жўнаймиз... Бордир сендан каттақонроқ текширадиганинг ҳам!..

— Мол-мулкимиз, ер-сувимиз битилган қоғозни қайтариб берасан, ёки кўзимиз олдида йиртиб паррон-паррон қиласан!

Хотинлар яна жўшди, яқинроқ кела бошлади.

— Вой, устозларингдан ўргилдим,— деди Исомиддиновни улардан тўсиб Жаниш,— кўнглингиз яна нималарни тилайди! Яқин келма!— Файзига хитоб қилди, Исомиддинов Жанишни ушлаб тўхтатди, ўзи эса, хотинлардан кўз узмас ва тап тортмас ҳам эди.

— Бу масалани тилхат ҳал қилмайди. Устозларингиз,— деди оғирлик билан кулиб Исомиддинов,— нодонроқ экан. Унақа аҳмоқона гапларга лақилламанглар. Совет ҳукумати ўз сўзига хўжайин ҳукумат, у лабзини емайди... Хўш, рўйхат бўлса, аллақачон бекор қилинган, унинг на сизга, на бизга кераги бор! Хўш, яна нима дейсиз?

Ойша кампир гапирмоқчи бўлиб ўнглаган оғзини очиши ҳамон дарвозадан яна бир туркум одам кириб келди. Буларни кўрган хотинлар бирдан жимиди. Бу келганлар колхозчилар эди. Улар орасида шошиб-пишиб рўмолини чала-чулпа ўраган Норбуви ҳам бор эди. Нодири хола бўлса, сочини ҳам тараманган. Салом бувиш шошганидан бошига ҳам ҳеч нарса ташламабди, боласини уйқулик ҳолда кўтариб югурибди. Булар орқасидан яна битта-иккитадан бўлиб, хотин-халаж, йигит, чол-кампирлар ҳам кира бошлашди. Жаниш устидан оғир юк тушгандай эркин нафас олди.

Ҳаммадан кейин Турди кириб келди ва оғзи очилганича тўполончиларга аланглаб қаради, ранги қум ўчиб кетди.

Ёқуб ота елкасига чопонини ташлаганича келган ва ҳодисага тушунмиш учун Жўранинг ёнига суқилган эди.

Исомиддинов ёнидагиларга қараб:

— Каримовни чақириб келинг,— деди.

— Каримов кеча кечқурун шаҳарга кетган-ку,— деди Қўшоқ.

Исомиддинов рўмолча билан юзидаги терларини артаркан, Каримов тўғрисида нимадир ўйлаб олди.

— Номус қилиш керак-э! Аллакимларнинг гапи билан масхара бўлиб юриш!..

Норбуви гапини тамом қилмаган эди, уч-тўрт хотиннинг шовқини баравар кўтарилди.

— Зўрлаб колхоз қиласанларми?

— Қўлларингдан келса отиб юбормайсанларми! Бўлмаймиз!

Салом бувиш энди масалага тушунди, Нодира холага қаради:

— Ана, кўряписизми, хола!— деди қони қайнаб:— Сиз колхоз бўлмасангиз, мана биз бўламиз... Чидаганга чиқарган. Ҳай, бойвучча хонимлар, ўзи нима гап? Колхозга кирмасаларинг кирманглар. Аввал сўраб кўрсаларинг-чи, ўзи колхозга санларни йўлатамизми-йўқми! Нима қилиб ҳовлиқиб юрибсанлар? Уят-эй!.. Шу ҳолга тушгунча — ўлим тиланглар!..

— Бир сёғингиз гўрга қараб кетяпти-ю, аҳволингизни қаранг-а, Марям хола!— деди Нодира хола...

— Ҳой, хотинлар!— Ёқуб ота айвон лабига келиб хитоб қилди:— Тариқча ақлларинг борми ўзи? Битта игвогар «фалон-пистон экан» деса, кўрпа-ёстиқларингни қўлтиқлаб чопаверасанларми! Қишлоқда бирон ёмонлик бўлса, сиздан кўра ғамхўрроқ, сиздан кўра илгарироқ балога рўпара бўладиган эрларинг бор-ку, ахир!.. Муштумзўр бойларнинг хотинлари ғамига ўртоқлашиш сизнинг ишингиз эмас эди-ку, болаларим! Бу қанақаси! Манов Файзи-ку, кунитуни ўшаларнинг ялғини ялаб юрадиган нодон, хўш, манови Ойша бўлса, мулк кўпайтиш кўйига тушган бой хотин! Анови Абдихолиқбойнинг хотини!.. Мана шу тўрт-бештагина аламзаданинг гапига кириб бундай ҳаёсизлик қилиш нодонлик бўлмайдами, ўз бошларингга ўзларинг яна хўрлик сотиб олмоқчимисанлар? Ахир ўзимиз бу балолардан зўрға қутулдик-ку. Боринглар, уй-уйларингга бориб, ишларингни қилинглар!

Ёқуб ота гап бошлагандаёқ бир қанча хотин тўпдан йўқолган эди. Тўп тезда сийракланиб қолди. Файзи билан Ойша орқаларига қараб беш-тўрттагина киши кўргач, уялганларидан ер ёрилмадики, ерга кирсалар...

— Билмасам,— деди бир хотин келганига пушаймон еб,— манов Файзи хола юравер деди, мен ҳам нимайкан деб келаверган эдим-да!..

«Даъвогар сушт бўлса — қози муттаҳам бўлар» қабилидан бўлди. Файзи билан Ойша қўрқа-писа тез-тез юриб дарвозадан чиқди, худди биров қуваётгандай

иккови ҳам бир-бирига қарамай югурарди, қаршилэридан беш-ўнта комсомоллар чиқиб қолди, комсомоллар булардан гап сўрамоқчи эдилар, булар шошиб-пишиб чап бердилар ва яқин ўртадаги тор кўчалардан бирига ўзларини урдилар.

«ДҲНДИРИЛГАН» ИШИ

Каримов ўз муддаосига муваффақият билан эришадиганини кўргач, бир ғайратига ўн ғайрат қўшилиб борарди...

Кеча Абдихолиқбой уйда бўлган суҳбатда ўз ишидан озгина ахборот бериб, мажлис аҳлини севинтирди... ва шу мажлисдаёқ Жобирга топшириқлар берди:

— Ҳозир бориб Файзи холани ишга сол. Эрта билан ўз «мурид»ларини йиғиб Исомиддинов олдига борсин, ҳалигидай талабларни қўйсинлар. Қўлидан албатта тилхат олсинлар... Мен қуёш чиқмай шаҳарга жумайман. Пешиндан қолмай, сен ҳам шаҳарда меннинг ёнимда бўлишинг керак!..

Шу топдаёқ Жобир буйруқни бажаришга киришган ва натижада эрта билан ҳалиги кўрганимиз воқеа рўй берган эди. Хотинларни авраб, йўлга солишда Жобир, Сотволди оқсоқол, Мирсодиқ, Эрали бойваччалар фаол иштирок этдилар, ҳатто дарвоза сингунча уриб, бэр овозлари билан қичқаришдилар. Сўнгра, ҳар аҳтимолга қарши, ўзларини пананага тортдилар. Жобир яқин ўртада — бир жойга беркиниб олиб, бу воқеанинг нима билан томом бўлишини кутди, сўнгра шаҳарга жўнади...

Каримов шаҳарга келганининг иккинчи куни район шўросига кириб, ёзма маъруза берди. Маъруза шундай деб ёзилган эди:

«Н... Район партия қўмитасига!

Копияси Н... Район Шўросига.

Қатертол Жамоа Шўро раиси Каримовдан.

ЕЗМА МАЪРУЗА

Жамоада колхоз тўлқини қўрқинчли тус олиб бораётир. Мен жамоага тайинланганимдан бошлаб ёппа колхозлаштирув тўғрисида бирмунча ташвиқий ва тарғибий ишларни олиб бориб, кўпчиликни ёппа колхозлаштириш тарафдори қилиб тайёрлашга муваффақ бўлган эсам-да, бироқ колхозга қарши ҳаракат бошланиб қолди.

Жамоодаги ҳақсиз — ери кўп муштумзўрлар ва баъзи яккақўл ўрта ҳол деҳқонлар бу ишга аввал со-вуққонлик билан қараб, у қадар қаршилик кўрсатма-ган эдилар. Лекин юқорида айтганимдай сўнги кун-ларда уларда қаршилик пайдо бўлди.

Бунинг сабаби очиқ-ойдин, Райком томонидан чиқа-рилган маъсул вакил кўп хатоликларга йўл қўйди. Ҳатто муштумзўрларнинг рўзгорларигача рўйхатга ол-дириб, колхоз бўлмаганлар қамалади, деди... Бундан икки-уч кун муқаддам қишлоқда икки колхозчи шу масала устида муштлашишга қадар бордилар. Кеча эл-лик-олтмиш хотин йиғилиб «дод, ҳукуматнинг дастидан» деб идорага келдилар. Вазият оғирлашиб кетди. Агар бу нарсанинг олди олинмас экан, халқнинг жуда катта ғалаёнига сабаб бўлади. Тездан Исомиддиновни у ердан чақириб олув керак. Шу билан бирга қишлоқ муаллимасининг ҳам у ердан олинишини талаб қила-ман. Чунки муаллимамиз бизга ёрдам қилиш ўрнига, хотин-қизлар орасида колхоз тўғрисида нотўғри гап-лар юритиб, акс ташвиқотлар олиб бормоқда.

Сиздан қатъий талаб қиламан, Исомиддинов у ер-дан олиниб ташлансин, ёки менга бутунлай жавоб бе-рилсин. Бировларнинг хатоси учун жувонмарг бўлиш-ни истамайман, колхоз тузумини ишбилмас, ёки мақса-ди қоронғу кишилар қўлига ташлаб қўйиш каби ҳол-ларга ортиқ қараб туролмайман. Агар ҳамма раҳбар шундай бўладиган бўлса, менинг жамоамга ҳеч қан-дай раҳбарнинг кераги йўқ... Мен масалани пиширган-ман, тез кунда ёппа колхозлаштириш амалга ошуви керак».

19 $\frac{28}{11}$ 30

«Каримов».

Район шўросининг раиси маърузани ўқиб, кайфи учиб кетди:

— Жўра батрак нима қилиб анқайиб ўтирибди? — деди Каримовга. — Исомиддиновнинг шунчалик иш ёзушига сиз нега йўл бердингиз? Сиз нима қилиб ўти-рибсиз! Оббо... ёмон бўлибди-ку! Хотинларнинг ғалаёни нима билан тугади?

Каримов Жобирга қараб қўйди. Жобир эпчиллик қилиб дарров жавоб берди:

— Исомиддинов ака яхши гапирди, отанг яхши, онанг яхши, — деди босдириб келаётганларга ялиниб. Бўлмади, кейин дўқ уришга тушди, кейин биронтаг колхоз бўлмас экансан, қозиқ қилиб қоқвораман ерга,

бутун авлод-аждодинг билан сибир қиламан, онангни уч қўрғондан кўрсатаман, деб қўрқитди, тўппончасини олиб ўқталди. Унинг ёнидаги Жаниш деган колхозчи бўлса милтигини ўқталиб, хотинларни ҳадеб ота-онаси қолмай сўкди. Хотинлар додга келди, қий-чув, йиғисиги бўлди, худди қиёмат бўлди, тақсир... Агар Исомиддинов яна икки кун турса, юрт уни уриб ўлдиради.

Раис пешонасини ушлади.

— Ёмон бўпти. Бунчалик ҳуқуқни унга ким берибди, астағфирулло! Сиз тездан қишлоғингизга жўнанг, халқ тўлқинини, қандай бўлмасин, босиш керак, яхшилик билан, осойишталик билан босиш керак. Колхознинг мажбурий эмаслиги тўғрисида ўртоқ Сталиннинг мақоласи босилди, ўша мақола асосида иш кўриш керак. Шу мақолани батраklar, колхозчилар орасида ўқиб чиқиш лозим. Тез жўнанг қишлоққа, мен Райком бюросига бу масалани қўйиб, Исомиддиновни у ердан чақириб олдираман. Эҳтимол, бошқа бирон киши юборармиз.

— Агар киши юбориладиган бўлса ҳам кейинроқ юборилсин, чунки ким бўлмасин, ҳукумат тарафидан юборилган кишини энди улар яхши қарши олмайдилар. Исомиддинов таъсири ҳали-бери уларнинг онгидан кетмайди... Иш битиб қолган, ўзим тўғрилайман. Комсомолларимиз бу тўғрида катта ёрдамчи бўла оладилар. Хайр, биз кетдик.

Жобир кўчага чиққанида таажжуб билан Каримовга қаради:

— Муаллима Бойматовани ҳам жўнатиш керакми?

— Жуда соддасиз-да, Жобир понсод; (Каримов ўз даврида Жобирни шундай деб чақирар эди) ҳарна битта камайгани! Норхон юрагига қўл солганимда, муаллиманинг қишлоқда таъсири баландлигини, ҳатто Норбувига ҳам иш ўргатаётганини сездим... Энди зарур иш — хатни топиш! Менимча, бу хат Норда, ундан олиш керак, қандай қилиб бўлса ҳам олиш керак! Йўқса, хароб бўламиз, понсод.

— Хат Норбувида эканлигини аниқ биласизми?

— Унинг қўлида аниқ кўрмадим. Аммо мен хат тўғрисида ташвишга тушган кезларимда унинг ранги ўчиб, ҳазил-мутоибга айлантиришга ҳаракат қилишидан биламанки, хат унинг қўлида... Кеча роса эслаб кўрдим... Хат Норбуви ҳужрамга биринчи келган кунни йўқ бўлди. У келмасдан илгари, бир соат илгари ҳам бор эди. Унгача ва ундан кейин ўша кунни ҳеч ким келгани йўқ уйга.

— Ҳа, ҳаракат қилиш керак экан,— деди Жобир...— Шу қишлоққа келганимдан буён кўзим шу хотинга тўймайди. Ҳукумат мени отворсаям...

— Ҳали вақт бор... Отни тезлатинг, қоронғуга қолмай кириб борайлик,— деди Каримов.

Икки от бир-биридан қолишмай еларди.

Қуёш дарахт учларига ташлаган зар ипларини йиғиштира бошлаганида, булар қишлоққа кириб боришди.

ИККИ АЛАНГА

Норбуви шошиб муюлишга етганида, олдидан Бегмат билан Қумри чиқиб қолди.

— Салом, опажон,— деди Қумри унинг бағрига отилиб ва Норбувининг авзойини кўриб ҳайрон қолди,— нега бунақасиз, опа?— деб сўради. Бегмат ҳам Норбувининг юзида аллақандай ташвиш изларини туйди:

— Ўзи тинчликми, Норхон!— деди.

Норхон муюлишда турганича нафасини ростлади, ўртоқларининг саволларига жавоб бермасдан олдин ичида муҳокама қилди: нима қилса экан? Эшитган гапларини буларга айтсинми, ё сабр қилиб ўз ерида гапирсинми? Бу кейинги мулоҳаза маъқул тушди. Шунинг учун жавоб ўрнига савол берди:

— Қаёққа боряпсизлар?

— Колхозчи хотин-қизларни жўяк бузишга олиб чиқмоқчимиз.

— Идорада ким бор?

— Жўравой акам, Қўшоқ, Марайим, Жаниш акалар бор...

Норбуви ҳали ҳам гаранг, саволига берилган жавобни англадими, йўқми, Бегматга қоронғу эди.

— Нима гап, Нор опа, бирон янги гап борга ўхшайди... Яхшиликми ишқилиб?

— Ҳа, янги гап бор, қани идорага борайлик-чи, ўша ерда гапиришамиз.

— Юринг бўлмаса...

Ҳар учовлари ҳам идорага кириб боришди.

Идорадагилар дала иш режасини муҳокама қилардилар.

Норбувидаги фавқулодда ҳолатни биринчи Қўшоқ туйди:

— Ҳа, тобингиз йўқми, Норхон?

Норбуви жавоб бериш ўрнига, эшитганидан бери дилини қиймалаётган таъвишли хабарни айта қолди:

— Исомиддиновнинг иши чатоқ, муаллимамиз бўлса ишдан олинбди.

Бу хабар ўтирганлар қалбига ўрикка отилган тошдек қаттиқ тегди, хурсандликларини дув тўкиб, орага жимлик солди. Қилаётган ишларидан ҳам тўхтаб қолдилар.

Ниҳоят Қўшоқ аста бош кўтарди ва эҳтиётлик билан сўради Норбуvidан:

— Иссмиддиновни-я?!

— Шундай жонкуярни-я?— деди аллаким орқадан.

— Ким айтди?— сўради Жўравой.

— Мен жамоада эдим. Далвалзин жамоасининг раиси шаҳардан келаётган экан, бизнинг жамоага кириб ўтди. Каримов йўқ эди. Менга ўша гапирди. «Мен шаҳарга жамоа иши билан тушган эдим, район шўрсидида шундай гап бор экан,— деди.

— Бу нима деган гап!— деди Жўра боши қотиб.

— Нима бўларди, бу ҳам ўзимизнинг бўшлигимиздан келиб чиққан гап, душман найранги,— деди заҳарханда билан Қўшоқ.

— Энди муредига етибди Каримов,— деди Бегмат.

— Етолмайди муроди а, Бегматвой, бўлар-бўлмасга ҳовлиқаверма!— деди Қўшоқ астойдил,— ҳа, муттаҳамлар!

Жўравой оғирлик билан гап бошлади:

— Душман ҳақиқатан ҳам юрагимизга чангал солибди, ўртоқлар. Маҳкам бўлинг, бир ёқадан бош чиқаринг, ана фитна, галаён чиқиши мумкин, бу ҳодисанинг оқибати хунук бўлади. Хушёр бўлайлик. Хали ҳам кеч эмас. Қўшоқ, Норбуви, Марайим, Жаниш, Бегмат, Қумри, маҳкам туринглар, ваҳимага, иғво гапларга йўл берманглар, мен шаҳарга бораман, райкомдан бу гапнинг тагини суриштириб биламан, агар дарҳақиқат қамалган бўлса, ўз корозилигимизни билдираман, унинг тўғри ишлаганини исбот этишга ҳаракат қиламан!

— Каримовнинг душманлар билан оғиз-бурун ўпишиб қолганини ҳам айтинг, битта хат ёзсак бўлмасмикан?— деди Қўшоқ атрсофига аланглаб.

— Ҳовлиқмайлик, Жўравойнинг айтгани тўғри, аввал Жўравой бориб гапнинг тагини билсин, ана ундан кейин ўшанга қараб иш қилинса бўлади,— Марайимнинг бу маслаҳати ҳаммага ёқиб тушди.

Норбуви маҳсисининг соғисига қўл югуртди.

Соғидаги хатни олиб Каримовнинг афт-башарасини очиб ташламоқчи эди, лекин ҳозир мумкин эмаслигини ўйлади. Булар ичида хатнинг мазмунини эртагаёқ юртга дoston қилувчилар чиқиб қолмасин, деган мулоҳазага борди.

Шу гапларни ўйлаши билан Исомиддинов кўз олди-га келди-ю, «Эй, аттанг, хатни менга бермабсан-да» дегандай бўлди. Норбувининг хаёли қочди.

Исомиддинов бундан уч кун илгари район партия қўмитасидан чақирув қоғоз олиб, шаҳарга тушиб кетган ва «кеч қолсам агар, икки кунда етиб келаман» деган эди, келмади, учинчи кун манови хабар келди. Бунинг устига Норбузиларга дарс бераётган муаллимани ҳам йўқотишди... Бу — Норбуви учун жуда мавҳум гап эди. Бутун режа, орзу-умидлар ипи узилди, деб ўйлади. Шу вақтга қадар мана бундай муҳим хатни тегишли жойига бермаганига ўзини-ўзи койиди. Каримов хатнинг аниқ Норбувида эканлигини билиб олди, у Норбувига ўзини жуда ҳам яқин тута бошлади. Бу ҳол Норбувини баттар ора йўлга ташлади: «У хат учунми, мен учунми» деб ўйлади энди. Ҳақиқатан ҳам Каримов хат ҳақида оғиз ҳам очмай қўйди, гапирган гапининг ҳаммаси муҳаббат, бўлажак турмушларининг икир-чикирлари тўғрисида эди. Бу гаплар Норбувининг иккиланиб қолган муҳаббатини яна аслига қайтараёзди, қиличини қўлдан туширган аскар сингари ҳайронликда қолди. У режаларини ҳар кун тур-латар: хатни гоҳо партбюрога топширомоқчи бўлар, гоҳо Каримовнинг ўзига топшириб, уни тинчитмоқни истар, яна айнаиб, хатни шаҳарга жўнатишни ўйлаб узоқ хаёлга толарди.

— Исомиддиновнинг тузган режалари эсимизда,— деди шу вақт Қўшоқ,— унинг режалари ёмон эмас; ўзи келмаса ҳам режаси билан ишлай берамиз, шу тўрттагина муштумзўрдан енгилиб қолиш бизга номус эмасми? Ячейкадаги аҳдимиз эсимизда?

Қўшоқнинг бу ўткир сўзи бошқаларни ҳаракатга келтирди, айнақса Норбувини уйқудан уйғотгандай бўлди.

Норбувининг эсига идора тушди. Хотиржам бўлгандай ўрнидан туриб кўчага чиқаркан, шошилиб келаётган Салом бувишни учратди.

— Нор опам касал-масал бўлиб қолдимиз, деб жоним ҳиқилдоғимга келди. Уф!..— енгил нафас олди,— бувингиз ер-кўкни бошига кўтариб йиғлаб ўтирибди.

— Қўяверинг, Салом бувиш, менга ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деди ва идора томонга қараб кетди, Салом бувиш ҳам биргалашиб кетди.

Норбуви ҳақиқатан касалдай юрарди. Унинг хаёли ҳали бир нуқтада қарор топмаган, кўзларида ташвиш аломати ҳукмрон эди.

Рўпарадан Жобир кўринди, у Норбувини кўргач, тиржайиб тўхтади. Гўё Норбувини ахтариб келаётган кишидай у билан яна орқага қайтиш тараддудига тушди.

— Қаёқда эдингиз?

— Колхоз идорасида.

— Каримов сизни икки марта йўқлади.

— Ҳозир қаерда?

— Хужрасида,— деди ва кулди.

Норбуви унинг хужрасида ўтириб йўқлагани учун Салом бувиш олдида ўнғайсизланди ва Салом бувишни шубҳалантирмаслик учун:

— Хужрасида? Иши бўлса идорага келсин!— деди варда билан.

— Ҳазиллашдим, идорада,— деди Жобир ва заҳарханда кулиб қўйди.

— Касалмисиз?— деди хўмрайиб Норбуви унга.

— Йўқ-э, йўқ...

— Ёки мен сизнинг ҳазилвонингизми?

Энди Жобир «гинг» демади, дами ичига тушиб кетди. Идорага яқинлашганларида Салом бувиш айрилиб қолди. Идорада ҳеч ким йўқ эди. Жобир Норбувидан кейин кириб иржайди:

— Қалайсиз, холи ер ҳам бўлар экан-ку, а?!

Норбуви бундай ҳазилни ҳозир ҳазм қила олмас эди. У қовоғини уйиб жавоб берди:

— Шу топда сиз билан ҳазиллашай деб ўлиб бораётганим йўқ!

Жобир иржайишини қўймас, атайи Норбувининг қитиғига тегарди:

— Хафа бўлманг, Норхон, бизга ҳам кун туғиб қолар...

Норбуви бу гапнинг тағига тушунгандай бўлди, қаттиқроқ бир нарса демоқчи эди, юраги дов бермади, орқасига тисарилди, ўғри мушукнинг кўзидай ёниб турган кўзлар қаршисида енгилган кўзларини бошқа томонга олди, алам қилса ҳам, пастки лабини қаттиқ тишлаб чидади, ҳозир Жобир унга ёпишаётгандай ту-

юлди. Шундан кейин Норбуви гапни бошқа томонга буришга умтилни:

— Колхознинг ишбошиларидан биттаси бўлсангиз ҳам, ёппа колхозлаштириш ишига унча қотишмай-сиз-а, Жобир ака!

Бу саволнинг ўринсиз ерда берганини сезиб, ўзи қўрқиб кетди. Ҳозир ундан ёмонлик кутарди, лекин Жобир юмшаб тушди.

— Норхон, қачонгача шунақа ишларга аралашасиз? Сиз бир хотин киши бўлсангиз, битта уйнинг фариштаси, бир йигитнинг гули бўлиб кўксиде яшнайдиган вақтингиз... Колхозлаштириш эркакларнинг иши, сиз вақтичорғлигингизни қилсангиз-чи!

Норбуви шахт билан унга қаради-ю, лекин нима қилсин, ҳозир чорасиз эди. У эҳтиётлик билан узди:

— Гоҳо шундай гапларингизни эшитиб ҳайрон қоламан, негадир ёт гапларга ўхшаб ғалати туюлади. Ўзингиз камбағаллар ҳукуматининг иши бизнинг ишимиз эмасми!.. Ҳукумат сиз-бизга ўхшаган активларга ишонади-ку!

— Тўғри! — деди Жобир хўмрайиб, кескин, — лекин қишлоғимиздаги активлар тўғри йўлни қўйиб эгри кўчага кираётирлар, колхозни зўрлаб тузмоқчилар, шундай илмли, жонкуяр Каримов устига туқмат ташламоқчилар, шу қаторда мени ҳам айблаб, худо билсин, ҳақсизлар қаторига қўшиб қўяётирлар! Мана кечагина шаҳарга тушганимда билиб чиқдим. Бу ишларнинг энг катта раҳбари бўлган Сталин ҳам колхознинг мажбурий эмаслиги тўғрисида газетага ёзибди. Мана... биз энди ҳақлимиз, бизники тўғри. Аввал мен бу фикримни яшириб юрардим, энди очиқ айтаман, фирқаман деб юрган ўша Жўравойлар ҳам фирқанинг йўлини билмайдди, мана, — қўйнидан саккиз букланган газетани олиб Норбувиге итқитди.

Норбуви бу гапларни эшитгач, яна ҳайрон бўлди. Жобирга худди сеҳрланган одамдай тикилди, газетани кейинроқ ўқимоқчи бўлдим, буклаб чўнтагига солди.

— Барибир, — деди Норбувининг бўшашганлигини кўриб у. — Каримовнинг, мени қоралаш учун қилган ҳамма ҳаракатларингиз ҳам бекор кетади. Исомидинов қамалди. Хўш, Каримовни қоралаш учун баъзи бировлар унинг чўнтагидан хатлар ҳам ўғирладилар... Лекин буларнинг ҳаммаси фойдасиз эканлигини энди биладилар.

Жобир бу сўзларни айтар экан, ер остидан Норбуви-ни кузатарди, Норбувининг юзида қон асари қолмаган, оппоқ оқариб кетган, у сезилар-сезилмас қалтирар эди.

Норхон гўё ҳеч нарса билмагандай юзига ясама ташвиш ҳолатини олди:

— Каримовнинг чўнтагидан? Қанақа хат экан, ким олибди?

— Узингиз ҳам биласиз буни, сўраб нима қиласиз, Норхон!— деди Жобир ва хунук қараб қўйди.

Норбуви оғир ҳолатда қолди, лекин бу атакага дарҳол жавоб бериш кераклигини англади:

— Нима-нима?! Нимани биламан?! Нима деб валдираяпсиз?

— Яхши эмас,— деди Жобир яна насихатомуз шошмасдан,— бировнинг омонат хатини олишнинг нима кераги бор экан. Шу ҳам иш бўлдимиз, мана энди, бечора, хат эгасининг олдида ноқулай аҳволга тушиб ўтирибди.

Бу сўз билан Жобир «хатни қайтариб бер» деган маънони англатган бўлди. Норбуви бу холи учрашувнинг асл маънисига энди тушунди, уни Каримов худди шу масалани билмиш, илсжи бўлса хатни олишга юборган экан, деди ичида.

— Каримов шу хатни мендан кўриб, хатни олиб кел, деб юбордимиз сизни?

— Каримов ақлли киши, у бундай нарсалар учун бачканалик қилмайди, лекин унинг ҳолини мен билман, ўша хат йўқолганидан бери халовати йўқ...

— Шунақа қиммат хат эканми?

— Хатнинг ўзи-ку қиммат эмаску-я, лекин бировнинг омонатини йўқотиб, бошқа бировга уятли бўлиш ҳар нарсадан ҳам оғир-да!

— Агар Каримов хатни мендан кўрган бўлса, мен ўзи билан гаплашаман, сиз билан эмас!— деди зарда билан.

— Мен бу ерда мутасаддиман, холос, кўп жаҳлингиз чиқмасин, ораларингиз бузилмасин, демоқчи эдим, ҳар ҳолда у яхши йигит, қўлдан чиқариб юборманг. У сизни жуда яхши кўради, сизни деб тунларни бедор ўтказади...

Норбувидаги бояги ҳолат анча юмшади, унинг чеҳраси очилгандай бўлди, хаёли яна аллақайларга учди, Каримовнинг сиймоси гафдаланди, у бу гап ишқ ўтида ёнган, Жобир айтгандай, уйқусиз кўзлари қизаргандай кўринди. Раҳми келгандай бўлди, юрагида ўчиб қўр

бўлаёзган муҳаббат яна учқунлади, аста ўрнидан турди-да, эшикка қараб юрди... Қаёққа?.. Фарёд чекиб ўтирган онаси ёнигами? Ёки ҳам ғазабини, ҳам муҳаббатини алангалатаётган Каримовнинг олдигами?.. Ўзи ҳам ҳайрон эди. Унинг ҳолатини жуда синчиклаб кузатиб ўтирган Жобир донлаётган каптарларни чўчи-тиб юборишдан қўрққан одамдек астагина деди:

— Каримов боядан бери ҳужрасида сизни кутяпти. Порбуви жавоб бермади, қарамади ҳам, чиқиб кетди...

ДУШМАН ИЛДИЗИ ОЧИЛМОҚДА

Исомиддиновнинг кетиши колхозчиларда ёмон таъсир қолдирди. Лекин сусаймадилар, аксинча, яна ҳам ҳушёрроқ бўлиб қолдилар, колхозга бирмунча янги аъзолар қабул қилинди; Нодира хола, Холмат ака, Ўғил буви, Салом бувиш, комсомоллардан Бегмат, Ҳайдар, Қумри, Хосиятлар колхозга кирдилар. Айниқса, Ёқуб отанинг кириши бошқа яккахол камбағал деҳқонларнинг иккиланиб ўтирмаслигига сабаб бўлди.

— Колхоз фойдалига ўхшаб қолди,— дейишди улар,— Ёқуб отагачаки кирибди, бунда бир гап бор экан...

Комсомоллар Жўра бошчилигида ҳаракатни зўрайтирдилар, Сатин бойвачча, Сотволди оқсоқол, Турди домла каби муштумзўрларнинг камбағаллар орасида ёппа колхозлашувга қарши қилаётган фитналари устидан бир неча марта чиқиб қолиб, шармандаларини чиқардилар.

Кураш мана шундай очиқ давом этди.

Бугун эрталаб колхоз аъзолари ўртасида шов-шув кўтарилиб қолди:

— Камбағаллар мажлисини чақириш керак!

— Ухлаб ётаверамизми, бўладиган бўлса, бўлсин-да!

— Уладиган касални ўлгани яхши, қачонгача булар билан бекинмачоқ ўйнаймиз?!

Партячейка котиби ҳам, колхоз раиси ҳам, комсомоллар раҳбари ҳам Жўра эди. У мана бу гапларни эшитиб шошинқираб қолди. Колхоз раислиги бамаслаҳат Қўшоққа юклатилди.

Ишнинг сустиги Толибнинг ҳам жиғига тегди. У Жўрани туртиб, комсомолларни койиб қўярди:

— Азбаройи шифо, гапирамиз-гапирамизу, ҳеч иш-

нинг тайини йўқ. Ахир жамоанинг ялпи мажлисини чақиртириб эртадан бошлаб юбориш керак! Колхозчиларни қишлоқ маҳаллаларига бўлиб ташламоқ керак, ишни бошлайверсинлар. Ахир колхозчиларимиз бу ишни қандай ўтказишни бошларидан кечирганлар, билдилар-ку!.. Ёки батрак, камбағалларнинг бу талабига қаршилар бор экан деб, тўртта муштумзўрдан қўрқиб-писиб ўтира берамизми?!

Бу таклифни бюрода Қўшоқ ҳам гапирди. Баъзилар маъқулладилар, баъзилар, «жуда тез кетдинг» деб пичинг ҳам қилиб қўйдилар. Айниқса Каримов «бу иш ҳазил гап эмас!» деб дўнғиллади.

Мана бугун камбағаллар гуруҳининг мажлиси чақирилган, қишлоқнинг бутун камбағал, батраклари йиғилган. Масала яна ялпи колхозлашув талабини қандай амалга ошириш ҳақида эди:

Ортиқ даражада қабзиятланган Ёқуб ота ҳаммани койиб ташлади:

— Мен ҳайронман, агар бир нарсанинг уддасидан чиқа олмасанг, каррайиб бўйин чўзиб, ҳаммага кулги бўлишингнинг нима ҳожати бор! Шаҳарга одам туширув керак, колхозларни қандай қилиб тузиш, уларнинг ерларини ишлашда, уларга трактор, дон-дун беришда қандай йўл-йўриқ бўлса, бирон киши келиб ўргатсин. Жамоа шўроси асти қимирлагуси келмайди, одамларнинг бошини бошига қўшмайди, бу нима деган гап?!

— Тўғри, тўғри,— дейишди тўрт тарафдан.

Кўпчилик бу ишни Жўравойга юклади.

«Уч кун ичида шу тушган таклифлар амалга оширилиб, ишга бошлансин, қароримиз қарор!»

Мажлис шундай деб қатъий қарор қилди.

Кўпчиликда янги бир ғайрат, жонланиш пайдо бўлди. Кўпдан бери кутилган бу ишнинг эрта-индин амалга ошуви, сира кўрилмаган бу янги ишни бошлаш орзуси бутун қишлоқда катта қизиқиш туғдирди.

Жўравой кечқурун жамоа идорасига кириб, Норбуви билан Каримовни учратди.

— Эртага шаҳар бораман,— деди уларга қараб.

— Нега?

— Камбағаллар гуруҳининг талаби, партия ячейкасининг қарори шу! Эртага Пахта союзидан одам олиб чиқиб, колхозни туза берамиз.

Каримов ғалати бўлиб кетди.

— Ахир тушунтириш мажлиси ҳали кенг ўтказил-

ган эмас-ку, халқ срасида душман фикрлар ҳали зўрку!

— Кўпчилик: керак эмас, тушундик, колхоз бўламиз, деяпти. Асли жамоа шўроси мажлисни кечиктирмай чақира бергани яхши.

— Бу билан биз партия йўлини бузамиз, шўро ҳукуматини халққа ёмон кўрсатиб қўямиз. Шошилмаслик керак эди...

— Мажлис аҳли ўз талабида ҳақли!— деди Жўра қатъий,— ҳали ҳам биз кечикдик, бошқа жамоаларда ёппа колхозлар тузилиб иш бошлаганлар, биз бўлсак ҳали ҳам судралиб юрибмиз.

— Қачон кетасиз?— деди Каримов.

— Азсизлаб кетаман. Иложини топа олсам эртага ёқ олиб чиқараман, бўлмаса индинга, албатта!..

Каримов яна нимадир демоқчи бўлиб оғзини жуфтлади-ю, лекин ўзини ушлади. Жўра ортиқ чўзилиб ўтиришни истамай, эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Норбуви ниманидир эслагандай Жўранинг орқасидан чиқишга интилди, буни сезган Каримов Норбувини тўхтатди.

— Ўтиринг, гапим бор.

— Ҳазир келаман, Жўрага икки сғиз гапим бор эди.

— Йўқ, ўтиринг,— деди тезда ўрнидан туриб, қандай бўлса ҳам Норбувини чиқармасликка уриниб, ҳазил-мутоиба гап билан унинг қўлидан ушлаб курсига ўтқазди.

— Тасаддуқ, ҳалиги гапингизни тугатинг.

Норбувининг Жўра орқасидан чиқишга интилишидан қўрққан Каримов ўз шубҳасида ҳақли эди. Жўра шаҳарга бsrса, Норбуви унга хат тўғрисида албатта бир нарса дер, ёки хатни ундан бериб юборар, деб гумон қилди.

Норбуви ҳам сир бой бермаслик учун ортиқ интилмади, эрта биланга қадар бир гап қиларман, деди ичиди.

Вақт кеч эди. Булар узоқ гаплашдилар. Бир вақт Жобир келиб, ташқаридан Каримовни имлади. У чиққач, нималарнидир гаплашдилар-да, тездан ажралишдилар. Жобир настига тушаркан, унинг қаршисидан Турди чироғ ушлаб чиқди, Жобирга қаттиқ хўмрайиб қаради. У ўтиши билан чирсғини тезда отхонага киритиб қўлди-да, ўзи қаёққадир гойиб бўлди...

Саккизинчи боб

ШУМҒИЯЛАР ГУЛЛАГАНДА

Эрта баҳорнинг дилбар нағмаси кўнгил куртакларида япроқ ёздиради, ҳамма ёқда баҳор нафаси гуркурайди, кишиларни меҳнатга ғайратлантиради. Гиёҳлар бош кўтариб, ерни бахмал гиламлар қоплай бошлаган... Баҳор шикваси эркин дилларга ором бағишлаб бу янги олам эгаси бўлган меҳнаткаш деҳқонларни, батракларни ўзининг хаётбахш нафаси билан маст қилади ва ғайратига ғайрат қўшиб, далага етаклайди, ҳар юракда бир буюк орзу ва умидлар жўш уради...

Айниқса ҳозирги пайт — тўлқин кўпирган, инсоният умрида ҳеч кўрилмаган бир гўзал, озод ҳаёт қуриш, инсон бунёдга келгандан бери кўрилмаган улуг бир юмушни бошлаш олдида турган бу қишлоқ халқи ўртасидаги қизгин кураш пайти бўлиб, кишилар икки гурӯҳга бўлинган ва икки мақсад учун кураш олови азжга минган эди:

— Колхоз бўламиз!..

— Биз йўл бермаймиз! Не-не умидлар билан йиққан мулкимизни ўртага ташламаймиз!..

Мана, бир-бирига батамом зид бўлган икки мақсад ва икки ғоя! Биринчи — колхоз тарафдорлари, иккинчиси — колхоз душманлари. Биринчисининг иккинчиси устидан устун келиши аниқ ва табиий! Чунки у қалъ ва кўпчилик! Лекин иккинчисининг илҳомчилари ҳам оз эмас. Улар биринчиларнинг ҳаракати кучайган сари жон талвасасига тушиб, кундан-кунга ваҳшийлашмоқда. Бу курашлар орасида гангиб, оро йўлда қолганлар ҳам кўп эди. Уларнинг аксари колхоз тарафдори бўлсалар ҳам, бироқ бу муддаоларини очик ўртага ташлолмас эдилар...

Шундай пайтда Жўра омон-эсон етиб келди, у шаҳардан учта раҳбар бошлаб чиқди. Уларнинг бири комсомол, бири хотин-қизлардан, биттаси Пахта союзидан эди. Буларнинг қишлоққа кириб келишлари ёниб турган ўтга аланга берди.

Қишлоқ бу раҳбарларни улуг, ҳеч мислсиз бир улуг байрамга тайёрланаётгандай севинч билан қарши ола бошлади...

Раҳбарлар бу қишлоқни колхозлаштириб, яна бошқа жамоаларга ўтишлари керак экан. Шунинг учун Жўра қатъий буйруқ қилди:

— Жамоамиз янгидан бешта колхозга эга бўлуви керак... Сен, Эшмат, эртага ўз маҳаллангдаги деҳқонларни йиғиб тур, сен ҳам!.. Эртага раҳбарлар борадилар, колхознинг молини, ер-сувини, одамларини рўйхат қилиб, ҳар қайси колхознинг ўз хўжалигини ўзига аниқлаб бериб, правление сайлаб, раис сайлаб, кейин бошқага ўтадилар, ҳушёр бўлинглар, тўполон чиқишига йўл қўйманглар, душманлар хуружига ҳозир бўлинглар!

* * *

Қишлоққа эрта билан қаторлашиб кириб келган тракторлар яна юракларга далда берди, шовқин-сурон, қий-чув бўлди, колхоз талабгорлари идорага тўлиб кетди. Улар иш бошлашга билак шимариб келган эдилар.

Лекин кутилмаган бир фалокатнинг юз бериши ҳаммани эсанкиратиб қўйди:

Қуёш ҳали кўтарилмаган пайт, муздаккина шабада қишлоқ кўчасини сузиб ўйнар, қишлоқ ҳали уйқуда эди.

Жўранинг эшиги олдида тўрт-беш киши кўринди. Кўп ўтмай бу одамлар тўпи кенгайиб, бир нафас ичида эшик олдини саноқсиз кишилар қоплади. Баъзилари худди тўй-маъракага келгандек одоб билан эгилиб турар, баъзилари Жўранинг ҳовлисига кириб чиқиб, типирчилар, изтироб чекар, яна баъзилари нима воқеа бўлганини хабардор кишилардан муфассал билишга уринарди.

Бугун эрта билан Қўшоқ билан Жаниш от аравада пунктдан буғдой олиб келишлари керак эди. Улар эрта, саҳар туриб, аравани қўшдилар-да, энди кетмоқчи бўлиб турганларида одамларнинг Жўра батрак ҳовлиси томон югуриб кетаётганларини кўриб, ҳайрон бўлдилар. Югурувчилардан бировини тўхтатиб, Қўшоқ гап сўрамоқчи эди, бу киши тўхтамасдан йўл-йўлакай дўнғиллади:

— Эй, юрмайсанми, ҳаммамизни ўлдириб кетсалар ҳам билмас экансан-да!

Қўшоқ «ўлим» хабарини эшитгач, кўзига ҳеч нарса кўринмай, Жанишни ҳам унутиб, ўша одам кетган томонга югурди. Унинг кетидан Жаниш ҳам югуриб кетди.

Қўшоқ ҳансираган ҳолда етиб келди-ю, Жўранинг эшиги олдидаги сдамлар уюмини кўриб тўхтади. Жаниш ҳам етиб келди.

— Нима гап?— деб бақирди Қўшоқ жон ҳолатда. Лекин ҳеч ким ботиниб жавоб бермади.

— Нима гап ўзи, гапирсанг-чи, тилинг борми?— деб бақирди Жаниш эси оғиб турган Ҳайдарга.

— Нима гап бўларди...— деб пўнғиллади уйга кириб-чиқиб турган Сотволди оқсоқол.— Батракнинг миси чиқиб қолди.

Жаниш тушунмай Қўшоққа қаради. Қўшоқ ортиқ асабийлашган эди. Ичкаридан илжайиб чиқаётган Мирсодиқни кўриб яна қони қизиди.

— Пичоқни биқинидан урган экан, жигарини эзиб юборибди. Унисининг афтини ҳам кўриб бўлмайди.

Мирсодиқнинг бу сўзи Қўшоқни ҳушидан айираёзди, Жаниш бўлса телба кишидай эловсираниб қолди:

— Кимни, ким ўзи?

Саволига жавоб кутмай яшиндай ичкарига отилган Қўшоқнинг вужуди ўтдай ёнар эди. Унинг кетидан бошқалар ҳам кириб кетди.

Ҳовли ўртасида оламини бошига кўтариб Уғилбуви йиғлар, бир туркум хотинлар унинг атрофини ўраган эди. Қўшоқ бу тўдани ёриб, Уғилбувига яқинлашди:

— Нима гап ўзи, Жўравой акам қани?

— Жўрангиз том орқасида...

Қўшоқ ортиқ гап кутмади, Жаниш билан бирга орқага қараб югурди.

Кўзларига олам қоронғу бўлиб ўтирган Жўра Қўшоқ билан Жанишни кўргач, бир қимирлаб қўйди, холос.

— Нима гап?— деди Қўшоқ. Жўрадан ўн-ўн беш одим узоқликда, устига қоп ёпилган қонли бир гавдани кўриб ҳангу манги учди... Ундан нарироқда яна битта гавда...

— Булар ким?

— Узинги бос, Қўшоқ!.. Бунинг бири Норбуви, бири Турди... Бу қандай сир эканлигини ўйлаб бошим қотди...

Қўшоқ яна ўликларга кўз ташлади. Дарҳақиқат Норбуви... Унинг сочлари ерларга пийпаланган, оғзи қизил паранг рўмол билан бойланган, ёнбошидан оққан қон сизғиб сувга тушган ва ариқни қип-қизил қонга бўяган, устига ёпилган қоп четларида қон қотиб ётарди. Қоп устида битта таниш пичоқ. Қўшоқ пичоқни кўргач, Жўрага қаради:

- Пичоқ сизники-ку.
- Шундай,— деб аччиқ илжайди Жўра.

«ҚОНУН БУЗИЛМАСИН»

Кимдир биров ҳовлиқиб кириб, Каримов келяпти, деб хабар берган эди, бирдан ҳамма жим бўлди.

Жўрани қуршаган халқ ораси ёрилуви билан Жўра ҳам ўрнидан туриб, Каримовнинг қаршисига чиқди. Каримов қаттиқ ғазабда эди. У худди исковуч итдай ҳеч нарсага қарамасдан аввал тўғри мурдалар устига бориб тўхтади, ундан кейин изларни текширган бўлди. Халқ уни жим туриб таъқиб қиларди. Мирсодиқ эпчиллик билан Каримовнинг олдига ўтди-да, мурдалар устидаги қопни олиб ташлади. Зангор бахмал пальтони таниб бўлмасди. Қизил гулли чит кўйлак яна қизил қонга бўялган, йиртилган... Норбуви муздай оқарган... Ундан кейин Турднинг гавдасига бориб узоқ қаради. Пичоқнинг қора сопи ялтилар эди, тиги эса қотиб қолган қон билан ўз ялтироғини йўқотган.

— Бу кимнинг пичоғи?

Каримов бу саволни ҳеч кимнинг башарасига қарамасдан сўради:

— Меники,— деди илжайиб Жўра.

— Ростдан сизникими, нега сизники бўлади?— деди Каримов ва кўтарилиб Жўрага тикилди. Жўранинг кўзларида ўт ёнар эди.

— Шу меники-да,— заҳарли илжайди яна Жўра.

— Нега чавоқладингиз?— деди тўсатдан у.

Бу савол Жўрани титратди. Бошқалар бу саволнинг жавобини энтикиб кутардилар.

— Чавоқлаганлардан сўранг!— деди ҳалиги вазиятда Жўра.

— Улар кимлар экан?— деди кўзи кссасида ўйнаб.

— Билмадим!

— Ҳим...— деди Каримов ва чорбоғчанинг чор томонига, қўшни боғларга кўз ташлади.

— Нариги боғ кимга қарашли?

Бунга Қўшоқ жавоб қилди:

— Колхозга!

— Нарёғи-чи?

— Кўча!

— Кўча?!

— Ҳа, кўча!— деди Жаниш,— айланиб кўчага,

худди сизнинг ҳужрангиз ёнидаги муюлишга чиқилади.

Унинг бу гапни баъзиларни қимирлатгандай бўлди, Каримов ер остидан унга бир қараб олди...

— Норбуви ким тарафидандир, зўрланганга ўхшайди,— деди Каримов ясама газаб билан,— лекин Турдининг бу орада бўлиши таажжубли, қандай ҳодиса бўлди экан, пайқамадингизми?

— Ҳамма гап шунда-да,— Жўра воқеани баён қилишга оғиз очди.— Кечаси аллавақтгача идорада ишладим, худди «Қозик юлдуз» тиккаланганда келиб ётдим. Эрта билан қўшнимизнинг хотини томдан туриб, мени чақира бошлади. «Ҳа» десам, «мен ўзапом олгани чиқувдим, томорқада икки ўлик ётибди» деди. Югуриб чиқсам, шу аҳвол...

— Пичоғингиз-чи?

— Пичоғим, кеча колхоз идорасида, худди пешинда йўқолди. Биронтасига керак бўлса олгандир, деб парво қилмаган эдим, мана дарҳақиқат «керак» бўлган экан!

— Гапни ҳам дўндиради-да,— деди Мирсодиқ.

— Келимшаган гап бу!— дейишди баъзилар.

Каримов қўлига қалам-қоғоз олиб ёза бошлади.

Вакиллардан бирови сўради:

— Пичоғингизни ким олганини била олмайсизми?

— Кеча сиз билан идорада гаплашиб ўтирганимда, нима учундир шу пичоқни олиб бир нарсага ишлатдим, шундан кейин, билмадим, қиннига солдимми, стол устида қолдирдимми.

— Эсингиз йўқмиди, ёнингиздаги пичоқни қаерга қўйганингизни билмайсиз?— деб биров кулди.

— Нима бўлса ҳам бўлди,— деди Жўра,— иш очилгунича мен гуноҳкорман, иш текширилсин,— деди ва қўшимча қилиб қўйди:— ҳақиқат бўлиб қолар, ахир!

— Албатта ҳақиқат қилинади. Ҳеч қўрқманг, Жўравой ака,— деди Қўшоқ.

— Жўравой акам бунақа қиладиган одам эмас, ҳаммамиз яхши биламиз,— деб қўшди Жаниш.

— Ҳозир биров бировни айблаётгани йўқ. Фақат иш очилгунча, қонун бузилмаслиги учун Жўравой аҳтиёт чорасига олинади.

Каримов шу сўзни айтиши билан халқ орасида шивир-шивир гап кетди.

Қўшоқ нимадир демоқчи эди, вакиллардан биттаси тўхтатди:

— Албатта шундай қилинмаса бўлмайди, ҳовлиқ-манг.

— Лекин ишни тўхтатмаймиз!

— Ҳа,— деди Каримов,— колхозлаштириш иши тўхтамасин буни деб. Буни биз ўзимиз текшираверамиз.

— Эҳтиёт чорасига олиниб, шаҳарга юбориладими ёки шу ерда сақланадими?— деди тўсатдан Марайим.

— Ҳозир шаҳарга хабар бераман. Улар нима десалар шу бўлади.

— Жўравойни ҳаммамиз таниймиз, мана ўзингиз ҳам яхши биласиз, бу иш ундан келмаган. Жўравойни шундай ишнинг қизиқ пайтида бериб юбормаймиз,— деб шовқин кўтарди Саттор. Унинг кетидан шовқинлар кўтарилди. Лекин Каримов шовқин-суронни оғирлик билан босиб олди:

— Биз Жўравойни осигга юбораётганимиз йўқ. Қонун бузилмасин, ҳаммамизга гап тегмасин, деб шу ишни қилишга мажбур бўлаётирмиз. Жўравойни сиздан кўра мен яхши биламан. Энди, ким билади, одамларнинг усти ола, ичи қора бўлади, дарров пайқаш қийин, текширишсин, ишимиз Жўравойсиз ҳам кетаверади. Мана, биз, мана бу шаҳардан чиққан раҳбарлар бормиз-ку!

— Майли ўртоқлар, мендан гумонсираган бўлсалар, эҳтиёт чорасига олсинлар... Ҳақиқат бўлар, ахир.

Жўра бу сўз билан бутун кучини йиғиб Каримовга тикилди, у ҳозир алланарсалар деб Каримовни сўкмоқчи, бу ишларнинг ҳаммасига сабабчи Каримов деб қичқирмоқчи бўлди-ю, яна ўзини босди, чунки далил керак эди, далил! Далил эса йўқ!

Каримов актни ёзиб бўлди. Қўшоқ, Жаниш, Жўралар қўл қўйдилар. Сўнгра кўчага чиқишга тараддуд кўрилди. Шу он Қўшоқ бировни излаб, ҳар томонга кўз югуртди. Лекин топа олмади. Унинг излагани Жобир эди. Шундай пайтда унинг йўқлиги Қўшоқни шубҳага солди.

— Жаниш, нега Жобир кўринмайди?

— Билмадим,— деди у сирли қараб. Жим бўлишди.

Норбувининг онаси дод-фарёд билан келар эди. Кимдир уни ушлаб юпатув учун чеккага тортди.

Жўра билан Каримов халқ ўртасида эдилар. Каримов кўз ўйнатиб бирмунча батракларга очиқ юз билан гапирарди:

— Ҳеч ташвишланманглар, ўзим икки-уч куёдан кейин кафилга олиб чиқаман,— деди ва Жўрага қараб,— қани юринг,— деди ва бирга кетишди.

Узоқда Норбувининг онаси қилаётган фарёд кўкка чирмашди. Ҳамма ўша томонга қаради ва бегуноҳ мурдаларни саранжомлаш учун изларига қайтишди. Қўшоқ эса, Жўравой билан Каримовнинг орқасидан қоралари ўчгунча қараб қолди...

Т ў қ қ и з и н ч и б о б

КОЛХОЗЛАР...

Кечадан бери жамоа идораси худди шаҳар идораларидай гавжум, серқатнов.

Шаҳардан чиққан уч раҳбар қизгин ишга берилиб кетган, батрак ва камбағал деҳқонлар эса, янги иш бошлашнинг бир хил ҳузурбахш кайфияти билан хурсандлар.

Норбуви билан Турди фожиаси ва Жўравойнинг қамалиши бутун жамоани ҳушёр тортдириб қўйди. Бу воқеанинг келиб-келиб худди ялпи колхозлаштириш маъракаси арафасида юз бериши эса, ҳаммани ҳам ўйлашга мажбур қилди. Ким қилди бу машъум ишни? Албатта душманлар!.. Лекин Жўравой душманми?.. Боринг, Жўравой душман ҳам бўлсин, душманлар билан тил бириктириб Норбувини ҳам ўлдирсин... Аммо Турдини нега ўлдирадилар? Нега бир ерда, бирга, бир вақтда?.. Ҳамманинг хаёлида мана шундай чигал фикрлар чувалашиб қолди...

Бу воқеа ялпи колхоз тузумига таъсирини кўрсатмай қолмади, душман игво, фисқ-фасод гапларни кучайтирди, қўрқоқ, қуён юрак одамлар, албатта, чўчиб кетди, раҳбарларга яқинлашмадилар, комсомоллар энди ана шундай игво, фитналарга қарши қатъий кураш бошладилар. Каримов эса, шаҳардан ҳадеганда чиқавермади. У ишни атайи чўзмоқда, пайсалга солмоқда эди. Ниҳоят раҳбарлар партия мажлисини чақириб, жамоа раисисиз ўзлари бошлашга қарор қилдилар ва иш шундай қизиб кетдики, қўллари қўлларига тегмай қолди. Ишнинг учинчи кун дегаандагина Каримов чиқиб келди. Ишнинг бундай қизгин тус олиб кетишини ўйламаган Каримов ҳайрон бўлиб қолди, раҳбарлар кўзи олдида сир бой бермаслик кераклигини англади-ю, тилини қисди. Жамоа идораси тўла одам, ҳамма колхозга кириш талаби билан келиб

ўтирган эди. Каримов ичида «ўз гуруҳлари»нинг ношудлигидан газабга келиб гижинди, ноилож ўзича бошқача режа ўйлади.

— Шаҳарда қаттиқ текшириш кетаётир,— оғир гап бошлади у,— Жўранинг ҳақиқатан ҳам душманлар билан, Исомиддинов билан тили бирга ўхшаб қолди. Одамни билиб бўлмас экан-да... Хайр, майли нима бўлса бўлди, энди бу ёғига ҳушёр бўлмоқ керак. Хўш... Беш ерда эмас, ҳозирча уч ерда, яъни уч қишлоқда тузишга тўғри келади колхозни, иш илвираб турибди, тагин тўполон чиқиб кетмасин, Исомиддиновлар, Жўравойларнинг одамлари йўқ эмас, улар ҳали бош кўтаришлари мумкин. Бундан ташқари, баъзи ерларда ҳали тушунтириш ишлари тўла ўтмаган, қишлоқларимизда ички курашлар яширин, лекин кескин давом этаётир. Яна қурбон беришга, Норбуви, Турди каби садоқатли активларимизнинг ҳаётларини хавф остига қўйишга йўл беролмайман.

— Тўполон чиқишига ақлингиз етадими?— деди унинг гапларига ҳайрон бўлиб, вакиллардан бири.

— Ҳозир ўт биқсиб турибди, бизнинг ҳаракатимиз шамол бўлмасин дейман-да.

— Беданадан қўрққан тариқ экмайди,— деди зарда билан иккинчи вакил.— Тўртта-бешта душмanning фитнаси билан шундай муҳим давлат ишини тўхтатиб қўйишга кимнинг ҳақи бор! Бу гапларингиз, ўртоқ Каримов, тўғриси яна айтсам, қўрқоқларнинг гапи! Яхшимас, уят бўлади!

— Тўғри, гапингиз тўғри, балки мен янглишарман,— деди Каримов сал илжайиб,— лекин мен ўз жамоамни яхши биламан-да! Майли, ихтиёр яна ўзларингизда.

— Коммунист бундай бўлмайди,— деди вакила,— нима, кечаги фожиа юрагингизни олиб қўйдими? Қаранг, идорангиз олдида ўилаб талабгор сиздан иш кутиб ўтирибди, улар ҳеч нарсадан қўрқмасдан келиб ўтирибди!

— Шундай дейсизлару, лекин шароит билан ҳисоблашмоқ керак-да,— деди яна сўррайиб у.

— Келинг, мулоҳазаларнинг вақтимас!— деди ноҳча вакил ва кеча олинган рўйхатга қараб ишчи давом эттирди. Уч қишлоққа уч вакил бўлинди. Вакиллар ёнларига колхозчилардан икки-учтадан киши олиб ўзлари тайин этилган қишлоқларга қараб жўнадилар..

Шу кун кечқурунга бориб жамоа идорасига вакил-

лардан маълумот кела бошлади: «Найман қишлоқда йигирма саккиз хўжаликдан иборат колхоз тузилди. Колхозга «Қизил Октябрь» номи қўйилди. Раисликка Рўздат деган батрак сайланди».

«Шилдир» қишлоқда ҳам рўйхатга ўн олти хўжалик келиб ёзилди ва колхозчиларнинг ўзлари колхозларининг номини «Ленин» бўлсин, дедилар. «Ленин» бўлди.

«Қатортол»да ҳам колхоз тузилиб, унга ўттиз икки хўжалик аъзо бўлиб кирди ва колхознинг номи «Байналминал» бўлди.

Янги колхозларда қизғин дўстона, иноқ иш бошлаб юборилди.

«Илдам» колхозининг аъзолари эса қаторлари ошганидан ниҳоятда хурсанд, дала ишлари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда; янги тузилган колхозларнинг ёш хўжаликларидан хабар олиб туриш, уларга ёрдам қилиш кераклиги тўғрисида вакиллар томонидан қилинган таклифни жуда қувонч билан қарши олдилар...

Вакиллар қишлоқдаги фожиали воқеа муносабати билан бир қанча жойда суҳбатлар ҳам ўтказдилар; улар коммунист ва комсомол активлар билан бирга маҳаллама-маҳалла юриб, мамлакатнинг сиёсий ва хўжалик аҳволини, партия ва ҳукуматнинг янги тадбирларини аҳолига гапириб бердилар, биринчи беш йиллик план, колхоз тузилиши, синфий кураш, муштумзўрлар билан кураш, пахта мустақиллиги учун кураш сиёсатлари тўғрисида жуда юракдан гаплашдилар...

Вакиллар кетар кечаси Қўшоқ билан Жаниш уларни колхоз идорасига таклиф этдилар ва улар билан фожианинг айбдорлари ҳақида маслаҳатлашдилар. Вакиллар Қўшоқ билан Жанишга шубҳаларини ёзиб райкомга бериш лозимлигини айтдилар ва ёрдам беришга ваъда қилдилар.

Айниқса Қўшоқнинг ороми йўқолди, бу ишда Жўранинг қўли бор, деган гапни ҳеч сингдирилмасди, у, қандай бўлмасин, бу жиноятнинг калитини топишга киришди, ўзича ҳар хил режалар туза бошлади...

МАСАЛА РАВШАНЛАША БОШЛАДИ

Қўшоқ шодлигидан гангиб қолган: уч ерда колхоз тузилди. Тушми-ўнгми? Колхозчилар ҳар кун эрта билан тўп-тўп бўлиб, гурунглашиб дала бошига чиқа-

дилар. Кўпчилик бир отанинг боласидай иноқлашиб кетаётир, меҳнат бир бўлиб уюшган сари батраклар орасидаги иноқлик ҳам мустақамланаётир...

Баъзилар анов юзи қора, ичи заҳарларни шу билан енгдик, деб қувонадилар... Аммо яқиндан бери ҳар бир нарсага оғир, синчиклаб қарайдиган бўлиб қолган Қўшоқ бу нарсага ҳам алоҳида эътибор билан қаради. У Ёқуб отанинг кечаги гапини миясига тугиб олган эди:

— Бу лаънатиларни ўз кўзимиз билан кўриб туриб, ўз қўлимиз билан илдизигача қирқиб ташласаккина қутуламиз. Бўлмаса булар жуда тулки халқ, булар тинч ётмайдилар. Колхоз туздик, деб қувонишдан кўра, уларнинг колхозчилар орасига солрадиган иғвосидан қўрқиб керак, зийрак бўлиш керак, уларга қарши бошланган курашни тўхтатмаслик керак!

Бу гап Қўшоқнинг қулоқларига қўрғошиндек қуёрилган эди.

Ҳозир қишлоқда батраклардан кўзга кўрингани, гапдонроқ батракларнинг тилини битта қилиб, уларнинг юрагидагисини ўз тили билан айта оладиганлардан фақат Қўшоқ қолди, холос. Марайим, Саттор, Толиб, Жанишлар ҳам чакки йигитлармас, гапдон, мард, танти йигитлар. Лекин Қўшоқ бошқача гапдон, бошқача мард ва бошқача танти йигит.

Бутун масъулиятни энди, ўз устимда қолди, деб тунган Қўшоқ қаттиқ ўйлади, ўртоқлари билан маслаҳатлашди, Каримов билан астойдил гаплашмоқчи, унинг тутган йўлини, хатти-ҳаракатларини нотўғри, деб юзига айтмоқчи, агар жаҳлини чиқарадиган бўлса, тўғридан-тўғри қўрқоқ дейишга қасд қилди... Лекин қандай, нима билан, қанақа ҳужжат билан гаплашадими?.. Рост, Каримов тўғри одамга ўхшамай қолди. Лекин қани факт? Уша мудҳиш воқеадан кейин Жобирнинг дом-дараксиз кетишими? Бунга Каримовнинг нима алоқаси бор? Ёки колхозга киришга талабгорлар кўп бўлган ҳолда уларга аҳамият бермаслигимизми?.. Бу кучли ҳужжатмас! Ҳозир Қўшоқнинг бошида мингта иш: колхоз раиси, ячейка котиби, комсомоллар раҳбари, батраклар ҳақини ҳимоя қилади, камбағаллар гуруҳига бошлиқ, батраклар вакили сифатида жамоа мажлисларида иштирок қилади. Яна бир томонда колхоз талабгорларининг аризаларини кўриш керак, пахта ишловига раҳбарлик қилиш керак, янги тузилган колхозлардан, ваъдага мувофиқ, хабар олиб туриш керак. Мана шуларнинг ҳаммаси унинг бошида! Булар-

нинг ҳаммасига партия олдида, ҳаммадан аввал, у жавобгар. Бунинг устига Каримов сўнгги кунлари идорада жуда кам бўлади. Баъзи кунлар мутлақо кўринмайди... Жамоа идорасига келган халқ билан Қўшоқ муомала қилади. Жаниш, Марайимлар ҳам ишга анча ўрганиб қолишди, Қўшоқнинг вазифаларидан баъзиларини улар бошқаришга киришдилар.

Жанишни партияга қабул қилдилар. У энди ўз устида нақадар катта, масъулиятли ва шарафли вазифалар бор эканлигини чуқурроқ англади.

Қўшоқ билан Каримов жамоа идорасидан чиқиб келаётганларида ўн чоғлик батрак келиб буларни тўхтатди. Иккитаси қўлларида қоғоз ушлаганлари ҳолда буларга яқинлашдилар:

— Биз ҳам ўйлаб колхоз бўлишга қарор қилдик. Манов ариза, мановиси рўйхат. Бирон киши юбориб колхоз тузиб беришларингни сўраб келдик.

Талаб икки қишлоқдан бўлиб, вакиллар ҳам ана шу икки қишлоқники эди.

Каримов қоғозларни оларкан, ҳозир ишларингдан қолиб бу ерда ўтирманглар, аризангизни биз жамоа президиумида кўрамиз, деди.

— Қачон? — деди батраклардан бири.

— Яқин кунларда...

— Нега бугун эмас?

— Жамоанинг сизникидан ҳам бошқа иши бор. Колхоз тузиш ўнгай гап эмас. Бу рўйхатнинг ўзигина етмайди. Агар президиум аризаларингни маъқул деб топса, рўйхатни бориб ўзимиз оламиз...

— Нима, бу рўйхатимиз нотўғри эканми? — ҳайрон бўлиб сўради батраклардан бири.

— Ким билади нимани ёзиб, нимани яшириб қолгансизлар. Текширамиз, ундан кейин рухсат берамиз.

Каримовнинг бу сўзлари Қўшоққа ёқмади, Қўшоқ унга қаради ва Каримовнинг муомаласидан норози бўлган батраклар олдига чиқиб:

— Тўхтанглар! — деди ва шовқин тинганидан сўнг сўради: — колхоз бўладиганлар қанча бор?

— Иккала қишлоқда ҳозирча олтмиш-етмишга боради. Қани бизга айтинг-чи, колхоз бўлишга бизнинг ҳақимиз йўқми?

— Ҳақингиз бор! Лекин шаҳардан одам келмагунча тузиш қийин. Уртоқ Каримов тўғри айтяпти, жамоанинг иши кўп. Шунинг учун бу ишни мен бўйнимга

оламан. Эртага одам чақириб туздириб бераман, қаракатни қила беринглар.

— Яшанг, раҳмат!

— Биз қишлоқда кутамиз!

— Эртадан қоладиган бўлса, яна келамиз!— дейишди батрақлар ва хайрлашиб жўнашди. Батрақлар кетганидан кейин Каримов Қўшоққа хўмрайиб қаради:

— Удда қилолмайдиган ишингизга аралашиб нима қиласиз?

Қўшоқ бундай қўпол ва тескари сўзни Каримовдан биринчи эшитиши эди, ўзини душман ёнида тургандай ҳис қилди ва ҳозир жавоб бермасликни маъқул кўрди. Бу топда у алланарсаларни ўйлаб кетди.

— Буларга бундай деб жавоб беришни билган одам эртага «колхоз бўлмаймиз» дейдиганларга ҳам жавоб бера билуви керак бўлади,— деб давом этди Каримов зарда билан,— лекин сиз бунинг уддасидан чиқолмайсиз!.. Агар тўполон чиқиб қолса, билмадим, қаёқларга қочиб кетар экансиз...

— Мен «колхоз бўламиз» деганлар билан гаплашдим, ўртоқ Каримов, эртага ҳам ўшалар билан гаплашаман, «колхоз бўлмаймиз» дейдиганлар билан жамоа раиси гаплашади, мен эмас!

— Ҳали шундайми?— титраб кетди Каримов. Қўшоқнинг гапидаги асл маънони англади ва ўшқирди:— Сиз нималар деб валдираяпсиз! Жамоага ким хўжайин ўзи! Менми, сизми?!

— Сиз! Мен аъзман, колос!— оғир жавоб берди Қўшоқ.

Каримов ҳамон ўзини босолмай бақирарди:

— Менинг ишларимга аралашингизга сизнинг ҳақингиз йўқ, мен бу масалани президиумга қўяман!..

— Бизнинг ҳам ҳақимиз бор,— деди яна оҳиста Қўшоқ ва давом этди,— сизни мен бир фирқа аъзоси деб танийман... Сиз ҳам ўзингизни таниб олинг, ўртоқ Каримов! Мен ҳам сиз билан баб-баравар жавобгарман! Агар ортиқроқ бўлмаса!

Каримов Қўшоқни бунчалик деб билмаган ва гапининг ҳам шундай чаппа кетади деб ўйламаган эди; қаршисида яна ғов, катта, бақувват, хавфли душман пайдо бўлди!

— Гапингиз тўғри-ку,— деди бирдан ҳовридан тушиб Каримов,— лекин шошмаслик керак. Ҳар қадами-мизда душман...

— Менимча ҳозир ишни судрайдиган вақт эмас. Сизни идорадан топиб бўлмайди, деҳқонлар худди етим болалардай тентираб қолишди... Шундай бўлаверса, албатта, эрта-индин катта шовқин кўтарилиши мумкин...

— Бўлди, қолганини идорада гаплашамиз,— деди Каримов зарда билан.

— Ячейкада гаплашамиз!— деди Қўшоқ ҳам унга тикилиб.

Иккови икки томонга кетди. Йўлда, Қўшоқ Бегматни учратди. Бегмат нималардир гапирарди-ю, лекин Қўшоқнинг қулоғига кирмас, у қизғин хаёл гирдобада эди.

* * *

Булар колхоз идорасига етганларида яна Норбуви онасининг йиғиси эшитилди. Унинг кўзлари ичига ботган, сочлари ёзиғлиқ, устида қора чит кўйлак, бошида қора дурра... Бечоранинг кўзида эрди ҳамиша ёш. Яккаю ягона фарзандининг даҳшатли ўлимига қандай чидасин?..

Бугун эрта билан ўрнидан туриб, Норбувининг уст-бошларига кўзи тушди, яна ҳўнграб йиғлади. Нимадир олмоқчи бўлиб уйига кирган эди, Норбувининг чиройли, бежирим қутичаси эгасиз мунгайиб тургандай кўринди кўзига, яна юм-юм йиғлади, жинниларча қутичани олиб ўпди, бағрига босиб ҳўнгради. Қутичани айлантирган эди, унинг ичидаги қалай, кумуш узук, ой нусхали кумуш балдоқ, чиройли қолдор қилиб ишланган кўзмунчоқ каби бир қанча майда нарсалар ерга тўкилди. Булар Норбувининг қизлик хотиралари эди. Булар онани яна ҳам эзиб юборди. Сўнгра ҳалигилар билан тушган битта қоғоз парчасини кўриб ҳайрон бўлди, шошиб қолди: хат ёзиб қолдирдимикин, болагинам, деб ўйлади. Ўйлади-ю, ўрнидан тура солиб, кўчага югурди. У тўғри колхоз идорасига келди, Қўшоқни излади, тополмагач, останада кутди.

Қўшоқ сна кўнглига тасалли бериш учун тўғри унинг ёнига борди:

-- Онажон, қўйинг энди, фойдаси йўқ. Ўзингизни уринтириб қўйибсиз...

Она тепасида Қўшоқни кўриб ўрнидан турди ва апил-тапил кўз ёшларини артиб, унга енг ичидан хатини олиб берди:

— Мановини олиб келган эдим, болам. Уқинг-чи, менга бирон гап ёзиб қолдирибдимикин.

Қўшоқ таажжубда қолди... Хатни Бегматга узатди, Бегмат уни тез-тез ўқиб чиқди. Хатни гоят махфий ва муҳим ҳужжат эканлигини билган Бегмат Қўшоқни ичкарига таклиф қилди. Қўшоқ кампирни уйига жўнатди-да, идорага кирди.

— Хўш нима гап, — деди у шошиб.

— Бу хатда гап кўп, — деди ва хатни унга ўқиб берди. Хатнинг маъносига тушунган Қўшоқ сапчиб ўрнидан туриб кетди:

— Ҳа-ҳа! Тушунарли, энди менга анчагина гап равшан! — деди ўзича ва Бегматга қаради. — Бегматвой, тезда ячейка аъзоларини чақир!

Бегмат шошилганича ячейка аъзоларини излаб кетди. Қўшоқ қўлида ҳалиги қоғозни маҳкам ушлагани ҳолда хаёл суриб қолди:

Ҳа, масала анча равшанлашди!

ДУШМАН ТАЛВАСАДА

Баҳор кундан-кунга тараниб, ўз ҳусни-жамолини намоиш қилмоқда, бу йилдан мактаб болалари ҳам «бойчечагим бойланди», «лайлак келди — ёз бўлди». ашулалари ўрнига баҳор шикваларини тасвирловчи янги ашулалар айтдилар. Улар бу ашулаларни қишлоқ кўчаларини тўлдириб, шод-хуррамлик билан айтиб ўтишардилар.

Болаларнинг кўпи бу йил комсомол сафига ўтдилар... Ёшлари етмаганлар эса комсомол акаларининг ишларига қизиқиб, уларга боқишадилар ва ўсиб комсомол ёшига етишни орзу қиладилар... Лекин нима қилсинларки, улар учун кашшофлар отряди тузишга ҳеч ким эътибор бермайди, ҳамма ўзи билан ўзи овера. Шу дамгачайин «отин буви»лар, оқсоқол оталар дағдағасидан қўрқиб юрган қизлардан ҳам кўпчилиги комсомол сафига кириб олдилар. Улар ҳам ўғил болалар билан бирга, бир сафда дадил қадам ташлайдилар, муштумзўрларнинг иғволаридан қўрқмайдилар, бурчак-бурчакдан олайиб қаровчи жоҳил кишилардан ҳам ҳайиқмайдилар. Чунки энди уларни ҳимоя қилувчи, Қўшоқ, Жуман каби яхши, билимдон одамлар бор, улар ҳамма вақт болаларни эслаб мактабларга келиб **гамхўрлик** қилиб турадилар.

Айниқса, қишлоқдаги катта ўзгаришлардан кейин қишлоқ анча тинчиб қолди, ота-оналар ҳам тушуниб,

«майли, яйрасин, унсин!» дейдиган бўлдилар, душманларнинг: «Ўзингиз, ўғлингиз ҳалитдан ўзларини ҳукуматга топширдилар, сал кундан кейин албатта булардан айриласиз, беҳаё бўладилар...» деган иғволарига парво қилмадилар.

Албатта, бу иғволарга учганлар ҳам йўқ эмас эди, улар қишлоққа ваҳима солиб юбордилар. Қишлоқ комсомол ташкилоти ана шундайларга қарши курашларда анча ўсди, деворий газета ташкил этдилар, унинг саҳифаларида қишлоқдаги «қорни катта»ларни, уларнинг қора ниятларини боплаб фош қилиб турдилар. Жўра воқеаси муносабати билан қисқача бир мақолача ҳам ёзилди. Лекин бундай мақола, хабарларга эътибор қилувчи топилмади. Ёлғиз кулгили хабарларнигина батрақлар тўпланишиб ўқиб, кулишардилар. Бунга айниқса Қумри билан Саттор қаноат қилмади, улар газетани баланд товуш билан ўқиб беришни одат қилдилар...

Бугун комсомолнинг иши кундагидан кўра жонлироқ, кундагидан кўра бошқачароқ бўлди.

Қишлоқ халқининг кўпчилиги далада эди. Гузарда ўн-беш йигирма чоғли — ўзини офтобга товлаб ётган ишёқмасларгина бор эди.

Ун чоғли комсомол Саттор ва Қумри раҳбарлигида қизил чойхонага йиғилдилар. Улар самоварчини ишга солиб, чойхона ичини супуриб-сидирдилар, деворларига янги расмлар — колхозлашув лавҳалари, шиорлар осдилар. Ҳаммаёқ чиннидай тоза бўлди, чойхонадагилар ҳам олди-орқаларига қараб қолдилар. Шундан кейин Қумри ўртага чиқди:

— Ўртоқлар, қулоқ солинглар, — деди у дадил. — Бугун газетамизнинг янги сони чиқди, ўқиб бераман.

Ҳамма ўтирганлар унга қулоқ сола бошлади. Қумри газетани қўлига олди-да, ўқий бошлади.

Биринчи мақола — Каримовнинг, колхозга киримиз деб ариза кўтариб келган батрақларга қўпол муомаласи ҳақида эди.

Ёнбошлаб ётганлар туриб, ўнгланиб ўтирдилар, баъзи юраксизлари орқа-ўнгларига қараб ҳам олдилар.

Иккинчи мақола — «Яшасин колхоз» сарлавҳаси остида бўлиб, бунда колхознинг аҳамияти, колхоз камбағалларнинг, батрақларнинг ҳаётини яхшилаши, фаровон ҳаёт келтириши ҳақида эди. Учинчисида эса, қишлоқдаги кооперативда мол камлиги ва кооператив-

чининг серуйқулиги танқид қилинган эди. Ҳар бир хабар ўқилгач, қийқириқ кулги кўтарилиб турди. Бу қийқириққа ўткинчилар ҳам келиб қўшилдилар.

Газета ўқиб бўлганларидан кейин, Саттор комсомолларга янги ашула айтишни таклиф қилди. Комсомоллар ашулани жуда яхши машқ қилган эдилар. Шунинг учун улар ашулани бир текис, баравар гуриллашиб айта бошладилар.

Бу ўзи асли ашула бўлмай, Норбувига бағишланган марсия ва синфий душманларга қарши ёзилган шеър эди.

Пахта гули очилар,
Ерга гули сочилар,
Ялли колхоз бўлганда
Ёв чидолмай қон йиғлар.

Пахта экинги, тоғ бўлсин,
Халқлар кўнгли чоғ бўлсин!
Норбувини ўлдирган —
Душман бағри доғ бўлсин!

Ҳамма батрак бир бўлди,
Душманга бу гўр бўлди.
Эсизгина Турдивой
Қўйдаккина сўйилди.

Колхозчилар, ҳорманглар!
Душманга йўл берманглар!
Нор опанинг кунини
Эсдан ҳеч чиқарманглар!

Пахта битади бўзда,
Одамнинг лабзи сўзда!
Тушунсангиз, ўртоқлар,
Ҳамма роҳат колхозда!

Ииғилганлар ашулани жуда диққат билан тинглашди ва баъзилар ашула маъқул бўлганидан барала овоз билан тасанно ўқидилар:

— Оббо қурмагурлар-эй!.. Қандай тўқиб чиқардингларинг бунақа гапни!

— Яша, баракалла, сен яшайтурган замон!

— Боплабсанлар!..

— Яна айтинглар-чи, қани яна айтинглар?!

— Айтинглар, эшитайик.

Комсомоллар яна бошладилар. Чойхона олдига халқ тўлиб кетди.

Ашула одамларнинг юрагига бориб етди, ашуланинг мазмуни кишиларни хаёлга ҳам солиб қўйди...

Бундан икки кун илгари Қумри Гулшан деган ўртоғининг ҳовлисига кирганида анча қизларнинг ашула айтиб ўтирганлари устидан чиқди. Ашула янги ҳаётимиздан, ёш қизларнинг орзусидан баҳс этарди. Ашула бир оз тингандай эди, кимдир яна бошлади. Бу гал Қумри ашуланинг мазмуни яна ҳам чуқурлашганини англади, ашула бандлари энди Норбувини эслатарди... Бир оз тинглаб туриб, шоира қизга яна ҳамма қўшилди, ашула ҳали пардозланмаган беқасамдай товланар эди. Қумри буларни дарров ёзиб олди. Сўнгра Бегмат, Сатторларга кўрсатди. Улар ҳам билганларича қўшдилар. Комсомолларни йиғиб, улар ўртасига ҳам ташлади, улар ҳам қўшилиб уладилар. Ниҳоят, бугун эрта билан ҳаммасини жамлаб тузатдилар-да, кўплашиб айтиб кўрдилар, жуда ажойиб жаранглади. Кимдир:

— Шу ашуламизни қишлоққа расм қилайлик,— деди.

— Ашуламиз яхши, шундаям расм бўлиб кетади,— деди яна кимдир.

— Йўқ,— деди Қумри,— ўзи расм бўлишига қараб ўтирмасдан тезда қишлоққа тарқатиб юборимиз керак!

Комсомоллар бу таклифни қизгин қарши олдилар. Шу гапнинг устига Бегмат билан Жаниш келиб қолишди, улар ҳам хурсанд бўлишди ва зарур иш билан шаҳарга тушиб кетишаётганини айтишди. Комсомоллар уларни қишлоқ чегарасигача тала-тўполон билан узатишди, кейин ҳалиги ашулани айтиб қишлоққа қайтишди, улар бу ашулани айтиб, боғ кўчалардан, гузардан, маҳаллалардан ўтдилар... Улар тўғри катта гузар чойхонасига етиб келдилар.

Ашула ҳали тамом бўлган эмас эди, халқ тўпи кимгадир йўл оча бошлади. Чойхонага қовоқ-тумшуги солинган киши кириб келди.

— Тўхтанг!— деди у жаҳл билан, комсомолларга. Бу Каримов эди.

Болалар ашулаларини яримта-юрумта қилиб тўхташди. Ҳамма ҳайрон, Каримовга тикилиб туришарди. Каримов аста болалар олдига борди:

— Бу яна қанақа масхарабозлик? Колхозчиларни ишдан қолдиришга ким рухсат этди?!

Ҳамма жим, Қумрининг кўзлари ёнади.

Каримов давом этди:

— Ким ўргатди сизга бу ҳунарни? Бу — ҳукуматга қарши, аксилинқилобний ашулани ким ўргатди сизга, ким!

Халқ аста-секин тарқалди. Қумри қўрқиб кетганидан ердан кўзини ололмай қолди. Бир маҳал қараса, комсомоллардан фақат уч кишигина қолипти, чойхона ва унинг атрофларида ҳам уч-тўрт кишигина кўринди. Сал нарироқда шипдай бўлиб, Каримов турарди. Қумри ўзини тутиб олди-да, Каримовга яқинлашди.

— Биз,— деди овози титраб, лекин ўзини оғир тутишга ҳаракат қилиб,— биз жондан азиз опамиз Норбуви тўғрисида қўшиқ айтдик. Уни ўлдирган муштумзўрларга, уларнинг ҳимоячиларига қарши ашула айтдик. Қўрқмас Норбувининг ўрнини биз босамиз, деб ашула айтдик! Нима, шу аксилинқилобми?!

Каримов шошиб қолди. Турган одамлар орасида қандайдир сирли қимирлаш пайдо бўлди. Каримов те-варакка жавдираб қаради-ю, яна Қумрига тикилди. Қумри ҳамон бояги ҳолатида Каримовга қаттиқ тикилиб турарди, Каримов унинг кўзидан қандайдир «душман!» деган сўз уққандай бўлди, эти жимирлашиб кетди, аста пастга тушиб, ўзини кўчага олди ва:

— Яхши, ҳали жамоага бор!— деди.

Қумри индамади. Каримов кетаётган йўлидан яна қайтди:

— Айтмоқчи, ҳали Бегмат сенларнинг олдиларингга кетган эди, қани у?

Қумри Бегматнинг шаҳарга кетганини айтмаслик учун бошқа важ қидирай экан, комсомоллардан Зокир ҳовлиқиб айтиб юборди:

— Бегмат шаҳарга кетди, Райкомга!

— Нима?!— сапчиб қаради Каримов унга.— Райкомга...

— Йўқ,— деди Қумри ва Зокирга хўмрайиб қаради,— билмасдан айтаверасанми? Жаниш билан иккалови пунктга кетмадими! Пунктга кетишди.

Каримов яна бир хил бўлиб қолди. У чўнтак соатини олиб қаради-да, тезда, кутирлатиб хашак еб турган отига бориб минди. Йўрға от йўртиб, бир нафасда кўздан ғойиб бўлди.

ДУШМАН ФИТНА ТАЙЕРЛАЙДИ

Даладан кишилар тўп-тўп бўлиб қайта бошладилар... Қишлоқ кўчаси шовқин-суронга тўлди. Ҳамма кетмонини елкасига ташлаган, оёқ яланг, бемалол ашула қилиб қайтмоқда. Куни билан «гупур-гупур» садо бериб дала бағрини янграган тракторлар ҳам тўхтаган эди.

Қуёш ҳам осмон этагига ажойиб нақшлар, манзаралар чизиб бу кунги вазифасининг тамом бўлишидан хабар берарди.

Эрта саҳардан ўт-ўлан ахтариб, подасини энг яхши ўтлоқларга ҳайдаган Дўлта ҳам қишлоқ кўчасини чангитиб кириб келди... Сигир, бузоқ, ҳўкиз, буқалар ўз эшикларига борар эканлар, Дўлтага «хайр» дегандай бир бурилиб қарайдилар-да, кейин дарвозаларини мўғизлари билан уриб ўзларини ичкарига оладилар.

Қишлоқ мўриларида тутун бурқсийди, кеч кирди, ҳамма уйига шошилади.

Қўшоқ ҳам бугун кетмон кўтариб ишга чиққан эди... У колхозчи оға-инилари билан бирга кетмон чопишди, ўзи учун ўз ерида дўстлари, ўртоқлари билан бирга хурсанд ишлаётган колхозчиларнинг ғайратини кўриб ўзида йўқ қувонди, анча енгил тортиб қайтди. У ҳали уйланмаган, тул опасининг уйида турарди... Уйга келганда овқати тайёр, опаси Хайринисо эса, пилла қуртига қарамоқда эди. У ҳам колхозчи, пиллачи аёллар звеносида ишларди.

Қўшоқ тўғри айвонга ўтди ва қимирлашиб қолган қуртларни кўргач, севиниб кетди:

— Кўз очиб қолипти-ку, опа!

— Эрта саҳар билан барг кесиб бермасанг оч қолади.

— Хўп,— деди кулиб Қўшоқ.

Улар энди овқатга ўтиришган эди, кимдир эшик тақиллатиб қолди. Қўшоқ ирғиб ўрнидан турди-да, кўчага чиқди, ғира-ширада унга қараб турган кишини таниди.

— Ҳа, Дўснат ака, келинг, нечук шамол учирди... Қани-қани, ичкарига!..

Дўснат такаллуфсиз, ортиқ қистатмай ичкари кирди. Қўшоқнинг опаси бу кишини чала-чулпа танир эди. Ундан «қочиш» ўрнига бошига йиртиқ рўмол ташлаб кифояланди.

Таом тугагач, Дўснат қўлини артаркан, Қўшоқ

ушга: «хизмат?» дегандай жим қаради. Дўсмат косаларни йиғиштириб қозон бошига кетган Хайринисони кузатгач, деди:

— Нима бўлса ҳам опангизни сал четлатнинг, гапимизни эшитмасин...

Қўшоқ янги хабарни эшитишга ошиқди.

— Опа, Дўсмат акам чилим чекарканлар Холматжонларнинг чилими бор шекилли, олиб чиқиб берсангиз...

— Хўп, хўп!— деди Хайринисо ва ўзларидан тўрт ховли наридаги Холматжонларникига қараб кетди.

Хайринисо эшикдан чиқиши билан, Дўсмат энкайиб гапга кирди:

— Сен билан бизнинг шаънимизга ярашмаса ҳам, мен азбаройи куйганимдан тилчилик қилиб келдим,— деди Дўсмат ва Қўшоқнинг юзига қараб олгач, давом этди:— мен колхозга дастлаб қарши эдим, лекин кейин ўйлаб қарасам, янглишган эканман. Каримов Шилдирда колхозга қарши жуда қаттиқ иш юргизяпти. Унинг тутган йўли, албатта, ўз тўпи ичидагиларга ошкора, лекин сизлар билмайсизлар. Улар жуда уста кишилар экан. Мен уларнинг мажлисларида уч марта бўлдим. Жамоанинг бутун бойлари, муллолари, борингки ҳукуматга қарши кишиларнинг ҳаммаси ўша ерда мажлис қиладилар. Не-не гаплар ўтди, билсанг, оғайни. Норбуви билан Турдиннинг ўлимини муқаррар Каримов билан Жобирдан кўрдим. Жобир ярадор эмиш. Абдихолиқбойнинг гапига қараганда, худди ўшанинг уйида ётган бўлса керак.

Гап ўша ерга келганда Қўшоқ «дик» этиб ўрнидан туриб кетди. Унинг кўзлари ёнар эди. Қўшоқнинг бу важоҳатидан қўрқиб кетган Дўсмат унинг этагидан ушлади.

— Енгиллик қилма! Тўхта, гапнинг одоғиниям эшит, Қўшоқ титроқ орасида ўтиргач, Дўсмат яна давом этди:

— Бундай вақтда енгиллик фойда бермайди, бунини ўзинг ҳам яхши биласан. Ҳаммадан ҳам мана бунисини эшит. Кеча кечқурун санлар Бегматни шаҳарга туширмоқчи бўлибсанлар, аллақанақа хат бор экан, шу хатни Райкомга...

— Ким айтди, ким?— деди бирдан яна олазарак Қўшоқ,— қандай билишипти?

— Бегматнинг шаҳарга кетганими?— деди Дўсмат секин, атрэфга қараб олгач, паст товуш билан

давом этди: — Уз аъзойингиз Нормат ака оқизмай-томизмай Каримовга етказипти. Ҳар қандай одамзи ҳам колхозга ола бериш ярамас экан.

— Иннайкейин нима қилипти, нима бўпти кейин?

— Каримов буни эшитиб, кеча пешин чоғида Жаниш билан Бегматнинг орқасидан Мирсодиқни жўнатипти. Ҳар қанақасига бўлса ҳам, уларни Райком олди-га киргизмасликни топширипти. Агар йўлда етиб олсанг, уларни ҳам тўғри Норбувининг ёнига жўнат,— депти.

Қўшоқ худди иситмада ёнгандай ёнарди.

— Ким айтди сизга, сиз қаёқдан биласиз буларни,— деди гарангсиз қолган Қўшоқ яна.

— Айтдим-ку, мен уларнинг орасида эдим, деб. Кечаги мажлисдан кейин, хусусан, уларни билиб қолдим, улардан айнидим. Бугун кеч пешин чоғи бор эди, бу хабарни менга Розик айтди.

— Кечаги мажлисда-чи, мажлисда нима бўлди?

— Ҳа, мажлисда Каримов: ўн бешинчи апрель кунни ҳаммангиз йиғиласиз, биз ўз сўзимизни ҳукуматга ўшанда билдирамиз, қанча талабимиз бўлса шаҳарга бориб айтамыз... Кимда-ким бундан бош тортса кейин биздан гина қилмасин,— деб ўдағайлади.

— Шаҳарга ким билан бораркан?

— Эй, мен нима деяпману, сен нима деяпсан! Оломни йиғиб борармиш...

Қўшоқ ҳайрон бўлиб қолди. «Бугун ўн учинчи апрель, яна икки кун!» деди ўзича ва сакраб ўрнидан турди:

— Юринг Дўснат ака, колхоз идорасига.

— Нима қиламиз у ёқда?

— Фирқа аъзоларини йиғамиз.

— Фирқа мажлисида мен нима қиламан? Ундаи кўра мен қишлоққа бориб беш-ўнта колхоз бўлишни хоҳлаганларни йиғиб, ариза биттирсам деган эдим.

— Бу ҳам маъқул,— деди ва кеча колхоз бўлишни талаб қилиб, ариза кўтариб келган батрақлар эсига тушди. Уларнинг бир тўпи Шилдир қишлоқдан эди.— Майли, боринг!

— Хўп,— деди Дўснат ва ҳайрлашиб чиқиб кетди.

Қўшоқ шашт билан колхоз идорасининг ҳовлисига кирганида, унга Марайим дуч келди:

— Марайим, саман тойни миниб, ҳозир шаҳарга чоп!

Марайим таажжуб билан тезда от эгарлади, Қўшоқ

юзидаги 'изтиробни чала-чулпа англади. Қолганини эса, Қўшоқнинг оғзидан эшитди ва дарҳол отга қамчи босди. У худди қуш сингари учиб кўздан ғойиб бўлди.

У н и н ч и б о б

ДУШМАН ТАЪҚИБ ҚИЛАДИ

Биз энди қишлоқни қўйиб, шаҳар йўлидаги кишилар орқасидан борамиз.

Аввалги фаслда Бегмат билан Жаниш муҳим топшириқ билан шаҳарга юборилди. Бегматга ўхшаб Жаниш ҳам сўкирча тўни ва икки еридан ямоқ тушган баланд пошнали сариқ кўн этигини кийиб олган, атрофига икки қайталаб гул тикилган қора лас чоруси билан чит белбоғини боғлаган, оқ суяк сопли пичоғини эски қини билан тақиб олган эди. Ўтган йилги ҳайитда олган тус дўпписини кийиб, эски чакмонни елкасига ташлаб, яёв йўлга тушган эди.

Кун оққандагина шаҳар этагига етдилар.

Бегмат ҳозир идораларнинг бекилганини яхши биларди. Шунинг учун Чархпалак мавзундаги битта қизил чойхонага бориб ётишга қарор қилдилар. Чунки деҳқонлар бозорга, ёки иш билан шаҳарга келиб, қўниб қолмоқчи бўлсалар, аксарият гавжум, серфайз бўлган шу чойхоналарнинг бирига тушардилар.

Икки сғайни кечки свқатдан сўнг томошага чиқди. Бир неча кўчаларни томоша қилдилару, лекин бирон таниш учрамади. Бегматнинг эсига Қўлдош келди, бирсқ уни қандай топиш мумкин, мактаби қаерда? Катта шаҳар, мактаб кўп, адреси бўлмаса, бировни топиб бўлармиди. Чарчаб, толиб қайтишди.

Улар қўнган чойхонадан ашула эшитиларди. Қандайдир кексароқ ҳофиз зўр завқ билан «Муборак» ашудасини айтмоқда. Қўшни чойхонада эса мусиқа янграйди. Одам кўп. Биров чой деб қичқиради, биров сууқ ошини мақтайди, биров нишолда қозонини уриб хўранда чақиради; ҳавонинг салқинлигига қарамай, кишилар ялангликка қўйилган чорпояда гурунглашадди.

Тўрт кишилик кичкина чорпояни банд қилиб ўтирган бизнинг қаҳрамонлар гузарнинг томошасига суқланиб қарайдилар. Дам-бадам келиб турган аччиқ кўк чойнинг ҳисобидан ҳам адашиб қолишди. Қатор-қатор периллаб ёниб турган чироғлар кўзларни қамаштирар-

ди. Ашула билан чолғу тўхташи билан радиони қўядилар.

Жанишни айниқса радио маҳлиё қилиб қўйди. Баъзи қишлоқларда борлигини эшитса ҳам, унинг қандай нарса эканлигини билмас, ўйлаб тассавур қила олмас эди. Ҳозир ҳам битта қора товоқдан чиқаётган ҳар хил овоз уни ҳанг-манг қилиб қўйди. Қандай бўлмасин, шу нарсадан биттасини қишлоққа олиб бориш керак экан, деди Бегматга қараб.

Аллавақт бўлиб, одамлар сийраклашиб қолди. Баъзи чойхоналарнинг ичкариларида уйқуга бош қўйганларни кўрган Жаниш ҳам узоқ эснаб қўйди. Агар булар ўтирган чойхонанинг ичкариси бўш бўлганда эди. эҳтимол, булар ҳам кигиз устига таппа тушиб данг қотиб ухлаган бўлардилар. Лекин, ҳозир ухлаш ододан эмас, дедилар.

— Ҳа шоввозлар, нима қилиб ўтирибсанлар, бу ерда?

Кутилмаган ерда иблисдай пайдо бўлиб қолган Мирсодиқни кўриб Жанишнинг энсаси қотди. Лекин Бегматнинг чиройи очилиб кетди, аммо бу танишнинг Мирсодиқ эканлигига фаҳми етгандан сўнг истар-истамас жавоб берди:

— Томоша қилиб...

Мирсодиқ сакраб чорпояга чиқди-да, Жанишнинг елкасидан ушлаб ўнгланиб ўтирди ва ҳийлакорона илжайиб суриштира кетди:

— Қачон келдиларинг, нима иш билан? Уйнаганими? Жуда саз бўлипти-да! Мана биз ҳам ўйнагани келдик...

— Биз колхознинг иши билан келдик,— деди Жаниш унинг электр шуъласида ялтираган башарасини таъқиб қилиб.

— Ҳа... Мен бозорга бугдай олиб тушган эдим... Қаерда қўнмоқчисизлар?

Жаниш қўлидаги пиёлани Мирсодиққа узатаркан:

— Қўниб нима қиламиз, ҳадемай тонг ҳам ёришиб қолади,— деди.

— Сен шаҳарнинг феълини билмайсан экан. Манов чироғлар худди кундузгидай ёруғ бериб тураверади. Ҳали тонг отиш қайда. Иннайкин,— овозини пастлатиб гапирди у,— бунақа чойхоналарда ётиш хавфли, киссовурлар кўп бу ерда. Агар хоҳласаларинг, тайёр жой бор, сиғасанлар...

Бегмат илтифотсизгина:

— Раҳмат, биз мана шу ерда ётамиз,— деди.

Жаниш яна ҳомуза тортди, «қани энди тинчгина жой бўлса-ю, тумаланиб-тумаланиб ухласанг», деб кўнглидан кечирди ва ихтиёрсиз Мирсодиққа қаради:

— Қаерда жойинг?..

— Мана, мана шу ерда, масжид-жоменинг ичида...

— Кимники ўзи, танишларданми эгаси?— деди Бегмат.

— Узимизнинг танишлардан, ҳукумат ишчиси. Амаким билан ошнолиги бор, мен ҳамма вақт шу ерга қўниб юраман. Жойи жуда яхши. Кўрпалар дейсанми, пар ёстиқлар дейсанми, ҳаммаси бор. Қайтам бора қолинглар, эрта билан нонуштани шу ерга чиқиб қиламиз.

Жаниш Бегматга қаради, Бегмат Жанишга. Лекин Жаниш бир оз ўйлаб қолди: Мирсодиқ дўст кишимас, нега бевақт бу ерда изғиб юрипти?.. Бизнинг ишлардан хабардорми? Қандай хабардор бўлсин. Йўғ-э, мен нималар деб довдираяпман. Бундай ерда унинг қўлидан нима иш келади!.. Кўнгли таскин топгандай бўлди:

— Борамизми, бўлмаса!— деди.

— Бўлмаса-чи,— деди Мирсодиқ дўстларча уларга қараб,— тайёр жой турганда иркит жойда ётиш нима ҳожат!

— Қани турдик, бўлмасам,— деди дик этиб туриб Жаниш.

Мирсодиқ илжайди:

— Бу ерда ҳамма ёқни шилдириб эртага кимга арзга борасанлар, юр-эй, оғайнилар!

Жаниш билан Мирсодиқ юра бошладилар. Бегмат чой пулини бериш учун чўнтагини ковларкан, ҳалиги сирли қоғоз ўралашиб чиқди, юраги бир сесканди, ҳар аҳтимолга қарши, уни иштонининг липасига қистириб кўнглини тинчитди...

Масжид-жоме қоп-қоронғу зулматга ботган бўлиб баҳайбат бир тусга кириб ётарди. Унинг қалин чинор дарахтлари билан мудраб ётган кенг саҳнидан анча юрилгач, ариқ лабидаги пастқам бир ҳужра эшигига бориб тўхтадилар.

Ҳужра эгаси ётган еридан туриб, пастлатиб қўйган чироғни кўтарди ва эшик очиб, хушнудлик билан меҳмонларни қарши олди. У муллонамо, ёшгина йигит эди. Чой дамлашга ҳаракат қилган эди, Бегмат билан Жаниш уни тўхтатдилар:

— Овора бўлманг, мулла, бемалол бўлса ҳужранг изда тунасак бас.

— Бемалол,— деди ҳужра эгаси ва жой солиш учун тахмонга яқинлашар экан. Мирсодиқ худди мезбондай бир ҳатлаб унинг олдига ўтди ва айтганидай қалин лас кўрпалардан олиб жой солди. Чирроғ ўчирилиб, эшик ҳалқаси солинди, кичкина қулфча ҳам эшик ичидан қулфланди. Ҳужра ичидаги қуюқ қоронғуликни кичкина деразадан тушиб турган аллақайдаги чирроғ нуригина кесиб турарди. Бегмат билан Жаниш ёлма-ён ётдилар, уйқусизликдан ачишган кўзларини уйқу жуда тез енгди, Бегмат, ҳатто эртанги ишни ўйламоқчи бўлиб қўлни липасига юборганича қотиб қолди...

Бегмат билан Жанишнинг устига бирданига икки оғир гавданинг ташланиши ҳушларини учирди, бу кутилмаган ҳаракатга қарши жон-жаҳдлари билан қаршилиқ кўрсатмоққа интилдилару, лекин ўз устларига миниб олган манхус гавдаларни енгиланинг иложи йўқдай туюлди. Қоронғуда ялтираб кўринган пичоқми, тўппончами, икковининг ҳам пешонасига тақалган эди.

Бегмат, тўсатдан, яна уйқуда юз берган бу даҳшатдан ортиқ даражада қўрқиб кетди, у «дир-дир» қалтирарди, ҳатто кўкрагига қўйилган тизза сўнгагининг ботиб оғритганини ҳам сезмасди. Жаниш бўлса, биринчи силкенишидаёқ устидаги гавдани дастлабки ўрндан қўзғатиб, нафасини ростлаб олишга улгурган эди. Агар куч тўплаб, роса бир ҳаракат қилса, у гавдани ағдариб ташлаши мумкиндек туюлди. Аммо пешонасига қадалиб турган ялтироқ нарсанинг зарбини ўйлаб қолди. Кўрпа ичидан қўлларини қимирлатишга ҳам иложлари йўқ эди.

— Овозингни чиқарма, отаман!— деди хирилдоқ овоз билан кимдир.

Жаниш устида ҳужра эгаси, Бегмат устида эса Мирсодиқ эди.

— Муддаоларингни айт, биздан нима истайсанлар?— деди қалтироқ товуш билан Бегмат, ўз товушини ўзи эшитиб, тетикланди. Қоп-қоронғу, тор ҳужра ичида оғир ҳансираш овозлари зўрая бошлади.

— Хат қани, уни қаёққа қўйдинг?! Айт деяпман, бўлмасам ёш жонингдан айриласан, итвачча!

Ҳамма гап равшан. Демак, душман хабар топиб, орқаларидан тушган экан.

Мирсодиқ даҳшат билан, Бегматнинг ҳиқилдоғидан

бўғиб хатни талаб қилди. Лекин Бегмат жавоб бермади. Жанишнинг қулоғи, бутун диққати Бегматда, у айтиб юборади, деб қўрқарди.

Айтмайсанми, ҳали валад!— Бу сўз билан баравар Бегматнинг юзи-кўзи аралаш тўппонча дастаси ҳам шарақлаб тушди. Кейин бу даста унинг кўкрак ва биқинларига ҳам бир неча бор урилди.

— Уриб ол, даюс, ур!..— деди кўрпа ичида тўлғанар экан Бегмат.

Жаниш ётган ерда сўкинди:

— Ҳезалак бойвачча! Кунинг шунга қолдими? Бизда хат нима қилади!

Жаниш ҳам юзига урилган тўппонча дастасининг зарбидан бир юлқиниб олди ва учинчи, тўртинчи зарбдан кейин бор овози билан қалаштириб сўкди, сўнгра бутун кучини йиғиб туриб, бир юлқинди-да, қўлини кўрпадан чиқариб олди ва жон-жаҳди билан тўппончали қўлни тутди, уни синдиргудай қилиб қаттиқ букди, яна бир юлқиниб устидаги гавдани ёнбошга олди ва ростмана кўтариб ташлади-да, ирғиб устига чиқиб олди. Лекин у ҳам эпчиллик билан ўрнидан туриб олди ва энди ростмана уришиш бошланди.

Мирсодиқ Бегмат устидан турмас, ҳамон дўппослар, унинг ёнларини ахтарар, Бегмат бўлса, кучи бори-ча толпинар, кўрпадан чиқиб олишга интиларди. Ниҳоят, жон аччиғида қаттиқ зарб билан тўлғаниб икки-уч думалаб кетди ва шу орада тик туриб олди, энди ё ўлим, ё ҳаёт жанги бошланди...

Бегмат қоронғуда чўзган қўлининг бирданига тўппончага ёпишганини сезди, уни маҳкам тутди ва юлқиб тортди, лекин унинг қўлидан олиш қийин эди. Бегмат шу вақт биқинида иссиқ бир нарсанинг оқиб лабларига келганини пайқади, лекин унга эътибор беришнинг вақти эмас эди.

— Жаниш, бўш келма, мен ўнгланиб олдим!.. Шошма, бойўғли, мана сенга!— миясидан мушт туширди.

Қоронғуда ҳужранинг у бошидан бу бошига судралиб, жиқ-жиқ солишаётган Жаниш жуда кучдан кетди. Лекин қўлини душман қўлидан олмади. Шу вақт Жанишнинг боши девордаги қаттиқ бир нарсага бориб шундай урилдики, мияси худди ажралиб кетгандай бўлди, бегона қўл унинг томоғига мушук чангалидай ёлишиди. Чангал томоғини ғиппа бўғди, нафаси сиқила бошлади, қўллари кучсизланиб, унинг қўлини бўшатди

ва душман енгини ушлаб қолган қўли жонсиз титрар эди. Нафас олиши энди жуда ҳам қийинлашди, томирлари гўё сустлашаётгандай бўлди, ихтиёрсиз кўзи юмилиб кетди, бирдан қишлоқдаги колхозлар, колхозлаштириш учун бўлган ҳаракатлар яшин тезлигида хаёлидан ўтди, бўғилаётган Жаниш эмас, балки мингларча колхозчилар ва колхозга кириш учун талабгор бўлган батраklar бўғилаётгандек бўлди, Жанишнинг жон бериши билан бутун ҳаракат бекор кетаётгандай, мавжуд колхозлар ҳам йўқоладигандай туюлди. Янги қишлоқни яна ўргимчак уяси босадими?.. У сесканди. Кўзи бирдан ярақлаб очилди. Ё ўлим, ё ҳаёт, деди зўр билан. Шу онда унинг танасига қандайдир янги куч келгандай, тенги йўқ қон-мадор қуйилгандай бўлди... Жаниш пружина сингари йиғилиб туриб бир силкинган эди, душман устидан учиб кетди ва чангали ҳам томоғини сидириб чиқиб кетди. У жон аччиғида йиқилган жойидан тураётган бегона гавданинг бўйнига урди, гавда «шилқ» этиб яна ерга йиқилди, Жаниш арслон каби унинг устига чиқди-да, томоғига оёғини маҳкам босиб тўппончани сўради, типирчилаб қолган гавданинг қўллари худди жон бергандай бўшашди. Тўппончани қўлга олган Жаниш янгидан жонланди.

— Қимирладинг, миянгдан отиб ташлайман!— деди Жаниш унга. У рақибини босиб тургани ҳолда Бегматни излади: — Қаёқдасан; Бегмат?

Бегмат билан Мирсодиқ ҳамон гупиллашиб, силлалари қуриб олишардилар. Жаниш жавоб ололмади, у ниманидир ўйлаб, ҳужранинг қозигига қараб, унда осилиб турган бир катта нарсани кўрди, уни олишга интилган эди, анча дамани олиб қолган душман унинг оёғидан тортиб йиқитди, яна олишув кетди. Душман қўлдан кетган тўппончасини пайпаслаб изларди, бирмунча дақиқалик олишувдан сўнг яна Жаниш ўрнидан туриб олди ва душманнинг башарасига кетма-кет уч-тўрт даққир калла урди, бурчакка бориб тақалиб қолган душманнинг қорнига астойдил бир тепган эди, гавда букилиб ерга йиқилди. Жаниш бу гал эпчиллик билан ҳалиги қозикдаги латтани олди-да, унинг оёқ-қўлини танғиб боғлади ва ўзини Мирсодиққа урди.

Бегматни бурчакка қисиб, бўғиб турган Мирсодиқни азод кўтариб олди-да, чалпак қилиб ерга урди. Бирдан Мирсодиқ қўлидаги тўппонча отилиб кетди ва ҳужра ичида яшин сузгандай бир нарса ярақлади-ю, қаёқ-

қадир ғойиб бўлди. Уқ овози ҳамма ёқни титратиб юборди... Бегмат ҳолдан тойиб бурчакка ўтириб қолган эди Жаниш ҳушёрликни қўлдан бой бермай, ўзини тўппончага урди. Унинг қўлини қайирганда иккинчи ўқ чиқиб дераза ойнасини кул-кул қилиб ўтди. Ниҳоят, сўнгги йиқилиши билан кучини йўқотган Мирсодиқ гандираклаб қолди. Жаниш эпчиллик билан унинг қўлидан тўппончасини юлиб олди.

Бу вақт силласи қуриган Бегмат ҳам маст кишилардай ўрнидан турган эди. Жаниш Мирсодиқни гип бўғиб, унга тўппонча ўқталди. У отмоқчи бўлиб тургани устига Бегмат:

— Олдингми? — деди, ўзи шошиб липпасини қаради ва тер ичида увиб ётган хатни ушлаб кўриб, енгил тортди ва яна шилқ этиб ерга йиқилди.

— Олдим, нарироқ қоч, Мирсодиқни отяпман!

— Жаниш, тўхта, отма! Отма дейман, отма! — Жанишнинг оёғига йиқилди Мирсодиқ.

— Жон акалар, номардлик қилманглар, отманглар, отманглар! Мени манави илон авради, мени...

Икки машъумнинг ялиниши Жанишга янгидан куч бағишлагандай бўлди, Жаниш ғазаб билан сўкинар, оёғи остида худди итдай жилпаиглаб ётган Мирсодиқнинг тўғри келган ерига қараб тепар эди.

Масжидда шовқин кўтарилди, қўшни ҳужра эшиклари тарақ-туруқ очилиб, елкаларига тўн ташлаган кишилар гуриллашиб ҳужра томон кела бошладилар. Бегмат деразадан калла чиқариб уларни чақирди.

— Келинлар, тезроқ, ўртоқлар. Эшикни тепиб очинглар!

Ҳужра олди одамга тўлди, қаттиқ тепилган эшик зулфини узилиб, ланг очилиб кетди, кетма-кет гугурт чақиб милициялар киришди. Кимдир биров лампани топиб ёқди.

Қоронғуда ҳеч нарсага тушунолмайдиган гаранг бўлиб турган халқ чироғ ёқилиши билан уришиб дабдала бўлган одамларни кўриб ҳайрон қолишди. Уларнинг ҳаммаси яланғоч, чаккалари кўкарган, қовоқлари шишган, аъзойи баданлари тимдаланиб қонга бўялган, силлалари қуриган ҳолда бурчак-бурчакда чўзилиб ётишарди. «Ўғри тушганми» деб ўйлаган кишилар ҳам бу аҳволни кўриб ҳангу манг бўлишди.

— Тўппонча кимники, — деди бир милиция.

— Манави зўрники, — деди зўрға кўтарилиб Жаниш ва тўппончани милиция ёнига иргитди, сўнгра

мулла Шамси ёнида ётган тўппончани ҳам кўрсатди: — Мановисини ҳам олинг!

Милиция халқдан ҳужрага кирмасликни илтимос қилди. Ёлғиз мадрасада турувчи уч-тўрт кишигина қолдирилди. Милициялардан бири ўтириб акт ёзди, ортиқча гап сўрамади, фақат уларнинг шу ҳужрага келиш сабаби ва бўлган воқеанигина ёзди, холос. Сўнгра мулла Шамсининг оёқ-қўлини ечиб ҳужра эшигини бекитдилар-да, тўртовини ҳам районга олиб кетдилар...

Тонг ёриша бошлаган. Кўчада пашша учмас, ёлғиз постда турган милицияларнинг онда-сонда чалган ҳуштакларигина эшитилар эди.

Буларнинг тўртови ҳам соат 10 га қадар қамоқда ётди.

Бегмат ёнида муҳим хат борлиги ва уни тезда топшириш лозимлиги тўғрисида навбатчига бир неча бэр айтди. Лекин навбатчи начальник келмагунча бир нарса қилолмаслигини билдирди.

Ниҳоят қамсоқхона эшиги очилиб тўрт банди начальник олдига олиб чиқилди.

Бегмат начальник кабинетига кирганда соат ўн бирдан чорак ўтганлигини кўрди.

Тергов уч соатга чўзилди. Ниҳоят начальник ўз кишиларига буюрди:

— Мулла Шамсининг ўйи обис қилинсин, сўнгра ҳужрасига печать урилиб, Мирсодиқ билан мулла Шамси турмага юборилсин, — деди ва Жаниш билан Бегматга ўгирилди: — Сизлар ўртоқ Тошалиев билан ташқари чиқиб туринглар, доктор келиб олиб кетади.

Жаниш билан Бегмат бир-бирига қараб олишди.

— Қандай? — деди Жаниш, — бизнинг докторга боришга вақтимиз йўқ. Шу ернинг ўзида даволашди, бўлди-да, дурустмиз ҳозир. Ахир, биз райкомга боришимиз керак!

Начальник буйруғида қаттиқ турди:

— Бу ерда фақат биринчи ёрдам берилди, холос. Энди докторлар кўрмаса бўлмайди. Райкомга ҳозир мен ўзим бориб билдираман, сизни ўзлари топиб олишади.

Илқжи бўлмади. Кўнишга мажбур бўлдилар. Эшикка чиқиб «тез ёрдам» машинасини кутишди. Ҳали икки-уч минут ҳам ўтмаган эди, Тошалиевнинг бошқа бир милиция билан гаплашиб турганини кўрган Жаниш Бегматни туртди ва қоч, деб ишора қилди. У ҳам

вақтни ўтказмасдан уриб жўнаб қолди. Орқасидан Жанишнинг ўзи ҳам...

Райком эшиги олдида Марайимни учратдилар, Марайим буларнинг аҳволини ва булар Марайимнинг нега келганини билганларидан сўнг учовлашиб ичкарига кирдилар; соат тўртдан ўн минут ўтган, райкомда ҳеч ким кўринмас, ёлғиз уборшицаларгина супуриб-сидириб юришарди. Ҳамма ёғи қон, дабдаласи чиққан кишиларни кўрган уборшицалар бирдан қўрқиб кетишди.

— Кимсизлар, бу ерда нима ишларинг бор?!— деб сўради бири нарироқда туриб.

— Ҳеч ким йўқми?

— Ҳозир иш вақти тамом бўлган, соат еттида Ёоро мажлиси бор,— деди.

Шу вақт ҳарсиллаб Тошалиев кириб келди:

— Э, бу қанақаси бўлди, оғайнилар?! Докторхонанинг машинаси билан қидириб юрибман, сизларни. Қани, юринглар. Бу аҳволда шаҳарда юриш яхшимас. Ундан ташқари еттигача ҳам анча бор, юринглар, доктор кўрсин, кейин бюрога етиб келиб арз-ҳолни қиларсизлар.

Уч оғайни ҳайрон бўлиб кўчага чиқишганда «тез ёрдам» машинасининг эшиги ланг очилиб турарди.

* * *

Исомиддинов Қатортол жамоасидан олдирилгандан сўнг, уни «қамалди», деган хабар душманлар томонидан тарқатилган игво бўлиб, ҳақиқат ҳол бошқача эди. Жамоадан олинганининг учинчи куниёқ район ККсм уни, синфий курашда партия уставини, Шўро ҳукумати сиёсатини бузган, қишлоқ хотин-қизлари орасида норозилик туғдиришга сабаб бўлган, деган айб билан айблаб, партия сафидан чиқаришга, лекин ўзи етарли даражада сиёсий саводи бўлмаган дастгоҳ ишчиси бўлгани учун партия сафида қолдириб, қаттиқ ҳайфсан эълон қилишга ва маълум вақтгачайин масъул ишларга аралаштирилмасликка қарор қилган эди. Исомиддинов ўз устидан чиқарилган бу ноҳақ қарорга жуда куйиб кетди. У бу қарорнинг ноҳақлигини исботламоқ учун ҳаракат бошлаганида бирдан Норбувилар воқеаси чиқиб, шундай содиқ, ҳалол коммунист Жўра қамалиб қолди. Бу воқеа унинг кўкрагига ўқ теккандай таъсир қилди. Ун йилларча дастгоҳ бағрида ишлаб, инқилоб учун жон фидо қилган, босмачиларга қарши курашда

кеча демай, совуқ демай фидокорлик кўрсатган, бориб турган камбағал боласи, ҳамиша партия йўлига содиқ, камбағаллар, ишчи-деҳқонлар, яъни шўролар ҳукумати-нинг ривож учун ҳар қандай ишга ҳам ўзини тайёр деб билган Исомиддинов наҳотки, муштумзўрлар тарафдори бўлса. Тузук, дейди ёниб у, хато қилгандирман, янглишгандирман, лекин мана бу айблар, қишлоқ хотин-қизларининг тўполони мутлақо менинг гуноҳим эмас-ку!.. Каримов! Каримов! Каримов! Ким у?! Чинакам душман, қўй терисига кириб олган муттаҳам!— ўйлаб қолди у... Факт... Ҳужжат қани, ҳужжат...

Район ККсида Исомиддинов қаттиқ гапирди, лекин Каримовни айблашга нақадар тиришса-да, етарли асос тополмади, «қани ҳужжат, қани асос?» деган сўроқлар қаршисида индаёлмай қолди.

Ниҳоят, бир неча кундан кейин у район партия комитети бюросига норозилик аризаси тақдим қилди.

Мана бугунги бюрода унинг ҳам аризаси кўрилади. Район партия комитети ҳам бу ишни текширишга қаттиқ киришган. Шунинг учун Исомиддинов кечадан Сери бюрода қандай гапириш, қишлоқда бўлиб ўтган аҳволни қандай қилиб ойдинлатиб кўрсатишга, Каримовнинг ҳийлакорона хатти-ҳаракатларини очиб ташлашга, шунинг билан Норбувилар воқеасини ҳам, албатта, унга боғлаб, Жўранинг гуноҳсизлиги тўғрисида ҳам гапиришга тайёрланарди. Бироқ буларнинг ҳаммаси ҳам ҳужжат талаб қилади-ку; шундай гапириш керакки, кишилар ишонсин, бюро аъзолари ишонсин!.. Қандай?.. Қандай?..

У узоқ ўтириб қолди, хаёлга толди: Партия топади! Бугун бўлмаса — эртага! Ленин топади, Чека топади! Каримов чинакам душман, ёвуз душман! Илдизи узоққа кетган душман!.. Ҳа, илдизи узоққа кетган! Бўлмаса аллақачон фош этиларди!.. Ифлос!!! Барибир қўлларингиздан ҳеч нарса келмайди, малъунлар! Мажақланиб ташланасиз! Мана шундай гапираман!— Охирги жумлани овоз чиқариб айтди...

Ниҳоят, соат еттига қараб йўл олди, у ҳам уйдан чиқиб Райкомга қараб кетди...

* * *

Исомиддиновнинг аризасига навбат соат ўн иккиларда келди. Исомиддинов узоқ гапирди. Унинг гаплари бюро аъзоларини қаноатлантирмади, мийғида

кулганлари ҳам бўлди. Исомиддинов буни кўриб ортиқ даражада асабийлашди, кулган кишининг афтига қараб тикилиб қолди, наҳотки, Каримовни ҳимоя қилувчилар район партия комитетининг бюро аъзолари орасидан ҳам чиқади?! — деб ўйлади у... Шу вақт бир киши сўз олди. Сўздан, унинг ёғ заводидан эканлигини билиш мумкин эди. У жуда жаҳл билан гапирарди:

— Биз ишчилар партия томонидан юклатилган вазифаларга ҳамма вақт большевикларча ҳушёрлик билан қарашимиз керак. Баъзилар кўкрагига уриб туриб, душман фойдасига ишлайди. Буни биламиз. Мен Исомиддиновни шу кейингилар қаторида айблайман. Бунга район КК си ҳам бўш қараган, яъни унинг ишчилигини роя қилган. Биз ишчиларни мана шундай зарарли роя қилув билан бузамиз. Биз одам эмасмизми, бизнинг бошимиз йўқми? Биз нега жавобгарликни кўтаролмаймиз? Йўқ, кечирасиз ўртоқлар, партия бизники, бас шундай экан, партия йўлини бузганимиз учун, ўзимиз чиқарган қонунни ўзимиз бузганимиз учун, ўша қонунимизнинг энг олий жазосини ҳам ўзимиз тортишимиз керак! Бўлди энди, «фалончи ишчи экан, фалончи саводсиз экан» деб иззат қилиш... Исомиддинов била туриб партия йўлини бузган, қишлоқда колхоз ҳаракатини оёққа бостириш, миллионларча камбағал деҳқонлар ва батрақларнинг колхоз бўлиш талабини амалга ошириш ўрнига батрақлар билан дағал муомала қилган экан, хотин-қизлар норозилигига сабабчи бўлган экан, албатта бундай киши бизнинг партиямизга нолайиқ, бундай киши иккинчи синф фойдасига ишлаган бўлиб чиқади, ана шундай!!

Исомиддиновнинг томоғига бир нарса келиб тиқилди, лаблари қуруқшаб, иссиғи чиқиб кетди, асосиз, масъулиятсизларча гапирган сиёсий маҳмадонани «нодон!» деб қичқиргиси келди. Лекин ўзини босди, «сабр қилай-чи», деди.

Мажлис олиб бораётган район партия комитетининг секретари «навбатдаги сўз...» деган эди, ҳалиги «нотиқ» яна ўрнидан диқ этиб турди-да, «эсиз бюронинг вақти бундай одамга! Учириб юбориш керак!» деб ўтирди. Раис нимадир демоқчи эди, Исомиддинов сакраб олдига чиқди ва жаҳл билан асабий гапира кетди:

— Шошманг, — деди у кўзига ҳеч нарса кўринмай, — сиз ўртоқ, жуда чиройли гапирар экансизу, лекин, афсуски мутлақо кўр экансиз! Гапингизнинг масъулиятини сезмас экансиз! Шошманг, ўртоқ раис, ҳамма

гап шундаки, шу ишлар, шу айблар ҳақиқатан ҳам менинг бўйнимдами, йўқми? Район КК сида ҳеч кимга гап бермай шақиллаган, бутун хатти-ҳаракати билан шубҳали бўлган район шўро ходимининг сўзи сўз бўлса-ю, бутун умрини советлар ишига, партия йўлига бағишлаган кишининг сўзи сўз бўлмаса, бу нима деган гап? Қани адолат. Э, мени қўяверинг, мени тўнтариб ташланг, лекин тушуняпсизми, ахир, бутун бир қишлоқ ҳаёти хароб бўляпти! Қишлоқ душман уясига айланиб қоляпти, ёш-ёш, истиқболи порлоқ, талантли, есфдил кишилар хароб бўляпти, батрақлар хароб бўляпти, тушуняпсизми! Тўғри, мен партия олдида айбдорман, чунки большевикларча сезгирлик қилолмадим, бунинг учун жазога маҳкумман. Аммо синфий душманлар қўлида, унинг чинқироқ ҳимоячилари қўлида таҳқирланишга йўл бермайман!

— Яхши,— деди яна у, бир оз дам олгач,— мен кетишим билан қишлоқ тинчиган, ғалва пасайган экан, нега фаола Норбуви билан Турди сўйилди, нега колхозлашув тарафдори, шунга жон-тани билан ёпишган софдил Жўра батрақ бугун қамоқда? Нега шу вақтга қадар қатор қишлоқларда колхозлар тузилмади? Қишлоқда активлар етишмай турганида Каримов нега Қўлдошни ўқишга жўнатди, нега мен билан муаллиманинг у ердан олинишини талаб қилди?!

— Каримов қишлоқни бемаза одамлардан тозалаяпти, сиз қилмаган ишни қиляпти, это безобразии, буларга сиз жавобгарсиз,— деди район ижроқўмининг раиси.

— Мен жавобгар бўлсам, мен билан бирга сиз ҳам жавобгарсиз. Негаки, Каримовни қишлоққа сиз юборгансиз!

Бюрода икки фикр пайдо бўлди. Баъзилар Исомиддиновни партия сафидан ўчириш, базилар эса, ишни қайта текшириш тарафдори эдилар.

Исомиддиновнинг жон-жаҳди билан гапирган гапини тинглаб қаттиқ таъсирланган мўйсафид бир киши сўз сўради...

ТУГУНЛАР ЕЧИЛА БОШЛАДИ

Бегматнинг мазаси қочиб қолди. Калтак зарби ва яраларнинг оғриғи энди авж олиб, чидаб бўлмас даражада оғриқ бераётган эди. Доктор кўриб чиққанидан сўнг дори-дармон буюрди-да, иккаловига ҳам, каравстан тушмаслик керак, деди.

Жаниш бунга норозилик билдирди:

— Шунга ҳам касалхонами, мен тетикман. Ҳозир биз Райкомда бўлишимиз керак, у ерда бюро бўляпти, жуда муҳим иш билан келганмиз!

Доктор ҳам сўзида қаттиқ туриб олди. Юз-қўли, аъзойи бадани оқ докалар билан боғлаб ташланган йигитлар, кетамиз, деб туриб олишди. Лекин Бегматнинг гапиришга ҳам дармони қолмаган эди. Ўртоғининг заифланиб қолганини кўрган Жаниш докторга мурожаат қилди:

— Майли, бўлмасам, йўлдошим қолсин... Мен бормасам бўлмайди— деди ва Бегматга қаради:— Майли, оғайни, хатни бер менга, сен тинчланиб ёт, эртага ўзим келиб олиб кетаман сени,— деди.

Бегмат қаршисида тахлаб қўйилган қонли уст-бошларни имо билан кўрсатди. Жаниш Бегматнинг иштонни липасидан мижиғланиб кетган қоғозни олиб чўнтагига соларкан, таажжубда қараб турган докторга кулди:

— Доктор ака, бутун гап мана шу хатда,— деди ва хайрлашиб, иккинчи уйда кутиб турган Марайимнинг олдига чиқди.

— Вақт кечикиб кетди, соат ўн бир бўляпти,— деди Марайим.

Булар район партия комитетига бориш-бормаслик тўғрисида ўйланиб қолишди.

— Нима бўлса ҳам бормасак бўлмайди. Райкомнинг уйи қаерда бўлса ҳам излаб топамиз. Аввал Райкомнинг ўзига борайлик, бўлмаса иш кечикади. Бугун бутун ишни битириб қайтасан, деган эди Қўшоқ,— деди Марайим ва иккови ҳам қадамини тезлатиб, эски шаҳар томон югуришди. Кўчаларни яхши билмасликданми, ҳар ҳолда, рост кўчани қўйиб, паст кўчалар билан юриб, Райкомга боргунларича заводнинг қичқирғи соат бир бўлганидан хабар берди.

Жаниш ҳеч қандай ижозатсиз кабинет эшигини зарб билан очганда, Исомиддинов масаласини муҳокама қилаётган бюро аъзолари донг қотиб қолдилар.

Ҳамма ёғи оқ дока билан ўралган, кўзидан бошқа ери кўринмаган номаълум бу кишининг бюро мажлисига, айниқса ярим тунда кириб келиши дарҳақиқат ҳар кимни ҳар хил хаёлга олиб бориши турган гап эди. Ҳамма бир-бирига қараб олди. Мажруҳ, мажлискни олиб бораётган кишининг бирон гап дейишига ҳам қарамай, қўлидаги қоғозни олиб бориб унга узатди.

Иўғон, қора мўйловли бу киши хатни олиши билан Жанишнинг бошида уриб турган санчиқ зўрайиб кетди, кўчадан иссиққа, тутунли уйга киргани учунми, ёки хатни тегишли одамга топширганидан шодлангани учунми, ҳар ҳолда, Жаниш бирдан ўзини ёмон сезиб, курсига ташланди. Эшик олдида қолган Марайим югуриб келиб уни тутиб қолди ва тўғри ўтқазди, секретарь тезда графиндан сув олиб ичкизди. Муздек сувдан кўзи равшанлашган Жаниш бир бурчакда терлаб-пишиб ўтирган таниш юзни кўрди ва қичқириб-юборди:

— Уртоқ Исомиддинов, Исомиддинов ака, бормисиз?

Исомиддинов сапчиб ўрнидан турди ва Марайим билан сўрашишни ҳам унутиб, Жанишнинг олдига борди:

— Ким бу? Жанишми, Жанишвой!

— Исомиддинов ака, омонмисиз? Каримов — хоин, Каримов — душман! Қишлоғимизни хароб қилди у ифлос!

Яна ҳолсизланди Жаниш. Мажлисда ўтирганлар ҳаммаси унга ёрдамлашишга интилди, ўзига келтиришди.

Райком секретари мижиғланган қоғозни ёзиб, ўчиб кетаётган хатларни жуда синчиклаб ўқиди, унинг юзида ўқиган сари ғазаб, изтироб пайдо бўларди. Хатни икки дапқир ўқиди, сўнгра Марайимдан сўради.

— Нима гап ўзи?

— У битилган гап эски гап, янги гап шуки, Каримов муштумзўрларни йиғиб мажлис қилган, ҳукуматга қарши исён кўтармоқчи. Биз бўғилаётирмиз, ахир, ака, ёрдам беринг?!

— Нима, Каримов?!— деди район ижроқўмининг раиси.

Мажлис аҳллари тезда бир-бирларига қараб олишди. Сўнгра Марайим бутун воқеани батафсил гапирди. Жаниш билан Бегматдан эшитган фожиа лавҳаларини ҳам батамом гапирди.

Исомиддиновнинг юзига қон югурди. У энди бошқа ташвишда қолди, душман исён кўтармасидан, уни ўз уясида босиб, мажақлаб ташлаш учун чора изларди.

Райком секретарининг овози унинг хаёлини бўлди.

— Ҳамма гап равшан, ўртоқлар! Бюрсони шу жойда тўхтатамиз. Давоми мана бу масалани бартараф

қилганимиздан кейин давом этади. Ҳозир ўртоқ Исо-
миддинов билан қишлоққа жўнаймиз!.. Сиз ўртоқ Ка-
молов, Жўравойни қамоқдан бўшатиб, уни ўзингиз би-
лан бирга бошлаб чиқинг.

— Хўп!— деди район прокурори Камолов.

У н б и р и н ч и б о б

БАҲОР ҚУЛОҒ УРДИ

Баҳор...

Баҳор бу йил яна ҳам ясаниб, тараниб келган, ўзи-
да йўқ хурсанд. Негаки, дала-дашт тўла одам, ҳамма
гайрат билан, шод-хуррам меҳнат қилади, ҳамма бир-
бири билан иноқ, ҳамжиҳатлик билан ишлайди: деяр-
ли ҳамма батрак, меҳнаткаш колхозга кўрипти: баҳор
ана шунга хурсанд! Бутун қишлоқ, бутун дала тўлиб
қўшиқ гуриллайди, янги қўшиқ, эрк ва бахт, меҳнат
ва баҳор қўшиғи гуриллайди!

Қишлоқнинг каттасидан кичиги далада.

Оти йўртиб келаётган Қўшоқ кўприк устига кел-
ганда жилов тортиди, оддан сакраб тушди-да, отини ариқ
лабидаги қора толга боғлаб, ўзи баландликка кўтарил-
ди. Бир нафас далани томоша қилди. Дала ҳақиқатан
ҳам томоша қиладиган эди: комсомоллар иш бошқа-
ради, ғўза қулоқ чиқарипти. Ҳамма жўякда, ягана
кстмоқда. Қўшоқ зовур қазийётганлар яқинига борди.
Зовур ичида терлаб-пишиб кетмон ураётган Тошмат
Қўшоқни кўриши билан «лип» этиб унинг олдига чиқ-
ди ва улар бирга кстишди.

Кун қизий бошлаган эди. Шунинг учун бошига оқ
кигиз қалпоқ кийиб олган Тошмат қалпоқ тагидан
жавдираб Қўшоққа қаради.

— Хўш?— деди Қўшоқ, унга сўроқ аломати билан
қараб.

— Тун билан Шилдирда бўлдим. Каримовнинг у
ерда колхоз туздирмаганининг жони бор экан. Ҳамма
касфатлар ўша ерда экан. Гапингиз тўғрига ўхшаб
қолди, қишлоқ жимжит, худди ғўристон дейсиз. Мең
суриштириб қарайдим. Каримов аввалги кун Шилди-
ра борган экан, тайинлик одамларнинг гапига қара-
ганда, у Мирсалимбойнинг ҳовлисига тушган.

— Хунаса!— Қўшоқнинг оғзидан чиқиб кетди.—
Давом эт, гапир-гапир!

Тошмат давом этди:

— У ерда муштумзўрлар йиғилишган экан. Уша ўзингиз айтган аламзадаларнинг ҳаммаси бўлган. Сатин бойвачча ҳам, Сотволди оқсоқол ҳам, Мирсалимбой, Турди домла, Абдихолиқбойлар ҳам бўлган. Яна нотаниш бир ҳожи, ҳаҳ... нима деди отини... ҳа, Абдисамад ҳожи деган киши ҳам бўлган. Каримов аллақандай «марказ»нинг топшириги билан маъруза қилган, қўшни қишлоқлар ҳам биз билан баравар кўтарилади, «колхоз бўлмаймиз», «пахта экмаймиз» деган шпор остида чиқамиз, деган. Кейин, ҳалиги номаълум ҳожи вазифаларни аниқлаб берган. У, ҳозирча ҳукуматни ағдаролмаймиз, шунинг учун дастлаб ҳукумат ичидан ўз ўрнимизни олишимиз керак, деган. Биз деган, жамоа шўроларига бой, муллалар табақасидан ҳам вакиллар киритишни, колхозларни тарқатишни, хотин-қизлар озодлиги деган гапни юритмасликни, ширкатни тамом йўқотишни, ким қанча чоракор ишлатаман деса, ҳуқуқ беришни, ҳақли-ҳақсиз, деган гаплар бўлмаслигини талаб қиламиз, деган. У маслакдошларга далда бериб, бизни яшириниб куч тўйлаётган эски қўрбошилар, босмачилик ҳаракати даярида қурол, озиқ-овқат билан ёрдам бериб турган «ҳамкорларимиз» қўллаб-қувватлайди, деб ишонтирган.

— Ҳа-ҳа! Шунақа ишонганлари ҳам бор эканми? Улар ҳали ҳам тирик эканларми?!

— Қайдам! Ана шундай дептимиш. Кейин ўзининг ўша ишонган одамларига қишлоқ аҳолисини аядаб-авраб ўз қўлларига олишни, аҳолини исёнга тайёрлашни буюрипти, колхоз тузилган қишлоқларга ҳам одам юборипти. Ўзимизнинг одамлардан ҳамма қишлоқларда бор, қўрқманглар, — депти.

— Сен борганингда у ерда йўқ эканми?

— Йўқ экан.

— Ҳа-ҳа, одамлари бутун Ўзбекистонда бормиши? Кучанаверсин. Бузоқнинг югургани сомонхонага-ча дейдилар. Ана шу гап — ҳақ гап!

Улар кўприкка етиб келдилар. Қўшоқ от жиловини олар экан, Тошмат сабрсизлик билан сўради:

— Жуда оғирсиз, Қўшоқ ака, ахир уларнинг мўлжали эртага-ку. Жаниш акалардан дарак борми?

— Дарак йўқ! — деди хўрсиниб Қўшоқ, — ҳатто Марайим ҳам йўқолиб кетди. Шаҳарга кимни юборсак, дом-дараксиз кетяпти... Майли, сен шу ерда бўл, колхозчилар безовта бўлмасин, ўзингга ўхшаган

коммунистлардан яна икки кишини топиб менинг олдимга юбор. Мен идорада бўламан. Холиқ билан Саид-алимни юборсанг ҳам майли, бу ёғидан хавотир олманглар. Улар аллақачон ўраб олинган. Мен Сувюлдуз жамоаси томондан Қумрини юборган эдим, у тўғрилаб чиқди. У тўғри ГПУ га борган, ГПУ Райком билан боғланишган. Райком ҳам аллақандай кишиларни тутганми, сирдан воқиф бўлганми, ҳар ҳолда шундай яхши гаплар. Хуллас, ҳозир қишлоқни ҳамма томондан ГПУ ўраб ётипти.

Тошматнинг кўзи яшнаб кетди.

— Жим,— деди Қўшоқ жиддий,— оғзингга эҳтиёт бўл. Ҳали аниқланмаган сирлар, маълум бўлмаган кишилар бор. Уларни аниқлаш керак. Лекин колхозчиларимизга балли! Софдил, яхши кишилар-да. Биронтаси ҳам уларга қайишмаган. Бир-иккитамиз-ку борку-я. Мен уларни одам қаторида кўрмайман ҳам, қўрқоқ, ярамас кишилар. Нима бўларди, дейсан, душман ўзига ўхшаган ифлосни топади-да! Хайр, мен кетдим.

Қўшоқ отига минди.

— Ҳай, айтгандай,— деди у, Тошматга қайрилиб от устида,— агар Каримов кўриниб қолса, (у тулки чиқиши ҳам эҳтимол) сездириб қўйма! Қўшоқ излаб юрипти, сизни, де.

— Ака, бу ҳалиги Қўлдош, Жобирларга нима бўлди-а?

— Қўлдош қўрқоқлик қилди, у ёмон одамлар қўлига тушиб қолди. Жобирни билмадим, у бирдан йўқ бўлди қолди. Ким билади дейсан, қишлоғимиз нимага айланиб қолди... Одамнинг ичини билиш қийин экан, Тошмат полвон. Ёнингда юрган одам душман чиқиб қоляпти, бирдан ғойиб бўлиб қоляпти, сўйилиб кетяпти... Жуда эҳтиёт бўлиш керак, қулоқларнинг қутурган пайти:

— Жўравой ака нима бўлди, ундай бўлса, ака?

— Жўравой чиқади, келади Жўравой!

— Яшанг, ака!— деди хурсанд Тошмат. У, Қўшоқни кўприк устида узоқ кузатиб қолди.— Яшанг,— деди яна ўзича ва далага қараб кетди.

СИРЛИ КЕЧА

Ун тўрт кунлик тўлин ой нуруни қишлоқ устига жуда сахийлик билан сочарди. Қишлоқ худди олтин суви юритилган суратдай ярақларди. Агар майин шабада дов-дарахтлар баргини қимирлатмаса, ўхтин-ўх-

тин эшитилиб турган итларнинг хуруши бўлмаса, бу манзарани уста рассом қўлидан чиққан ажойиб лавқа деса бўларди... Кўчалар жимжит, ҳеч зог кўринмайди. Одамлар бир уйқуни олган, аммо оқшомда учрашган икки соя ҳамон кўчама-кўча, қадам-бақадам юрипти, уларнинг на гаплари тугайди, на юришлари. Булардан бошқа яна бир соя ҳам бор. У соя ҳам тинмайди, изма-из, қорама-қора юрипти, булар тўхтаса тўхтайдди, юрса-юради.

— Норхон,— деди икки соядан бири (унинг гап-риб чарчагани сезилиб турарди), чуқур нафас олиб,— наҳотки сиз олмагансиз.

— Тавба,— деди иккинчи соя — Норхон, жарангдор овоз билан,— наҳотки, сиз ҳам менга ишонмасангиз. Нима, олган бўлсам бермасмидим?! Намунча куйвердингиз ўша хатга, ордоналари қолсин! Ичига қизпиз ўраб қўйилганмиди! — шарақлаб кулди Норхон.

— Кулгига олманг, Норхон, мен жиддий сўраяпман.

— Мен ҳам жиддий сўраяпман, нега Исомиддинов билан юлдузларинг тўғри келмаяпти? Бирон сир борми?

— Айтдим-ку, мен у одамга ишонмайман, деб.

— Нега? Бирон гап пайқадингизми? Агар бирон гап бўлса хабар қилайлик...

— Хабар қилинган,— деди лоқайд Каримов.

— Қаёққа, Сувюлдузигами? — кулди Норбуви ва оғзидан чиқиб кетган бу саволдан ўзи қўрқиб кетди, бирдан Каримовнинг юзига қаради. Каримовнинг юзидан ҳеч нарса билиб бўлмас, тошдек қотиб қолган эди. Бир неча дақиқа даҳшатли сукунат ҳукм сурди... Ниҳоят, қатор қари толлар соясига етганларида Каримов тўсатдан тўхтади ва Норбувининг икки билагидан маҳкам ушлаб, уни силтаб ўзига қаратди:

— Ҳа,— деди у кутилмаганда,— Сувюлдузига! Хатни чиқар!

Норбувининг миясидан бир нарса гизиллаб товонига тушиб кетгандай бўлди-ю, қотиб қолди... Ҳамма шубҳалари бирдан ростга айланди... қаршисида катта, ашаддий душман пайдо бўлди... Қўрқиб кетди, зўрға ўзини тутди, бир зумда қишлоқ активларини, Исомиддиновни, Жўравойни эслади... Ҳа, Жўравой кўз олдига келди. Улар ҳозир худди Жўравойнинг томи орқасида турган эдилар. Қандайдир куч етиб келди унга, бир сесканди-ю, йиғиштиринди.

— Хатни чиқар, деяпман сенга,— деди яна Каримов ғазаб билан.

Норбуви яна жавоб қилмади.

— Хат қани, деяпман, сенга?!— деди у такрор.

— Хат жойини топиб кетган,— деди кескин қилиб ўзини тутиб олган Норбуви.

— Жойини топиб кетган?!— чўчиб гапирди Каримов изтиробда.

— Ҳа, худди шундай, афандим!

Каримов титраб кетди... Орқа-ўнгига қараб олди, жуда бамайлихотирдай кўринган Норбувига қўл югуртиролмади, орқасига тисланди ва ниҳоят ялинган тусда гап бошлади:

— Нор, жоним, муҳаббатимиз ҳаққи, ростини айт, ахир, у хат менинг ҳаёт-мамотим... Тушуняпсанми, ахир... Ҳа, ҳа, ўзинг ҳам тушундинг-ку; қўй, шу яланг-сёқларни, ташла, тупур ҳаммасига, хатни олиб чиқ, уйингда бўлса, кетамиз, узоқларга кетамиз. Сотволди оқсоқолларни ҳам, Мирсалимбойларни ҳам, ҳаммасини ташлаб кетамиз, курашмаймиз. Мен... Мен адашиб кириб қолганман бу йўлга, Нор, Норхон, жонгинам, сенсиз туролмайман, қасамёд қиламанки, қулинг бўлай, хатни олиб чиқ...

— Тур ўрнингдан, ифлос! Садқайи муҳаббат кет-э! Мана-мана сенга хат!— деб тарс-тарс тарсаки тортиб юборди. Каримов гандираклаб бориб ариққа йиқилди...

...Йиқилди-ю, энди ниқоби тамомила йиртилди, йиртқичларча ўрнидан турди-да:

— Жобир, — деди.

Жобир кўршапалакдай тол тўнкаси ортидан тўсиб чиқди:

— Лаббай, понсод!

— Мен сени ҳужрада кутаман! — деди-ю, жўнаб кетди.

Норбуви нима қиларини билмай қолди, ҳатто бақриришга ҳам улгуролмади, бўридай сапчиб келган шарпадан қочаман деди-ю, йиқилиб тушди ва оғзига тиқилган дўппини, кўкрагига ботирилган ханжарни билди, холос: Жобир, жон бераётган Норбувининг кўксига иккинчи марта ханжар урар экан, мункиб кетди ва ўстидан бехос босиб тушган оғир гавда остида эсанкираб қолди, ўрнидан туришга интиланган эди, ўнг қўлтиги тагига бегона қўл кирди-ю, биқинига пичоқ ботди.

Жобир жон аччигида сапчиб туриб кетди ва оғирлиги билан мункиб тагига тушиб қолган Турдинни кўр-

ди-ю, «ҳа хумсо!» деб хириллаганча, унинг қўлидан учиб кетган пичоққа ёпишди. Пичоқ ариқ ичида фақат қора сопигина кўриниб санчилиб ётарди. Иккалови ҳам ўша пичоққа интилардилар. Ниҳоят Жобир юмалаб сувга тушиб кетди ва пичоқни суғириб олиши билан Турди ҳам унинг устига ташланди, бироқ унинг остида қолган Жобир Турдини қорнидан тилиб ташлади. Турди «шилқ» этиб Жобирнинг тиззасига тушди, қолдан кетаёзган Жобир яна бир марта ханжар ботирди-да, ариқдан ўзини олди...

У қонга бўялган қолда худди мастлар сингари гандираклар толдан толга, девордан деворга ўтиб юрганда ой ботиб бўлган эди.

Қишлоқ ҳамон тинч, фароғатда ухлар, бу фожиага гўё парво ҳам қилмасди... Яна ўша майин шабада, яна ўша итлар хуриши ва сокин тун...

ДУШМАН ОЕҚ ОСТИДА

— Ана!... Ана!... Нор, Турдигўл, Жўраларини бошлаб келяпти, босиб келяпти, мени яширинлар!.. Яширинлар мени...

— Болам Жобирхон, улар йўқ эди, иккаловини ҳам қора ерга жўнатдинг, болагинам. Қўрқма, сени жуда қаттиқ яширганмиз. Сени бу ердан ҳеч ким тополмайди, тинчлан...

Жобир ўша кундан бери Марям бахшининг сомонхонасида ўзига келмасдан, алаҳлаб ётарди. Каримов уни тўғри шу ерга олиб келиб яширди-ю, дом-дараксиз кетди.

Марям бахши табиб олиб келди, домла-имом келтириб ўқитди, кинна солди ҳамки иссиғи тушмади; қон кўп кетган эди, табиб ҳам жўнгина табиб экан шекилли, бир нарса қилгани қўрқди, амал-тақал «дори» қўйиб боғлади-ю, қайтиб келмади. Марям бахши доктор чақиргани қўрқди, кинна солиб ўтираверди. Бунинг устига ҳар куни хабар олиб турган Сатин бойвачча ҳам бугун кўринмади. «Нима бўлди, фалокат юз бердимиз? Ёки эрта бўладиган газот ташвиши билан бандми?...»

Марям бахши шу хаёлда экан, эшик зулфини шилдираб қолди, ўзини ростлаб, келгувчига пешвоз турди. Эшик очилиб, аввал ичкарига нур югурди, тонг ота бошлапти, деди Марям бахши хаёлида, нурни тўсиб баланд бўйли, қўпол гавдали Сотволди оқсоқол кирди. У олазарак, шошиб гапирарди:

— Хўш, Жобирвойнинг аҳволи қалай?

— Эскича, — деди ташвиш билан Марям бахши.

Сотволди оқсоқол зах ва сомон ҳиди анқиб ётган сомонхонанинг ичкарасига — Жобир ётган томонга юрди. У овоз чиқмасин деб, сомонлар устидан оёқ учида ўтди ва ҳансираб ётган Жобирнинг оёғида тўхтади, гургурт чақиб афтига тикилди, афтига кўзи тушди-ю, чўчиб кетди, «ўлик-ку!» деди ичида, бирдан ёнида қўл қовуштириб турган Марям бахшига қаради ва энди овоз чиқариб мурожаат этди: — «ўлик-ку!»

— Йўқ, тирик! Эшитмаяпсизми, ҳансираяпти-ку! Узи шундай аҳволга келиб қолди...

Сотволди оқсоқол Каримовнинг топшириғини эслади:

— Шундай, — деди бир нафас жимликдан кейин. Марям бахшига у.— Ғазотга оз қолди, топиб берган хотинларинг ҳам дуруст чиқиб қолди, озгина пул билан лаққа тушди, гузарга борганда тўрт-беш марта шанғиллаб берса, бас! У ёғини ўзимиз тўғрилаймиз. Энди сен чиқолмайдиган кўринасан. Буни бу ердан йўқотиш керак, ҳали ҳам излашяпти, ҳали бир оздан кейин Шилдирдан Омон келади, бирга ўша ёққа олиб кетасанлар. Бу ерда ётиши хавфли. Каримов шундай деди.

— Хўп бўлади,— деди эгилиб Марям бахши. Оқсоқол бошқа ҳеч нарса демади, шошганича эшикка чиқди, эшикка чиқди-ю, яна шошиб қайтиб кирди, «Каримов келяпти», деди. Эшик тирқишидан қараб туриб гапиришда давом этди: «бир бало бўлганга ўхшайди, ҳаракати бежо, қочиб келяпти тавба... Лоилоҳа иллоллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ!.. Бу қанақа гап бўлди, тагин?.. Аланг-таланг...» •

Сомонхона эшиги тарақлаб очилиб кетди, худди биров итариб юборгандай зарб билан кириб, сомонхонанинг ўртасидаги йўғон устунга бориб урилди ва ўзини тутиб атрофга қаради, қоронғида ҳеч кимни кўролмасдан жони ҳиқилдоғига келди:

— Ким бор?!

— Ман, биз, биз бор!— деди кайфи учиб кетган оқсоқол.

— Ким? Кимсиз?!

— Биз, ҳалиги... Мен. Сотволди, Марям бахши...

— Минг лаънат!.. Эшикка тамба уринг!

Оқсоқол билан Марям иккалови шошиб-пишиб эшикка тамба қўйишиди-да, югуриб Каримовнинг олди-

га келишди. Каримов ҳамон нафасини ростлолмас эди. Унинг биринчи саволи Жобир ҳақида бўлди:

— Жобир тирикми?

— Тирик,— деди Сотволди оқсоқол билан Марям бахши баравар.

— Омон ҳали ҳам келмадимми?

— Йўқ!— деди оқсоқол.

— Лаънати!— деди титраб Каримов.— Кечикдик, бунга ҳам кечикдик... Энди олиб кетиб бўлмайди. Ҳушига келдимми?

— Йўқ...

— Яхши!.. Яхши!.. Оқсоқол, ўлдилинг уни!

Оқсоқолнинг жони ҳалқумига келди, кўзлари қиндан чиқиб кетгундай бўлиб унга тикилди.

— Нима дедингиз?!

— Ўлдилинг! Бўғиб ўлдилинг! Тезроқ! Бўлмаса ўзимиз, сиз, мен, Марям бахши отиламиз!.. Ҳамма иш хароб бўлди. Бизни ГПУ ўраб олди, ҳа Исомиддинов ўраб олди. Шилдирдагилар ҳаммаси қамоққа олинди, Сатин ҳам, Мирсалимбой ҳам, Турди домла ҳам, Абди-холиқбой ҳам қўлга тушди.

— Ҳожи-чи? Ҳожи нима бўлди?

— Абдусамад ҳожини ажал ҳайдаб келган экан. Бизга вакил керак эмас, ўзимиз ҳам эплай оламиз десам, ўзи талабгор бўлиб келди... Жуда кўп тузоқлардан чиқиб кетган эди, бу гал омади келмади. Жуда уста, тулки одам эди. Уша вақтда қўрбошиларимизга Афғонистон орқали аслаҳа етказиб бериб турганларнинг бири ҳам шу эди. Чет элларда жуда кўп катта дўстлари бор эди. Ёмон бўлди, хароб бўлдик, охирги ушлаб турган илдизимиз ҳам юлиниб кетди...

Каримов ортиқ тик туролмади, гандираклаб сомонлар орасига кирди ва Жобир ётган ерга бориб ўтирди.

Қоронғи тушгунча шу ерда ўтирамиз. Қоронғи гушиши билан Сувюлдузга ўтиб, агар у ердагилар омон бўлса, тонг отгунча жойимизни топиб кетамиз... Оқсоқол, кўзим олдида ановини саранжомланг!

Довдираб қолган оқсоқол нима қиларини билмай ўрнидан телва-тескари турар экан, ҳовли томонда гувур эшитилиб қолди, гувур борган сари сомонхонага яқинлашарди. Каримов сапчиб ўрнидан турди ва теда алаҳсираб ётган Жобирнинг бошига ўтди. Оқсоқол билан Марям бахши турган жойларида дир-дир қалтирашарди. Каримов жон аччиғида устунда осиглиқ

турган югани суғуриб олди-да, шартта Жобирнинг бўйнига солди ва тизгини билан бўға бошлади...

Гувур сомонхона эшигига етиб келди. Тизгин билан икки айлантириб бўғилган Жобир бирдан ўзига келди ва кўзларини катта-катта очиб хириллади.

— Дод!.. Дод!..

Сомонхона эшиги олдига келган кишилар эшикни қаттиқ тепа бошладилар.

Эшик синиб тушди, сомонхонага худди сув уриб кетгандай ёпирилиб бир неча одам кирди. Тонг ёруғи билан сомонхона гира-шира ёриди. Марям бахши бир томонда шипгача уйилиб ташланган пичанлар орасига кириб кетди, Сотволди оқсоқол тиззасидан сомонга ботган ҳолда орқа томондаги туйнукка қараб югурди, Каримов Жобирнинг томоғини қўйиб юбориб, ўзини устун панасига олди.

Сомонхонага кирганлар қоронғида кўзлари жимирлашиб йўл тополмай қолишди. Каримов Жанишнинг овозини эшитди:

— Қорама-қора келиб шу ерда йўқотдим, шу ҳовлига кирди-ю, ғойиб бўлди, занғар.

— Ҳозиргина «дод» деган овоз ҳам чиқди-ку!

Жўравойнинг овозини эшитди Каримов ва беихтиёр бош кўтариб қаради, ҳа, дарҳақиқат у Жўравой эди. Қўлида тайёр турган маузерини кўтариб уни нишонга олди... Бироқ бизни тополмай қайтиб чиқиб кетишар балки, деган умидда бу фикридан қайтди, отмади. Шу вақт орқадаги туйнукдан тушиб турган ёруғ бирдан бекилиб қолди, Марайим кимдир ундан чиқиб кетаётганини кўрди:

— Жаниш, югур орқадан! Чиқиб кетяпти.

— Ҳовлиқманг, — деди номаълум товуш, ҳовлини аскарларимиз ўраб олган, қочган билан қутулолмайдим.

Шундай бўлса ҳам Марайим ўзини тутолмай туйнукка қараб югурди. Югурди-ю, сомонлар устига чиқмасидан ўққа учиб йиқилди. ГПУ одамлари ва Исомидиновлар худди команда берилгандай ерга ётишди. Каримов кетма-кет яна бир неча ўқ бўшатди. Лекин бу сафар ҳамма ўқи ҳам бекор кетди. ГПУ аскарлари бир нафасда уларни ўраб олди, Каримов жон аччиғида бутун ўқини бўшатди, бир аскарнигина яралай олди, холос. Каримовни ушлаб боғладилар, туйнукка қисилиб қолган Сотволди оқсоқолни ҳам тортиб олдилар. Пичан тагига кириб кетган Марям бахшини оёғидан

ушлаб суғуриб олдилар. Тизгин билан бўғиб ўлдирилган Жобир ҳам ҳовлига олиб чиқилди.

Тошмат югуриб кириб келди. У қўлга тушганларни кўрдию, гапиролмай уларга тикилиб қолди.

— Гапир, жима гап,— деди Қўшоқ унга жеркиб.

— Бутун жамоа йиғилиб бўлди. Уртоқ Исроилов сизларни кутяпти.

— Яхши!— деди Исомиддинов,— ҳозир кетяпмиз. Жаниш қани?

— Жаниш Марайимнинг ярасини боғлаяпти.

— Ҳа, мен ҳам шуни демоқчийдим, уни...

— Икки ярадорни санчаства олиб кетишади,— деди ГПУ кишиси.

Асирларни гузарга олиб кетишди...

Қишлоқ кўчалари худди байрам тусини олган, ҳамма хуррам, ҳамманинг чеҳрасида баҳор нашъаси акс этарди. Уларнинг юриш-туришларидан, қишлоқ манзарасидан уларнинг ҳамма ифлосликлардан пок этилгани, эркин, қувноқ нафас олаётгани сезилиб турарди. Гузар тўла одам, бутун жамоа бугун шу ерга йиғилган. Бу сафар на муштумзўрдан, на уларнинг ҳимоячиларидан, на зўравонларидан нишон бор! Ҳамма ёқда колхозчилар, батраklar, камбағаллар, янги ҳаётнинг ҳақиқий хўжайинлари! Уларнинг чеҳраларида ҳаёт, ғалаба ва ғайрат ифодаси порларди! Ҳаёт — янги, қудратли, социалистик ҳаёт катта ва кенг қадамлар билан илгариламоқда, Совет ҳокимиятини, шонли Коммунистик партияни шарафлаган қўшиқ билан олға кетмоқда! Унинг қаршисида қуёш кўтарилди, заррия нурларини улар йўлига пояндоз этди...

ЯНГИ ЗАМОН КУЙЧИСИ

Сал кам етмиш йил мобайнида ўзбек совет адабиёти ўси, улгайди: ўзбек ёзувчилари асарларини иттифоқимиздагина эмас, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўқимоқдалар. Адабиётимизнинг вояга етишига юзлаб ижодкорлар муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳозирги ёш авлод адабиётимизнинг пойдеворини қуришга хизмат қилган, ҳаётдан эрта кетган ёзувчилар — субҳидамда учган қалдирғочлар ижодини яхши билмайди. «Душман» романининг автори Ҳусайн Шамс жўшқин ижодкор, инқилоб фарзанди эди. У Ҳамзанинг ҳамшаҳри — қўқонлик эди. Ҳамза сингари, қирқ йилгина яшади. (1903—1943). Ҳусайннинг суяги меҳнатда қотди: у Қўқон, Самарқанд, Тошкент босмаҳоналарида ишлади. Ҳамзанинг юраги уришдан тўхтаган йилдан эътиборан Ҳусайн Шамс ижтимоий-адабий ҳаётда етакчилик қила бошлади. «1930 йилда Ўзбекистон матбаа трестига, 1931 йилда Ўзбекистон Пролетар Ёзувчилари ассоциациясида, «Ўзбекистон совет адабиёти ва санъати» журналинда ишлади. 1936 йилда Ўзбекистон Ёзувчилари Союзига секретарь бўлди. 1939 йилда Ўзбекистон Давлат нафис адабиётлар нашриётининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. Кейин «Мушкет» журнаliga редакторлик қилди». Инқилобий ҳаёт, юрагида ёлчи, қалбида ўти бор кишиларнинг белига ғайрат камарини боғлади. Машҳур рус шоири Н. Некрасов ўз шеърларининг бирида: «Шоир бўлмаслигинг мумкин, аммо гражданин бўлишинг шарт», — деган эди. Инқилобий ҳаёт ижодкорлардан қадоқ бўлликни, ҳар соҳада актив курашчанликни тақозо қила бошлади. Ҳусайн Шамс адабиёт даргоҳига Ғафур Ғулوم, Ойбек, Ҳамид Олимжонлар билан бир пайтда — 20-йилларнинг бошларида ишчи — шоир сифатида кириб келди. Унинг «Гудок», «Сигнал», «Қурилиш» тўпламларига «Ёш ишчи», «Заводада», «Ишчи», «Меҳнат», «Меҳнат хотиралари», «Дастгоҳ сочмаси», «Ҳарф терувчилар», «Станок фронт эмасми?!», «Терим ашуласи» сингари шеърлар киритилган. Унинг «Тракторчи қиз», «Дастгоҳ қўшиғи», «Зарб» поэмаларида ҳам социалистик меҳнат кишиси образи яратилди. Ҳусайн Шамснинг «Учинчи бригада», «Заводдан қишлоққа» номли кичик драмаларида ҳам ишлаб чиқариш мавзуси асос қилиб олинади.

Социалистик меҳнат мавзуси, меҳнат кишиси образи Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Миртемир, Шайхзода ва бошқа ижодкорлар томонидан кўплаб яратилди. Бугунги китобхон учун социализм қурилиши даври адабиётининг мавзуси бир оз чеклангандай, ҳаёт барча томонлари билан акс этмагандай туюлади. Аслида, адабиёт ҳаётни ҳаққоний акс эттирган кишилардаги яратувчилик кайфиятини, меҳнат шижоатини кўрсатган эди. Иккинчидан, гўзаллик деганда кўпроқ инсон меҳнатининг самараси тушунилган. Гўзалликнинг «ижтимоий» концепцияси ҳақли равишда санъат ва адабиётнинг назарий асоси бўлиб қолаверади. Лекин бадиий адабиётдаги гўзаллик сфераси кенгайиб бормоқда. Хусусан, табиат гўзаллигини акс эттириш, табиийлик қадрига етиш сўнгги йиллар адабиётида кучайиб бормоқда. Социализм қуриш давридаги революцион руҳ, шижоаткорлик меҳнат темасини асосий қилиб қўйган бўлса, илмий-техника революциясининг натижалари ҳозирги адабиётда табиатни тасвирлаш, уни гўзаллик манбаи қилиб кўрсатишни тақозо этмоқда. Шундай қилиб, адабиётнинг ҳаёт билан узвий боғлиқ-

янги ва фалсафий-эстетик қарашлар бир-бирини бойитиб, тўлдириб ёсради. Адабиёт ва санъатда янгича, мукаммал қарашларнинг пайдо бўлиши, гарчи яқин ўтмиш бўлса-да, социализм қурилиши даври адабиётига, айрим ёзувчилар ижодига тарихийлик принципи нуқтаи назаридан қарашни тақозо этади. Хусусан, Ҳусайн Шамс ижодини ўрганар эканмиз, уни даврнинг ижтимоий-тарихий талаблари даражасидан келиб чиқиб баҳолашимиз жоиз.

«Душман» — Ҳусайн Шамс ижодининг бош китоби, ўзбек совет прозасининг тўнғич романларидан бири. Абдулла Қодирий, Садриддин Айнийдан сўнг Абдулла Қаҳҳор ва Ҳусайн Шамслар ўзбек совет романчилигига ҳисса қўшдилар. Илк ўзбек совет романлари ўз биографияларини бошлаганларига эндигина эллик-олтмиш йил тўлди. Ҳақиқий бадиий асар замонлардан замонларга ўтиб юраверади, янгидан янги авлодларнинг маънавий бойишига ҳисса қўшаверади. Бадиий асардаги, ҳаётий материал, қаҳрамонлар маълум даврни китобхон кўз ўнгига жонлантиради. Бадиий асар моҳиятида шундай манба, қудрат бўладики, у асарлар оша замонавийлик касб этади. китобхонни тўлқинлантиради, қалбидан мустаҳкам ўрни олади. Бадиий асардаги бу сеҳрли манба, табиийки, ёзувчининг истеъдодига боғлиқ. Асар кучли эҳтирос, улкан истеъдод, теран концепциянинг самараси ўлароқ туғилса, замон ва макон кенглигида бемалол ҳаракат қилади. Ҳар бир даврдаги адабий жараён улкан, истеъдодларнинг етишишига замин ҳозирлайди. Ҳусайн Шамс — социализм қурилиши даври адабий жараёнининг намояниси, «Душман» романи — ўша замон прозасининг намунаси. Ҳусайн Шамс катта мақсадлар билан яшайдиган шахс — ижодкор эди. Унинг шеърлари поэмалар учун «йўл очган» бўлса, ҳикоялари, жилғалар мисоли, дарёга — «Душман» ва «Хуқуқ» романига йўналтирилганлигини сезиш қийинмас. «Ишламай тишлаган — оғримай ўлади» ҳикоясидаги воқеалар «Илдам» колхозида рўй беради. Ҳикоядаги Бегмат, Турди сингари персонажлар «Душман» романида ҳам қатнашадилар. Ҳикояда эпиклик белгиси кўзга айнан кўриниб туради. «Ишламай тишлаган — оғримай ўлади» ҳикояси «Душман» романининг ихчам макетига ўхшайди. «Кузги жазава» ҳикоясида колхоз тузумининг душманлари — Ҳасуд домла, Ёрмат кесак образлари яратилади. «Душман» романидаги Мирсодиқ, Сотволди оқсоқол, Сатинбойлар кўп жиҳатлари билан ҳикоядаги типларга ўхшаб кетадилар. «Душман» романидаги Жаниш узоқ муддат ўзги йўлни тополмай юрди, бойга ишонди, ле тўдасидан айрилди. «Бўтабойнинг кўзи очилди» ҳикоясида, Жаниш сингари, ўз ҳақ-ҳуқуқини танимай юрган, оёқости қилинган батрак образи яратилди. «Саржанг бува» ҳикоясидаги қария «Душман» романидаги кўпни кўрган, мантиқли мулоҳазалари билан кўнчилик ҳурматини қозонган Ёқуб отани эслатади. Нормат пучуқ («Ишламай тишлаган — оғримай ўлади»), Юнус ака («Ҳанг қилиш орзусида») сингари ҳаётий қаҳрамонлар ёзувчини катта жанрга қўл уришга ундади. Ҳикоячилик ёзувчи учун маҳорат мактаби бўлди. Ёзувчи қаҳрамонларни «ярқ» этиб кўрсатишни, ҳолатни тиниқ тасвирлашни ҳикоячиликда эгаллади. Фақатгина кўрган одамгина қўйидаги тасвири бера олиши мумкин: «Маҳсиннинг гулчини йиртигидан чиқиб турган пайтава суюқ лойларни сачратиб, этагига хол солиб боради...» Ҳусайн Шамс ҳикояларида маҳоратнинг етишмаслиги ҳам сезилади. Ёзувчи баъзан гоёни иллюстрация қилади. Ҳикояларнинг номланишиёқ («Ишламай тишлаган — оғри-

май ўлади», «Бўлабойнинг кўзи очилди», «Қасос оламиз») гап нима ҳақида боришини кўрсатиб туради. Кўпчилик ҳикояларда ҳолис тасвирдан кўра авторнинг кайфияти, муносабати етакчилик қилади.

Ҳусайн Шамс ўзбек адабиётида илк бор трилогия яратишига жазм этган ёзувчи эди. «Ҳуқуқ» романида ёзувчи ўзбек ишчи синфининг шаклланишини Содиқ характери орқали ёритмоқчи эди. Асарда рус, ўзбек ва бошқа миллат кишиларининг дўстлиги кўрсатилади. Афсуски, бу кенг планли асарнинг иккинчи, учинчи китоблари яратилмади — ёзувчи гоёси тўла шаклланмади.

«Душман» романини ёзишда Ҳусайн Шамс, табиийки, М. Горький, М. Шолохов, А. Фадеев, А. Қодирий, С. Айний сингари романнавислар тажрибасига суянди. Ҳар бир қаҳрамон ҳақида бирон бобда тўла маълумот бериб бориш Абдулла Қодирий ижодий мактабининг сабоғи эканлиги англашилади. «Душман» романини ўқишга киришар экансиз, новча, ориқ, қирра — бўрун Қўшоқ билан калта, семиз, бужур Жобирнинг ўзаро чандишларининг гувоҳи бўласиз. Шу заҳотиёқ ёдингизга «Меҳробдан чаён» даги узун-қисқа қизиқлар қилмиши тушади. Романдаги аёллар исёни, шаҳарлик ишчи Исомиддиновнинг қишлоққа чиқиб келиши «Очилган қўриқ»даги воқеаларни, Семён Давидов образини эслатади. Ҳусайн Шамснинг устоз санъаткорлар асарларидан таъсирланиши, улардан ўз романида фойдаланиши «Душман»нинг қимматини пасайтирмайди. Аксинча, адабий жараёндаги ўзаро таъсир, мусобақа қонуниятини ёдга солади.

Ҳусайн Шамс романини 30-йиллардаги тарихий-маданий қатлам нуқтаи назаридан тўғри баҳолаш мумкин. Аммо уни бугунги романчилик талаблари асосида таҳлил қилиш мумкин эмас. Роман ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилмоқда, етук романнавислар тажрибалари типологик, қиёсий ўрганилмоқда. Лекин ҳануз нисбатан ёш бу жанрнинг узил-кесил таъриф гувоҳи йўқ. Очиги, романининг қотиб қолган, ўзгармас сўзлар билан таърифланишининг ўзи ғалати туюлади. «Уруш ва тинчлик» романи жанрини оддийгина қилиб «китоб» дея қўя қолганида, Лев Толстой роман ҳақида қанчадан-қанча мулоҳаза юритмади дейсизми?! Роман ҳануз ўсиш, мукамаллашмиш босқичини ўтамоқда. Бу ҳол, айниқса, унинг поэтикасида кўзга аниқ ташланмоқда. Ҳозир роман мазмунини имкони борича тараққийтириш, шаклини эса мумкин қадар ихчамлаштириш тенденцияси сезилмоқда. Ёзувчи маҳорати ниҳоятда ўсган, китобхон савияси юқори даражага кўтарилган халқ адабиётидагина бунга эришиш мумкин эди. Мазкур йўналишда яратилаётган баркамол романларда ёзувчининг ҳаётий-фалсафий концепцияси, ижтимоий тараққиётга муносабати, келажак олдидаги масъулияти тўлалигича акс этмоқда. Мана шу хусусият роман поэтикасида яхлитлик, бир бутунликни ҳар қачонгидан кўра ҳатийроқ тақозо этмоқда. Роман материалнинг узук-юлуқ бўлиши, характерлар мантиқига риоя қилмаслик, изчил услубий тасвир йўлини тутмаслик у ёқда турсин, ундаги ҳар бир «ҳужайра»нинг ўз ўрнида бўлиши, оҳанг гармониясига ҳам изчил риоя қилиш талаб қилинмоқда. Романда воқеалар бирлиги, сюжет яхлитлиги у ёқда турсин, ёзувчи туйғуларининг яхлитлиги ҳам китобхон диққатини жалб этмоқда.

Романга бўлган талаб шу даражада ўсган, китобхон диди ниҳоятда ривожланган бир пайтда унча-бунча асарни ўқувчи ҳукмига ҳавола қилиш мушкул. Ҳусайн Шамснинг «Душман»

исари ўз даври адабий муҳити хусусиятларини мужассамлаштирган, адабиёт тарихи мулкига айланган асар сифатида ўқувчи диққатини жалб этади. Романи, Ҳ. Шамс ижоди сингари, тарихийлик принципи нуқтаи назаридан ўрганамиз. «Душман» романи чоп этилганига ярим аср бўлди. Унда ҳозирги китобхонни жалб этадиган хусусиятлар талайгина. Хусайн Шамс янги инсон характерида, психологиясида рўй бераётган ўзгарिशларни кўрсатади. Романда халқдаги революцион кайфият, шижоат тўла акс этган. Унда — на ижобий, на салбий кучларда, на автор позициясида — лоқайдлик йўқ. Мафкура, синфий манфаат учун кишилар тўғри маънода жиққамушт бўлишдан тоймаганлар. Асар қаҳрамонларидан бири Қўшоқнинг синфий душмани Жўбирга қарата айтаётган мана бу гапларида сохталик йўқ, унинг тили — дилини аниқ ифодаламоқда: «Андиша? Яна андишамми? Ахир, андиша қила-қила елкаларимиз яғир бўлиб кетди-ку!.. Сандақа муттаҳамлар андишадан фойдаланиб, бизни роса эздиларинг-ку, шу етмасмиди? Яна андиша керак бўлиб қолдимми?.. Уйладингки, қишлоқлар, камбағаллар аҳмоқ, водон бўлишади, нима қилсам — билмайди, нима десам — индамайди, деб?! «Қамбағалман, батракман», деб эски чопонга ўралиб, бизнинг ишимизга раҳна солаётганингни билмаймизми, а, гапир, валломат?!»

Қўшоқ куйиб-ёниб гапирса, Жўра ишбоши мулоҳазакорлик билан сўзлайди, Норбуви ҳар қачон, ҳар қандай вазиятда коллектив манфаатини кўзлайди, Исомиддинов — кўпни кўрган, суяги меҳнатда қотган, самимий инсон. Булар — асарнинг асосий, ижобий қаҳрамонлари. Бош қаҳрамонларнинг бунчалик кўи бўлиши жамиятни кўпчилик, халқ бошқаришига ишора. Ёзувчи гоҳ батракком раисини Норбувини, гоҳ колхоз раиси Жўрани, гоҳ шаҳардан юборилган Исомиддиновни, гоҳ Жўранинг ўрнига раис бўлиб турган Қўшоқни, гоҳ комсомоллар сарқори Қўлдош-ни биринчи планда тасвирлайди.

Хусайн Шамсда воқеликни кенг тасвирлаш маҳорати сезилади. Романда қишлоқ аҳлининг умумий мажлиси, аёллар исёни, пейзаж тасвири ишонарли берилган. Китобхон романдаги кенгликни ҳис қилади, воқеалар ичида югандай, қаҳрамонларни аниқ-равшан ўргандай бўлади.

«Душман» романи хотимаси халқ оғзаки ижоди асарларидаги яқунни ёдга солади: «Қишлоқ кўчалари худди байрам тусини олган, ҳамма хуррам, ҳамманинг чеҳрасида баҳор нашъаси акс этади. Уларнинг юриш-турушларидан, қишлоқ манзарасидан уларнинг ҳамма ифлосликлардан пок этилгани, эркин-қувноқ нафас олаётгани сезилиб туради».

«Душман» романининг ютуқ-камчиликларида 20—30-йиллар адабий жарёнининг белгилари акс этган. Мазкур асар ўзбек совет прозасидаги тўнғич романлардан бири сифатида диққатга сазовордир.

Абдуғафур Расулов

МУНДАРИЖА

Биринчи боб	5
Иккинчи боб	17
Учинчи боб	26
Тўртинчи боб	41
Бешинчи боб	51
Олтинчи боб	64
Еттинчи боб	97
Саккизинчи боб	119
Тўққизинчи боб	125
Ўнинчи боб	140
Ўн биринчи боб	154
<i>А. Расулов. Янги замон куйчиси.</i>	<i>164</i>

На узбекском языке

КУСАЙН ШАМО

ВРАГ

роман

Редактор *Н. Содиқов*
Расм Д. *Мурсалимов*
Расмлар редактори *М. Карпузас*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректорлар *О. Турдибекова,*
С. Тоҳирова

ИБ № 2789

Босмахонага берилди 22.12.83. Босишга рухсат этилди 09.07.84. Формати 84×108^{1/4}. Босмахона доғози № 3. Мактаб гарнитураси. Юқори босма Шартли босма л. 8,82. Шартли кр.—отгиск. 8,82. Нашр. л. 9,17. Тиражи 35000. Заказ № 914. Баҳоси 1 с.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонаси, Тошкент—700002. Ҳамза кўчаси, 21.